


ИСОҚЖОН НИШОНОВ

2



АФҒОН ШАМОЛИ

ҚОПҚОН

1448/52000/ 21.11.23

84(5Ў)7 Н 69 1 нусха	126601
	Исоқжон Нишонов
	АФҒОН ШАМОЛИ Қопқон 2-китоб
7000 с	
12.9.24	

1

Урррр



ИСОҚЖОН НИШОНОВ

АФҒОН ШАМОЛИ

ҚОПҚОН

Иккинчи китоб



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2016

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

Н – 69

Нишонов, Исоқжон

Афғон шамоли: роман. Қопқон. Иккинчи китоб. Исоқжон Нишонов. Тўлдирилган қайта нашри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 224 б.

ISBN 978-9943-27-813-4

«Худди қиёмат қойим бошлангандек ҳамма хар ёққа қоча бошлади. ...Юз метрлар нарига тушган снаряднинг гумбурлаган овози еру қўкни ларзага солди. Абдурасул ерга экиб қўйилгандек танаси ер остида, боши ер устида. Ҳеч ким бу бошни кўрмади. Кимдир тақали этиги билан қурбақани босгандек қонга ботган бошни топтаб ўтди. У бу азобларга дош беролмаслигини тушунди. Шунда Абдурасулнинг кўз олдидан туғилиб ўсган юрти, ота-онаси, ёр-дўстлари ўтди. Беихтиёр вужудини тарқ этаётган бор қувватни йиғиб «Онажо-о-н» деб кичқирди...»

«Афғон шамоли»нинг иккинчи китобидан олинган шу кичик парча ўз ватанида яратиш, яшнатиш, билим олишга қодир бўлган ўзбек ўғлонининг бегона ерларда ёт ғояларга асир бўлиб қанчалар хор бўлганини кўз олдимизга келтиради.

Асар давомида китобхонлар ватанига, халқига хиёнат қилган, шунингдек, ўз қилмишларидан пушаймон бўлган бошқа қаҳрамонларнинг ҳам бошидан кечирганлари, ички кечинмаларидан огоҳ бўладилар.

Асар кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-813-4

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Иккинчи китоб. «Наманган», 2013 йил.

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Иккинчи китоб. «Янги аср авлоди», 2016 йил.

ЮРТДА

Криминал вазият мураккаблашиб бораётгани боис, вилоят партия қўмитаси раҳбарларининг илтимосига биноан, Евгений Михайлович Титов ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди. Янги раҳбар идорасидан олис бўлмаган ҳовлида истиқомат қиларди. Унинг ходимларига ибрат бўладиган хислатлари кўп эди. Ишга пиёда бориб келишга одатланган. Эрталаб уйқудан барвақт уйғониб, бадантарбия билан шуғулланиб, кейин ишхонасига йўл оларди. Навбатчилик қисмида тўхтаб, тунда содир этилган воқеа-ҳодисалар ҳақида ахборот олиб, кейин бошқарманинг унча катта бўлмаган ҳовлисига ўтади. Гулзорларни айланиб, шабнам қўнган гулларни ҳидлаб, кейин хонасига чиқади.

Евгений Михайлович бугун ҳам одатини тарк этмаган ҳолда ишхонасига барвақт келди. Навбатчи зобит тунги воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумот берди. Иккита майда ўғрилиқни ҳисобга олмаганда вилоятда осойишталик. Полковникнинг кўнгли хотиржам тортди. Бугун байрам бўлгани учунми ёки иш режасига биноанми, қурол-аслаҳа омборини кўздан кечириш мақсадида ертўлага тушди. Ортидан навбатчи эргашди. Хира чироқлар қўланса ҳид келиб турган йўлакни

фира-шира ёритиб турибди. Омборнинг темир панжарали эшиги қия очик қолган. Сигнализация ўчирилган. Полковник нарида тўхтаб навбатчига юзланди. Қарашларида «нима гап» деган мазмун бор. Навбатчи оғиз жуфтлаганда Евгений Михайлович қадами ни тезлатиб омбор томон юрди. Ичкарининг чироғи ёниқ эди. Асабий ҳолда эшикни тортди. Панжарага илиб қўйилган кулф бошлиқнинг оёғи остига тушди. Омбор бошлиғи Мамедов полковникни кўрди-ю, жиноят устида қўлга тушган ўғридек бақрайганча қотиб қолди. Юзи оқарди, қўл-оёғи титради. Ерда бир неча дона «Калашников» автомати, «Макаров» тўппончаси ва ўқлар сочилиб ётибди.

– Нима қияпсан? – яқин келиб сўради Титов.

– Қуролларни текширяпман! – ўрнидан туриб қаддини фоз тутишга ҳаракат қилган омборчи қалқиб кетди. Вужудидаги титроқ овозига кўчди.

– Жуда вақтли келибсан-да!

Қурол-аслаҳаларнинг ерда сочилиб ётиши полковникнинг кўнглида шубҳа уйғотди.

– Бугун байрам, ўртоқ бошлиқ, омборни кўздан кечириб қўйгим келди-да!

Титов тажрибали, ўта ҳушёр, синчков, бунинг устига одам руҳиятини яхши биладиган раҳбар эди. Мамедовнинг ўзини тутолмаслиги, юз-киёфасининг санокли дақиқаларда ўзгариши, овозидаги ҳаяжон нимадандир қаттиқ қўрқаётганини ошкор қиларди.

Полковник навбатчига юзланди.

– Омборнинг очилгани ҳақида нега менга ахборот бермадинг?

– Унутибман, ўртоқ бошлиқ!

– Эшикларни кулфла!

Титовнинг омборчидан шубҳаланишига асоси бор эди. Икки ҳафта бурун омборчи бошлиқнинг ҳузури-

га кириб, юртига кетмоқчи эканини айтганди. Бирок кетишига сабаб бўладиган жиддийроқ баҳона тополмади. Бундан ташқари, давлат хавфсизлик қўмитаси кейинги пайтларда экстремистик гуруҳ аъзолари курул-аслаҳалар тўплаётганлиги ҳақида бошқармага ташвишли маълумотнома жўнатган эди.

Мамедов ортидан биров итараётгандек судралиб ташқарига чиқди. Навбатчи эшикка кулф солди. Бошлиқ тамға урди. Титов омборни тафтиш қилишга буйруқ берди.

Прокурор Содиқова беш кишидан иборат гуруҳ иштирокида омбордаги курул-аслаҳа ва ўқ-дориларни бирма-бир кўздан ўтказди. Текшириш тун ярмида якунланди. Олти дона «Калашников» автомати, ўттиз дона «Макаров» тўппончаси, икки минг дона ўқ кам чиқди. Шунча курул-аслаҳа, ўқ-дори қаерга кетди?

Содиқова бу саволга жавоб олишни эрталабга қолдириб, Мамедовни шаҳар қамоқхонасининг вақтинча ушлаб туриш изоляторига жўнатди.

Содиқова Мамедовни сўроқ қилиши ҳамда йўқолган курул-аслаҳа, ўқ-дориларнинг қаердалигини аниқлаш мақсадида эрталаб турмага келди. Йўлакда бошлиқ билан учрашиб, бир неча дақиқа суҳбатлашиб қолди. Прокурор икки нафар ходим билан Мамедов ётган камерага йўл олди. Навбатчи эшикни очганда туйнукдан тушиб турган куёш нурлари Содиқованинг кўзини қамаштирди. Гумон қилинувчини кўролмади.

— Махбус қани?! — сўради прокурор турма назоратчисидан. Улар ичкарига мўралашди. Махбус ётадиган каравот бўш эди. Ҳаво алмашиб туриши учун ўрнатилган туйнук ортидаги темир панжарага боғланган матони, сўнг шу матога ўзини осиб қўйган Мамедовнинг танасини кўришди. Содиқованинг туни билан ўйлаган режалари чиппакка чиқди. Шу тариқа вилоят

ички ишлар бошқармасининг қурол-аслаҳа омборидан йўқолган автомат, тўппонча ва ўқ-дорилар сувга тушган тошдек ном-нишонсиз кетди. Улар кимнинг қўлида? Тергов-суриштирув органларининг ходимларини шу савол ўйлантиради...

САМАНГАН

Куз охирлади. Тошларнинг панасида димиқиб ётган изғирин кўзларини ишқалаб-ишқалаб хавонинг тафтини синдирди. Тоғларнинг ҳайбатли чўққилари оқарди. Ўт-ўланлар сарғайиб дилдиради. Дарахтлар баргларини тўкди. Совуққа чидамсиз қушлар ошёнларини тарк айлаб, қанотларини ёйиб, бўйинларини чўзиб, мунгли кўзлари ила дон излаб, одамлар яшайдиган жойларга парвоз қилди. Қишнинг барвақт келишини, тоғларни қалин қор босишини **жониворлар** олдиндан билган. Бироқ улар Саманган осмонини икки йилдан буён четлаб ўтишарди. Қишлоқ ҳамиша хатарли эди. Бу ерга ин қуриб олган жангарилар жониворларни қишлайдиган қўналғасидан қувиб солишганди. Момақалдиروқни эслатувчи қийқирик ва бақириқлар, пала-партиш ўқ узишлар қушларнинг юрагини безиллатиб қўйган. Жангарилар бу **жониворларни шафқатсизларча** **отишар**, гўштларини нимталаб, сихга тортиб, чўғда тоблаб ейишарди.

Тўпидан айрилган ўн чоғлик каклик кутилмаганда қишлоқ осмонида пайдо бўлиб қолди. Улар адашган эди. Ку-кулаб шерикларини излаб, ер бағирлаб учиб боришарди. Шу тариқа чодирларга яқин бориб қолишганини сезмай қолишди. Яйловда машғулот ўтаётган жангарилар какликлар овозини эшитиб, тезда қуролларини қўлларига олиб, қушларга қарата ўқ узишди. Какликлар шу заҳотиёқ хавфни сезиб

юқорига кўтарилди, ва ҳар томонга ёйилиб учиб кетди. Шундай бўлса-да, ўқлардан бири йўлбошловчи какликнинг қанотини тешиб ўтди. Жонивор ерга қулади. Қолганлари эса йироқларга кетди. Жангарилар овчи итлардек какликни излашди.

Ўқ овозини эшитган Эргашнинг юраги қалтиради. Ўзини одамнинг боши сиғадиган туйнукка урди. Яйловда юрган йигитлардан бири ҳали жони чиқмаган, патлари қон-қушга беланган какликнинг қанотидан ушлаб турганини кўриб автоматлардан нега ўқ узилганини билди.

Икки кундан буён тўдабошининг кайфияти ёмон. Одамларининг изғиб юрганини кўриб баттар эзилди. Қиш ўз ташрифидан дарак бериб «тайёргарлигини кўр» дегандек изғиринини жўнатди. Бироқ тўдабоши қишга тайёргарлик кўришни ҳали ўйлаб кўрмаган. Умиди раҳнамолардан эди. Бир ой муқаддам учрашишганда кийим-кечак, озиқ-овқат, кўрпа-тўшак жўнатишга ваъда беришган. «Узоғи билан ўн беш кун ичида етиб боради» деб айтишганди. Бир ой ўтди. Наҳотки ваъдаларини унутган бўлишса? Ахир совуқ кунларда чодир ичида яшаб бўладими? Одамлари шамоллайди, юқумли касалликлар болалайди. Бусиз ҳам очликдан силлалари қуриб машғулотларга ярамай қолишди. Битта қуш учиб ўтса, аниқ ўққа тутишмоқда. Бу билан яна қанча ҳаёт кечириш мумкин. Шошилиш чора кўрилмас экан, кўпчилик қочиб кетиши аниқ. Одамлар сони камайган сайин тўдабошининг обрўи тўкилади. Раҳнамолар юзини терс буриб кетишади!

Маҳаллий халқ келгиндиларни ёқтирмаслигини Эргаш тушуниб етган. Қувиб ҳайдаган бўлишарди-ю, аммо толибонлар бошлиғидан чўчиб, ғазабларини ичларига ютиб, тишларини тишларига босиб юришибди.

киргандан кўра шу жойда мард бўлиб ўлганимиз афзал! – деб қуроллари тўдабошининг оёғи остига ташлашди. Эргаш уларнинг ахдидан қайтариб бўлмаслигини тушунди. Қолаверса, у Ватан сўзини тилга олганлардан ёмон кўрқар, уларни айғоқчи деб гумон қиларди.

– Сенлар кимлигингни фош қилдинг!

Тўдабоши йигитларни отиб ташлади. Кўрққанлар ўзларини унинг пинжига уришди. Бу пайтда фуқаролар уруши Тожикистон ҳудудини қип-қизил рангга бўяб борарди. Хориждан ўтган йўриқчилар, афгон мужоҳидлари тайёрлаган ақидапарастлар инсон кўзи кўриб, қулоғи эшитмаган мудҳиш жиноятларни содир этишарди. Улар сафларини кенгайтириш мақсадида совет армиясида хизмат бурчини ўтаб қайтган йигитларни тутиб кетишар, қаршилик кўрсатганларни жойида отиб ташлашарди. Яқинларининг кўз ўнгида аёлларни, болаларни зўрлашарди. Қарияларни тириклайин ёқиб юборишарди. Вахш дарёси қайири-нинг ўзида кунига ўндан зиёд тилка-пора қилинган жасадлар тутиб олинарди.

Қўрғонтепа вилоятидаги хунрезликлар Эргашнинг хотирасидан умрбод ўчмайди. Ургут қишлоғининг ўзида санокли соатлар ичида болалар, аёллар, қариялардан иборат минг киши бўғизлаб ташланди. Жангарилар 70 минг аҳолиси бўлган вилоят марказига бостириб киргач, минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриди. Журналистлар бу ерни «Мурдалар шаҳри» деб атадилар. Уларнинг ишлари қатли ом, уйларга ўт қўйишдан иборат эди. Кўплаб замонавий қуроолларга эга бўлган гуруҳ аъзолари маҳаллий қўшинлар тўсиғини янчиб, ўзларига итоат этмаганларни шафқатсиз жазолашарди... Жангарилар оломонни икки томондан ўраб, тиканли сим ичига қўйдай ҳайдаб

келишди. Қочмоқчи бўлганлар, орқада қолганлар, онасини йўқотган болалар отиб ташланарди. Ярадорлар бир илож қилиб оёққа туришар, ярамаганларни, ерда чўзилиб ётганларни шериклари қўлтиқларидан олиб, ҳалқа томон судрашарди. Симли тўр улар учун ягона паноҳ, нажот эди. Шугина уларнинг жонига оро кириши, бошлари узра визиллаб учаётган ўқлардан асраб қолиши мумкиндек. Ўқ овозлари оломоннинг қийқириқларига, дод-войларига қўшилиб кетди. Гўёки қиёмат қойим бошлангандек. Жангариларнинг мақсадини тушунмаган одамлар ҳалқа ичига киришга шошилишарди. Боласини бағрига босган оналар, отасини елкасида кўтарган йигитлар, чинқириб йиғлаётган гўдаклар ўзларини тўр ичида нима кутаётганини ҳали билишмасди.

Жангарилар симнинг учини машиналарга боғлаб тортишарди. Одамлар бирдан бошларига қандай мусибат ёғилишини, ўзларини қопқонга тушганларини тушуниб етишди ва овозларининг борича фарёд кўтаришди. Улар тўрға тушган жониворлардек қаёққа қочишни билмай, бирларининг устидан бирлари босиб, тепкилаб ҳалқа ичида гир айланишарди. Сим қисқариб торар, тарқоқ одамларни бир жойга қисиб борарди. Тўрнинг нариги томонида бошига салла ўраганлар, эгнига узун чопон кийганлар, жон олиб жон бераётган одамларни қўллари билан бир-бирларига кўрсатиб, ўлим олдидаги аянчли аҳволларини томоша қилишарди.

— Ҳув анови томонга қара, одамлар бир-бирининг устига чиқиб тепкилашяпти!

— Бе, нариги томондаги она-болани кўрсанг-чи! Гўдакнинг бир қўлини сим узиб ташлади!

— Анови одамни кўрдиларингми, кўзларига тикан санчилиб қолди!

Ўткир тиканлар одамларнинг кийимларини йиртиб, баданларини пичокдай тилиб, бўғиб қонга бўяб ташларди. Оломон бир жойга тўпланди. Машиналар симни тортишда давом этарди. Одамлар қочадиган, жон сақлайдиган жой қолмади. Энди улар бир-бирларини танишмасди, боласини йўқотган оналар, елкасидан отасини туширган йигитлар, қадди эгилган кампирлар тирик қолишдан умидларини узишди. Машиналар бир хил тезликда – худди тошбақадай ўрмалаб юришда давом этар, тўр эса тобора торайиб борарди.

Халқ бошига шундай мусибат ва азоблар тушган кунларнинг бирида Саид Калоний Эргашни ҳузурига чақиртирди. Тўдабошини муқаддас жангга тайёрлаш хусусида узоқ гурунглашишди. Лагердаги «таълим-тарбия», хорижий йўриқчиларнинг сабоқлари, панд-насихатлари Эргашга қаттиқ таъсир қилганини Калоний сездди. Лекин мақсадини айтишга шошилмади. Гапни узоқдан бошлади.

– СССР парчаланиб кетди, иним. Энди ҳеч қачон ўз ўрнига қайтмайди, – дея сўз бошлади у. – Сиз билан бизнинг ватанимиз сув устида қалқиб турган кўпикка ўхшаб турибди. Имконият борида вазиятдан фойдаланиб, ҳукуматни қўлимизга олмағимиз жоиз. Улуғ ғояларимиз йўлида жангга кириш мавриди келди. Йўлимизга тўсик бўладиган ҳар қандай кучни динидан, ирқидан, миллатидан қатъи назар, йўқотамиз. Улар дунёвий ривожланишдан юз ўғирмоғимизга қаршилиқ кўрсатишади. Янги тартибдаги давлат тузмоқ йўлида тирик жонни аяб ўтирмасликни унутманг. Бундан бир неча йил муқаддам Сурияда давлат тўнтаришига уринган Саид Кутбанинг муборак сўзларини эсланг: «Ижтимоий адолатли давлат тузишга фақат зўравонлик йўли билан эришиш мумкин. Қон тўкиш

— чинакам мусулмон давлатини барпо этишнинг ягона йўлидир».

— Бунинг учун қурол-аслаҳа, ўқ-дори зарур, устоз!

— Саид Калонийнинг гапини бўлди Эргаш.

— Биргина қурол билан ҳеч нарсага эришолмаймиз, — вазминлик билан гапида давом этди Калоний. — Аввало, халқнинг онгини заҳарлаб, кейин уларни ортингиздан эргаштирмоғингиз даркор. Бунинг учун уларнинг ғазабига тегаётган камчиликларни топиш муҳим. Айтайлик, порахўрлар, бюрократлар бизга қўл келди. Улар халқнинг баданига ёпишган кана. Қонини сўриб, юрагида ғазаб уйғотмоқда. Мана шундан биз фойдаланамиз. Одамларингизга буюринг: ялқов, ишёқмас, танбал, нашаванд, илгари «зона»да ўтириб чиққан ёш-ялангларни, шунингдек, иш ахтариб юрганларни тўплаб, биз томонга жўнатишсин! Улар бу ердаги жангларни кўриб кўзи пишийди, тобланади, чиниқади.

Бу гаплар Эргашга мойдек ёқди. Ўзининг ғаразли мақсади йўлида ҳар қандай ишдан қайтмасди.

— Одамларни олиб ўтиш қийин эмас, устоз! Бирок йўл ҳақи учун сармоя йўқ!

Саид Калоний Эргашни икки ҳафта бурун хориждан юборилган бир ярим миллион долларга шаъма қилаётганини тушунди. Соқол босган қонталаш юзида сирли табассум пайдо бўлди.

— Бу муаммо эмас, иним! Боя айтганимдек, порахўрларни, мансабдорларни, тадбиркор ва фермерларни ўлдириш йўли билан уларнинг бойликларини тортиб олиб, бу ишга сарф қилиш даркор. Шунда сиз бир ўқ билан икки қуённи урган бўласиз. Давлат ҳам зиён кўрмайди. Ғалабани қўлга киритиб, мамлакат тепасида ўз байроғимизни ўрнатсак, биз юришни Ўзбекистон сари бошлаймиз!

— Мақсадим ҳам шундай! — вазиятга қараб тезда тусланди Эргаш. — На иложки, ватандан йироқдаман. Душманларим мени қочиб юрибди деб ортимдан бўхтон тошларини отишмоқда. Нима деб ўйлашса, бу уларнинг иши. Ўзбекистонни қўлга олганимдан сўнг нималарга қодир эканлигимни уларга кўрсатиб қўяман!

— Баракалло, иним. Бу сиздаги имоннинг соғайишидан нишонадир! Сиз катта кучсиз. Ортингизда биз, хориждаги одамларимиз бор. Муҳими пул, қурол-аслаҳа бор. Сизга махфий сирни ошкор қилмоқчиман. Биродаримиз Гулбиддин Ҳикматёр жаноблари Қундуз ва Бадахшон ўлкаларида ҳаракат қилаётган ўзининг дала командирларига бизни қурол-аслаҳа ва ўқ-дори билан таъминлаш борасида кўрсатма берди. Ҳозир дала командири Латиф жанобларининг отрядида 300 нафардан ортиқ одамларимиз тайёргарлик кўрмоқда. Афғонистоннинг айрим фуқаролари афғон мужоҳидларининг қуролли қисмлари командирларидан, шунингдек, Эрон, Покистон махсус хизмати идораларидан олган турли топшириқларни бажариш ниятида Ўзбекистонга ўтишлари режалаштирилган. Албатта, улар орзу-ниятларингизни рўёбга чиқаришга ёрдам беришади. Қурол-аслаҳага келсак, асло ташвиш чекманг. Биз наркобизнес йўли билан анча-мунча ажнабий қурол-аслаҳаларга эга бўлдик. Исроилнинг «Узи» автоматлари, Американинг «М-16» автомат-милтиқлари, Хитойда ишлаб чиқарилган гранаталар ва гранатаминомётлар, Эрондан келтирилган «Калашников» автоматлари ана шу наркобизнесдан келаётган фойда ҳисобига сотиб олинмоқда.

— Сиз айтган наркотик моддаларни кимдан олишимиз мумкин? — ҳайратомуз устозига тикилди Эргаш.

— Шошилманг, ҳали ҳаммаси бўлади. Афғон дўстларимизнинг ўзлари сизнинг олдингизга келишади.

Абдуллох деган ошнам бор. Кейинчалик таништи-риб қўяман. Катта нарқобизнесмен. Сўраган «до-ри»нгизни мухайё қилади. Бунинг учун аввал То-жикистон ва Ўзбекистоннинг чегара ҳудудларидан хавф-хатардан холи бўлган йўлак очишимиз, мам-лакат ичкарисиди руслар билан алоқага чиқадиган ишончли одамлар топишимиз лозим, Эргашбой! Биз «дори»ларни чегарагача етказиб берамиз. Кейинги ишларни эса одамларингиз бажаришади. Вадим Вольфович исмли дўстимиз биз жўнатадиган «до-ри»ларга оғзини очиб турибди. Унда керагича пул топилади. Одамларингизга қурол-аслаҳа, кийим-кечак, озиқ-овқат сотиб оламиз. Қолаверса, бизни қўллаб турган кучлар сизга ҳамда одамларингиз-га Европа, Лотин Америкасидан қулинг ўргилсин бошпана беришади. Истаган банкингизга хоҳлаган пулингизни ўтказишади... Бу имкониятлар фақат сизга ва йигитларингизга, Эргашбой!

– Насиб қилса, яхшиликларингизни қайтараман, таксир. Менда ҳам қолиб кетмайди.

– Сизни ўзимизга яқин олиб кенгашга аъзо қилиб олмақчимиз. Амирий жаноблари шундай дедилар.

Улар узоқ суҳбатлашдилар. Ниҳоят, Саид Кало-ний мақсадини айтиш фурсати келганини тушунди.

– Яқинда камина бин Ладен жанобларининг ҳузу-рида бўлдим. У киши одамларимиз сафида ҳукумат қўшинларига қарши курашганингизни эшитган экан-лар, мана бу арзимас совғани бериб юбордилар. – Ка-лоний кўрпача остидан эллик минг доллар олиб, Эр-гашнинг олдига ташлади. Пулни кўриб тўдабошининг юзига табассум ёйилди. Ҳа, Бин Ладендек одамнинг назарига тушиш осон эмас.

– Сахрода чанқаган одам сувга қанчалик зор бўлса, каминанинг юраги ҳам Усама жанобларининг суҳба-

тига шу қадар ташнадир, тақсир. Мени у киши билан учраштирсангиз яхши бўларди.

– Албатта кўришасизлар. У киши ҳам суҳбатингизни олишга орзумандлар.

– Ҳазратим менга бирор топшириқ бердиларми?

Калоний шу саволни кутиб жим қолди.

– Жаноблари ҳаммага ҳам ишонавермайдилар, аммо сизга ҳурмат ва ишончларининг юксаклигидан арзимас бир гап айтдилар.

– Хўш, қандай гап экан?

– Билмадим, таклифни қабул қиласизми, йўқми?

– Айтаверинг?

– Айтишга ҳам одам ийманади.

– Ҳазратим учун жонимни беришга тайёрман.

– Тасанно, мулла Эргашбой! Каминанинг кўнглини шод этдингиз. Бу гапингиз, албатта, Усама жанобларининг кулоғига етиб боради.

– Ҳазратим гап айтмасинлар, буюрсинлар, бажар десинлар! Биз у зотнинг хизматидамиз.

– Жаноблари йигитларингизни олиб Чеченистонга ўтишга, Хаттоб жанобларининг жангчилари сафида ҳукумат кўшинларига қарши курашда иштирок этишга майли бормикин дегандек гап қилдилар.

– Хўш, сиз нима дедингиз? – бетоқатлик билан сўради Эргаш.

– Нима ҳам дердим, Эргашбой бизнинг азиз меҳмонимиз, унга топшириқ беролмайман, дедим.

Тўдабоши кафтини бир-бирига уриб қўйди.

– Чакки қилибсиз, тақсир, ахир менинг номимдан розилигимни билдиравермайсизми? Ҳазратим шуни истаган эканлар, мен бугуноқ одамларимни эргаштириб, Чеченистонга жўнашга тайёр эдим.

Саид Калоний Эргашнинг осонликча рози бўлишини кутмаганди.

— Баракалло, мен бугуноқ жанобларининг қулоғига бу хушхабарни етказаман! Ҳозир бориб одамларингизни йиғинг! Уларни йўлга ҳозирланг!


САМАНГАН

Тошдевор билан ўралган бино ичида кичкинагина дарчадан ташқарига боқиб, ўзининг узок ўтмишини ёдга олаётган қаҳрамонимизнинг Чеченистонга қилган сафари тавсилотларини кейинги бобларимизга қолдириб, Самангандаги воқеаларни ҳам вақти-вақти билан хотирангизга солиб турмоқни ихтиёр этдик.

Фатхуллохоннинг кўнглини ёлғизлик ва очлик ўртаб юборди. Бир вақтлар кимдандир эшитган ва кейинчалик унутиб юборган сўзларни ёдга олиб такфурларди. «Отадан олтов бўлсанг-да, бир ёлғизлик бошингдадур, жафодан ёлғиз бўлсанг-да, шу ёлғизлик бошингдадур!» У зах ҳиди аниқ турган ер тубида, нигоҳини осмонга тикиб, узок-узок ўйларга ботиб ўтирарди. Юрагини ёмон хаёл изтироблари ўртарди, туз сепгандек ачишарди. Икки кун муқаддам зиндон тепасида арвоҳдек пайдо бўлиб бир бурда нон ташлаган кийин ғойиб бўлган ўша меҳрибон кимсанинг яна қайтиб келишини интиқиб кутди. Ким эди у? Нега ўзини танитмади?! Бир оғиз сўзлаб, азобда қуйган юрагига тасалли берса бўларди-ку?!

Фатхуллохон кеча ойдин бўлсада, кўзлари хира тортиб қолгани боис, ўша меҳрибон одамни танитмади. Эпкинда ҳилпираб турган соқоли, ой нурида қўрғошин тусига кирган башарасини кўзи илғамади. Лоқал бир калима сўз айтганида овозидан танирмиди?

Фатхуллохон томирлари тугилиб увишган, худди игна санчгандек оғриқ турган оёқларини уқалаб, ўрнидан турди. Кейинги пайтда суяклари қуриб қолган-



дек кирсиллаб, вужуди вазминлашиб қолди. У зиндонбанд этилган кун, Илҳом Ўзбекистонга кетаётган тун бир парча сопол синиғи билан зиндон деворига чизик тортиб қўйди. Ҳар кун тонг отиб қуёш чиққанда чизик олдига яна чизик қўшади. Ҳозир шуларни санади. Ўн еттита! Демак, Илҳомнинг кетганига шунча кун бўлибди. Ўн кун у томонга, ўн кун бу томонга! Бугун-эрта қайтади. Ишқилиб, Червон хоним билан учрашмаган бўлсин. Унинг алдовларига, ширин ёлғонларига учмаган бўлсин! Азроилдек кўзга кўринмай, жонини суғуриб, олтин тишларини қоқиб келсин. Илон мисоли муғомбир, тулки каби айёр бу аёл ҳар қандай қаҳр-ғазаб отига минган одамни мушукдек эритиб, ўзига ошуфта қилиб олиши ҳеч гап эмас. Унинг домига илингудек бўлса, Илҳом ҳамма гапларни окизмай-томизмай, қўшиб-чатиб сўзлаб беришдан қайтмайди. У ўз манфаати йўлида, бойлик қаршисида жирканч ишларни қилишга тайёр. Агар Фатхуллохоннинг хаёлига келган ишлар содир бўлса, уни худо урди! Фатхуллохонни тириклай гулханда ёқиб юборади. Бу ерга келишдан, юзма-юз бўлишдан қайтмайди. Ўшанда Фатхуллохон бир оз тезоблик қилди. Пулни яширган жойини айтиб қўйди. Бунинг устига бир вақтлар вилоят ички ишлар бошқармаси ходими Мамедовдан катта маблағ эвазига сотиб олинган қурол-аслаҳалар ҳам яширилган-ку! Илҳом пулни олишга олади-ю, бироқ қурол-аслаҳаларни топа олмайди. Шуларни ўйлаганида Фатхуллохон ўзини қаерга қўйишни билмай эсанкираб қолади. Алами юрагига сизмай овози борича дод солгиси, фарёд кўтаргиси келади. Бироқ ер тубида аламдан юраги қовурилаётган бу кимсанинг овозини ким ҳам эшитарди?

Ой тоғлар узра ҳаволаниб кетди. Борлиқ унинг ёғдуларига чўмилиб ётибди. Нам босган харсанг тош-

лар кумушдай жилваланади. Ой бир чимдим нуруни зиндон ичига сочиб, Фатхуллохоннинг сўниб бораётган юзига тушди. Шу пайт бирдан зиндон ичи қоронғилашди. Зиндонбанд кўкка термилди. Самога сочилган юлдузларни, сўнг оёқларини икки ёнга кериб, қўлларини биқинига тираб турган одамни кўрди. У гавдаси билан ёнбошлаб қолган ой нурларини тўсиб қўйди. Фатхуллохоннинг юраги, рухи ёришди, фазлу қарам топди. Тепага қараганида орқа бўйин томирлари тортди.

— Кимсиз? — овози намсиз, тақир ва шилиниб кетган лабларини ёриб чиқди. Бир оз дадиллашиб, умид ила яна сўз қотди: — Кимсиз? Кўзимга иссиқ кўри-няпсиз! Ўзингизни танитинг, иним!

— Бироқ шарпа қилт этмади. Пастга қараганча тураверди. Қўйнига қўл солди. Тарашадек қотиб қолган яримта нонни олиб пастга ташлади. Нон Фатхуллохоннинг бошига, сўнг оёғи остига тушди. Очлик шу заҳотиёқ уни ерга эгилишга мажбур қилди. У панжалари билан қотиб метинга айланган, айни пайтда сийдик ҳиди аңкиган ерни пайпаслади. Юпқа нонга қўли текканида энтикиб кетди. Нон ҳиди унинг димоғини эмас, вужудини қитиқлади. Кўзларидан севинч ёшлари оқиб тушди. Тоғ устига чопқиллаб чиққан одамдек ҳаллослаб нафас олди.

— Кимсиз, ўзингизни танитинг, иним?! Юрагим ёниб кетяпти! Кимсиз?... — Фатхуллохон бошини кўтариб тепага қаради. Бироқ унинг ёшга тўлган кўзлари кўк юзида чакнаб турган юлдузларгагина тушди. Шарпа ғойиб бўлди. Фатхуллохоннинг кўкси пишиб кетди. Хўрлик ва алам, ўзи ноҳақлик ҳамда адолатсизлик деб тушунган бу азоб-уқубатлар юрагидан овоз бериб вулқондек отилди.

У бошини зиндон деворига уриб, ўкириб-ўкириб йиғлади. Ўсиб кетган тирноқлари билан деворни тирнаб йиғлади. Охири дармонсизланиб, ерга йиқилди. Тўшида қаттиқ оғриқ турди. Кўнгли беҳузур бўла бошлади. Бу ҳам камлик қилгандек бошининг икки чеккасида санчиқ турди.

Зиндон тепасида икки жангари пайдо бўлганида Фатхуллохон хушсиз ётарди. Улар темир панжарани кўтариб ер остига боқишди. Чалқанча ётган Фатхуллохон ҳеч нарсани сезмади. Қути ўчган чехрасида азоб-укубат шарпаси қотиб қолган эди.

— Чик! — деди жангарилардан бири. *Уларнинг дағал ва дўриллаган овозини зиндоннинг зах девори шу лахзадаёқ ютиб юборди.* Жангарилар яна бир бор «чик» дея амр қилдилар. Бироқ бу буйруқ Фатхуллохоннинг қулоғига етиб бормади!..

— Ҳой, жавоб қил, ўликмисан, тирикмисан?! Чик деяпман сенга! Амиримиз сўраяптилар!

Фатхуллохондан садо чиқмагач, жангарилардан бири белига арқон боғлаб пастга тушди. Сассиқ хиддан димоғи ёрилаёзди. Рўмолчаси билан оғиз-бурнини беркитиб, учли этиги билан Фатхуллохоннинг белига тепди. Энкайиб эти кетиб, суяги қолган юзига шапалоқ урди. Гапирмагач, белига арқон боғлаб шериғига «кўтар» деди.

Бу орада тонг ёришиб қолди. Ҳаёт ўзининг янги даврасига кирди.

Фатхуллохон кўзларини юмиб очди. Атрофдаги кимсалар гўё сув тубидан боқиб тургандек кўринди. У қимирлашга, ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Бироқ қўл-оёқларини кўтара олмади. Улар мисоли тош остида қолгандек оғир эди. Жангарилар унинг қўлидан ушлаб Эргашнинг чодирини томон судрашди.

— Амирим, олиб келдик, ўзини айёрликка солиб ётибди! — деди улардан бири.

Ичкаридан юзлари бўғриқиб кетган, кўзлари сузилиб қолган Эргаш чикди. У ўзининг кенг елкасига чакмон ташлаб олганди. Ерда беҳуш ва бемор ётган Фатҳуллохоннинг хиёл очик қолган кўзларига бокди. Бу кўзлар нурсиз ва ҳеч нарсани ҳис этмаётганини тусунди. Бир оз эгилиб қўлидан ушлади. Томири сезилар-сезилмас ураётганини пайқади-ю, ҳаром нарсани ушлаб олгандек қўлини тортиб олди.

Фатҳуллохон иссиқ ва совуқни ҳис этмади. Изғирин унинг ярим яланғоч баданига игнадек санчилар, қорайиб, йиртилиб кетган кўйлагининг этагидан торткилади. *Озиб-тўзиб шилиниб кетган баданидан* кон сизиб чикди. Эргаш Фатҳуллохоннинг чехрасига совуқ нигоҳ ташлади. У ҳеч кимга гапирмади, кайрилиб бокмади ҳам. Индамай хонасига бурилди. Жангарилар ҳам бирин-кетин тарқалишди. Баъзилари юзига фотиҳа тортишди.

Фатҳуллохонни бундай аҳволда ташлаб кетиш мен учун оғир эди. Нима қилганда ҳам тарбиясини олганман. Тузини ичиб катта бўлганман. У ўлиб қолгудай бўлса, урф-одатимизга амал қилган ҳолда қабр қазиб кўмишни ўйладим. Ўлмаган бўлса, Ватанга қайтариш лозим. Бу мен учун раҳбарларимнинг топшириғи бўлиб қолмай, балки уни азоб-уқубатлардан халос этишнинг ягона йўли эди. Нима қилишни билмай бошим қотди. Хўжайин унинг жасадини кўмиш ҳақида кўрсатма берса, албатта буни ўзим бажаришга ҳаракат қиламан деб ўйладим. Эргашнинг ортидан ёрдамчилари ҳам кулбага кириб кетишди. Балки ўз сафдошларини кўмиш масаласида бирон фикрга келишаётгандир. Кўзимни эшикка тикканча атрофда айланиб юрдим. Ниҳоят, эшик очилди, Эргаш кўринди. Ортидан шериклари чикди. Тўдабоши юзига қуёш нури тушиб турган мурдага бокди. Фатҳуллохон ёт-

ган жойида кесак мисоли қимир этмасди. От-аравамни судраб атайин Эргашнинг ёнидан ўтдим. Арава филдираклари тошларга урилиб дўмбирадек тарақлаган овоз чиқариб борарди. Бутун дикқатим тўдабошида эди. Унинг чақириб қолишини, Фатхуллохоннинг жасадини бирон жойга кўмиш тўғрисида кўрсатма беришини кутдим. Шундай бўлди ҳам. Тўдабоши аввал Умарни, кейин мени чақирди. Иккимиз унинг ёнида пайдо бўлдик.

— Қишлоқдаги қабристонга кўмиб келинглари! — деди боши билан ўлик ётган томонга ишора қилиб. — Нима қилганда ҳам ўз одамимиз. Яхши-ёмон кунларимизга кор келган. Ҳароми Илҳом ҳалигача қайтмаяпти. Балки келганда бунинг айби бор-йўқлигини аниқлаган бўлардик...

Эргашнинг сўзига ишонгим келмади. Ахир бу ерга келганимдан буён қанча жангарилар ўлди. Уларнинг биронтаси қабристонга дафн этилмаган.

— Аравани олиб кел, — буюрди Умар менга ўгирилиб.

— Уни қаерга олиб бормоқчисан? — атайин ҳеч нарсани билмагандай сўрадим.

Гапим унга ёқмаганини афтидан билдим.

— Қишлоқ қабристонига, — Умарнинг сўзидан ҳам Фатхуллохонга нисбатан ҳурмат туйғусини англадим. Қишлоқ қабристони лагердан уч-тўрт чақирим йирокда. Мурдани аравага ортиб, қабристонга йўл олганимда куёш тафтсиз нурларини замин узра сочиб турарди. Мен тез-тез Фатхуллохонга қараб кўярдим. Араванинг четида оёғини осилтириб, бошини ҳам қилганча бораётган Умарни бу ерда яшаш қизиқтирмай қўйганини, имкон топиб қочиб кетишга чоғланаётганини билдим. Ниҳоят, шеригим бошини кўтарди. Тепага қаради. Учиб юрган кушларга термилди. Бепар-

волик билан кетавердим. Фатхуллохоннинг боши мен томонга оғиб қолганди. Кўкариб кетган лаблари хиёл очилган, пешонасидаги ажинлар тиришиб қолганди.

– Умар, – дедим шеригимга юзланиб, – назаримда бу одам тирикка ўхшайди. Қара, юзи ўзгариб қолибди.

Умар елкаси оша мурдага бокди.

– Тўхтат! – деди у бирдан ранги ўчиб.

Иккимиз аравадан тушдик. Умар қулоғини Фатхуллохоннинг кўкрагига тутди. Кўзларини юмиб бир неча дақиқа юрак уришини тинглади.

– Юраги уряпти! – деди у ялт этиб менга қараркан.

– Тирик одамни гўрга тикиш яхши эмас, – дедим. – Энди нима қиламиз?

– Бирон йўлини топ. Қишлоқ одамларини яхши танийсан!

– Истасанг, шу қишлоқда бир танишим бор, ўшаникига олиб бориб даволаймиз. Балки тузалиб кетар! – дедим бир оз ўйланиб.

– Аммо Эргаш-чи? Унга нима деймиз?

– У биздан сўраб ўтирибдими?

– Бу гапинг хом, – насихатомуз деди Умар. Сўнг бир сония ўйга ботгач, сўзида давом этди. – Яхшиси, кўмиб келдик деймиз-қўямиз. Фақат оғзингдан гуллаб қўйма. Тушундингми!

Мен бош силкитдим.

– Қани, тезроқ аравани ҳайда! – буюрди Умар.

Мен отнинг бошини Зеболарнинг кўчасига бурдим. Кейинги пайтларда Зебо мендан илгаригидек хуркмайди. Филдиракларнинг овозини эшитиши биланок кўча эшик олдига чиқиб туради. Бу орада Валий ҳам тоғдан тушган. У анчагина ўтин ғамлаганди. Ўтини ни аравада ташиб бердим. Шу тариқа бу оила билан иноқлашиб кетдим. Улар Фатхуллохонни қабул қилиш-қилмаслигини билмасдим.

Хайрият, Валий уйда экан. Кўча эшикни ўзи очди. Мен унга бўлган воқеани тушунтирдим. Беморни ичкарига олиб киришимизга рухсат берди.

Валий қандайдир ўт-ўланлардан дори қайнатиб Фатхуллохонга ичирди. Беморнинг юзи бир оз ёришди. Кўзларини очди. Зах, қоронғи, очлик ва ташналик Фатхуллохонга анча азоб берганди.

ЧЕЧЕНИСТОН

Ўшанда Калоний Эргашга ўтиш йўлаклари очик, йўлга чиқиш мумкин деган хабарни маълум қилди. Тўдабоши жангарига бош бўлиб, Чеченистонга йўл олди. Тоғлардан ошиб ўтишда Эргашнинг одамлари кўп қийинчилик ва азобларни бошдан кечирди. Қор кўчкилари, изғиринли шамоллар, аёзли совуқлар холдан тойдирди. Айримлар касал бўлиб ётиб қолди. Баъзилар қочишга уринди. Сафнинг бошида ҳам, охирида ҳам нотаниш кузатувчилар бунга йўл кўйишмади. Улар ҳеч кимни ўтказиб ҳам, қолдириб ҳам юборишмасди. Оёғи синган, касал бўлиб йўлга ярамаганлар жар бўйларига олиб келиниб отиб ташланар, жони чиқиб-чикмаган жасадлар чуқурларга ташлаб юбориларди. Шароит шуни тақозо қиларди. Биров бировга ёрдам берадиган пайт эмасди. Фақат олға юриш лозим эди. Грознийга кираверишда бир гуруҳ чечен жангарилари Эргашни кутиб олди. Холдан тойган жангарилар дам олишди, ҳаммага иссиқ овқат улашилди, қурол-аслаҳа тарқатилди. Узоқ қолиш мумкин эмасди, қуршовга олинган Хаттоб уларни кутаётганди, яна йўлга тушишди. Икки кун тинимсиз йўл босишди. Қалин ўрмонзорга кириб боришди.

Эргаш бу юртда даҳшатли урушлар давом этаётганини эшитган бўлса-да, бирорта ўқ овози кулоғига

чалинмади. Гўё ҳамма ёқ жим-житдек туюлди. Ўрмоннинг ярмини босиб ўтишганида бомбалар тушиб, хандакқа айланган чуқурларни, илдизи билан қўприб ташланган, ёниб қорайган дарахтларни кўрди. Гоҳи-гоҳида дарахтларга осилган, этини қушлар чўқиб ташлаган жасадларга кўзи тушди. Буларнинг бари уруш қолдирган дахшатли «эсдалик»лар эди.

Эргашни Хаттобнинг ҳузурига олиб киришди.

– Руслар тўрт томонимиздан ўраб олишган. Шаҳар билан алоқа узилган. Бунинг устига Улус Керт қишлоғидаги тепалик десантчилар қўлига ўтди. Қандай қилиб бўлмасин, уларнинг ҳалқасини ёриб ўтишимиз керак!

– Йигитларим жангга тайёр! – шошқалоқлик билан жавоб қилди Эргаш. У қандай қилиб бўлмасин Хаттобда яхши таассурот қолдиришни ўйларди.

– Биринчи навбатда «Енгилмас шерлар» деб ном олган десантчиларни тор-мор этишимиз керак. Уларнинг биттаси сенинг барча одамларингга тенг келади.

– Бизникилар ҳам анойи эмас, тоғларда жанг қилишда десантчилар уларнинг олдига туша олмайди. Душман жойлашган тепаликни кўрсатинг.

Хаттоб харитани ёйди.

– Улар 776 метр баландликдаги мана бу тепаликда туришибди.

– Қанча аскар бор?

– Тўқсонга. Шулардан ўн учтаси зобитлар!

– Бу ерга ўрнашиб олганига кўп бўлдими?

– 28 феврал куни 14 чақиримли масофани пиёда босиб келишган. Мухими, уларнинг қўлида оғир қурол-яроғлар йўқ. Ўқ-дорилари, озиқ-овқатлари ҳам санокли кунга етади. Ҳозир ҳаммалари ҳолдан тойган.

– Йигитларимдан беш-олтитасини разведкага жўнатаман. Сиз ҳам бир-иккита одам қўшиб беринг. Тепаликни ўрганиб келишади.

Эргашнинг тактикаси Хаттоб учун янгилик эмасди. Буни ўзи ҳам аллақачон ўйлаган ва бугун тунда одамларини жўнатганди. Бироқ уларнинг бирортаси қайтиб келмади. «Балки бирор нарсани аниқлаб келар» деган фикрда Эргашнинг таклифини рад этмади.

Эргаш ишончли йигитларидан беш-олтитасини тепаликка жўнатди. Хаттоб уларни тунда кўрадиган дурбин ва снайперлар билан қуроолангирди.

– Бир ўрис учун минг доллар! – деди уларнинг руҳини кўтариш мақсадида. – Яхшилаб заиф томонларини ўрганинглар! Иложи бўлса, бирортасини тирик тутиб келинглар!

Жангарилар шох-шаббаларга ўраниб Улус-Керт қишлоғи сари юришди. Одамни уйқу элитадиган пайтда руслар жойлашган тепаликка яқин боришди. Шунда соқчилардан бирини йўтал тутди. Олға юриш хатарли эди. Бир оз сабр қилишга, соқчиларни уйқу босишини кутишга тўғри келди. Тонг ғира-ширасида жангарилар соқчилардан бирини қўлга олишди ва орқага қайтишди. Хаттоб улар олиб келган «тил»дан қувонди. Ўзи десантчини сўроқ қилди. Бироқ аскар лом-лим демади. Соқчилардан бирининг қуролини **юлқиб олди**-да, ўзини отиб ташлади. Шундан кейин у «разведка»га борган жангарилар билан суҳбатлашди.

– Тепаликка чиқиш йўлини аниқладик, – дейишди улар. – Хужумни фақат орқа томондан бериш керак. Русларнинг бутун эътибори ўрмонга қаратилган.

Хаттоб тиш-тирноғигача қуроолланган 2500 нафар жангари билан Улус-Керт қишлоғига юриш бошлади. **Ярим тунда илондай ўрмалаб** тепаликка тирмашишди. **Кеча қоронғи, осмонда на ой, на юлдузлар** кўринади. Икки соат судралиб, анча юқорига чиқишди. Соқчилардан бири тунда кўришга мослаштирилган дурбин орқали тошларга ёпишиб, ўрмалаб келаётган жанга-

риларни пайкаб қолди. Қулоғидаги овоз узаткич билан бошлиғига хабар қилди. Катта лейтенант Сергей Молодов жанговар тревога эълон қилди. Десантчилар оёққа турди. Отишма бошланди. Жангарилар олдинги чизикда турган соқчиларни отиб ташлашди. Сергей Молодов ҳам уларнинг ўқиға учди. Командирликни комбат Марк Евтюхин зиммасига олди. Десантчиларнинг ўқлари ҳисобли эди. Уларда автомат ва гранаталардан бошқа қурол йўқ эди. Евтюхин мунтазам ўз жангчиларига руҳий тушқунликка тушмаслик ҳақида далда берарди. Алоқачи қисм билан боғланиб, вазият ҳақида тинимсиз маълумот жўнатар, ўқлар тугаётганини, ёрдамчи кучлар жўнатишни сўрарди. Тепаликдан бир неча чақирим нарида федерал кучларнинг ҳарбий қисмлари жойлашганди. Бироқ уларнинг тепаликка бориши ҳамда десантчиларга ёрдам бериши тақиқланди. Алоқачиларнинг десантчилар танг ҳолатга тушиб қолгани, ўқ-дорилар тугагани ҳақида берган ташвишли хабарига қисм раҳбари биргина жавоб қайтарарди: «Бир қадам чекинишга рухсат йўқ».

Шимолий флот қуруқликдаги денгизчилар гуруҳ бошлиғи генерал-майор Отраковский қисм командири билан боғланиб, десантчиларга ёрдам беришга рухсат сўради, бироқ унинг талаби қондирилмади. Бундан қаттиқ ранжиган генерал юрак хуружидан ўша пайтда ҳалок бўлди. 104 – разведка полкининг командири Сергей Бараннинг 120 нафар десантчилари ниҳоят ёрдамга буйруқ олишди. Улар Абазулгол дарёсини кечиб ўтишлари лозим эди. Бу анча вақтни оларди.

Марк Евтюхиннинг «жангчилари кўпроқ талафот кўра бошлашди. Рақиблар бир-бирларига яқин келиб қолишди. Кимдир пешонасини чангаллаб, кимдир кўкрагини ушлаб жон берди. Қонга беланган яра-

дорлар ингради, додлаб йиғлади. Ўқлар ҳам охирлаб қолди. Жангарилар йўлларида учраган ярадорларни бўғизлаб ёки отиб кетишди. Тутун ва отилаётган ўқлардан беш қадам нарини кўз илғамайди. Руслар ўлим олдидан ўзларини жангарилар қўлига тирик топширмаслик мақсадида ёнларидан гранаталарни олиб, ўзларини душманларга қўшиб портлатиб ташлашди. Ёрдам ҳали ҳам етиб келмади. Десантчилар оғир шароитда тепаликни бир кун давомида ўз қўлларида сақлаб туришди. Бу уларнинг қахрамонлиги ва катта жасорати эди.

Ўқлар тугаб ханжарлар ишга тушди. Оёқ қўядиган жой қолмади. Ўликлар ва ярадорлар тошлар устида устма-уст тахланиб ётарди. Қутурган жангарилар ярадорларни ўрнидан турғазиб, бўйниларига пичок тортиб, узилган бошларни дуч келган томонга ирғитиб боришарди.

Жангарилардан бири тепаликда ҳилпираб турган байроқни олиб ташлади. Бу русларнинг таслим бўлганини, тепалик ишғол қилинганини билдирувчи ишора эди. Хаттоб билан Эргаш олисдан дурбин орқали жангни кузатиб турарди. Байроқнинг олиб ташланганини кўриб Хаттоб хурсанд бўлди ва соқчилари ҳамроҳлигида тепалик сари юрди. Жангарилар тўпланишди. Мурдалар устида ғалабани нишонлашди.

Ниҳоят алоқа узилганидан кейин қисм командирининг буйруғи билан осмонга вертолётлар кўтарилди. Бу орада Марк Евтюхиннинг аскарлари ҳам тепаликка яқинлашиб қолди. Жангарилар тепалик томон келаётган вертолётларни кўриб ўрмонга қочишди.

Руслар жангариларни излаб ўрмон ичига юришди. Хаттоб Эргашни ҳам унутиб, ўзи учун бошпана излаш мақсадида қочиб кетди. Одамларидан айрилган тўдабоши тезроқ Тожикистонга қайтишга шошилди.

ҚАСОС

Эргаш Чеченистондан қайтиб келганида Тожикистондаги вазият ҳали-ҳамон сув устидаги кўпикка ўхшарди. Ҳукумат қароргоҳини муҳолифат кучларидан тортиб олган, унинг томида дунё тан олган юрт байроғи ҳилпираб туради. Ҳукумат қўшинлари мамлакатнинг кўп қисмини жангарилардан тортиб олиб осойишталик ўрнатди. Халқ ҳукумат қўшинларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг сафларини қўлига курол олишга яроқли одамлар билан тўлдириб борарди. Кўп хатоларга йўл қўйган Саид Калоний тушқунлик гирдобига фарқ бўлган, Эргашга ўхшаш кимсалар эса ўзлари учун тинч ва осойишта паноҳ излаш ташвишига тушдилар. Бугун бўлмаса эртага ҳукумат уларни таслим этиб, мамлакат ҳудудидан қувиб чиқариши, йўлбошчиларни қамокқа тикиши муқаррар. Афғонистон, Покистон, араб давлатларидаги ҳомийлар ҳамон Саид Калонийни қўллаб-қувватлашга, керакли курол-яроғ ва озиқ-овқат маҳсулотлари, маблағ билан таъминлар, Покистон ва Афғонистонда махсус тайёргарликдан ўтган жангариларни жўнатишга ваъда берар, бироқ ҳукумат қўшинлари улар кириши мумкин бўлган барча йўлакларни назоратга олганди.

Жанг-у жадаллар қизиб турган кунларнинг бирида Амирийнинг топшириғи билан Абдуллоҳ Душанбега ташриф буюрди. Унинг мақсади Чеченистонда русларнинг «енгилмас шерлар» номини олган десантчиларини тор-мор этишда қатнашган Эргаш билан суҳбатлашиш эди.

Амирий айнан Абдуллоҳни жўнатишига маълум сабаблар бор. Ўзбекистондаги тинчлик, хотиржамлик, осойишталикни издан чиқариш, иккинчидан, Тожикистондаги воқеаларнинг бу ўлкага таъсир кўр-

сатмагани сабабини ўрганиш эди. Амирийнинг наза-
рида Тожикистондаги воқеалар айнан Ўзбекистон-
да такрорланиши ва Эргашни қўллаб турган кучлар
қўзғалиши даркор эди. Афсуски, улар кутган ҳолат
юзага келмади. Тинчлик тарафдори бўлган халқ уни
қўлламади, аксинча, қарши чикди. Булар Амирий би-
лан Чегечини қаттиқ ранжитди. «Нима қилиш керак»
деган савол бошларини котирди.

Эргашнинг кайфияти ёмон эди. Денгизга фарқ
бўлаётган одам каби писта пўчоқ ҳам унинг кўзига
халоскор бўлиб кўринди. Одамларининг кўпчилиги
тарқаб кетди. Атрофида ашаддий жиноятчиларгина
қолди. «Эргашни ишга солиш керак» деб ўйлашар-
ди хориждаги ҳомийлар. Мамлакат ўзини ўнглаб
олмасдан, ўзининг мустақил йўлини топмасдан ту-
риб зарба бериш керак. Миясида ғоявий бўшлиқ пай-
до бўлган халқнинг онгига йиллар давомида ишлаб
чиқилган мафкуравий ғояларини сингдириш даркор.
Шу мақсадда келган Абдуллоҳ Эргаш билан юзма-юз
ўтирарди. У гапни тўдабошининг ғашига тегадиган,
юрагининг қаътида илондек кулча бўлиб ётган алам-
ларни уйғотиш мақсадида толибонларнинг шу кун-
лардаги ишлари ҳақида гап очди:

— Кеча қўшинларимиз Абдурашид Дўстум эгаллаб
турган Мозори Шариф шаҳрини қўлга киритдилар.
Биз генерални асирга олмоқчи эдик, бироқ қаёққадир
гойиб бўлди. Айғоқчиларимизнинг хабарига қараган-
да, у ҳозир Туркияда эмиш. Дўстумнинг кўплаб сино-
лари биз томонга ўтишди. Бир пайтнинг ўзида Қун-
дуз шаҳрини ҳам жангсиз эгалладик. Мухими, бизни
халқ қўллаб-қувватламоқда.

— Демак, шимолий ҳудудлар жанобларининг изми-
да эканда, — сўради паст овозда тўдабоши.

— Аҳмад Шох Маъсуд ва Ҳалилийнинг синолари
мамлакат ҳудудининг атиги ўн фоизини эгаллаб тури-

шибди, — гапида давом этди меҳмон. — Яқин кунлар ичида улар ҳам янчиб ташланади. Ўтган куни самолётларимиз Гулбаҳор шаҳридаги йирик харбий базага хужум уюштириб, Шохга катта талафот етказди. Кунига Пешовар ҳамда Покистоннинг Квет шаҳридаги мадрасаларда таълим олаётган олти юздан ортиқ 15—17 ёшлардаги талабалар сафимизга қўшилишмоқда. Қўлига қурол тутган қўшинларимизнинг сони 70000 кишидан ошиб кетди.

Абдуллоҳ ўзининг баландпарвоз сўзлари билан Эргашнинг юрагида ширин орзуларни уйғотди.

— Назаримда сизнинг имкониятларингиз ҳали етарли. Умидсизланманг, қўллайдиган ишончли одамлар топилади.

Абдуллоҳ ҳам гапни айлантириб мақсад бекатига етиб келганди.

— Назаримда сизни ва одамларингизни қамамоқчи бўлган амалдорлар ҳали ҳам ўз мансаб курсиларида ўтиришибди, шундайми?

Эргашнинг кўз олдида ўша душманлари келди ва гижинди. Фазаби тилига кўчди.

— Битмаган ярамни тирнадингиз, таксир! Мени тинч юрибди деб ўйламанг. Ичимдан нималар ўтаётганини билмайсиз. Аслида юртни ташлаб чиқмаслигим, сўнгги қоним қолгунча курашишим керак экан. Кечалари душманларим тушимга кириб чиқади. Бўғиб қонини ичсам дейман. Найлайки, улар кўзимдан йироқда. Қани энди бирортасини тутиб олсам-у мушукдай мижиглаб, жаҳаннамнинг алангасига ташлаб, кўнглимда тош мисоли қотиб қолган армонларимни ёзсам.

— Улар кимлар? — паст овозда сўради Абдуллоҳ.

— Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи ва вилоят ижроия қўмита раисининг ўринбосари!

– Улар ҳозир ҳам вазифаларида ишламоқдами?

– Шундай, тақсир!

Амирийнинг юрагидаги чигал ёзилди.

– Баракалла, мана шу одамларнинг халқ ўртасида ҳурмати баланд. Одамларингиз бугунни эртага қўймай, улардан бирининг бошини узиб ташласа, билинг-ки, халқ ваҳима ва тушқунлик гирдобига тушади. Қудратингизга ишонч уйғонади. Унутманг, иним Эргашбой, қўлингиздан қон ҳиди келиб турмас экан, ҳеч қачон ҳокимиятни эгаллай олмайсиз. Буни дўстимиз ва қадрдонимиз Саид Калоний тимсолида кўришингиз мумкин.

Кутилмаганда Эргаш жазавага тушиб, қўлларини кўкка чўзди.

– Ханжарим қиндан суғурилган. Қонга ташна! Аллоҳнинг номи билан қасам ичиб, сиз устозларимга ваъда бераман-ки, яқин кунлар ичида номлари тилга олинган учала душманимнинг калласини уздириб, бир қозонда қайнатаман!

Абдуллоҳ бошини чайқаб қўйди.

– Ишончли одамларингиздан беш-олтитасини юртга жўнатиб. Шундай йигитларни юборинг-ки, уларнинг афт-ангори европаликларга ўхшасин. Гапларида русча сўзларни ишлатишсин. Кирган жойларида арок шишаларини қолдиришсин. Шунда ментлар сиздан шубҳаланмай, қотилларни русийзабон миллат вакиллари орасидан излашади.

– Чеченистонда ўнлаб ишончли йигитларимнинг жасадини қолдириб келдим, тақсир. Бу ердаги одамларимнинг ҳам айримлари қочиб кетибди.

– Атрофингизга ёш-яланглари жалб қилинг. Юртдаги яқинларингизга айтиб, ёшларни хорижга, ишга деб бу томонга жўнатишсин.

– Бунга маблағ керак, тақсир.

– Ҳамёнингизни мен тўлдираман!

Абдуллоҳ тўдабошининг олдига икки боғлам доллар ташлади.

– Бунга элликта йигитни сотиб олса бўлади!

Эртаси куни тўдабоши ишончли одами – Бўрибойни хонасига чақиртирди.

– Ёнингга Насриддин билан Абдурасулни олиб, бугуноқ водийга жўнайсан, – деди қўйнидан ханжарини олиб узун бўйли, малла ранг йигитнинг қўлига топширар экан. – Мен айтган одамларнинг бошини узиб келасанлар!

– Улар кимлар, хўжайин?

Эргаш душманларининг исмини номма-ном айтди.

– Бошини узиб шу ерга олиб келишимиз шартми?

Тўдабоши бир оз ўйланди. Бошни олиб ўтиш осон эмаслигини, қўлга тушгудек бўлса, сир очилишини, пешонасига ўчириб бўлмайдиган тавқи лаънат ёпиштирилишини тушунди.

– Ханжар тигида қони қолсин, кўриб хуморим чиқади!

Шу кунгидея улар йўлга чиқишди. Уч кун юриб чегарани кесиб, айтилган шаҳарда пайдо бўлишди.

Бўрибой шерикларига топшириқни маълум қилди:

– Сен Абдурасул вилоят прокурори ёрдамчисини, Насриддин – сен ички ишлар бўлими бошлигини, мен эса Отабоевнинг уйини ўрганаман. Уларнинг қайси пайтда ишдан қайтишини, уйига қайси эшикдан кириши, қайси хонада ётишини, ҳовлисида кимлар билан туришини ўрганасанлар. Икки кундан кейин яна шу жойда учрашамиз.

Шериклари топшириқни олиб, айтилган манзилга жўнаб кетишди. Икки кун ўтиб қайтишди.

– Шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг уйига одам киролмайди, – деди Насриддин. – Деворлар

ҳаддан ташқари баланд қилиб кўтарилган. Дарвоза-
си темирдан, ошиб ўтсак сездириб қўямиз. Бунинг
устига эшик олдига соқчи қўйилган. Учаламизни отиб
ташлаши мумкин. Қолаверса, атрофида қўни-қўшни-
лари бор. Улар хунармандчилик билан шуғулланиб,
кечаси билан ухламай маҳси тикишар экан.

— Прокурор ёрдамчисининг уйида эшакдай ит кўр-
дим. Бегона одамни яқин йўлатмайди. Туни билан
ухламай ҳовлини кўриқлаб чиқади. Бунинг устига уй-
ининг деворлари тепасига сим тўр ташланган. Девор-
ларга камера ўрнатилган бўлиши мумкин, — ҳисобот
берди Абдурасул.

Ёрдамчиларининг келтирган хабари Бўрибойнинг
кайфиятини тушириб юборди.

— Ўринбосар шаҳар ташқарисидан ўзига янги ҳов-
ли олибди, — дея ўзи ҳам уларга ҳисобот берди. — Бо-
риб кўрдим. Уйининг деворлари ҳали битмаган. Бе-
малол ошиб ўтиш мумкин. Бунинг устига қўшнилари
йўқ.

— Ишни Отабоевдан бошлар эканмиз-да, — деди
Насриддин!

— Уйида кимлар яшашини билдингми? — сўраб қол-
ди бир оз хавотирланган Абдурасул.

— Иккита боласи, хотини ва кекса онаси билан турар-
кан. Мухими, ити йўқ. Тун ярмида ишдан қайтаркан.

— Ишни Отабоевдан бошлаймиз!

Насриддиннинг таклифини шериклари маъқул то-
пишди.

... Отабоев ишдан кеч қайтди. Хотини билан бо-
лалари ухлаб қолишибди. У чанқаганди, ертўладан
тарвуз олиб чиқиб емоқчи бўлди. Зинапоядан пастга
тушаётганида кимнингдир бақувват қўллари бўйни-
дан маҳкам тутди. Ўринбосар бақувват эди. Нотаниш
кимсани елкасидан ошириб ташлади. Шунда яна икки

кимса унга ташланди. Ертўла ним қоронғи эди. Отабоев залворли муштлари билан юзига никоб тақиб олган кимсаларни ўзига яқин келтирмади. Бўрибойнинг қўлига бир қулоч арматура илиниб қолди. У орқа томондан келиб арматура билан уй эгасининг елкасига туширди. Ўринбосар гандираклаб йиқилди. Бўрибойнинг одамлари унинг устига чиқиб босишди, оғзига латта тиқиб, оёқ-қўлини боғлашди. Отабоев карахт бўлиб қолди. Оёқ-қўлини типирчилатишга кучи етмади. Босқинчилар ҳаш-паш дегунча унинг чўнтақларини тозалашди. Арзигулик буюм топишолмади. Бир дона олма чиқди. Абдурасул уни тишлаб ташлаб юборди. Бўрибойнинг назарида ертўладаги шовқин-суронни Отабоевнинг хотини эшитиб қолиши мумкин эди. У Насриддинга кичкинагина баллончани берди.

– Ичкаридагиларни ухлатиб чиқ!

Насриддин баллончани олиб ётоқхонага кирди. Ўринбосарнинг хотини болаларини бағрига олиб ухлаб ётарди. Хонага бегона одамнинг кирганини билиб, уйқусираган кўзларини очгунча Насриддин газ баллончани аёлнинг димоғига босди. Кейин болаларга ҳам ҳидлатди. Ҳаммалари карахт бўлиб қотиб қолишди.

Ўринбосар ўзига келди. Насриддин уни судраб Бўрибойнинг олдига олиб келди. Бошлиқ девор ёнидаги уч-тўртта фиштининг устида оёқларини икки томонга кериб ўтирибди. Туйнукдан мўралаб турган ой ёруғида у ғайритабиий ва ваҳимали кўринади. Абдурасул эса эшик олдида турганича ҳаллослаб нафас олаётган Отабоевдан кўз узмайди. У Бўрибойнинг қандай тергабини кутарди.

– Қалайсан, ошна?! – деди ниҳоят Бўрибой олдида чўккалаб ўтирган Отабоевга еб қўйгудек қараб. – Ке-

лишимизни кутмаган бўлсанг керак. Эргашбой сенга кўпдан-кўп салом айтди. Ундан хабар ҳам олмайсан. Бечора сени деб ўз юртини ташлаб кетди. Бегона элда, бегона одамлар орасида қийналиб яшаяпти. Топган-тутганингни чиқар. Унга ёрдам бер. Қурол сотиб олади. Кейин бу ерга келиб сенга ўхшаган амалдорларни «пақ-пақ» қилиб пешонасидан отади. Қани, айтчи, қанча пулинг бор?!

Отабоев бошини кўтарди. Қаршисида кўзларини чакчайтириб турган Бўрибойга юзланди.

– Менда сариқ чақа ҳам йўқ! – деди бўғилиб.

Ўринбосарнинг елкасидан босиб турган Насриддин унинг сочидан тортиб, юзини ўзига қаратди.

– Йўқ дейсанми?! Сенда-я! Шу гапингга бизни ишонтирмоқчимисан-а?! Ху, онангни!... Икки кун аввал кимдан пора олганингни ёдингга солиб қўяйми?! «Янги ҳаёт» колхозининг раиси Абдулладан икки минг доллар санаб олганинг ёлғонми, ифлос! Ху, онангни!... Ҳаммасини биламиз, ҳаммасидан хабардормиз. Бир мишиқи, икки маротаба қамалган, ўрта мактабни зўрға битирган, пора билан қўлга тушган фирибгар, товламачини катта хўжаликка раис қилиб қўйдинг. Қани ўша олган пулинг?! Қаерга яширдинг уни? Менда пул йўқ деб бизни ишонтирмоқчи бўласан-а, ху, онангни!... Бошқа айбларингни ҳам айтайми?!

Насриддин Отабоевнинг юзига мушт туширди. Ўринбосарнинг бурнидан қон оқди.

– Пул қаерда? – вазминлик билан сўради Бўрибой. – Бизни куч ишлатишга мажбур қилма. Яхшиси, ўзинг айт.

– Менда пул йўқ, – яна тилга кирди ўринбосар.

Насриддин унинг қонга беланган юзига мушт солди. Ёнғоқдек жойи моматалоқ бўлди.

– Буни кучук боласидек сувга чўктириш керак. Етти буклаб, қозик қилиб ерга қоқиш керак! Айт, пуллар қаерда?! Ҳу, онангни!..

– Процентга берганман, – оёқ-қўллари типирчилатиб деди зўрға Отабоев.

– Кимга? – қонга беланган башарасига яқин келиб сўради Бўрибой.

– Савдогарларга.

– Исми, қаерда яшадини айт!

– Комил! Марказдаги тижорат дўкони бошлиғи!

– Қанча бергансан?

– Ўн минг доллар.

– Ёлғон айтяпсан!

– Худо урсин!

– Сендек олғир учун бу оз. Ўн йилдан бери амал ва мансаб курсиларини худди онангнинг нарсасини сотгандек сотяпсан. Айт, қолган пуллар қаерда?!

– Менда бошқа пул йўқ!

Бўрибой Насриддинга қаради. Насриддин унинг бошига мушт урди. Дуч келган жойига тепа бошлади. Отабоев хушидан кетиб, Бўрибойнинг оёғи остига қулади. Босқинчи уни тепишда давом этарди. Отабоевнинг қулоғи чиппа битди, кўз ўнгини туман қоплади.

– Қани, ўрнингдан тур-чи?! Ҳу, онанг-ни!... Бизга энди қолган пулларингни қаерга яширганингни, кимга берганингни айтарсан?! – деди Насриддин уни ўрнидан турғазмоқчи бўлиб. Лекин ўринбосар тинмай инграрди. Оғзи тўла қонни туфлади. Қутуриб кетган босқинчи қопдай бўшашиб қолган Отабоевни ўрнидан кўтарди-да, елкасидан бўғиб олганича оғзидан кўпик сачратиб бақира бошлади.

– Ҳу, онангни!... Сен яхшиликни билмайсан! Сен ўйлаган одамлар бошқа, қанжиқ! Ўзинг кимсан? Порахўр, юлғичсан! Халқ душманисан! Энди бизни тер-

гайдиган одам қолмади деб ўйладингми? Билиб қўй, қанжиқ, энди биз сендек порахўрларни, битларни битта қўймай ўлдирамиз. Сенга ўхшаган зараркунанда душманларимизга ер юзида ўрин йўқ! — Насриддин ўзини халқнинг вакили қилиб кўрсатишга ва унинг номидан сўзлашга уста эди.

Отабоев тиззасида тура олмади. Уни яна кўтариб қўйдилар.

— Гапир даъюс, пулларни қаерга яширгансан!

Отабоев **босқинчилар бир-икки** маротаба уриб-тепиб, сўнг кетадилар деб ўйлаганди. Унинг бойлигини билмагунча бу ердан жилмасликларини, уриб майиб-мажрух қилиб қўйишларини тушунди. Шунда у омон қолиш учун ёлғон ишлатишга мажбур бўлди.

— Мени қўйиб юборинглар. Бўлди, урманглар, ҳаммасини айтаман! — деди тили зўрға калимага келиб. Анчадан бери юзини тескари ўгириб олган Абдурасул бу гапни эшитиб ортига ўгирилди. У ҳамма ишни яхшилиқ билан тугашини кутаётганди. Отабоевни дўппослашаётганида юзини терс буриб олганди.

— Беш минг доллар Аюбхонда, икки минг доллар Тожимаматда! Бошқа пулим йўқ!

— Уйингда-чи?!

— Уйимда пул сақламайман!

Бўрибой унинг гапига ишонди.

— Биламан, калланг ишлайди. Пора билан қўлга тушсанг уйингни мелиса босади. Ҳамма ёғингни ағдар-тўнтар қилиб, топганингни ҳукумат фойдасига ўтказади.

У чўнтагидан қоғоз ва ручка олиб Отабоевга узатди.

— Гапларингга ишондим, — деди жилмайиб. — Мана бу қоғозга икки энлик хат бит. Ўша қарздорларинг бизга пулни беришлари учун!

Отабоевнинг қўллари қон эди.

– Олдин қўлларингни арт! – деди тўда бошлиғи ўринбосарга узатган қоғозни тортиб олар экан.

Отабоев бармоқларини қўйлагига артди-да, кейин қоғоз-қаламни олди. Лекин нима ёзишни билмай туриб қолди.

– Нега ўй суриб қолдинг! Ёз! – буюрди Бўрибой ўринбосарнинг биқинига нуқиб.

– Нима деб ёзай?

– Боя айтганимни ёзасан-да!

Отабоев пулларни Бўрибойга беришни илтимос қилиб, ҳар учала танишига мактуб битди. Қўлларининг қалтироғи босилмагани боис ёзувлар катта-кичик эди.

– Бу хатингни одамларинг ўқий оладими? Худди чумоли ўрмалагандек қинғир-қийшиқ! Саводдан ҳам худо берганми дейман-а?!

Бўрибой ўрнидан турди. Сумкасидан бир шиша ароқ чиқарди. Ундан стаканга қуйиб ўринбосарга узатди.

– Бу ишинг учун юзтадан отамиз!

– Мен ичмайман! – қайтарди Отабоев.

– Нега ичмайсан ёки сенинг тенгинг эмасмизми? Катталар билан базмларда, шохона дастурхонлар устида шоирона сўзларни айтиб ичасан-ку! Нафсингга ўт тушкур! Ол!

– Ростдан ҳам ичмайман...

Бўрибой ароқни Отабоевнинг юзига сочиб юбормоқчи эди, Насриддин жонига оро кирди.

– Ичмасанг ичма, қон қусгур! – у ароқни Бўрибойнинг қўлидан тортиб олди.

– Бу киши сен билан менга ўхшаган ялангоёқлар билан ичолмайди! Қани қуй! – деди шеригига.

Бўрибой иккинчи стакан ароқ қуйди. Бўрибой қадаҳни қўлига олиб яна ўринбосарга юзланди.

У нима қилиб бўлса ҳам ўринбосарга зўрлаб ичиришни истарди.

– Муҳтарам Арслонбек Отабоевич! Мана шу қадаҳни бизнинг халоскоримиз, йўлбошчимиз Эргашбой жанобларининг соғлиги учун кўтарсангиз! – масхараомуз тиржайди Бўрибой.

– Боя айтдим-ку, мен умуман ичмайман! – юзини буриштириб деди Отабоев.

– Ёлғон айтяпсан, ҳу, онангни!.. Ичасан, ичмай кўр-чи, шишаси билан оғзингдан қуяман!

Насриддин стаканни ўринбосарнинг пир-пир участкан, қон-қушга бўялган лабига тутди. Ароқ томоғига тикилган Отабоев бошини орқага ташлади. Стаканнинг қирраси унинг лаблари, юзларини тилди. Бўрибой бир қўли билан уй эгасининг бошини орқага қайириб, иккинчиси билан стакандаги ичимликни оғзига қуя бошлади. Бир неча култур томоғидан ўтгач, Арслонбек нафаси қайтиб ичган ароғини оғзидан пуркаб ташлади. Бўрибойнинг бақувват қўлларидадан чиқиб кетди.

– Сен бизни *кечир*, – деди бир оздан кейин Бўрибой ҳамон йўталаётган ўринбосарнинг елкасига уриб. – Ишимиз шунақа. Ортимиздан одам тушишини, эртага бизни босқинчи, жаллод дейишларини ёқтирмаймиз. – Бўрибой чарм курткасидан пружинали пичокни олди. Унинг тугмасини босди. Дастасини ёриб чиққан ўткир тиг ялтиради. Отабоев даҳшатдан қотиб қолди. Унинг катта-катта кўзлари косасидан ирғиб чиқди. Абдурасул юзини терс бурди. Бўрибой Отабоевнинг жингалак сочидан тутди. Калласини орқага қайириб, қўлидаги пичокни бўғзига тортиб юборди...

Босқинчилар Отабоевни бўғизлаб, мурда ёнида бўш ароқ идишини қолдириб воқеа жойидан ғойиб бў-

лишди. Улар жинойт изини қолдирмадик деб ўйлашганди. Тишлаб ташланган олмани ҳисобга олмаганда ҳақиқатан ҳам шундай эди. Ҳаммаси мана шу олмадан бошланди. Олмада жинойтчининг тиш излари қолди. Еттинчи тиш олдида бўш жой ҳосил бўлган, қон доғи қотиб қолган эди. Бу эса жинойтчи қотилликни содир этишдан олдинроқ тиш олдирганидан далолат беради. Эртаси куни жинойт қидирув бўлими ходимлари шаҳардаги барча тиш даволаш шифохоналарида бўлишди. Мингчинордаги шифохонага касал тишини олдириш мақсадида ўрта ёшлардаги йигит келганди. Унинг исми шарифи шифокорнинг дафтарига қайд этилганди.

Босқинчилар Отабоевни тинчитиб, номларини айтган одамлардан пул ундириш мақсадида улар яшаётган уйга жўнаб кетишди. Вақт кеч эмас эди. Соат эндигина ўн бирдан ўтганди. Отабоевнинг ўлими ҳақида милиция хабардор бўлмасдан тезроқ пулни йиғиштириб, шаҳардан чиқиб кетишлари лозим. Акс ҳолда эртага изқуварлар оёққа туриб, қидирувни бошлаб юборишлари мумкин.

Кўча эшикни Аюбхон очди. У уйига яқинда қайтганди. Аёли келтирган овқатга эндигина қошиқ солган эдики, эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

— Бизни Отабоев жўнатди! — деди Бўрибой. — Хўжайинга пул керак бўлиб қолди. Зудлик билан олиб келишимизни буюрди.

Аюбхон келгувчиларга бирма-бир назар ташлади.

— Мен у киши билан яқинда кўришгандим. Ҳеч нарса демагандилар!

— Зарур иш билан Тошкентга жўнайдиган бўлиб қолдилар. Чақиртиришибди. Мана хатлари!

Комил хатни олди. Отабоевнинг ёзувини таниди. Бироқ сўзларнинг қинғир-қийшиқлигидан хавфсиради.

– Мен хозир, – деди-ю ортига бурилди. Бўрибойнинг нияти бузилди.

Аюбхоннинг биқинига тўппонча тиради.

– Ичкарига бирга кирамиз. Бакириб-чақиришни хаёлингга келтирма. Бола-чақаларингга жабр бўлади!

Аюбхон тунги «мехмонлар»ни кулбасига олиб кирди. У кўрқувдан дағ-дағ титрар, оёғи ўзига итоат этмай, букилиб кетаётгандек туюларди. Абдурасул яна остонада кўндаланг туриб олди. Насриддин кўлидаги тўппончани уй эгасининг-пешонасига тўғрилаб турарди. Жавон ичидаги биллур идишлар чироқ шуъласида ялтирарди.

– Ёмон яшамас экансан! – деди Бўрибой Аюбхонга ўгирилиб. – Буларнинг ҳаммасини пешона теринг билан топганмисан?!

– Отамдан қолган! – Аюбхон бир оз ўзига келди.

– Отангдан тилла ҳам қолгандир?!

– Ҳазиллашманг, ака? Менда тилла нима қилади? Пулим бўлганида Отабоевдан процентга олармидим?!

– Унда имилламай ўша пулларни ол! – буюрди Бўрибой. У тезроқ кетишни истади. Қолаверса, бойвачча бу йигитнинг ўзида ҳам уч-тўрт минг доллар бор деб ўйлади. Бу орада Аюбхон бурчакдаги девор ичига ўрнатилган темир сандиқни очди. Китоб тагидаги бир пачка долларни олиб Бўрибойга узатди.

– Энди қоғозни беринг. Ҳар эҳтимолга қарши менда қолгани дуруст!

– Нега қоғозни сенга беришим керак? Ахир бу хужжат. Хужжат ҳамма ерда ўтади. Сени ментларнинг кўлига тутиб бериш учун ҳам асқотади, – деди Бўрибой долларни ҳамёнига солар экан. – Қани айт-чи, ўзингнинг топган-тутганларинг қаерда?

Аюбхоннинг тиззалари титради. У қўллари билан столнинг қиррасини чангаллаб, гавдасини орқага

ташлаб, кўкрагига қадалиб турган тўппончанинг азобидан қутулиш учун типирчилади. Чироқ шуъласида пешонасидан чиққан муздек тер томчилари ялтиради. У ҳақиқатан ҳам чин сўзни сўзлаётганини, уйида сарик чақа қолмаганини, Отабоевнинг пулини қайтариб бериш мақсадида уйига келтириб қўйганини исботлашга уринди. Нима қилиб бўлса-да, қароқчилар қўлидан соғ-омон чиқиш учун рост-у ёлғон сўзларни тўкиб солди. Қароқчилар савдогарнинг гапларини тинглаб кулишди. Тўппончанинг учини кўкрагига қаттиқроқ босиб, пул талаб қилишади. Қийнаб, азоблаб, бошига бундан-да оғир мусибатларни солишларини айтиб кўрқитишди. Шундай қилсак, пулларни қаерга яширганини айтади, ўзи уларни топиб беради деб ўйлашарди.

Стол тўнтарилди. Аюбхон йиқилди. Электр дазмоли Бўрибойнинг оёғи остига тушди. Босқинчи ярқ этиб хаёлини ёритган фикрдан дили яйраб кетди. Насриддинга қарата сўз қотди.

— Дазмолни токка ула! — буюрди Бўрибой оёғи билан дазмолни Насриддиннинг ёнига суриб. Бундай жойларда исмларини атаб чақириш тақиқланган.

Насриддин дазмолни электрга улади.

— Сўнгги бор сўрайман, пуллар қаерда?!

— Чин сўзим, уйимда ҳеч вақо йўқ, — дея ерда чўзилиб ётган Аюбхон кутилмаганда Бўрибойнинг тепкиси тушишидан чўчиб, қўллари билан юзини тўсган ҳолда жавоб қайтарди. — Рухсат берсангиз, эртага истаган пулингизни топиб бераман! Фақат мени қийнаманг, болаларимга раҳмингиз келсин.

— Бизга пул ҳозир керак, — деди Насриддин бўш келмай.

— Онамни ўртага қўйиб қасам ичаман, уйимда пул тугул танга ҳам қолмади. Йигит сўзим. Ишонмасан-

гиз ҳамма жойни тинтиб кўринглар. Топсаларинг, нима қилсаларинг қилаверинглар!

– Балки тилла буюмлар бордир? Бизга пул бўлиши шарт эмас! – Бўрибой уй эгасининг елкасига оёғини қўйди.

– Муҳлат беринглар. Эрталаб кўлларингга 50 дона тилла сўлкавой тутказаман! – томоғи қуруқшаб кетган Аюбхонни йўтал тутди.

– Улар қаерда? – бир оз жонланиб сўради Бўрибой. – Эллик дона тилла тангани тилга оляптими, демак, уйда пул бор. Йўқ нарсани гапирмайди. Бўрибойнинг фазаби кўзиди. – Ҳозир топасан. Акс ҳолда чавақлаб ташлайман!

– Бир танишимникида. Гаровга берганман!

«Гаров» сўзини эшитиб Бўрибойнинг **хафсаласи** пир бўлди.

– Биласанми, сен бойвачча анча айёр одамга ўхшайсан. Гапингнинг ҳидидан бизларни ментларга сотмоқчига ўхшайсан!

Бўрибой гапини тугатмай елкаси оша Насриддинга буюрди:

– Дазмолни келтир!

Насриддин чўғдек қизиб турган дазмолни Бўрибойнинг кўлига тутқазди. Бўрибой оёғи билан уй эгасининг **болдирига** тепди.

– Шимингни пастга тушир! – буюрди у.

– Ундай қилманглар, илтимос, мана шу уй ҳам, ичидаги жиҳозлар ҳам сизларга. Бировга шикоят қилсам эркак эмасман. Худо урсин! Фақат мени қийнаманглар. Юрагим касал, – ялиниб-ёлворди Аюбхон. Унинг илтижоси Бўрибойнинг кўнглини юмшатмади.

– Биласанми, Гитлер ҳам йўлига юрмаганларни чўғ билан эркаклик томирини куйдирган. Сен ҳам айтганимизни қилмадинг, Гитлернинг ишини қилишга мажбурмиз!

Бўрибой Аюбхоннинг белига тепди. Насриддин унинг елкасидан босди. Бир қўли билан шимини ечди. Қайноқ дазмол оппоқ думбасига текканда Аюбхон чинкириб юборди. Насриддин кафти билан унинг оғзини тўсди. Бўрибой ҳамон Аюбхоннинг яланғоч баданига дазмолни куч билан босар, ёғ ва гўшт ҳиди буғ мисол кўкка ўрларди. Аюбхон Насриддиннинг кафтини тишлаб олди ва яна чинқирди. Насриддин оғриққа чидамай бақираётган уй эгасининг бошига мушт туширди.

– Ўчир овозингни, хунаса!

Уйнинг деразаси тақиллаб, қўшнинг «тинчликми, Аюбхон» деган овози келмаганида боскинчилар савдогарни *ҳали узок азоблашган бўлармиди?* Биринчи бўлиб эшикдан Абдурасул ўқдай отилиб чиқди. Қолганлар унинг ортидан эргашишди. Хушсиз Аюбхон уйда танҳо қолди.

Қотиллар шом оралиғида Тожикистон республикасининг Ўзбекистон билан чегарадош Қабодиён туманига етиб келишди. Шу ердан бошлиқларига сим қоқишди.

– Берган китобингизнинг биттасини ўқиб тугатдик, хўжайин! – деди Бўрибой ўзининг хурсандлигини яширмай.

– Қайси бирини ўқидинг?

– Сиз ёқтирган китобни-да!

– Қолган иккитасини қачон ўқиб тугатасанлар? – шошиб сўради тўдабоши.

– Уларни ўқиш қийин экан, хўжайин!

– Сенлар ўқиёлмасанг, ўқийдиган бошқа одам топаман!

– Бошқа топшириғингиз йўқми, хўжайин?

– Кечки пайт қўнғироқ қил!

Отабоевнинг ўлдирилганини эшитиб Эргашнинг елкасидан тоғ қулагандай бўлди. Ахир уни йўқотиш учун нақ икки йил пайт пойлади. Хар гал қандайдир тасодиф туфайли ажал уни четлаб ўтарди. Умри узун экан, шу кунгача яшади. Акс ҳолда аллақачон ўлиб кетган, қабридан янтоқ ўсиб чиққан бўлармиди? Мана энди ажални ўзига тилаб олди. Эргаш уни кўп бор огоҳлантирди. Одамлари орқали уйига бир эмас, бир нечта хат ташлатди. Мурасага чақирди. Кўр ушлаганини, кар эшитганини қўймас деганларидек, Отабоев билганидан қолмади. Минбарларга чиқиб, уни бузғунчиликда, ғаламисликда, ақидапарастликда айблади. Унинг кўрсатмаси билан гуруҳнинг фаол, ташаббускор аъзоларидан олти нафари қамалди. Гуруҳ раҳбари эса милициянинг тузоғига илинмади.

* * *

Эргаш хизматдан қайтганида ҳамқишлоқлари уни очик чехра билан кутиб олишди. Асирга тушибсан, Ватанга хиёнат қилибсан деб ҳеч ким юзига солмади. У тинч, осойишта ҳаёт кечириб юрди. Кунларнинг бирида шаҳарга чақиртиришди. Қандайдир нотаниш кимсалар билан учрашди. Турқ-таровати, сўзлари ғалати. Улар Эргашга кимларнингдир саломини топширишди. Бироқ салом йўллаган кимсаларни эслай олмади. Шунда меҳмонлардан бири ҳамёнидан тўрт дона сурат олиб, Эргашнинг қўлига тутқазди. Боши таналаридан узилган жасадлар, қўлида қон томиб турган олмос тигли ханжар тутган, ҳарбий кийимдаги йигит. Қўли орқага боғланган, юзлари калтак зарбидан кўкариб қон-қушга беланиб, беҳол-бемажол деворга суяниб турган аскарлару уларни «М-16» автомаши билан нишонга олаётган мерган. Бошқа сурат-

да эса пешонасидан ўқ еб, ерга узала тушиб ётган ўн чоғли мурдалар. Улар орасида автоматни боши узра баланд кўтариб турган қонхўр. Яна бир суратда эпкин оппоқ соқолини бир томонга тортқилаётган, бошида каттагина оқ салла, боқишларида ўйчанлик акс этиб турган Бурхониддин Раббоний ҳазратлари. Унинг шундоқ биқинида худди айб иш қилиб қўйган боладай кўзлари ва юзидаги ғам-андухни сездириб қўймаслик учун зўраки жилмайиб турган Эргаш. У суратлардаги одамни дарҳол таниди. Бу ўзи эди. Бироқ асирларни отиб ўлдирмаган, айтилган топшириқни бажарган, холос. Расмга олишларини ким хаёлига келтирибди дейсиз?

– Мендан нима истайсизлар? – суратлардан бошини кўтариб ёнидаги меҳмонга юзланиб сўради Эргаш.

– Сиздан ҳеч нарса керак эмас! – деди меҳмон суратларни ҳамёнига солар экан.

– Унда нимага мени бу ерга чақиртирдиларинг?

Меҳмон жим қолди. У ўз мақсадини Эргашга қандай йўл билан тушунтиришни ўйлади. Унга бирданига катта топшириқ бериб ёки амалга ошириши керак бўлган ишлар ҳақида сўзлаб бўлмасди. Эргашбойни амалга оширилиши керак бўлган ва ҳозирда водийда олиб борилаётган хуфиёна ишлардан бохабар қилиш учун озгина фурсат даркор эди. Муҳими, Эргашбойни топишди. Эндиги вазифа уни кузатиш – синаш. Меҳмон ҳозирча унга бирор сўз айтмасликка аҳд қилди.

– Сизни кўриш, суҳбатингиздан баҳраманд бўлиш ниятида олдингизга келган эдик, иним! – деди меҳмон. – Ахир дўст атои улуғ дейдилар!

– Қуллук, – зўрға тили айланди Эргашбойнинг. Шундан кейин меҳмон Эргашнинг шахсий ҳаёти, ишлари билан қизиқди. Одилов хизматдан бўшаб қайтгач, бирор ташкилотга ишга жойлашолмаётга-

нидан шикоят қилди. Шунчаки кундалик ҳаётга оид савол-жавоблардан Эргаш ўзини анча енгил ҳис этди. Кетиш олдидан меҳмон ҳамёнини кавлади.

– Кам-кўстингизга ишлатарсиз, – деб бир талай 100 талик долларни йигитнинг кафтига босди. Эргаш эътироз билдиришга ўзида куч топа олмади.

– Қандай хизмат бўлса, бош устига меҳмон? – деди Эргаш хайрлашиш олдидан. – Бир илтимосим – ҳамёнингиздаги суратларни ёқиб юборсангиз. Бирорта одамнинг кўзи тушса гап-сўз кўпайиши мумкин.

Меҳмон суратларни унинг кўз ўнгида ёқиб ташлади.

Эргаш ўрнидан туриб меҳмондан узоқлашганида йигирма-ўттиз қадам наридаги курсида ўтирган кекса ёшдаги икки кимса ва бир болали аёл ҳам ўрнидан турди. Улар бир-биридан узоқлашмаган ҳолда Эргашнинг изидан тушишди. Кузатувчилар маълум масофадан сўнг алмашиб, таъқибни давом эттиришди.

Кўлига пул тушган Эргашнинг кўнглида шакар-гуфторликка мойиллик уйғонди. Йўл-йўлакай телефон бўлинмасига кирди. Кузатувчилардан бири кўлидаги дурбинни олди. Эргашбой телефонда суҳбатлашиб бўлгач, ташқарига чикди. Йўл ёқасига ўтиб, такси кута бошлади. Кузатувчи ортидан келаётган аёлни чақирди.

– Зудлик билан мана бу телефон номерининг эгасини аниқла. Кимга қарашли, қаерда ишлайди? Сўнг менга хабар қил! Тушундингми?

– Тушундим, – деди аёл.

Эргаш изига айғоқчи тушганидан, босган қадамини ўлчаб боришаётганидан беҳабар эди. Бу унинг хаёлига ҳам келмади. Кўнғироқ қилган хонадон соҳибаси йўқлиги боис, шаҳарда узоқ қола олмади. Рўзғор учун керакли буюмларни харид қилиб, кишлоққа қайтди. Айғоқчилар ўзларининг янги «одамлари» да шубҳали

ҳаракат сезишмади. Бошлиқларини бу ҳақда хабардор қилишди. Ҳатто беришган пулнинг нимага сарф қилганигача айтишди. Бошлиқнинг кўнгли тўлган бўлса-да, кузатишни давом эттиришга буйруқ берди.

Орадан бир ой ўтиб, Эргашни яна шаҳарга чақиртиришди. Бу гал учрашувга бошқа одам келди. У ҳам хорижлик дўстларининг саломини топширди. Янги таниш анча босиқ, вазмин одам эди. Ярим соат гурунглашишди. Эргашнинг дил қулфи очилди. Меҳмонни ўзининг кадрдонидек қабул қилди. Анчадан кейин мақсадга кўчди.

— Коммунистлар ва уларнинг малайлари бизнинг қадимий урф-одатларимизни поймол қилишди. Бир сиқим тупроқдек миллатларга, элатларга ажратиб ташлашди. Ягона ва қудратли давлатимиз ўзимизга ёт бўлиб қолди. Энди СССР деган давлат ҳам бўлиниб кетди. Ота-боболаримиз давлатини тиклаб, ягона байроқ остида яшаш фурсати келди. Эл саросимага тушиб қолган, ким қаёққа етакласа оғиб кетади. Ватанимиз яна коммунистлар қўлида қолмаслиги учун тезкор бўлмоғимиз даркор. Сиздек мард, Ватан ва миллат тақдирига имонини тикишга тайёр йигитлар бунга йўл қўймаслиги лозим! Биламанки, сиз ёшлигингизда курашчи бўлгансиз, манаман деган полвонларнинг курагини ерга теккизгансиз, маҳаллангизнинг обрўсини вилоятга ёйгансиз. Ёш-яланглар ортингиздан эргашади, гапингизга қулоқ тутишади. Коммунистлар етмиш йил халқнинг қонини зулукдек сўриб яшагани етар. Улардан ҳокимиятни тортиб олиш фурсати келди. Энди сиздек ориятли йигитлар янги давлатни бошқаради! Эргаш «Коммунистлар қолмади, тинч, яхши яшаймиз» демоқчи бўлди. Хаёли қочди, ўйлаб боқса, меҳмоннинг гапида жон бордек. Халқнинг урф-одатини тикласа, миллат ва элнинг фаровонлиги

учун курашса, бунинг нимаси ёмон? Қолаверса, меҳмоннинг сўзидан ёвузликнинг ҳиди келмаяпти. Эзгуликка, ахилликка, биродарликка чорлаяпти! Шу йўлда курашса уни ким ҳам айбларди? Эргаш шуларни ўйлаб розилик аломатида меҳмоннинг сўзларини маъкуллади.

– Коммунистлар шу даражада кутуриб кетишди-ки, – деди Одилов, – ҳатто ўзимизнинг қадимий байрамимиз Наврўзни ҳам эскилик, диний сарқитга чиқариб тақиқлашди.

Ўрта маълумотли, сиёсатдан анча йироқ бўлган, сўзининг маъносини қақиб етолмаган бу йигитни сўзларига ишонтиролган меҳмон унинг гапини эшитиб, Эргашга таъсир ўтказиш пайида бўлди. Бундай пайтда уни руҳан қўллаш, далда беришни яхши биларди.

– Отангизга раҳмат! Менинг нима мақсадда жон куйдириб, айтаётган гапимнинг маъзини қақиб улгурдингиз! Тасанно!

Бу олқишлардан Эргаш ҳаволанди.

– Қишлоқларда одамлар бир қарич ерга зор. Ўнта боласи билан 2 сотих ерда димиқиб яшамокда. Раҳбарлар таъмагир бўлиб кетган, пора узатмасанг ер бермайди.

– Баракалла, иним, баракалла! Ақлингиз кўп нарсаларга етар экан! Уй учун ер ололмай сарсон юрган ҳамқишлоқларингизни тўплаб, амалдорларга қарши исён кўтаринглар! Жим юрсаларинг улар ҳаддидан ошса ошадикки, ўтирган курсисини бўшатмайди. Ўзингизни кўрсатинг, мазлум халқ томонида туринг! Уларни ортингиздан эргаштиринг! Шунда марра сизники!

Улар узоқ суҳбатлашдилар. Меҳмон кетиш олди-дан ҳамёнини кавлади. Бир боғлам доллар олиб Эргашнинг қўлига тутқазди.

– Бирор кунингизга асқотар, иним!

Ўшанда Эргаш қурилиш учун томорқа ололмай юрган ҳамқишлоқларини тўплади. Уларни ортидан эргаштириб, туман ва вилоят партия қўмитасига бошлаб борди. Раҳбарлар халқнинг талаб ва истакларини қондиришди. 20 чоғли оломоннинг вилоят партия қўмитасига бошлаб бориш Эргашнинг ғалабаси эди. Ўшанда Отабоев билан Эргаш илк бора тўқнашишган эди.

– Одамларингизни тарқатиб юборинг, ўзимиз қишлоқларга бориб, масалани ўша жойда ҳал қиламиз! – деганди Отабоев. Бироқ талвасага тушиб бақириб-чақираётган одамлар қуршовида турган Эргаш таслим бўлишни истамади.

– Коммунистлар истеъфога чиқсин! – деб баланд овозда бақирди. Оломон унинг сўзларини такрорлади. Осмонда момақалдироқ гумбурлагандек борлиқни халқнинг бақир-чақирлари тутиб кетди. Отабоев ёши улуглардан уч-тўрттасини хонасига таклиф қилди. Уларга қўшилиб Эргаш ҳам кирди.

– Сендан Ватан хоинининг, халқ душманининг хиди келяпти! – деганди ўринбосар кўпчиликнинг олдига унга. – Сенсиз ҳам одамларнинг муаммоларини ҳал қилишга кучимиз етади! Чик!

Хонасидан чиқариб юборган Отабоевнинг мана шу сўзи тўдабошининг юрагида яра ҳосил қилди. У кун сайин катталашиб, газак олиб борди. Ҳар гал эсланида бадани қизиб, қақшаб кетади. Миясига қон тепади. Энди Отабоевдан ҳам қутулди. Оловдай ловуллаб ёнаётган юрагидаги қасос ўти андак босилди. Қолганлари ҳам тез орада гумдон бўлади. Унгача яна бир душмани – Фиёсов бор. Эндиги навбат унга. Эргаш кеч тушишини, Бўрибойнинг қўнғироқ қилишини сабрсизлик билан кута бошлади.

Нихоят Бўрибой кўнғироқ қилди.

– Топшириқни айтинг, хўжайин?

– Фиёсовни танийсанми?

– Қайси Фиёсовни айтяпсиз?

– Мелиса Фиёсов бор-ку.

– Э, халиги ўзингизнинг ўртоғингизми?

– У менинг ўртоғим эмас, фирт душманам. Унинг холидан хабар олинглар!

Эргаш Фиёсов билан армияда бир ротада хизмат қилган, ҳатто ёнма-ён ётишган. Оғир кунларда бир тишлам нонни бўлиб ейишган. Эргаш мужоҳидлар кўлига асир тушганидан кейин Фиёсов ундан ўзини олиб қочадиган бўлди. Кўрпа-тўшагини бошқа жойга кўчирди. Одилов дўстининг кутилмаганда ўзгариб қолганини тушунмай юрди. Шундай бўлса-да, ҳамюртига талпиниб яшади. Бўлғуси милиционер эса унга яқинлашишдан қочди. Нега бундай қилмоқда? Эргаш ўйлаб-ўйлаб, бунинг сабабини топа олмади. Хизматни тугатиш арафасида Фиёсовнинг ўзи ёрилди.

– Мен милицияга ишга кирмоқчиман. Сен эса душманга асир тушгансан. Бир-биримиздан узоқроқ юрганимиз дуруст, – деди.

Эргаш сирдош дўсти билан бирга тушган ҳамма расмларини ёқиб юборганини оғайниларида эшитди. Ўшанда юраги сим-сим оғриди. «Балки бошқа дўстларим ҳам мендан ўзини олиб қочаётгандир» деган ўй-хаёлга борди. Ахир у отасидан, уруш кўрган ҳамқишлоқларидан асир тушган аскарларнинг бошига қандай савдолар тушганини, ҳозир ҳам улар назоратда туришини яхши биларди.

Кўконда туриб қолган йигитлар Фиёсовни ўлдириш мақсадида бир ҳафта ўтказиб яна шаҳарга қайтишди.

Четдан караганда шаҳар осойишта, осуда кўринади. Аслида бунинг акси эди. Отабоевнинг жасади топилиб, қидирув ишлари бошлаб юборилди. Шаҳарга кирадиган барча йўлларга шлагбаум қўйилган. Ҳар бир машина текширувдан ўтказилади. Қароқчилар елкасига автомат осган милиционерларни кўриб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Уларнинг муз янглиғ совуқ кўзларида «бизни излашяпти» деган маъно яширин эди. Бўрибой қалтис вазиятда шаҳарга кириб бўлмаслигини, иккинчи топшириқни кейинга қолдиришни лозим топди. Улар зудлик билан Андижон орқали Тожикистонга ўтиб кетишди.

Бўрибойнинг қайтиб келганини кўриб, Эргашнинг сочи тикка бўлди.

— Нега қайтдиларинг, бир-икки кун турсаларинг ўлиб қолмасдиларинг! — дея қаҳр-ғазабини сочди. Бўрибой имконият бўлмаганлигини, шаҳарни милиция босганини, ҳар бир одамни текшираётганини айтди.

Бироқ Эргаш учун бу етарли баҳона эмасди.

— Қаёққа, нимага шошилдиларинг?! У ўлмагунча мен тинч яшолмайман! — деди бўғилиб.

— Хафа бўлманг, хўжайин! Худо хоҳласа, шаҳардаги тўполон босилсин, ўзим бориб, ўша искиртнинг калласини узиб, оёғингиз остига келтириб ташлайман!

— Менинг оёғим остига келтириб ташлашинг шарт эмас, — баттар тутакди тўдабоши. — Фиёсовнинг ўлими ментларга ўрнак бўлсин! Яқиндагина менга хабар қилишди, Отабоевнинг ўлимида яна бизни айблашмоқда. Афтидан сезиб қолишганга ўхшайди. Ашурматов кўплаб одамларимизни турмага тиқибди. Шунинг учун Фиёсовнинг калласини узиб, Ашурматовнинг уйига ташла. Навбат ўзига келганини билиб қўйсин. Зора шу билан одамларимизни турмадан чиқариб

юборса! «Эргаш қочди» деганлар кетини чангаллаб юришсин! Мен тирик эканман, ганимларимнинг хотиржам яшашларига йўл қўймайман! Уларнинг бошига шундай офат-кулфатларни солайки, етти пушти унутолмасин! Эртами-кечми, мен бари бир қасос оламан! Бир кун бўлса ҳам ҳукмронлигимни ўтказаман!

Ўшанда Бўрибойга айтган сўзлари ҳозир ҳам Эргашнинг ёдида. Буни унутолмайди. Хотирасига ўрнашиб қолган. У қизариб, қон қуюлган кўзларини, асабий титраётган қўлларини мушт қилиб юмди, қуруқшаб қолган лаблари билан ўша сўзни яна бир бор овоз чиқариб такрорлади: «Эртами-кечми, бари бир мен ҳукмронлик қиламан».

Бўрибойнинг юртга қайтиб боришга юраги бетламади. Бошлиққа ваъда беришга берди-ю оқибатини ўйламади. Эргаш Фиёсовни унутиб юборишига ишонганди. Орадан бир ой ўтмай хўжайин уни чақиртирди.

– Қовун тушириб келибсанлар-ку! – деди у Бўрибойга еб юборгудек тикилиб.

– Тинчликми, хўжайин, нима гап?! – юраги ҳапқириб кетган Бўрибой бошлиғининг нима сабабдан асабийлашаётганини тушунмади.

– Отабоевнинг ўлимида душманларимиз қўлимиз борлигидан воқиф бўлишибди. Ҳатто Абдурасулнинг расмини деворга илиб қўйишибди.

– Ё, тавба?! Бўлиши мумкин эмас. Ахир Отабоевни ўлдирганимизни биров билмасди-ку? Бунинг устига биз ҳеч ким билан учрашмаган бўлсак... Балки бу хабар нотўғридир.

– Нотўғри?! Мен сенга ёлғон гапиряпманми, қўлимда далилим бор. Ма, ўқи! – Эргаш Абдурасулнинг сурати туширилган варақни унинг оёғи остига ташлади...

– Ичимизда сотқин бор! Кимдир бизнинг ишларимиз ҳақида ментларга хабар етказаётганга ўхшайди.

– Бўлиши мумкин эмас! – деди Бўрибой. – Ишонмайман!

– Ишонмайман?! – кескин бурилиб Бўрибойга юзланди тўдабоши. Унинг узун киприклари остидаги қисик кўзларида чўғ ялтирагандек бўлди. Одатда ўзининг фикрларига қарши чиққан ёки уни инкор қиладиган одамларни ёқтирмайдиган Эргаш оғзидан тупук сачратиб деди:

– Буни қаердан биласан? Нега ишонч билан бундай деяпсан?! Одам зотининг ичини билиш учун бир қоп туз яласанг ҳам камлик қилади.

Эргашнинг кўзлари совуқ ялтиради.

– Балки мен излаётган сотқин сендирсан?! Қани айт-чи, юртга кетаётганингдан ким хабардор эди? – деди.

Бўрибой тошдек қотиб қолди. У ўзини қўлга олишга, бошлиғининг сўровига жавоб қайтаришга тили айланмади.

– Нега гапирмайсан? Тилингни ҳаққа чўқиганми?

– Йўқ, – деди бир оздан сўнг ранги бўздек оқариб кетган Бўрибой. – Ҳеч ким билмасди...

– Унда нега ментлар Абдурасулдан гумон қилишмоқда? Нега унинг расмини ҳамма ёққа илиб, қидирув эълон қилишди? Нега сеники ёки Носирнинг расми йўқ! Менга шуниси сирли туюлмоқда!

Бўрибойнинг қўл-оёғи титрар, ўзини қўярга жой тополмай типирчилар, қандай қилиб бўлса-да, қалтис вазиятдан чиқиш йўлини ўйларди.

– Худо урсин, хўжайин... Мен булардан беҳабарман! Хоин бўлганимда қайтиб олдингизга келармидим?! Отабоевнинг бўғзига пичоқ урармидим?! – зўрға тилга кирди Бўрибой.

– Учаланг биргамидинг? Бирортанг четда қолиб кетмаганмидинг?

– Й-ўқ...

Бўрибой хаёлига ярқ этиб, келган фикрдан қуво-
ниб кетди.

– Сизга бир гап айтайми, хўжайин...

– Айт!

– Биз шахарга борганимизда Абдурасул бир соатга
рухсат олиб, Қирқчинордаги тиш даволайдиган поли-
клиникага тушиб тишини суғуртириб келувди...

Эргаш иягини чангаллаб дераза томон юрди. Эр-
талабдан бери томчилаб турган ёмғир тинди. Қуёш
чок-чокидан ситилиб сузиб бораётган булутлар ораси-
дан бир-икки марта чўчигандек нигоҳ ташлади. Унинг
тафтсиз нурлари дераза ойнасидан ичкарига тушар-
ди. «Абдурасул кимгадир оғзидан гуллаб қўйган.
Бўрибойнинг гапида жон бор. Шерикларини сотма-
ган бўлса-да, Отабоевни ўлдириш мақсадида келгани-
ни айтган. Ишқилиб Ғиёсов ҳақида гуллаб қўймаган
бўлсин-да! Ёки бирорта жойдан ментларга телефон
орқали хабар қилган. Бундай латтачайнар одамларга
ишониб бўлмайди. *Истаган* пайтда қовун тушириши
ҳеч гап эмас. Шу баҳона уни даф қилиш зарур. Даф
қилганда ҳам шундай азоб-уқубатлар, қийноқларга
солсинки, ўлими ёшларга сабоқ бўлсин. Шундай қил-
синки, қочиш пайида юрганлар зир титрасин!» Эргаш
хаёлига келган бу фикрдан мамнун ҳолда бошини
кўтариб Бўрибойга юзланди. Унинг юзи қизариб кет-
ганди. Нима қилишини билмай ер чизиб турарди.

– Нега келган кунинг бу ҳақда мени хабардор қил-
мадинг?

– Хаёлимдан кўтарилибди, хўжайин, берган топ-
шириқларингиз билан овора бўлиб унутибман...

– Бунақа нарсани унутиб бўладими? Сенларга неча
маротаба айтганман, сал ҳиди келиши билан мени ха-
бардор қил деб!

– Бошқа такрорланмайди, хўжайин, – Бўрибой кўлини кўксига босди.

– Бўлар иш бўлди. Энди Абдурасулнинг жазосини ўзинг бер! Шундай азоблагинки, бу ишинг ўзгаларга ибрат бўлсин. Уқдингми?!

– Тушундим, хўжайин, ҳаммаси сиз айтгандек бўлади, – жилмайди Бўрибой.

– Унда бор – топширикни бажар!

– Қуллуқ, хўжайин!

Бўрибой хуш кайфиятда чодирдан чикди. У Абдурасулга қандай жазо беришни йўл-йўлакай хаёлан ўйлаб ҳам қўйди. Жазони ҳамманинг кўз олдида ижро этса, оломонни Эргаш томонидан ўрнатилган темир интизомга бўйсундириш осон бўлади. Тўдада бундай ишга қўл урадиганлар, қочадиганлар, айғоқчилар Эргашнинг қахридан қўрқиши, унинг буйруқларига сомё бўлиб туриши керак-ку! Иккинчи томондан, ўлим жазосига бошқа бировлар маҳкум этилганидан мамнун бўлишдек тубанлик ҳисси ниш уради, оқибатда жангарилар шафқатсиз жазони зарурий шарт деб қабул қиладилар ҳамда буни маъқуллаб қолмай, қўллаб-қувватлайдилар ҳам.

Бўрибой икки йигитни олдига солиб, жангарилар машғулот ўтказадиган майдонга юрди. Йўл-йўлакай қўлига олган белкуракларни йигитларга бериб, одам бўйи хандақ казишни буюрди. Нам тортиб қолган ердан ховур кўтариларди. Қандайдир бадбўй хиддан нафас бўғиларди. Йигитлар кавлаётган жойга шу захотиёқ кум аралаш шағал шовуллаб тўкил, бу эса ишни янада қийинлаштирди. Пешингача тер тўкишди. Амал-тақал қилиб хандақни қазиб бўлишди.

Абдурасул тунда навбатчилик қилди. Толиқиб, хориган эди. Эрталабки нонуштадан сўнг чодирга кириб, пўстак устига узала тушиб донг қотиб ухлаб қол-

ди. Чукур қазиган йигитлар уни уйғотиб, қўлтиғидан олиб, чодирдан судраб чиқишганда одамлар уяси бузилган ари тўдасига ўхшаб жонсарак бўлиб қолишди. Қандайдир нохуш воқеанинг содир бўлишини сезган Абдурасулнинг оёқ-қўлида титроқ турди. Чукур олди-га алдов йўли билан олиб келинган ўн чоғли ўспирин йигит тиз чўктирилганди. «Улар бу ернинг тартиб-интизомларини билиб қўйишсин, қишлоқларини соғинганлар, уйига талпинганлар бу ердаги воқеаларни давлат идораларига етказадиганларнинг бошига ҳам шундай мусибат тушишини ўз кўзлари билан кўришсин» деган мақсадда уларни ҳандақ олдига олиб келишган. Уларнинг бежо кўзлари атрофга ҳадик билан боқади. Ички қўрқувдан вужудлари япроқ мисол титрайди. Бу ерда содир этиладиган нохушликлар, одамларни азоблаб ўлдириш чоғида янги келганлар, албатта, олдинги сафга ўтказиб қўйилишидан воқиф бўлишди. Абдурасул жангарилар орасидан ўтиб ҳандақ тепасига келгунича ўзини қандай жазо кутаётганини билмас эди. У оёғи остидаги чуқурни кўриб, ранг-рўйидан қон қочди, баданини совуқ тер босди. Бу ерга ёмон ниятда олиб келишганини шундагина тушунди. Катта кўзларида масхараомуз табассум уйнаб турган Бўрибойга елкаси оша қайрилиб бокди.

– Тинчликми? Бу нима қилганинг?! – сўради овози титраб.

– Сени бу ерга нима мақсадда олиб келганимизни биласанми? – деди Бўрибой унинг сўзини эшитмагандай.

Абдурасул ҳамманинг нигоҳини ўзига қаратган эди.

– Нега бундай деяпсан?! Сенга нима ёмонлик қилдим?

Танаси қизиб кетган Абдурасул оқариб кетган юзини орқага бурди. Шунда ўттиз қадамча наридаги

чодирнинг туйнугидан ўзига қараб турган бир жуфт кўзда нигоҳи тўхтади. Бу Эргашнинг кўзлари эди.

– Сен менга ҳеч нарсa қилмадинг. Бироқ мана бу йигитларимизга катта гуноҳ қилдинг. Билиб қўй, улар сени ҳеч қачон кечиришмайди!

– Қанақа гуноҳ, нима ҳақда гапиряпсан?! – синфдош дўстининг сўзини бўлиб қичқирди Абдурасул.

Бўрибойнинг афт-ангори бўзариб кетди. Талвасага тушган одамдек ўшқирди. Кўрсаткич бармоғини шеригининг суяклари туртиб чиққан кўксига нуқиб деди:

– Ҳой, халойиқ, мана бу шайтонни танийсизларми?! – деди атрофни ўраб олган жангариларга қараб.

– Таниймиз! – жўр бўлиб жавоб қайтарди тўпланганлар.

– Қилган гуноҳларидан хабардормисизлар?!

– Айт!

– Бу ментларнинг агенти!

– О-оо! – жўр бўлиб қичқирган жангариларнинг овози жаранги атрофни тутди.

– Бизнинг бу ердаги сирларимизни уларга етказиб турган!

– О-оо!

– Юртдаги сафдошларимизни ҳам уларга сотган!

– Гувоҳ борми?!

– Гувоҳ?! – овоз келган томонга юз бурди Бўрибой.

– Гувоҳ керагича топилади!

– Кўрсат!

– Мана, ҳозир унинг оғзидан айбига икром бўлганини ўз кулоқларинг билан эшитасизлар!

Бўрибой ўртоғининг иягидан чангаллаб юзини ўзига қаратди:

– Отабоевни ўлдирганимиз ҳақида ментларга сигнал берганингни мана бу йигитларга ўз тилинг билан гапириб бер!

– Мен агент эмасман, – аранг тилга кирди Абду-
расул. Бўрибой унинг иягини тепа лаблари аралаш
махкам чангаллаб тургани боис оғзидан чиққан гап
орқа қатордагиларнинг қулоғига етиб бормади.

– Мана, кўрдиларингми, бу аблах қилган ишидан
тонмокда, аммо менинг қўлимда унинг айбини фош
қиладиган далил бор!

Бўрибой бўш қўли билан ҳамёнидан бир парча
қоғоз олиб, уни боши узра кўтариб атрофдагилар-
га кўрсатди. Шамолда пирпираб, букланиб кетган
қоғозда нималар ёзилганини ҳатто унинг ёнида тур-
ганлар ҳам кўрмасди. Унда ёзувлар эмас, балки қан-
дайдир расм борлигини кейин билишди.

– Кўриб қўйинглар, халойиқ. Ментлар бизда
шубҳа уйғонмаслиги учун атайин мана бу варақага
унинг расмини босиб, қидирув эълон қилишган!

– Ёлғон! Бу гапларинг тухмат! Мен ҳеч қачон мент-
ларга сотилмаганман! – тухматга чидаёлмаган Абду-
расул минғирлаб йиғлаб юборди.

Яна осмон узра жангариларнинг қийқириғи янг-
ради.

– Сотқин!

– Энди ҳаммаси бизга кундек равшан, шаҳардаги
одамларимиз сенинг кимлигинг ҳақида, қачондан буён
ментларга хизмат қилишинг тўғрисида бизга ишонч-
ли хабар жўнатишди. Бунинг учун сени сўроқ-савол
қилиб ўтирмаймиз! Ёлғон-яшиқ гапларингга қулок
соладиган одам ҳам йўқ! Биз учун дўстларимизнинг
гапи ҳар қандай гувоҳ ва исботдан кучлидир! – Бўри-
бой бошини мағрур кўтариб атрофдаги йигитларга қа-
рата гапирди: – Гапим ҳақми, биродарларим?!

– Ҳақ!

– Мана сенга исбот! Мана сенга халойиқнинг жаво-
би. Жазони ҳам мана шулар берди сенга!

Бўрибой Абдурасулнинг иягидан қўлларини бўшатди. Ўткир тирноқлари унинг кўкарган терисига ботиб, шилиб юборган, билинар-билинемас қон сизиб чиқарди. Айбдор оғзини очиб гапириш имкони туфилган бўлса-да, аммо гапиролмади. Атрофни ўраб олган шерикларининг нафратга тўла кўзларига қарай олмаганидек, ўзини оқлайдиган сўзларига ҳам ҳеч кимни ишонтира олмаслигини тушунди. Айбдорнинг сукут сақлаши Бўрибойни тезроқ ҳукм ўқишига имкон берди:

– Биродарлар, сотқинлар қандай жазога муносиб?!

Яна гумбурлаган овоз лагерь осмонида момақалди-рокдек гумбурлади.

– Ўлим!

– Ўлим!

Туйнукдан мўралаб турган Эргаш ташқарида бўлаётган воқеани кўзи билан кўриб, томоша қилиб турарди. Бўрибойнинг айбдорни ўз қилмишига тан олдирганидан, муҳими жангариларнинг қаҳрини келтирмай, аксинча барчанинг ғазабини қўзғатганидан мамнун эди. Унинг қуруқшаб қолган лаблари пичирлади:

– Ўлим-м-м-м!

Бўрибой ўртоғининг қулоғига шипшиди:

– Халойиқнинг ҳукмини эшитдингми? Улар сени қатл қилишни талаб қилишмоқда. Афсуски, сенга ён боса олмайман...

– Ифлос экансан, искирт! – шу сўзни айтиш учун ўзида зўрға куч топа олди Абдурасул.

Бўрибой ёнидаги йигитларга буюрди:

– Воҳид, Шамси! Бу даъюсни ушланглар, қўлоғини боғланглар, чуқурга ташланглар!

Абдурасул депсиниб қичқирар, тутмоқчи бўлган йигитларни тепиб, ёнига яқин йўлатмасди. У нима деяётганини ўзи билмасди. Қашқирдай қутурган, ғаза-

бини зўрға босиб турган биродарининг қўлига ўзини топширмасликка ҳаракат қиларди. Йигитлар бошлиқларига ўзларининг чаққон ва кучли эканликларини намойиш қилиш учун Абдурасулга ташланишарди. Шамси ерга йиқилди, кўзига қум тўлди. Атроф-теваракни кўрмай қолди. Абдурасул иккинчи йигитни ҳам елкасидан ошириб, икки қулоч нарига улоқтириб ташлади. Кутилмаганда ортга чекинаётганда ўзини Бўрибойга уриб олди. У қулочини кенг ёйиб, гавдасини бир оз олдинга букиб, жангга хезланган хўроздек хурпайиб, ғазабга тўлган кўзларини синфдошидан узмай, у томон бостириб кела бошлади. Шунда боя Абдурасул улоқтириб ташлаган йигит эмаклаб, **бармоқлари** билан қайноқ қумни чангаллаб, унинг оёғидан маҳкам қучоқлаб олди. Абдурасулга Бўрибойнинг бир турткиси кифоя эди. Шундай қилди ҳам. Масхараомуз илжайиб турган Бўрибой дўстининг елкасига қўлини қўйди ва итариб юборди. Абдурасул чалқанчасига йиқилди. Бояги йигитлар унинг устига ташландилар. Қий-чув, тўс-тўполон бошланди.

– **Чилвирни** бу ёққа олиб кел!

– Қўлини қайир!

– Қаттиқроқ боғла!

– Қани, бу ёққа торт!

– Чуқур томонга судра!

– Нега имиллайсан, тезроқ бўл!

– Қўлингдан чиқиб кетса, яна ҳаммамизни овора қилади!

Абдурасул қўллари орқасига қайрилган ҳолда эғни-боши тилка-пора бўлиб, оғзи-бурни қумга тўлиб, ерда типирчилаб қумга беланиб ётарди. Қулоғига жангариларнинг бақир-чақирлари олисдан келаётгандек эшитиларди. Бирдан у жимиб қолди.

– Эси оғиб қолганга ўхшайди. Тавба!

– Кўзларига қаранглар! Тепага битиб қопти.

– Вой-бўй, акдан озибди!

Бўрибой хориб-толиққан Абдурасулнинг қўлтигидан олиб, уни хандақ томон судради. Тутқуннинг гавдаси чуқурга сифмади, озгина торлик қилди. Бечорани айлантеришди, елкасидан босишди, бир амаллаб чуқурга туширишди. Калласигина ер бетида қолди. Ўпкаси томоғига тикилиб қолган Бўрибой юз-кўзларидаги терни артиб ўртоғига юзланди.

– Хўш, энди қалайсан? Буқа кўрган ғунажиндек тинчиб қолдингми? – деди тиржайиб. – Холинг шу экан, нима қилардинг депсиниб?

Абдурасул унинг сўзларига жавоб қайтаришга ўзида куч топа олмади. На қўлини, на оёғини қимирлатарди. Қум тўлган томоғи ғиппа бўғилди. Отдай пишиллаб нафас оларди. Чўғдек қизарган кўзлари билан атрофдаги шерикларига жавдираб бокди. На-жот кутди улардан. Кимнингдир ёрдам беришини кутди. Жангарилар бугунги томошадан завқ-шавққа тўлиб, қоринларини чангаллаб, ичаклари узилгудек қотиб-қотиб кулишди. Қўлларини бигиз қилиб, нам тортиб қум ёпишган қоп-қора башарасигина кўриниб турган Абдурасулни мазах қилишарди. Бўрибой эса уни қандай кўмиш ҳақида бояги йигитларга кўрсатма берарди.

– Олдин тош олиб келиб ташланглар, кейин қумни туширинглар! Куракнинг сопи билан яхшилаб «трамбовка» қилинглар. Қилт эта олмасин! Ҳа, баракалла! Ҳой, Воҳид! Нега имиллайсан, хунаса?! Тошдан ташла! Турсун, сен қумни тушир!

Буйруқ беришни ёқтирадиган Бўрибойнинг жағи-жағига тегмасди. Қўлларини белига тираб, оёқларини керганча гоҳ унисига, гоҳ бунисига кўрсатма берарди. Ўзининг ўйлаб топган жазо усулидан

хурсанд эди. Яна ниманидир ўйлаб топиши керакдай. берган жазоси камдек туюларди. Баданини қайноқ қум куйдираётган, тошларнинг ўткир қирраси этига ботиб азоб бераётган Абдурасул ҳамон чинқирарди. Жангарилар эса қўллари билан уни кўрсатиб қотиб-котиб кулишарди.

— Нега жимсан, қаттикроқ бақирсанг-чи, зора овозингни ментлар эшитиб сени қутқаргани келишса! Ҳа, жонинг оғрияптими, кўзингга ҳаёт ширин кўрииб кетдими?! Бақир, қаттикроқ бақир, сени бизга гиж-гижлаган, сиримизни олмоқчи бўлган акаларинг овозингни эшитсин! Улар кучли бўлса, сени ўз одамлари деб билса, қутқариб олишсин. Афсуски, улар анча олисда-да. Итдек қийналиб ўлаётганингдан бе-
хабар-да! **Видеокамера** бўлганидами, суратингни **олиб** жўнатардим. Хечқиси йўқ, сафимизда шерикларинг бўлса, азоб-укубатларда ўлганингни уларга айтиб беришар. Билиб қўй, ментлар хеч қачон сенга дўст бўлмайди. Ўлган кунинг оқ унутишди... Сенга **охирги саволим** бор. Агар **ростини** сўйласанг, чуқурдан **чиқариб** оламан. Яна сафимизда бўласан. Хўш, сени кимлар бу ерга жўнатган? Қандай топшириқ беришган? Бу ерда шерикларинг ҳам борми, бор бўлса уларнинг номини айт?!

Абдурасул қийнала бошлади. Нафас олганда тошлар қовурғасига ботди. Бу пайтда кун тиккалаган эди. Қайноқ тафтини заминга пуркарди. Қумлар, тошлар кизиди. Ҳадемай Абдурасул жазирама офтоб остида қолиб кетиши мумкин.

— Сен ифлос мени ноҳақ айблаяпсан! — зўрға тилга кирди бошидан пасти қумга қўмилган тутқун. — Бу қилмишинг учун вақти келиб...

У бошқа гапиролмади. Санчикли оғриқлар бунга имкон бермади. Бўрибой унинг айтолмаган гапларини илиб кетди:

– Менга шеригингнинг кимлигини айт!

Унинг сўзлари Абдурасулнинг кулоғига кирмади. Оғрикдан, иссиқдан ҳолсизланиб, юраги бетоқат бўлиб, эс-хуш тарк этган одамдек қимирлай олмасди. Яқинда сочи олинган яланғоч боши ер устида коптокдек кўриниб турарди. Тупроқ кўниб, қорайиб кетган юзини аччиқ, хуноба ёшлар ювиб тушди. Кўкрагини нимадир гижимлади. Оғриган жойни силай деса кўлини қимирлата олмади. Ўн йил бирга, бир синфда ёнма-ён ўтириб катта бўлган дўстининг ноҳақлигидан юраги ғазабга тўлди. Ҳатто Эргашнинг келишини, бу азоблардан ҳалос этишини кутди. Бироқ ундан дарак бўлмади. У ҳамон ўз чодирда, туйнукдан бу манзарани кузатиб турарди.

Бирдан Бўрибойнинг хаёлига «бунинг жанозасини ўқитиш керак» деган фикр келди. У атрофга жавдираб излаган одамани топди.

– Шамси, бери кел!

Шамси югуриб келди.

– Нима дейсан?

– Манави ер ютгурнинг жанозасини ўқи. Нима қилса ҳам мусулмон. Тўнғиздек кўммайлик!

– Бўрибой, тирик одамга жаноза ўқиш буюрилмаган.

– Тирик?! Нега тирик бўларкан?! Тирик бўлгани билан бари бир ўлади-ку! Ҳамма тўпланганда жанозасини ўқиб кўявер! Жони узилганида одамларни йиғиб бўлармиди?

– Бундай қилолмайман!

– Нима, сен ҳам унинг шеригимисан?!

Шамсининг ранги кўкариб қалтираб кетди.

– Астаффуриллоҳ денг!

– Майли, ўқимасанг ўқима, аслида бундайларга жаноза ўқишнинг ҳам кераги йўқ, – Бўрибой кўлини силтаб чодир томон кетди.

хурсанд эди. Яна ниманидир ўйлаб топиши керакдай, берган жазоси камдек туюларди. Баданини қайнок кум куйдираётган, тошларнинг ўткир кирраси этига ботиб азоб.бераётган Абдурасул ҳамон чинқирарди. Жангарилар эса қўллари билан уни кўрсатиб қотиб-қотиб кулишарди.

– Нега жимсан, каттиқроқ бақирсанг-чи, зора овозингни ментлар эшитиб сени қутқаргани келишса! Ха, жонинг оғрияптими, кўзингга ҳаёт ширин кўришиб кетдими?! Бақир, каттиқроқ бақир, сени бизга гиж-гижлаган, сиримизни олмоқчи бўлган акаларинг овозингни эшитсин! Улар кучли бўлса, сени ўз одамлари деб билса, қутқариб олишсин. Афсуски, улар анча олисда-да. Итдек қийналиб ўлаётганингдан бе-хабар-да! Видеокамера бўлганидами, суратингни олиб жўнатардим. Ҳечқиси йўқ, сафимизда шерикларинг бўлса, азоб-уқубатларда ўлганингни уларга айтиб беришар. Билиб қўй, ментлар ҳеч қачон сенга дўст бўлмайди. Ўлган кунинг оқ унутишади... Сенга охирги саволим бор. Агар ростини сўйласанг, чуқурдан чиқариб оламан. Яна сафимизда бўласан. Хўш, сени кимлар бу ерга жўнатган? Қандай топшириқ беришган? Бу ерда шерикларинг ҳам борми, бор бўлса уларнинг номини айт?!

Абдурасул қийнала бошлади. Нафас олганда тошлар қовурғасига ботди. Бу пайтда кун тиккалаган эди. Қайнок тафтини заминга пуркарди. Қумлар, тошлар қизиди. Ҳадемай Абдурасул жазирама офтоб остида қолиб кетиши мумкин.

– Сен ифлос мени ноҳақ айблаяпсан! – зўрға тилга кирди бошидан пасти кумга кўмилган тутқун. – Бу қилмишинг учун вақти келиб...

У бошқа гапиролмади. Санчиқли оғриқлар бунга имкон бермади. Бўрибой унинг айтолмаган гапларини илиб кетди:

– Менга шеригингнинг кимлигини айт!

Унинг сўзлари Абдурасулнинг кулоғига кирмади. Оғрикдан, иссиқдан ҳолсизланиб, юраги бетоқат бўлиб, эс-хуш тарк этган одамдек қимирлай олмасди. Яқинда сочи олинган яланғоч боши ер устида коптокдек кўриниб турарди. Тупроқ кўниб, қорайиб кетган юзини аччиқ, хуноба ёшлар ювиб тушди. Кўкрагини нимадир гижимлади. Оғриган жойни силай деса қўлини қимирлата олмади. Ўн йил бирга, бир синфда ёнма-ён ўтириб катта бўлган дўстининг ноҳақлигидан юраги ғазабга тўлди. Ҳатто Эргашнинг келишини, бу азоблардан халос этишини кутди. Бироқ ундан дарак бўлмади. У ҳамон ўз чодирда, туйнукдан бу манзарани кузатиб турарди.

Бирдан Бўрибойнинг хаёлига «бунинг жанозасини ўқитиш керак» деган фикр келди. У атрофга жавдираб излаган одамани топди.

– Шамси, бери кел!

Шамси югуриб келди.

– Нима дейсан?

– Манави ер ютгурнинг жанозасини ўқи. Нима қилса ҳам мусулмон. Тўнғиздек кўммайлик!

– Бўрибой, тирик одамга жаноза ўқиш буюрилмаган.

– Тирик?! Нега тирик бўларкан?! Тирик бўлгани билан бари бир ўлади-ку! Ҳамма тўпланганда жанозасини ўқиб қўявер! Жони узилганида одамларни йиғиб бўлармиди?

– Бундай қилолмайман!

– Нима, сен ҳам унинг шеригимсан?!

Шамсининг ранги кўкариб қалтираб кетди.

– Астафуриллоҳ денг!

– Майли, ўқимасанг ўқима, аслида бундайларга жаноза ўқишнинг ҳам кераги йўқ, – Бўрибой қўлини силтаб чодир томон кетди.

МОСКВА

Скворцов дўстини кузатиб хонасига қайтар экан, хар қаёққа сочилиб кетган ўйларини жамлай олмасди. Айниқса, Петянинг Афғонга талпинишидан ҳам таажжубланди, ҳам аччиқланди. Унга нима етмаяпти? Олаётган нафақаси рўзгорини тебратишга етиб ортади-ку! Москванинг қоқ ўртасида олти хонали уйи, шаҳар четида дала-ҳовлиси бўлса. Қаердан ҳам унга хазина тўғрисида оғиз очди. Тинчгина яшаётганди. Жўнатган одами панд берди. Худо билади, хазинани олиб ўтиб, уйда яшириниб ётганми?! Генералнинг ишонувчанлиги қолмади қолмади-да. Мана, энди кунора кўнғироқ қилиб, «Афғонга жўнайман, хазинани ўзим олиб ўтаман» деб кулоқ-миясини қоқиб, кўлига бермоқда. Худо кўрсатмасин, у томонда бирорта дайди ўққа учиб ўлиб кетса нима бўлади? Қариганида виждон азобида қийналади-ку! Анастасия Фёдоровнадан кочиб қутула олмайди! Ефим Егорович ўртоғини бу йўлдан қайтаришга кўп уринди-ю, бироқ айтган гаплари таъсир қилмади.

Ефим Егорович қадахга вино қуйди. Бир симиришда бўшатди. Афтини буриштириб, икрадан газак қилди. Сўнг дераза ёнига борди. Ойнадан ташқарига боқди. Ховлида бир-бирини қувиб ўтаётган машиналарга боқиб, бир неча йил аввал бўлиб ўтган воқеани эслади.

Ўша куни хаво дим эди. Қуёш кўкдан олов пуркарди. Ефим Егоровичнинг машинаси қишлоққа яқин жойда бузилиб қолди. Хайдовчи ярим соатлик таъмирлаш ишлари борлигини айтди. Ефим пастга тушди. Сувсизликдан қақраб ётган кенгликларга боқди. «Бу ердан сув чиқарса бўладими» деган фикр миясига урилди. У ичкарироққа кирди. Бомба ва снарядлар

тушиб, хандак бўлиб қолган чукурлардан бирига тушди. Бир сиқим тупроқни олиб эзгилади. Тупроқ шу заҳоти уқаланди. У белидаги куракчани олиб чукур ичини кавлади. Тупроқ таркибига қараб бу жой сизот сувига яқин бўлса керак деган хаёлга борди. Шунда куракка қандайдир ялтироқ нарса илашиб чиқа бошлади. Ефимнинг юраги ҳаприқди. Бу зеру забар, олтину жавоҳирлар эди. У кўзларига ишонмади. Шоша-пиша атрофга аланглади. Ҳайдовчи йигитдан бошқа ҳеч кимса йўқ. Топилмаларни артиб, тозалаб, офтоб нурига солди. Кўзлари қамашиб кетди. Улар анчагина эди. Ефим қадимий буюмларга дуч келиб қолганини сизди. Топилмаларни шоша-пиша дала сумкасига тикиштирди. Тупроқни яна титкилади. Сопол синигидан бошқа нарса чиқмади. Бу орада машина тузалиб, ҳайдовчи йўлга тайёрлигини билдириб сигнал чалди. Ефим ўрнидан турди. Дала сумкасини кучоқлаб машина томон чопди. Юраги ҳамон дукиллар, ўзини қўлга ололмай вужуди титрар, тоққа чопиб чиққан одамдек ҳансираб нафас оларди... 5–6 кило атрофидаги топилма унга хийла вазминлик қиларди.

– Нима бўлди сизга, Ефим Егорович?! – сўради ҳайдовчи йўлга тушгач. – Мазангиз қочдими? Рангингиз оқариб кетибди?

– Шунчаки ўзим. Офтоб таъсир қилган бўлса керак! – деди овози титраб.

Иккиси жим қолишди. Машина сахро ўртасидаги йўлдан силкиниб-силкиниб борарди. Скворцов ўзи сезмаган ҳолда сумкасини биров тортиб оладигандек бағрига маҳкам босар, тез-тез ортига қараб кўярди. Топилмани қаерга яшириш ҳақида ўй сурарди. Ўзича қийматини сарҳисоб қиларди. Ахир бундай катта бойликнинг бозордаги баҳосини у яхши билади. Айтган пулингни ташлаб кетишади.

Скворцов топилмани ёнида олиб юриш хатарли эканини тушунади. Ҳамкасблари сезиб қолишса оқибати хунук бўлишидан чўчирди. Уни ўғирлаб кўйишлари ҳам мумкин! Ишончли жойга яшириш лозим...

Хайдовчи унга нима бўлганини билмай хайрон эди. Нега бесар бўлиб қолди? Ҳозиргина лаби-лабига тегмай гоҳ кўшиқ, гоҳ латифа айтиб кулдириб келаётганди-ку?! Илон чаққан одамдек ранги қонсиз. Бирор кор-хол бўлган? У кўз қири билан ҳамроҳига қаради. Бирок сўз қотишга юраги бетламади.

Машина Кобулга окшомда кириб борди. Кўчаларда одамлар сийрак. Уруш бошлангандан кейин шаҳарликларнинг кўпи қишлоқларга қўчиб кетган. Машина кулаб тушган кўп қаватли бино ёнига келганда Ефим Егорович хайдовчига:

— Алёша, қорним безовта қияпти. Тўхта, бўшаниб олай, — деди.

Алёша машинани йўл четида тўхтатди. Ефим сумкасини кучоқлаб бино томон чопди. Ичкарига кирганида ёнидагини қаерга яшириш кераклиги ҳақида ўйлади. Шунда кўзи ер остига олиб тушадиган йўлакка тушди. Бинонинг тепа қисми нураган. Ефим пастга тушди. Ичкари ним қоронғи. Каттагина бетон қаршисида тўхтади. Кўзи секин-аста қоронғиликка кўника бошлади. У юрмоқчи бўлди, оёғи темир қутига тегиб қокилди. Бу граната қутиси эди. Ефим уни тупроқдан тозалади. Белкуракчада ерни қазиди. Шу қадар тез ишладики, хаш-паш дегунча тиззадан баланд чуқур ҳосил бўлди. Хазиначаларни қутига ағдарди. Уларни бир бор ушлаб, сўнг қутини чуқурга жойлаб, устига тупроқ тортди. Ҳеч ким тополмаслигига ишонди. Адашмаслик учун атрофга диққат билан тикилди. Муҳим белгиларни ёдида сақлаб қолди.

Скворцовни Кобулга бекорга чақиришмади. Гурух бошлиғи уни зудлик билан Жалолободга жўнатишга қарор қилди. Ташқарида иккита УАЗ ва иккита БТР йўлга чиқишга шай турарди. Ўшанда Ефим Егорович Жалолободда текшириш ишларини якунлаб, яна Кобулга қайтаман деб ўйлаганди. Бироқ у кутган натижа рўй бермади. Олти ой туриб қолди. Шу ердан Афғонистонни тарк этди. Топилма эса пойтахтда, қўмилган жойида қолиб кетди...

САМАНГАН

Шу ўринда мухтарам ўқувчиларимиз каминага Валийнинг уйида ётган Фатхуллохоннинг қисматига назар ташламоққа ижозат берсалар...

Валий қандайдир ўт-ўланлардан дори қайнатиб, Фатхуллохонга ичирди. Беморнинг юзига қон тепди. Кўзларини очди. Зах, қоронғи зиндонда очлик ва ташналикда ётиш унга кўп азоб берди. Ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Бироқ қувватсиз қўллари гавдасини кўтаролмади. Бели ва оёқлари оғриди. Валий ташқарига чиқиб кетди. Юрагимда сўниб бораётган умид учқуни ялт этди. Хастанинг ёнига ўтириб, совук пешонасига кафтимни босдим. Ёнимда Умар борлигини ҳам унутгандим, хатти-ҳаракатларим билан унда шубҳа уйғотиш хаёлимга келмаганди.

Ярим соат ўтиб Валий етмиш ёшлардаги оксоқолни бошлаб келди. Кўксини оппоқ соқол қоплаган қария беморнинг ёнига тиз чўкди, кўлини ушлаб томир уришини текширди. Кўзларини юмган кўйи ўйга толди.

– Хастангиз қалбини юрт соғинчи тирнаётган, дори-ю дармон бирла уни тузатиб бўлмас, – деди нуроний кўзларини бемордан узмай. – Аллоҳ таоло ҳар биримизга Ватан деган буюк неъматни инъом этмиш.

Зеро, унинг қадрига етмоқ, эъзоз-у икром айламоқ ҳар бир мўминнинг муқаддас бурчи. Ватанга қилинган хиёнат, Аллоҳ томонидан минбаъд кечирилмас. Бу фоний дунё бандаларнинг устидан ўз зулм ила жафосини, ситамини ўтказиш, ҳо-ю ҳавасга берилиш, зино йўлини ихтиёр этиш, мансабу амал, тахт талашиш учун берилган эмас. Ҳар бир мўминнинг гуноҳи вақти-соати ила Аллоҳ ҳузурида ҳисоб-китоб қилинур. Ажрини дорилбақода эмас, балки бу фоний дунёнинг ўзида ҳам оладур. Сизнинг бу хаста биродарингиз ана шу тоифадаги одамлардан кўринадур. Уни нафақат юрт соғинчи, балки ўз улусига ўтказган беҳисоб зулм жафоси ҳам азоблайдур! Биродарингизнинг юзи бундан далолат берур. Зеро, машойихлардан бири «Ватандан ҳайдалган киши ўзга элда ўз қадрини ҳеч билмас», деб бежиз айтмаган.

Мўйсафид узоқ маъруза қилди. Унинг ҳар бир сўзи баданимга бигиздек ботар, вужудим жимирлаб, **қалбим** тўрида нимадир туғён урарди. Бу орада Умарга ора-сира нигоҳ ташлаб қўйдим. У ҳам бошини ҳам қилганича ўйга толган. Ҳаёлидан нималар кечаётгани менга қоронғи. Ўз юртини ташлаб, ўзга элда сарсону саргардонликдаги ҳаётидан пушаймон бўлаётган бўлса ажаб эмас. Охир-оқибат умр деган неъматнинг интиҳоси етганида нима қилишини, танаси номаълум ерга дафн этилганида қабрини зиёрат этиш учун бирон дўсти содиқ келолмаслигини ўйлаётган бўлса ажаб эмас. Ҳазратнинг пурҳикмат сўзлари мени ҳам чуқур ўйга толдирди. Ватан сари талпинтирди.

Саккиз ой давомида Ватанга бўлган соғинч қалбимни ёриб чиқмоқчи бўлган вулқон мисоли бўғзимга тикилган. Йиғлагим келади. Юртдан йироқда кечаётган дамларимни беҳуда ўтган кунлар деб айтолмасдим. Зеро, ёт эл тупроғида юришим халқимнинг

осойишталиги, тинчлигига раҳна солишга, муқаддас Ватан ҳудудини қурол билан бузиб киришга интилаётган кимсаларнинг пайини қирқишга, уларга қарши зарба беришга, муҳими, қилмишларини фош қилишга қаратилганидан ич-ичимдан фахрланардим.

– Энди нима қилиш керак, ҳазрат? – Валийнинг бўғиқ овози ҳаёлимни бўлди. Бу савол менга ҳам тинчлик бермади. Шошиб қарияга қарадим. Ҳазрат бошини чайқади.

– Ўз юртига қайтармоқдин ўзга чора йўқдир, бўтам, – деди. – Бандасининг қўлидан бир иш келмас. Ватан ҳавоси унинг баданига куч-қувват ато этур. Дилини оғритган кимсалардан узр-маъзур сўраса, Аллох шифо бергусидир!

Қария гиёҳлардан тайёрланган дорини қолдириб чиқиб кетди. Айтган гапи «бундан дамлама тайёрлаб, ҳар икки соатда ярим пиёладан ичириб туринглар» деган сўз бўлди.

Шу куни Фатҳуллохон ҳақида марказга хабар жўнатдим.

– Умарга ишонса бўладими? – сўради Зокир ташвишланиб.

– У Эргашдан ўч олиш мақсадида пайт пойлаб юрибди. Қолаверса, Фатҳуллохонни яшириш фикри ҳам айнан ундан чикди.

– Яхши. Уни юртга олиб ўтамиз. Чоршанба куни кечки соат олтида мен учрашув жойида бўламан.

Крамаренконинг берган пулидан юз доллар қолганди. Уни Валийга топширдим.

– Дори-дармон ва гўшт сотиб ол. Уни яхшилаб парвариш қилиш керак.

– Хотиржам бўлинг, уни даволайман.

Биз лагерга қайтдик. Умар Эргашга мурдани кўмиб келганини айтди. Тўдабоши унинг гапларига у қа-

дар аҳамият бермади. Фикри ёдим Фатхуллохонда эди. Икки кун ичида унинг тузалиб, оёққа туриб кетишини, қандай қилиб бўлмасин Зокирнинг қўлига топширишни ўйлардим. Ниҳоят, айтилган кун келди. Фатхуллохон соғайиб қолганди. Кечга яқин уни аравага солиб булокқа жўнадим. Муздек сувда чўмилтирдим..

– Ўғлим! – деди қария ўтлоқ устида ёнбошлаб ётаркан. – Овозинг қулоғимга таниш-а, қайдан бўласан, қай юртдан келдинг?

– Соч-соқолим, эғнимдаги кийимларим қиёфамни ўзгартириб юборган. Унинг сўзидан хайрон бўлмадим. Қиёфамни ўзгартирганим билан овозимни ўзгартиришнинг иложи йўқ. Алдашнинг ҳожати қолмаганди, тўғриси айтма қолдим.

– Ўзбекистондан ўтганман!

– А, ватандош эканмиз-да?! Менга ўхшаб алданганларданмисан?

– Йўқ, мен сиз айтган одамлардан эмасман. Бироқ алданганларни ўз она юртига қайтариш, Ватанга хиёнат қилмоқчи бўлганларнинг додини бериш мақсадида бу ерга ўтганман! Исмин Бўрон! – дедим ва гапларим Фатхуллохонга қандай таъсир қилганини билиш мақсадида унга юзландим. Қариянинг пешонасига ажинлар из солди. Қошлари туташган жойда чуқурча ҳосил бўлди.

– Қайси Бўронсан? – эшитилар-эшитилмас овозда сўради чол.

– Ўша, сиз таниган, сиз билган Бўронман! – бу гапни айтаётганимда вужудим жимирлаб, ўзим ҳам ғалати бўлиб кетдим. Қария ҳозир юзини терс буриб, «мени шу қўйларга солган жувонмарг сенмисан?» дейди деб ўйлагандим. Бироқ дўрдоқ лаблари титраб, икки томонга осилиб тушган қўлларини бир оз кўтариб, мен томон қадам босди.

– Бўрон... Бўрон... Бу сенмисан, ўғлим? Кўнглим сезганди, айланиб кетай, кел, бағримга олай. Мен бадбахт, мияси айниган отангининг гуноҳидан ўт, ўғлим!

Икки қирнинг оралиғида, фир-фир эсиб турган эпкин кўксимизга урилиб турган дамда, ботаётган куёшнинг шуъласига чўмилган яйлов ўртасида, ер тубидан отилиб гулдираб оқаётган булоқ бўйида иккимиз бир-биримизни бағримизга босиб кўришдик. Кўз ёшларим ёноқларимни ювиб тушар экан, қалбимда Эргаш ва унинг одамларига бўлган нафратим янада ортди.

– Мени бу ерга нега олиб келдинг? – сўради қария кўришиб бўлганимиздан кейин.

– Юртга қайтармоқчиман. Сизни олиб кетишади!

– Ким олиб кетади?

– Ўзимизникилар!

– Худога шукр. Ўлигим бегона юрт тупроғида қолиб кетармикин деб кўркқандим. Сен бўлмаганингда мени тириклай гўрга тикиб, устимдан тупроқ торттириб юборарди, бадбахт...

Орадан кўп ўтмай Зокир келди. Фатхуллохонни унинг қўлига топширганимдан дилим равшан тортиб, аравани хайдаб лагерга қайтдим.

МОЗИЙГА НАЗАР

Мухтарам ўқувчиларимиздан андак узр сўраган ҳолда шу ерда мавзудан чекиниб, мозийга назар ташламоқни ихтиёр этдим.

Санаи 923 ҳижрийда (1577) ашуро кунлари Кўк-гумбаз остидаги Амир Шоҳвали Чигатой жанобларининг хонадонида Сулаймон Ҳусайн саройининг энг улуг ва эътиборли кишилари кўнгилхушлик базмида иштирок этмоқ учун тўпланишди. Базми жамшид

учун барча тайёргарликлар кўрилган. Қозонларда шўрвалар қайнар, чўғда қовурилаётган кийик гўштидан чиқаётган хуш бўй ҳавони тутган. Созандалар куй чалмоқда. Бундай базми жамшид Султон Ҳусайн мирзо хонадонида ҳали-ҳануз кўрилмаган. Бўзаларнинг ширин кайфидан сархуш бўлган беклар ёнбошлаб, кўзларини сузиб, машшоқлар ижро этаётган қўшиқ таъсирига берилиб мудраб ётишарди. Шу боис, осто-нада пайдо бўлган чопарга ҳеч ким эътибор бермади. Чопар Амир Шохвалининг рўпарасига келиб тиз чўк-ди. Сўзламоққа изн сўради. Маст ҳолда мудраётган **Вали** киприкларини зўрға кўтариб изн берди:

– Эй, Амир ҳазратлари. Хадича бегим хабар қил-дилар. Шайбонийхон лашкарлари Чилдухтаронда Амир Зуннун лашкарлари бирла тўқнашибдурлар. Бу жангда Шайбонийхоннинг кўли баланд келибдур. Зуннун Арғун одамларини қириб ташлабдур. Амир-ни ўлдириб, бошини найза учига илибдурлар. Бунини эшитган шаҳзодалар тирақайлаб қочибдурлар!

Бу сўзни эшитган Амир Шохвалининг кайфи тарқаб, вужуди қалтираб, худди чўғ устида тургандек типирчилаб, ғазаб билан хабарчига ўшқирди:

– Эй, шумхабар, разил! Эй, қабиҳ тилли искирт! Қандай даҳшатли ҳикоят-у не нохуш хабарларни кел-тирдинг? Мажлисимизни буздинг. Шойбекда подшо-ларимиз устига келишга мажол борму?

Амир Шохвали ёнидан олтин сопли шамширини суғуриб, чопарни чопиш учун хезланди. Бироқ ха-барчининг сўзларидан лолу хайрон қолган атрофдаги кимсалар унинг кўлидан тутишди...

– Бир оз сабр қилинг. Агар унинг гапи нотўғрилиги маълум бўлса, уни ўлдирмоқ қочмас! – дейишди.

Шу асно кўчанинг бошида отлар дупури қулоққа чалинди. Гўёки зилзила бўлгандек замин силкинди.

Базми жамшидга тўпланганларнинг юрагида кўрқув уйғонди. Ўз жонларини сақлаш ниятида Кўкгумбаз остини тарк этишди. Шоҳвали кетиш олдидан хазина сақланадиган омборга кирди. У ерда 10 та сандиқ бўлиб, улардан биттаси тилла тангага, иккитаси ашрафийларга, бири пичоғу шамширларга, иккитаси лаъл-у забаржад, ёқут-у зумрад, марваридларга тўла эди.

Шайбонийхон ўзининг кўп сонли лашкарлари билан мамлакат дарвозасидан кириб келди. Хон хазратлари шаҳарнинг мўътабар зотларидан Музаффар Хусайн Мирзонинг завжасини сўроқлади. Шаҳар фалоллари эри тириклигини, аёли хануз унинг никоҳида деган сўзни айтишди. Хоннинг кўнгли чўкди. Қози Ихтиёр жаноблари хон хазратларининг кайфиятларини кўтариш, хонга ўзини яхши кўрсатиш ниятида:

– Шоҳ Музаффар Хусайн уни уч талоқ қўйган! – дея ёлғон гувоҳлик берди. Ўзининг бу сўзи эвазига хоннинг мактови ва сарпосига сазовор бўлди, кейинроқ эса юқори мансабга кўтарилди. Қози бу сўзни айтди-ю, орадан ҳеч қанча ўтмай, уни «ҳалола» қилиб никоҳига олганини яширди. Хон оқшомни Ҳиротдан бир фарғоҳлик масофада, Кўкдастон ўтлоғида кутиб олди. Айёмнинг фахрли соатида ҳусну малоҳатда, сабоҳатда тенгсиз бўлган Моҳичучукни никоҳига олди.

Орадан кўп ўтмай Ҳиротга Бобур мирзо кириб келди. Шайбонийхондан кўп изтироб ва азоб чеккан халқ учун Бобур мирзонинг келиши байрамга айланди. Шайбонийхон мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди. Моҳичучукбегим эса Бобур мирзони кутиб олиш мақсадида унинг ҳузурига йўл олди. Мақсади унинг қароргоҳидан паноҳ топмоқ эди. Мирзо ўз қариндошини таниди ва уни ҳуш кутиб олди.

– Сизнинг муборак ташрифингиз учун беҳисоб бойлик асраб қўйганман, иним! – дея муродини очди

Моҳичучук бегим. — Катта микдордаги дур-у забар-
жад, ёқут-у зумрадларни ихтиёрингизга қабул қил-
сангиз! Зеро, улар салтанатингизни тиклаб олишга,
сарой-арклар қуришингизга, қолаверса, сипоҳларин-
гизни боқишга асқотиб қолса!

Бунга жавобан Бобур мирзо шундай жавоб қайтарди:
— Илтифотингиз учун ташаккур, бегим. Бойликла-
рингиз ўзингизнинг яхши кунларингизга буюрсин.
Кобулда сарой, мадрасалар қурдиринг. Етим-есир,
беваларга беринг!

Моҳичучук бегимнинг илтимоси билан Бобур мир-
зо Қўкгумбаз саройига икки навкарини юборди. Улар
зудлик билан йўлга чиқдилар. Бегим айтган жойни
излаб топдилар. Гумбазнинг кун чиқиш тарафида-
ги кекса чинор остидан хазинани кавлаб олдилар.
Яширилган зебу зийнатлар чопарларнинг ақлини шо-
ширди. Юракларига шайтон кирди. Бойликни шохга
топширишни истамадилар. Хиротга кираверишдаги
қабристонлардан бирига яшириб, қуруқ қўл билан
шоҳнинг хузурига кириб бордилар.

— Хазинани топа олмадик, шоҳим. Айтилган жойни
кимдир кавлаб кетибди, — дейишди навкарлар.

Моҳичучук бегим лол-у хайрон қолди. Яширган
жойи ўзидан бошқа кимсага воқиф эмаслигини у яхши
биларди. Юрагида шубҳа уйғонди. Шохга юзланиб:

— Ҳазратим, изн беринг, мен ўзим бориб, ўз кўзим
билан кўрайин! — деди.

Бобур мирзо бегимнинг раъйини қайтара олмади.
Унга икки навкарни қўшиб берди.

Бегим Қўкгумбазга келиб хазина яширилган жойга
чопди. Ортидан навкарлар эргашди. Моҳичучук бегим
хазина беркитилган жойнинг яқинда қавланганини,
тупроғи қуримаганини кўрди. Ўра бўм-бўш эди. Боши-
дан ақли учди. Беҳуш ҳолда ерга йиқилди. Навкарлар

изларига қайтишди. Шохни бўлиб ўтган воқеадан огоҳ этишди. Бобур мирзо Моҳичучук бегимни дорилбақога рихлат қилганини эшитиб, кўп изтироб чекди. Жаҳл устида илгари бориб келган икки навкарни жаллод ихтиёрига топширди. Навкарлар томонидан яширилган хазина эса қўмилган жойида эгасиз қолиб кетди.

ИСТАНБУЛ

Тантанадан қайтган Чегечи қизига Ҳасанни ишга жойлаб қўйишга ваъда берган бўлса-да, бу гапни Гўзалнинг кўнглини кўтариш мақсадида айтди. Уйига қайтгандан сўнг алламаҳалгача покистонлик йигит тўғрисида ўйлади. Қандай қилиб у қизига илакишиб қолди? Юз тузилиши, кўзлари бошқача. Турк тилида шундай равон сўзладики, агар «мен туркман» деганида Чегечи бу ташвишли ўйлар гирдобига шўнғиб, бошини қотириб ўтирмаган бўларди.

Чегечининг бу қадар шубҳа ва гумонлар пардасига ўралиб, дилининг гаш бўлишига асос бор эди. Кенгаш иши жонлангач, айниқса, Эргашнинг одамларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги гап-сўзлар ошкор бўлиб, узунқулоқ мухбирларнинг қулоғига етиб бориб, улар томонидан ёзилган мақола-лар газеталарнинг кўзга ташланадиган саҳифаларида чоп этилди. Шундан сўнг ўзбеклар ҳам, руслар ҳам, қолаверса, терроризм жафосидан жабр чекаётган бошқа мамлакатларнинг махфий хизмат маҳкамалари Чегечининг изига тушиб қолди. Мухбирлар туфайли атрофига душманлар йиғилиб қолганини ва жосуслар босган қадамини кузатиб юрганини кеч тушунди. «Ҳасан бежиз қизимнинг уйига кириб олмаган» деган ўйни миясидан қувиб чиқаролмасди.

Эрталаб соқчисини чақирди.

– Икки ойдан бери Гўзалнинг уйида покистонлик йигит яшаяпти. У кимлар билан учрашади, қаерга боради, нималарга эътибор беради, ўрган. Мақсадини бил!

Топшириқни олган соқчи ўша заҳоти Ҳасаннинг изига тушди. Бир ҳафтача соядек кузатиб юрди. Сўзларига, юриш-туришига, кимлар билан учрашаётганига алоҳида эътибор қаратди. Кейин Чегечининг хузурида пайдо бўлди ва ўзи тўплаган маълумотлардан бошлиғини хабардор қилди.

– Бейим, бу йигитнинг покистонлик эканига шубҳам бор.

– Сабаб?

– У одамлар билан турк тилида шу қадар равон суҳбатлашдики, уни асли турк бўлса керак деган фикрга бордим. Иккинчидан физиономияси ҳам покистонликка мутлақо ўхшамайди.

– Дилимдаги гапларни айтдинг, сен ўйлаган фикрлар ҳаёлимга келган. Демак, у изимизга тушган жосуслардан бири. Ўзимизникими, русларникими ёки ўзбекларникими – шуни аниқлашимиз зарур.

– Менимча, аниқлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Рухсат берсангиз, бугуноқ балиқларга ем қилиб ташлайман.

– Балиқлар ҳозирча майда чавақларни еб турсин. Унинг кимлигини, нима мақсадда ичимизга кирмоқчи бўлганини билишимиз лозим. Душманларимизнинг кимлигини билмасак, доим хавотирда яшаймиз. Хушёрликни оширишимиз шарт.

– Кузатувни давом эттирайми?

– Ўз вазифангни бажардинг, бўшсан!

Чегечининг ҳаёлига кекса руҳшунос келди. Зудлик билан уни олиб келишни одамларига тайинлади. Бир соатлар ўтиб, дўхтир Чегечининг хонасида ҳозир бўлди. Уй эгаси мақсадини тушунтирди.

– Мен уни кўришим керак, афандим. Ҳаммаси суҳбат чоғида аён бўлади.

– Кўришасизми ёки суҳбатлашасизми?

– Агар йигитнинг насл-насаби ва мақсадини билишни истасангиз, ҳар иккисини бажаришимга тўғри келади.

– Ишни қачон бошлайсиз?

– Хоҳласангиз ҳозир.

Чегечи бундай ишларни пайсалга солиб ўтиришни ёқтирмасди. У эшик олдида турган соқчига юзланди.

– Гўзалнинг уйига бориб, Ҳасанни бу ерга олиб кел!

– Қўрқитиб юборманг, ҳаяжонланмасин, – таклиф қилди рухшунос.

– Ишга олмоқчи бўлганимни айт, – қўшимча қилди Чегечи.

Соқчи икки соатлардан сўнг Ҳасанни эргаштириб келди. Уни эшик ортида қолдириб, ўзи бошлиқнинг ҳузурига кирди.

– Айтган одамингиз келди, бейим!

– Чақир!

– Ижозат берсангиз, у билан шахсан ўзим гаплашсам, жанобларининг кўринмагани дуруст.

– Унга нима дейишни биласизми?

– Ҳар қалай кўнглига йўл топа олсам ажаб эмас, мухтарам бейим.

– Унутманг, у бу ерга ўзини иш ахтариб келган ишчи қиёфасида кўрсатишга уринмоқда!

Чегечи ён эшикдан бошқа хонага ўтиб кетди. Рухшунос ўтирган хонага кичкинагина камера ўрнатилган бўлиб, тасвирни қўшни хонага узатиб турарди.

Рухшунос Ҳасанни кадрдон кишисидай кутиб олди. Ширин сўзлар билан курсига ўтиришни таклиф қилди.

– Сизни Чегечи жаноблари ўз идораларига ишга олмоқчилар. Шу сабабли шахсингизга оид бир-икки-та савол беришимга тўғри келади, – деди мулойимлик билан.

– Сўранг.

Хасан ўзини эмин-эркин тутишга ҳаракат қилди.

– Сиз покистонликсиз, шундайми?

– Адашмадингиз.

– Қайси шахридансиз?

– Пешовардан.

– Ота-онангиз борми?

– Онам ҳаёт, отам вафот этган.

– Илгари нима иш билан шуғуллангансиз?

– Бозорда ҳаммоллик қилганман.

– Ўқимаганмисиз?

– Имкониятим бўлмаган, лекин ўқишга кириш мақсадим бор эди.

– Туркияга келганингизга кўп бўлдимми?

– Сафар ойида.

– Турк тилида шу қадар равон сўзлаяпсизки, мен сизни турк бўлсангиз керак деб ўйлагандим.

Хасан шу ерда андак тутилиб қолди.

– Турк кўшиқларини яхши кўраман. Болалигимда ёдлаганман. Қолаверса, ўз юртимдаги бозорларда турк савдогарлари билан ишлаганман.

– Кимнинг кўшиқларини ёқтирасиз?

– Татални.

– Сизни қанча маош қониқтиради?

– Беш юз доллар.

– Қайси рангларга қизиқасиз?

– Болалигимдан яшил рангни яхши кўраман!

– Яхши, мен Чегечи жаноблари билан кенгашиб кўраман. Агар рози бўлсалар, эртадан иш бошлайсиз.

Рухшунос суҳбатимиз тамом деган маънода ўрнидан туриб Ҳасанга қўл чўзди.

– Танишганимдан хурсандман.

– Мен ҳам.

– Кечирасиз, сўнгги саволим. Туркча китобларни ўқиганмисиз?

– Афсуски, илм олишга вақтим бўлмаган, бейим.

Телеэкрандан суҳбатни томоша қилиб ўтирган Чегечи аслида ҳеч нарсага тушунмади. Беш дақиқалик мулоқотда наҳотки меҳмоннинг кимлигини билиб бўлган бўлса деб ташвишланди.

– Ҳўш, қандай фикрдасиз? – сўради рухшуноснинг олдида чиқиб.

Дўхтирбей жавоб беришга шошилмади. Бармоғини иягига тираганча, бир дақиқа сукут сақлаб, кейин уй эгасига юзланди.

– Адашмабсиз, бейим! Бу йигит покистонлик ҳам, туркиялик ҳам эмас. Сўзларни талаффуз қилишидан пуштун, урду ва турк тилларини китобдан мукамал ўргангани сезилиб турибди.

– Унда ким?

– Туркий миллат вакиллари.

– Айғоқчими?

– У яшил рангни ёқтиришини айтди. Бундай ранг-ни фақат ҳаётни яхши кўрган одамларгина севади.

– Саволимни жавобсиз қолдирдингиз...

– Ҳасаннинг қисқа ва аниқ гапириши, ўзини тута билиши, гапларида китобий ибораларни, форсий, урду ва туркий тиллардаги сўзларни кўпроқ қўллан-ни, ўзига тўланадиган ойлик маошни Америка долла-ри ҳисобидан тўланишини талаб қилиши жаноблари-нинг шубҳаси ўринли эканлигини исботлади. Яна бир муҳим томони шундаки, Ҳасан Таталнинг қўшиқла-рини ёқтираман деди. Холбуки, Покистонда, айнан у

яшайдиган жойда хонанданинг шинавандалари йўқ. Яна бир муҳим томони, суҳбат чоғида бошини қимирлатмай, диққатини бир нуқтага жамлаб, кейинги саволимни кутиб туриши уни жосуслик идорасининг ходими дейишимга асос бўла олади. Ҳасаннинг қўллари арава тортган кишиникига ўхшамайди. Одатда оғир меҳнат қилган одамларнинг пайлари таранг, қадди бир оз букилган бўлади. Пешонасида кўз илғамас чизиқлар бор. Бу уни узоқ вақт ҳарбийлар бош киймини кийиб юрганини билдиради. Агар сиз унинг юришига зеҳн солган бўлсангиз, менинг гапларимга шубҳа қилмаган бўласиз. Арава тортган одамларнинг бўйин томирлари ирғиб чиққан, гавдаси бир оз олдинга букилган бўлади.

– Гапларингизнинг неча фоизи ҳақиқатга яқин?

Бу саволдан дўхтирбей аччиқланди.

– Хулоса чиқариш ўзингизга боғлиқ, бейим!

Чегечи ўйга чўмди. Изига айғокчи тушгани кўнглидаги қўрқув хавфини баттар кучайтирди. Юрагининг тубида «бу тўғрида Амирийни огоҳлантириш керакми» деган савол уйғонди. У мана шу мавҳум саволга жавоб излаш мақсадида бир муддат бош қотирди. «Ҳозирча индамай турганим маъқул. Изимга одам тушганини билса, мени кенгаш аъзолигидан ҳайдаши аниқ. Рухшуноснинг хулосаси билан Ҳасандан гумонсирашим ҳам ўринсиз. Дўхтирлар одамларга шубҳа билан қарашга одатланган. Балки Ҳасанни синаб кўрарман. Шубҳаларимни тасдиқлайдиган аломатларни пайқасам, айбини бўйнига қўйиб, соқчи айтганидек, балиқларга ем қилиб юбораман. Шундагина ҳамма ташвишлардан қутуламан».

– Бундан кейин у билан қандай ишлаш ва нималар қилиш кераклиги тўғрисида маслаҳат керакми, бейим?

Рухшуноснинг сўзи Чегечининг хаёлини тўзитди. У ҳамёини кавлади ва тўрт дона юзталиқ долларни олиб, докторнинг кўлига тутқазди.

– Бу ёғини ўзимга қўйиб беринг, дўхтирбей. Менинг йигитларим тошни ҳам гапиртиради. Сиздан илтимосим, бу ерда бўлиб ўтган гап-сўзлар ташқарига чиқмасин!

Рухшуносни кузатиб қўйган Чегечи соқчига топириқ берди.

– Эрталаб Хасанни дала ховлига олиб боринглар! У билан ўзим гаплашаман.

МОСКВА

Виталий Дмитривич тўплаган маълумотларини қайта кўриб чиқди. Иш у ўйлаганчалик енгил кўчмади. Аксинча, жиддийлашиб борарди. Шу сабабдан Пётр Ивановичнинг Афғонистонга ўтиши масаласида бошлиқ хузурига киришни лозим топди. Қарияни Кобулга жўнатиш учун аввало унинг хавфсизлигини таъминлаш лозим эди. Худо кўрсатмасин, бирорта дайди ўққа учиб ўлиги ўша юртда қолиб кетгудек бўлса, Виталий Дмитривич жазодан қутулиб қололмайди.

Ночор аҳволда қолган подполковник кўлидаги хужжатларни кўтариб, бошлиқнинг хонасига чиқди. Аркадий Владимирович тасмадаги ёзувларни диққат билан эшитди. Кексайиб қолган дўстининг бойлик ортидан Афғонистонга талпиниши генерални ҳайратга солди.

– Ўша хазина қаерга яширилган экан? – сўради у подполковникдан.

Витя бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмасди.

– Координатни аниқлаганимизча йўқ, ўртоқ генерал! – деди елкасини қисиб. – Сухбат чоғида ҳам яширилган объект сир сақланди.

– Тошкент билан боғландингми?

– Ҳозирча йўқ.

– Боғлан, Бўрон ким? Қўнғироқ қилган шахснинг исми шарифи, Бўронни қаерда, қачон учратганлигини аниқла. Унинг Афғонистонда пайдо бўлиши ўзбек ҳамкасбларимизда ҳам қизиқиш уйғотиши мумкин!

– Хўп бўлади, ўртоқ генерал!

– Қарияни ҳузуримга таклиф қил! – буюрди генерал.

Пётр Иванович уйдан эшикка чиқмай Витянинг қўнғироғини кутарди. Телефон жиринглагудек бўлса, ҳаллослаб гўшакни кўтаришга ошиқарди. Ниҳоят, сабрсизлик билан кутилаётган телефон жиринглади.

– Бормисан, Витя, – қувониб кетган генерал саломлашишни ҳам унутиб қўйди. – Тун-у кун қўнғироғингни зориқиб кутаётгандим!

– Идорага келиб кетсангиз, Пётр Иванович, – деди подполковник.

– Тинчликми?

– Тинчлик, иш юзасидан маслаҳатлашадиган гап чиқиб қолди.

Витянинг овозидан қандайдир нохушликни сезган генерал хафсаласизлик билан сўради.

– Ҳозирми?!

– Иложи бўлса бугуноқ, – Виталий бошқа сўз айтмай, гўшакни жойига қўйди. Қариянинг хаёлига турли ўй-фикрлар тумандек бостириб келди...

Навбатчи Виталийнинг хонасига эмас, бошлиқнинг ҳузурига олиб чиқиб кетаётганини Пётр Иванович сезди. Бежиз юраги ғаш бўлмаганини тушунди. Энди унга нима дейди. Ҳаммадан яширадиган гапини ун-

дан беркитолмайди. Иккиси бир бўлимда, бир хонада узоқ йиллар бирга ишлашган. Хатто Давлат хавфсизлик қўмитасининг олийгоҳида ҳам бир хонада ётиб таҳсил олишган. Чехословакияда СССР элчихонасида хизмат қилишган. 1968 йилги воқеаларда икки дўст анча тер тўкишган. Афғонистонга совет қўшинлари кириб борганида улар узоқлашиб кетишди. Аркадий Кубага, Пётр эса Афғонистонга жўнади...

Уруш тугагандан сўнг Пётр Иванович Мудофаа вазирлигининг контрразведка бошқармасига ишга ўтди. Аркадий эса давлат хавфсизлик қўмитасининг контрразведка бошқармасида қолди. Бу орада улар фақат иш юзасидан учрашиб туришди. Пётр Иванович нафақага чиққанидан кейин дўстлар ўртасидаги алоқа узилди. Шунга ҳам уч йил бўлди...

Дўстининг хонасига кўтарилаётган Пётр Ивановичнинг хаёлидан шулар ўтди. Бироқ нима сабабдан Аркадий уни йўқлаб қолганини тушунолмади. Албатта, Виталий қариянинг илтимосини айтган бўлиши керак. Энди унга нима дейди?

Аркадий Владимирович дўстини қучоқ очиб қарши олди.

— Идорага келибсан, бироқ менга учрамай кетибсан? — дея гина қилди Аркадий Владимирович.

Крамаренконинг хижолатдек юзи қизарди.

— Сени безовта қилгим келмади, дўстим, — Пётр Иванович ўз гуноҳини ювиш мақсадида жилмайди. — Биламан, ишинг бошингдан ошиб ётибди.

— Ишни тугатиб бўлармиди, Петя? Ахир ўттиз йиллик кадрдон бўлсак. Сен билан учрашиш учун ҳар қандай ишнинг баҳридан ўтишга тайёрман.

— Раҳмат, дўстим. Илтифотинг учун ташаккур!

— Витядан эшитдим, Афғонистонга бормоқчи экансан, тинчликми?!

Аркадий Владимирович ҳамкасбининг салқиган юзига қараб атайлаб гапни узоқдан бошлади.

– Умр ўтмоқда, оғайни. Ёшимиз етмишга бориб қолди. Хаётда кўп ишларни қилдик. Бироқ биз қилган ишларнинг бари изсиз, темир сандиқлар ичида қолиб кетмоқда. Улар бир кун келиб ёниб кулга айланади. Одамзот ёруғ оламда яшагандан кейин ўзидан келажак авлодга нимадир қолдириши керак. Ўйлаб-ўйлаб китоб ёзишга аҳд қилдим. Шу мақсадда Афғонистонга ўтиб, кўрган-кечирганларимни ёдга олиб қайтмоқчиман!

Аркадий Владимирович ёлғонни ёқтирмайди. Дўстнинг бақрайиб, олди-қочди гапларни сўзлаётганидан гаши келди. Бироқ газабини тилига чиқармади. Сирни ошкор қилмаслик мақсадида ўзини қўлга олди.

– Афғонистондаги вазиятни мендан кўра ўзинг яхши биласан. Уруш тўхтагани йўқ. Ҳозир у томонга ўтиш хатарли. Сени ҳимоя қиладиган, хавфсизлигини таъминлайдиган одамларимиз йўқ. Қандай маълумот керак бўлса, мен йигитларимга тайинлайман, сенга етказиб беришади. Сенинг у томонга ўтишингга шахсан мен қаршиман!

Пётр Ивановичнинг тили айланмай қолди. Дурустроқ баҳона тополмаганидан афсусланди. Бунинг устига икки оёғини тираб олиши ҳам ўринсиз. Аркадийда шубҳа уйғотиши мумкин. Нима десин? Қандай ишонтирсин?! Бор гапни айтиб бўлди. Бошқа баҳона топиш аҳмоқлик. Аркадий дўстини ноқулай аҳволдан чиқариш мақсадида унга ўгирилди:

– Петя, биламан, яшашинг ёмон эмас. Олаётган нафақанг бола-чақангга, ҳаттоки набираларингга ҳам етади. Машинанг, қулинг ўргилсин дала ҳовлинг бўлса. Бундай имконият камдан-кам одамда бор. Кексайган чоғингда худога шукр қилиб, тинчгина айшингни

суриб яшасанг бўлмайдами? Афғонга бориб, ўтмиш-ни ёдга оламан деб бирорта ўққа учиб кетсанг ким сенга ачинади? Маслахатим у ерга ўтишни хаёлингдан чиқар. Марҳамат, архивга кир. Ҳамма шароитни яратиб бераман!

Дўстининг ҳар бир сўзи Пётр Ивановичнинг бошига тўқмоқ бўлиб тушаётгандай, назарида у кўп нарсадан бохабардай туюлди.

Уйга қайтгач, генерал бу ҳақда узоқ бош қотирди. Афғонга ўтиш масаласи ҳал бўлмаганидан юраги баттар ғаш бўлди. Ефим Егоровични огоҳлантирмоқчи ҳам бўлди. Лекин унга бундай нохуш хабарни етказиш оғир эди. Яна қариянинг хаёлида Бўрон гавдаланди. Қаерда юрибди? Хазинани тополдимикин? Ёки бошқа одам ёллаш керакми?! Ҳаммага ҳам ишониб бўлмайди. Ефим Егоровичнинг сўзи чин бўлса, катта бойликни ҳеч ким, ҳеч қачон икки қўллаб келтириб бермайди.

САМАНГАН

Дала-даштларни қип-қизил рангга бўяб қуёш ботди. Жангарилар чодирлар атрофига гулхан ёкишди. Тўлин ой баркаши уфқдан жуда барвақт кўтарилди. Ой кути ўчган, қори бутунлай эриб кетмаган тоғларнинг улкан чўққисидан баралла кўриниб туради. Ушбу соатда бўйнидан пасти қумга кўмилиб ётган Абдурасулнинг хаёлидан ҳар хил аламли ўйлар ўтди. Гулхан атрофида давра қуриб ўтирган жангариларнинг қийқириғи қулоғига чалиниб турарди.

Абдурасул жонини қийнаётган азоб-уқубатларга дош беролмай инграр, уни бу ерга бошлаб келган Бўрибой шаънига лаънатлар ўқирди. Қуруқшаб қолган томоғини ҳўллаш учун тупугини ютар, хирилла-

ганча одамларни ёрдамга чақирарди. Бироқ овозини ҳеч ким эшитмасди.

Юз метрлар нарига тушган снаряднинг гумбуллаши еру кўкни ларзага солиб, кулоқларни қоматга келтирди. Қий-чув, тўполон кўтарилди. Жангарилар ўзларини дуч келган томонга уришди. Худди киёмат қойим бошлангандек бақириб-чақириб қочишарди. Олислардан автоматнинг тириллаши эшитилди. Жангариларнинг бир қисми Абдурасулнинг боши чиқиб турган хандақ томон мўр-малахдек ёпирилиб келарди. Этиклар зарбидан ер титради. Оёқлар остидан чанг-тўзон кўтарилиб кўкка ўрлади. Икки жангари шундоқ унинг ёнидан ўтиб кетди. Улардан бири каллага қоқилиб тушаёзди. Қоронғи ва тўс-тўполонда ҳеч ким шўрлик бу бошни кўрмади, кўрса-да аҳамият бермади. Бўрондек ёпирилиб келаётган жангарилар каллани топтаб, янчиб ўта бошладилар. Кимдир қоқилди, кимдир йиқилди. Кўзларини юмиб олган Абдурасул тепкилар зарбидан азоб чекар, бақирар, бироқ овозини ким эшитарди, ким «бу ерда одам бор, эҳтиёт бўлиб ўтинглар» дерди? Яхшики, оқим иккига ажралди. Қаердандир учиб келган ёнғоқдек тош Абдурасулнинг пешонасига тегиб, кўзларидан олов сачратиб юборди. Кимдир тақали этиги билан қурбақани босгандек қонга ботган бошни топтаб ўтди. Абдурасулнинг кўз олди қоп-қоронғи бўлиб, секин-аста эс-ҳушидан айрила бошлади. Бундай пайтларда одам боласининг хаёлига туғилиб ўсган юрти, ота-онаси, ёр-дўстлари келади. Абдурасул ҳам кўзини юмиш олдидан сўнгги бор уларни эслади, алам ўтида юраги ёниб, танасини тарк айлаётган қувватни йиғиб, овозининг борича қичқириб юборди.

— Онажо-о-н!

Овози олис-олисларга ёйилиб кетди. Кейин ўкириб-ўкириб йиғлади. Афсуски, боши ердан чиқиб, сўнгги нафасини олаётган одам боласининг фарёдига ҳеч ким қулоқ солмади, ҳатто қайрилиб ҳам боқмади. Шундан сўнг унинг худди туман босгандек хиралашиб бораётган кўз ўнгида болалиги намоён бўлди. Ота-онасининг қиёфаси чиммат ортида тургандек ғира-шира гавдаланди. Гўё улар қулочларини ёйиб, болалари томон чопқиллаб келаётгандай эдилар. Абдурашулнинг қуруқшаб қолган лабларидан шундай сўзлар учиб чиқди: — Ота, мен сиз ардоқлаган, кўз қорачиғингиздек асраган Ватанни сиздек севолмадим. Оппоқ сутингиздан айланиб кетай, онажоним. Тунлари алла айтиб қалбимга Ватан ишқини солдингиз, боламнинг қонида юрт ишқи ёнсин деб сут бердингиз. Афсус, мен сиз кутгандай ботир ва жасур ўғлон бўлолмадим. Жаннатдан зиёда Ватаним, сен онамдек кафтингда кўтариб катта қилдинг, корингга ярамадим. Кечиринглар!

Қоп-қорайиб қолган бош бир ҳафтача қўмилган жойида қолиб кетди. Сасиб чирий бошлади. Пашшалар, арилар талади. Этини қурт-қумурскалар босди. Қўмишга биров журъат эта олмади. Бўрибой «отган ўким нишонга тегди» деб қувониб юрди. Бу билан янги келган ёшларни қўрқитиб, уларни ўзига янада маҳкамроқ боғлаб олганидан мамнун эди. Аслида Бўрибой бунинг аксига эришганди. Ёшларнинг қалбида ўзига нисбатан битмас-туганмас қаҳр-ғазаб, нафрат уйғотганини у тушунди.

ЮРТДА

Ўша пайтларда Тожикистонда давом этаётган биродаркушлик уруши Эргашга ёмон таъсир қилди. Қутурган жангариларнинг ҳаракатларини кўриб томирларидаги қон жунбишга келди. «Бундай хунрезликларни юртда бошласам ҳам бўларди-ку! Айбим қурол-аслаҳанинг йўқлигидами? Ёки ўзимга нисбатан ишончсизлик кучлими? Қўркдимми? Ахир ортимда қанчадан-қанча одамлар бор эди. Пулдорлар, амал курсисидан қулаганлар, мансаб учун ўзини ўтга чўққа уришга шай турганларнинг ҳисоби йўқ эди-ку?» Ҳақиқатан ҳам бундай тоифадаги кимсаларнинг Эргаш билан муносабати яхши эди. Шаҳар четидаги штабига кунига икки-уч бор қўнғироқ қилишар, муҳимроқ ишлари чиқиб қолса, ўзлари келишарди. Туман партия қўмитасининг собиқ котиблари, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари эшиги олдида қўлини олиш учун навбат кутиб ўтиришарди. Сухбатлашишга орзумандлар қанча эди. Кетишда қўлларини қўксига босиб, «Хизмат бўлса бош устига» деб олиб келган даста-даста пулларни стол тортмасига ташлаб кетишарди. «Эҳ, ўша кунлар қандай фараҳли эди-я!» Эргаш ўша кунларни кўз олдига келтириб, енгил уф тортиб қўйди.

Жангарилар кун сайин шаҳар ва қишлоқларни ишғол этишарди. Ўз қонуни ва тартибларини ўрнатишарди. Саросимага тушган одамлар олдида фақат битта йўл қолди: улар сафига қўшилиш, ўлим ёки катта миқдордаги пора эвазига омон қолиш. Бундан ўзга йўл ва имконият йўқ. Жангарилар ўз буйруқларига итоат этмаганларни қийнаб, азоблаб ўлдиришди. Айниқса, давлат ва ҳокимият раҳбарларини аяб ўтиришмади. Уларнинг бошига ит азобини солишди.

Тожикистон бош прокурори Хувайдуллаевни ярим тунда тутиб кетишди. У Душанбе шаҳар ҳокими, ашаддий порахӯр, таъмагир Икромовни ва 700 нафар экстремист жангариларни ҳибсга олиш учун санкция берган эди. Аввалига уни таҳқирладилар, хӯрладилар, калтакладилар. Иссиқ ҳаммомга қамадилар. Ўт ёқиб қиздирдилар. Тунда ухлаб қолмаслиги учун бошидан совуқ сув қуйиб турлар. Бироқ бош прокурор жангарилар оёнига йиқилишни, тавба-тазарру қилишни, раҳм-шафқат сўрашни, улар сафига қўшилишни истамеди. Виждон ва ориятни сотмади. Қасамёдига хиёнат қилмади.

– Тавба қил! Қилган гуноҳларинг учун узр сўра. Шунда биз сени бу азоблардан қутқарамиз. Биз томонга ўтасан. Роҳату фароғатда яшайсан!

Бу сўзни унга бир вақтлар қўл остида хизмат қилган, порахӯрлиги учун ишдан ҳайдалган ходимларидан бири айтди. Унинг кўзларида масхараомуз табассум ялтиради. Афт-ангори тутуриқсизлигини, иккиюзламачилигини, хоинлик туфайли ҳаёти ҳузурда эканини ошкор қилди. Дунёда порахӯрдай маккор кўзли, бурро тилли одам бўлмаса керак. Бош прокурор унинг афт-у ангоридан шуларни укди. Ватан, юрт озодлиги, инсониятнинг эрки, бахти бундай тоифадаги калтабинлар учун ёт. Ватан манфаати йўлидаги хайрли ишдан фирибгар кимсанинг ҳамёнидаги бир мисқол танга афзал. Шу тангага ўз бошлигини сотиб олмақчи.

– Ватанфурушнинг ҳаёти қачон роҳат-фароғатда ўтган?! – сўради бош прокурор бошини мағрур кўтариб.

– Оғзингга қараб гапир, биз ватанфуруш эмасмиз!

– Порахӯр билан ватанфурушнинг ўртасида қандай фарқ бўлиши мумкин?!

— Сен тўнканинг тилинг ёмон. Бошингга келган бу балоларга, тортаётган жафоларингга ҳам шу тилинг сабабчи! Мен уни омбур билан суғуриб, итларга ташлайман!

— Тилимни суғуришинг мумкин. Аммо қалбимдаги, қонимдаги она юртимга, халқимга бўлган мухаббатимни юлиб ололмайсан, уни ўзим билан бирга олиб кетаман. Сенларга ўхшаб бугун унинг, эртага бошқа бировнинг қўлидаги қўғирчоқ эмасман! — Бошини мағрур кўтарган прокурор шундай деди. Унинг ўктам овози деворларга урилиб садо берди.

Прокурорнинг аччиқ сўзлари қонхўрни каттиқ ғазаблантирди. Қайсар, бир сўзли Хувайдуллаевни ўз томонига оғдира ололмаслигини тушунди ва ярим тунда уни ёвузларча ўлдирди. Бу воқеа Эргашнинг қалбида унутилиб бораётган қасос ва алам ўтини ёқиб, душманларидан ўч олишга ундади. Ҳузурига Чўтир-ни чақиртирди.

— Тайёргарликни кўр, эртага Ўзбекистонга жўнайсан, — деди.

Чўтир сизди: бошлиқнинг юраги ғаш. Асаби қакшаган, демак, юрагидаги дард янгиланган, ғанимларидан қасос олишни ихтиёр этган. Гина сақлашда унинг олдига тушадиган одам йўқ. Чўтир яна шуни биладики, хўжайин қайсар одамга катта гуноҳ қилганга қарагандек боқади. Гуноҳнинг катта-кичиги унинг учун аҳамиятсиз. Афв этиш, ундан мурувват сўраш, сомондан игна излаш билан баробар.

— Тинчликми, хўжайин?! — Чўтир енгил томоқ қириб тўдабошига юзланди.

— Бориб Ғиёсовни тинчитиб келасан!

— Ўртоғингизни-я?!

Эргаш Чўтиргга кескин ўтирилди. Унинг кўкариб кетган юзидан қажр-ғазаб тўкишиб турарди.

– Шу гапинг учун тилингни суғуриб олардим.

– Кечиринг, хўжайин, билмай гапирдим.

– Билиб қўй, Фиёсов менга дўст эмас. Пулим тугаб, уйига борганимда гадойни қувгандек хайдаган. Мен буни кечирмайман. Фиёсов тирик экан, юрагимдаги алам босилмайди, хотиржам яшолмайман. Мабодо, мен ўлсам, у юртга ош беради.

– Тушундим, хўжайин! – Бошлиқнинг вазоҳатидан ташвишга тушган Чўтир ортиқча гап бошига тўқмоқ бўлишини сизди.

– Ўлдиришдан олдин ҳисоб-китоб қил! Борганимда унга нима дейишни одамларим ўргатади. Айбларини бўйнига қўй!

– Ёлғиз ўзим жўнайманми, хўжайин?

– Ҳа, ўзинг жўнайсан, шаҳардаги биродарларимизни хабардор қилиб қўйганман. Улар сени кутиб олишади. Шароит яратиб, ишончли одамлардан шерик топиб беришади.

– Тушундим, хўжайин, – деди Чўтир дили ёришиб, қўлларини ишқалаб.

– Худо ёр бўлсин! Ишинг ўнгидан келсин! Қани, йўлга ҳозирлан. Тўхта! Ишни тинчитганингдан сўнг ортингга қайтма, Олмаотага жўна. Маҳмудни топиб, унинг квартирасида яшаб тур. Керак бўлганимда ўзим чакиртираман...

Чўтир икки йилдан бери жангарилар ичида юриб ўзгариб кетди. Қалбидаги раҳм-шафқат ўрнини ваҳшийлик, ёвузлик эгаллади.

Чўтир тонг бўзарганида йўлга чиқди. Тун бўйи сайраган автомат ва милтиқларнинг овози ўчди. Бўм-бўш кўчаларда фақат руҳлари кўкка учган мурдаларгина чўзилиб ётибди. Ўт қўйилган уйлардан тутун аралаш иссиқ ҳовур осмонга кўтарилади.

Пешонасига қизил дуррача боғлаб олган Чўтир тоғнинг ёлғизоёқ сўқмоғидан чегарани кесиб ўтди. Пастда уни «Москвич» енгил автомашинаси кутиб турарди. Чўтир ҳайдовчини танимади. Ўзи тенги йигит эди, яқинлашганда орқа эшикни очди.

— Ўтиринг! — деди нотаниш йигит ўзбек тилини бир оз бузиб.

Чўтир орқа ўриндиққа жойлашди. Машина тошлок йўлдан пастлик томон олиб кетди. Уч-тўртта қишлоқ ортда қолди. Бу ерларда ҳам тунги отишмалар ўзининг дахшатли изини қолдирган. Остонада тиззасини кучоқлаб, ғам-ғуссадан эгилган бошини эгиб ўтирган қарияни кўрганда Чўтирнинг хаёлига отаси келди. У ҳам шу қария сингари озғин, дарозгина чол эди. Боласини жонидан яхши кўрарди. Мактабга елкасида кўтариб борарди ва олиб қайтарди. Дилбандини кечалари бағрида олиб ётарди. Бир кун кўрмаса соғиниб, излаб қоларди. Кўришмаганига икки йил бўлди.

Ҳайдовчи манзилга етиб келгунча Чўтирга қайрилиб боқмади. Сўз ҳам айтмади. Бир соатча йўл босишгач, дарёнинг қайирида турган қизил рангли «Запорожец» машинасининг ортига келиб тўхтади.

— Нариги машинага ўтинг, — деди ҳайдовчи унга қайрилиб боқмай. Чўтирга сўз айтишга ўрин қолмади. Бу ҳолат унга худди кинолардагидек туюлди. Ҳайдовчиларнинг у билан суҳбатлашиши тақиқланганини сизди. Ўзбекистон ҳудудига кириб келгунча учта машинада алмашиб келди. Рақами Ўзбекистон давлатига қарашли бўлган машинага ўтирганида юраги таскин топди. Бироқ унга бир нарса тинчлик бермасди. «Наҳотки шахсий адоват учун Эргаш Ғиёсовни ўлимга ҳукм этган бўлса?» Бу ҳақда у қанчалик ўйламасин, саволига жавоб тополмади.

Чўтир кечки пайт шаҳарга кириб келди. Хайдовчи уни учрашув белгиланган бекатда қолдирди.

— Шу ерда туринг, одамларимиз икки дақиқадан сўнг келиб сизни олиб кетишади, — деди-ю жўнаб кетди. Чўтир йўлнинг четига ўтди. Туфлисининг ипини қайта-қайта ечиб боғлади. Бу «парол» эди. Бели толиқиб ўрнидан турди.

— Ака, соатингиз неча бўлди? — орқада турган ёшгина йигит Чўтиргга савол берди. Унинг юмалоқ, чиройли кўзлари ялтираб турарди.

— Соатим йўқ, — болани жеркигандек терс жавоб қайтарди ва бирдан учрашувга чиқадиган одам шундай сўзни айтиши лозимлиги ёдига тушди. Йигитчани учрашувга келганига шубҳалангандек паролни айтишга мажбур бўлди.

— Соатимни уйда қолдирибман.

— Сизни кутишмоқда, — деди ўспирин катталарга хос оҳангда. — Ортимдан юринг...

Чўтирни шаҳарда Эргашнинг одамлари интиқлик билан кутишарди. Бир кун бурун унинг келиши ҳақида маълумот олишган бўлиб, учрашув жойи олдиндан белгиланган. Шунга яраша тайёргарлик кўрилганди.

Чўтирнинг муҳим топшириқ билан келаётгани тўда аъзоларидан сир сақланди. Фақат ишончли одамларгина огоҳлантирилди. Бундан ташқари, меҳмон олиб келаётган мактуб ҳам гуруҳнинг янги раҳбари Олимгагина аён. Хатда кўрсатилган буюм икки кун муддат ичида хўжайиннинг қўлига етиб бориши лозим. Эргаш Тожикистонга ўтиб кетиш олдидан тўдани бошқаришни Олимнинг зиммасига юклади. У шаҳардаги тўс-тўполон босилгунча бир муддат кўчага чиқмай, яшириниб юрди. Қилган гуноҳлари етарли эди. Хуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари тутиб кетишидан қўрқди. Бахтига ҳеч ким уни изламади. Эргаш-

нинг ишлари босди-босди бўлиб кетгач, яна одамлар гавжум жойларда пайдо бўла бошлади. Шундан сўнг тўдабоши айтган топшириқларни бажаришга киришди. Шаҳарнинг бой-бадавлат кишилари рўйхатини тузди. Яшаш жойларини, қандай иш билан шуғулланаётганини, ишга қачон ва қай пайтда келиб-кетишини, уйда қанча пули борлиги-ю, бу пуллар қаерда туришини ўрганди. Анчагина маълумот тўплади. Бир ой ўтгач, одамлари орқали топшириқ бажарилганини Эргашга хабар қилди. Ўшанда у Олимдан хурсанд бўлди. Операцияни бажариш вақтини ўзи белгилаши ҳақида кўрсатма берди. Унинг ҳисоб-китобларига қараганда, Олим тузган рўйхатдаги одамларнинг кўлида катта миқдорда доллар бўлиши керак...

Чўтир Олимга муҳрланган мактубни топширди. Ўзларигагина маълум бўлган сўзлар ўйинидан иборат ушбу мактубда шундай дейилганди.

«Иним, Олимжон!

Бу ернинг об-ҳавосига кўникиш қийин бўлмоқда. Жиянларингизнинг соғлиги яхши эмас. Уларга пиёз (қўл пулемёти), патир (гранатаминомёт), чой (автомат), шафтоли (пулемёт), олча (тўппонча), зардолу (граната) сотиб олиш учун пул етмаяпти. Номлари ўзингизга маълум бўлган дўсту биродарларимиздан ҳақимизни ундириб, зудлик билан жўнатиб юборсангиз.

Ҳамид билан гаплашинг, гина-кудуратни йиғиштирсин. Ҳамкорлик қиламиз».

Олим хатни ўқиб Чўтирга юзланди.

– Бошлиқнинг одами кўпми?

– Сафимиз кун сайин кенгайиб бормоқда, – Чўтир ҳамсухбатининг руҳини кўтариш мақсадида ёлғон гапирди.

– Яхши! – Олим шундай деди-ю жим қолди. Ўсиқ, қалин қошлари чимирилди. Пешонасига ажинлар из

солди. Кўзларини бир нуқтага қадаб ўйга толди: Тожикистондаги урушдан уни беҳабар деб бўлмасди. Оппозиция мамлакатни ҳар томондан ўраб, ҳукумат қўшинларини тобора қисиб келаётганини яхши биларди. Ҳатто уларнинг бир қисми Ўзбекистонга чегарадош бўлган вилоятларда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қиларди. Бундай пайтда тўдабошини ёлғизлатиб қўйиш, ҳолидан хабар олмаслик, айтган пулни жўнатмаслик, Олимдек содиқ дўстга иснод! Бепарво юриши, топшириқни бажармаслиги инсофданми? Бир йил муқаддам ўз ғоямиз, мақсадимиз йўлида шаҳид бўламиз деб қасам ичишмаганмиди? Шундай экан, топшириқни зудлик билан бажариши лозим. Ҳамид-чи? Нечун у четда қолиши керак? Нечук бирикмайди? Ҳаммаслак бўлиб иш тутмайди? Эрта-индин Эргаш келадиган бўлса, қай юз билан унинг кўзларига боқади? Йўқ, бу бола кейинги пайтларда босар-тусарини билмай қолди. Пули кўпайиб, танишларини эсдан чиқарди. Катта бошини кичик қилиб, остонасини босиб, арзимас илтимос билан олдига кирганида юзинг борми, кўзинг борми демай, Олимнинг таклифини рад қилди. У пайтда эндигина тўдага қўшилган, ҳали номи чиқмаган эди. Орадан икки-уч йил ўтиб, Эргаш доврўқ қозонди. Водийда эмас, балки қўшни республикаларда ҳам дўст-у ёрлари кўпайди.

«Ҳамиднинг ақли-хуши жойига келиб қолгандир? Қўлида йигирма-ўттизта йигити бор. Тожикистонга жўнатмаса жўнатмасин. Аммо бу ердаги ишларда ёрдам берсин». Ўрнидан турди, соатга қаради. Вақт ҳали эрта. Ҳамиднинг олдига ўтишга, у билан юракдан гаплашиб олишга қарор қилди.

— Қодир! — деди уй эгасини чақириб. — Меҳмонга жой қилиб бер, дамини олсин. Мен Ҳамиднинг олдига бориб келаман. Уйга одам қўйма!

– Нима қиласиз асабийлашиб, ака? Бари бир у бизга қўшилмайди, – деди уй эгаси қўлини силтаб. – Қони бошқа!

– Соат ўнларда қайтаман. Тайёр турунглар. Келмасам, телефон қиламан.

Ҳамид Олимни хушламай кутиб олди. Кўрса асаби титрайди. Гаплашиш нияти йўқ. Бежиз келмаганини сизди. Ўрнидан турмай қўл узатиши Олимга алам қилди. Бу шаҳардаги катта бир тўданинг бошлиғига нисбатан ҳурматсизлик эмасми? Бироқ аччиқланганини сездирмади.

– Хизмат? – ўтиришга улгурмаган Олимга қарата айтилган бу сўздан келгувчининг юзи шолғомдай қизарди. Курсига эмас, чўғ устига ўтиргандек бўлди.

– Хўжайиннинг илтимоси билан келдим, – довдираб қолган Олимнинг тилига шу сўз келди.

– Қулоғим сизда, у кишининг бизда қандай ишлари бор экан?

«Тўнка, ҳаддингдан ошибсан. Бўрилар кетиб, сенга ўхшаган куёнюракларнинг куни туғибди-да! Шошмай тур, хўжайин келсин, сен билан ўзим ҳисоб-китоб қиламан. Тавбангга таянтирмасам, отамнинг ўғли эмасман». Олимнинг хаёлидан шу фикр ўтди. Ҳамиднинг сўровини жавобсиз қолдирди. Гапни нимадан бошлашни билмай бошини қашлади. Кейин юзига сохта табассум ёйилди.

– Хўжайиннинг олдидан хабарчи келди. Мингдан ошиқ одамга бошчилик қияпти экан. Яқин кунларда ўзи ҳам келармиш.

Ҳамид бу сўзларга аҳамият бермади. Олим ер остидан суҳбатдошининг юзига кўз қирини ташлади. Ҳамиддан садо чиқмагач, сўзида давом этишга мажбур бўлди.

– Сен одамларинг билан биз томонга ўт. Бирлашайлик. Аҳил бўлсак, ҳеч бир куч бизга бас келолмайди.

Ҳозир хўжайинга хорижлик ҳомийлар ёрдам бериш-моқда.

Ҳамид азалдан Эргашни ёқтирмасди. Дастлаб жиноий гуруҳга уни таклиф қилишди. «Бировга қарам бўлишни истамайман» деб айтди. Бу гап Эргашга ёмон таъсир қилди. Ундан ўч олишни, айтган сўзи учун тавба қилдиришни юрагига тугун қилиб тугиб қўйди. Одамлари содир этилган талончилик, босқинчилик каби жиноятларни Ҳамиднинг йигитлари зиммасига ағдаришга уринди. Олинган буюмларни, бармоқ излари қолган идишларни жиноят содир этилган жойга атайлаб ташлаб кетишади. Бу билан милиция ходимлари «Ҳамиднинг одамлари жиноятни содир этган» деган шубҳага боришларини ўйлади. Ҳамид аввалига эътибор бермади. Кейин фаҳмлаб қолди. Эргашнинг ёқасидан олди.

— Виждонсиз! — деди қаҳр-ғазабини сочиб. — Қачонгача одамларинг қилган айбни менинг йигитларим гарданига ташлайсан? Билиб қўй, яна бир бор шундай иш тутадиган бўлсанг, бўғизлаб ташлайман. Ўлигингни ит тополмайди!

Ўшанда Эргашнинг тили айланмай қолди. Безгак тутгандек дир-дир титраб, ўзини оқлашга сўз тополмади. Шуларни эслаб Ҳамиднинг юрагидаги яра қайта тирналди...

— Менга қара, Олим! — деди қаршисида ўтирган чопарга. — Эсингда бўлсин, сенга илгари ҳам айтганман. Ҳозир ҳам ёдингга солиб қўяман. Мен босқинчи эмасман. Ўз халқимга қарши қурол қўтармайман. Бориб акангга айтиб қўй. Ўзбекистонни босиб ололмайди. Юртни сендек қонхўрлар, малай, ювиндихўрларга бериб қўядиган аҳмоқ йўқ. Халқини ҳимоя қилишга қодир юрт эгаси бор! Ватан учун жонидан кечадиган жасур ўғлонлари бор. Сенга ўхшаган юртфуруш, но-

мард кимсалардан жирканаман! Ўрнингдан тур, кўзимга кўринма!

Олимнинг ранги оқарди. Нафрат ва ғазабини бо-солмади.

– Сен ўзи кимсан?! – деди иягини чўзиб. – Ўғрисан! Пешонангга отнинг қашқасидек ёзиб қўйилган! Бир маротаба эмас, икки маротаба қамалгансан. Шаҳарда бирорта қора иш бўлса, аввал сени тиқишади. Менга айтган гапларинг билан ментларга яхши кўринмоқчимисан?! Ўзингни халқпарвар қилиб кўрсатмоқчимисан?! Бизнинг кимлигимизни, нималарга қодирлигимизни билмабсан. Керак бўлса сен ва йигитларингни **тинчитиб** кетишади. Эсинг кириб қолган деб олдингга келувдим...

Уй эгаси столни муштлади.

– Йўқол! – Ҳамид титроқ қўллари билан кулдонни чангаллади. – Шу билан бошингга солмасимдан **қорангни ўчир**. Ифлос қадамнинг билан иккинчи бор остонамни ҳаром қилма!

Олимнинг қизарган юзида заҳарханда табассум пайдо бўлди.

– Ҳм, қизишманг, эркак. Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир деганлар. Кейин пушаймон бўлиб юрманг. Бу дунё ҳисобли!

– Йў-ў-қо-ол! – овозининг бориचा қичқирди Ҳамид.

– Хўрозга ўхшаб беаҳал қичқирманг, эркак. Овозингизни асранг! Ҳали бақирадиган кунларингиз келади!

Бу сўзлар Ҳамид учун ортиқча эди. Асаби шу қадар таранг тортилдики, ўзини бошқара олмади. Чангаллаб турган кулдонни Олимга қарата улоқтирди. Кулдон унинг кўкрагига тегди ва костюмининг ёқасидан кириб, ички чўнтагига яқин жойда туриб қолди. Олим ўзини ташқарига урди. Остонадан ўтиб эшикни

силтаб ёпди-да, деворга суянди. Юраги гурсиллаб худди кўксини ёриб чиқадигандек урди. Кулдон теккан жойни қўли билан силади. Оғриқ босилди. Хаёлига келган ўйдан мамнун жилмайди. Дастрў-молчаси билан кулдонни эҳтиётлаб ўради-да, чўнтагига яширди.

Ҳамиднинг хонасидан аламзада бўлиб чиққан Олим телефон орқали Қодир билан Чўтирга «Баҳор» ресторанига келишни буюрди. Соат ўнларга яқинлашган, ой тепага кўтарилган. Ресторанда санокли хўрандалар ўтиришибди. Олим коньяк буюрди. Енгил тамадди қилди. Шериклари келганда у ширакайф эди. Чўтирнинг хаёлига хўжайин айтган сўзлар келди. «Ғиёсовнинг амакиси кўплаб одамларимизни қамокқа тикмоқда, унинг ўлими акаси учун сабоқ бўлсин».

– Ғиёсовнинг амакиси қаерда ўтиради? – сўради у Олим томонга юзланиб.

– Қайси амакиси? – Ҳамид томонидан камситилган ҳамда ичкиликдан кўзлари қизариб кетган Олим Чўтир томон ўгирилди.

– Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини бор-ку...

– Ашурматовми?..

– Ҳа.

– Унда нима ишинг бор?

– Ўзим, шунчаки сўраяпман-да.

– Ўўлимиз устида.

– Вақт ҳам алламаҳал бўлди, – боядан бери жим ўтирган Қодир суҳбатга яқун ясади.

– Тайёرمىсанлар? – кўзларини ёрдамчиларига ўқдек қадаб сўради Олим.

– Тайёرمىз, хўжайин! – деди Қодир. Унинг кўзи сузилди.

– Унда жўнадик!

Пиёда «Шаршара» маҳалласи томон йўл олишди. Кўчалар сокин. Осмонда ой, юлдузлар сочилган. Совук шабада ер бағрини ялаб эсади. Кўчадан одам оёғи узилган. Гоҳи-гоҳида машиналар ўтиб, тун сукунати-ни бузади. Тунги шарпалар катта йўлдан чап томонга бурилиб кетган кўчага киришди. Нақшинкор дарво-за олдидан ўтишаётганда Олим Чўтирнинг қулоғига шипшиди.

– Мана шу уй Ашурматовники бўлади.

Чўтир деворлари баланд қилиб қурилган ҳовлига қараб, маъноли бош иргитиб қўйди. Юзидаги совук табассумга Олим аҳамият бермади.

Фиёсов бугун уйга ичиб келди, андак кайфи ошган. Ишхонасига яқин жойдаги эски ошхонани сотиб ол-ганди. Ишдан қайтар маҳали шу ерда бир оз тўхтаб ўтди. Бош ошпаз билан ҳафталик ҳисоб-китоби бор эди. Ишчилар унинг яқинда уйига кетганини айтишди. Фиёсов ёрдамчиси билан суҳбатлашди, бирга тамад-ди қилишди. Шу баҳона бир-икки пиёла ароқ ичди. Юрагига ўт кирди. Жўнаш олдидан «Ҳошимжон мен-га учраб қўйсин» деб ёрдамчисига тайинлади. Уйига келганда аёли эмизикли боласини бағрига олиб ухлаб қолганди. Фиёсов толиққан бўлса-да, кўзидан уйку кочди. Ароқ бошини айлантириб сархуш қилганди. Бундай пайтларда у ҳисоб-китоб қилишни, кимларда ҳақи борлигини, қолаверса, топган-тутган пуллари-нинг ҳисобини олишни ёқтирарди. Меҳмонхонага ки-рибоқ телевизорнинг мурватини буради.

...Кўча эшикка ичкаридан илгак солинган. Олим шерикларига қўлқоп ва никобларни кийишни буюр-ди. Ўзи эшик тепасидаги тугмани босди. Ҳовлида чи-роклар ўчган, ичкари уйдан тунги ёриткич ғира-шира ёғду сочиб туради. Бир оздан сўнг айвон чироғи ёнди.

Оёқ товуши қулоққа чалинди. Шарпа дарвозага яқин келиб «Кимсиз?» деди. Бу Фиёсов эди.

— Бу мен, — деди Олим овозини ингичкалаштириб.
— Машинанинг хужжатини олиб келдим.

— Бемахалда-я! — Фиёсов илгакни туширди. Олим эшикни зарб билан тепди. Қирраси пешонасига урилган уй эгаси гандираклаб кетди. Босқинчилар ичкарига отилиб киришди. Қодир билан Чўтир уй эгасининг қўл-оёғига ёпишишди. Олим дориланган латтани унинг оғзига тикди. Барваста йигитлар ичкарига ёпирилиб кирганда Фиёсов булар Эргашнинг одамлари эканлигини, эшикни бемаврид очганини тушунди. Энди кеч. Қўркувдан эсанкираб қолди. Кўз ўнги қоронғилашди. Бақиршга, қаршилиқ кўрсатишга куч топа олмади. Оғзига тикилган латтадан нафаси қайтди. Сал бўлмаса бўғилиб ўлаёзди. Яхшики, босқинчилардан бири бурнидан кафтини олди. Латтадан келаётган сассиқ хид уни бўшаштириб лоҳас қилди. Босқинчилар капитаннинг қўлини орқага қайириб, чилвир билан боғлашди. Кемтик ой ишком тепасидан мўралаб турарди.

— Овозингни чиқара кўрма, — деди хириллаб Олим. У тўппончани Фиёсовнинг тер босган пешонасига тиради. Фиёсов гапиролмади. Бошини силтаб қўйди. — Нимага келганимизни биласанми?

Фиёсов ковоғаридек гўнғиллади.

Чўтир унинг оғзидан латтани тортиб олди. Капитан ўпкасини тўлдириб ҳаво симирди. Кўкариб кетган юзига қон тепди. Сув тикилиб ётган қувурдек оғзидан сассиқ хид чиқди. Олим бошини орқага ташлади.

— Нима бало, ичингда ит ўлганми?!

— Пуллар қаерда? — Чўтир бетоқат эди. Ҳозир па-чакилашиб ўтиришнинг мавриди эмас. Ишни тезроқ битириш, бу ердан туёқни шиқиллатиб қолиш даркор.

Қўни-қўшнилар пайқаб қолиши мумкин. Биров сезса тамом, ҳаммаси барбод бўлади.

Капитаннинг вужуди ҳамон титрарди.

— Пуллар... пуллар уйда... — зўрға тили айланди. — Олиб чиқайми?

— Овора бўлма, бирга кирамиз. — Чўтир уй эгасининг бўйнидан чилвирни ечди. — Ортиқча ҳаракат қилгудек бўлсанг, бола-чақангни аяб ўтирмаймиз. Бўғизлаб ташлаймиз! Уқдингми?

— Хотиржам бўлинг, ака. Келиб тўғридан-тўғри пул сўраганларингда ҳам берардим. Сизлардан қизғанадиган нарсам йўқ!

Фиёсов қароқчиларни эргаштириб ичкарига бошлади. Ҳовли ўртасидаги ҳовузда сув тўла эди. Атрофига экилган жамбул-у райхонларнинг ҳиди ҳовлини тутган. Ерга тўшалган мрамор плиталарда одам акси кўринади.

Фиёсовнинг хаёлидан минглаб ўй кечди. Бир кўнгли овозининг борица бақиргиси келди. Бироқ додини ким эшитади? Қолаверса, биқинини тешиб юбораётган тўппончанинг тепкиси босилиши ҳам мумкин. Ўлиб кетса, бу қошона кимга қолади? Бақирмаса, қочмаса, қароқчилар бойликларини олиб кетишади-ку! Нега ташқарига чикди? Нега ўзини уларнинг қўлига тутиб берди? Чўчкадек пишиллаб ётган аёли орқали «йўқ» деб айттириб юборса, олам гулистон эди-ку!

Капитан уйидаги пулларнинг ярмини бериб осонликча қутулишни ўйлади. Шундай қилса уйни тинтиб ўтиришмайди. Бошқа йўл йўқ! Фиёсовнинг дили ёришди. Вужудини титратиб турган қўрқув босилгандек бўлди. Дадил қадам ташлаб, уларни хонасига бошлади. Оёқ товушларини эшитиб, аёли овоз қилди.

— Дадаси, бемахалда эшик қоққан ким экан?

– Ўзимизникилар, индамай ётавер. Озгина ҳисоб-китобли ишимиз бор!

– Дастурхон тайёрлайми?

– Керак эмас, улар шошиб туришибди.

– Вой-ей, ярим тунда ҳам тинмайсиз-да, а?..

Ётоқхонага кирганда Фиёсовнинг қўли калтираб, темир сандикни очди. Бироқ қўл солишга улгурмади. Чўтир уни туртиб юборди. Қути ичидан хорижий пуллар, автомашинанинг беш дона техник гувоҳнома-си чиқди. Қутининг тепасидан эса икки қути тўшпонча ўқини олди. Чўтир уни чўнтагига жойлади. Пулларни эса стол устига ташлади. Ҳамманинг кўзи Фиёсовда бўлиб турган пайтда Ҳамид кўйнидан кулдонни олиб диван олдига ташлади.

– Ҳаммаси шуми? – еб юборгудек қаради Фиёсовга.

– Ўзимизники қаерда?

– Худо урсин, бошқа пулим йўқ. Топган-тутганим шу! – елкасини қисиб жавоб қилди капитан. Чўтир Фиёсовнинг орқа елкасига мушт туширди. Уй эгаси гурсиллаб ерга йиқилди. Олим уни тиз чўктирди:

– Бу пул кичкина болада ҳам бор. Бизни алдама, ит! Эсингдами, биздан қанча пул олгансан? Қаерда ўшалар? Итдек ириллаб, эллик минг долларимизни олгансан. Раҳм-шафқат қилмагансан. Пулимиз йўқ, десак ишонмагансан. Насияга кўнмагансан!

– Уларнинг ҳаммасини ишлатиб юборганман!

– О, сен-а?! Лақабингни биласанми? Ҳамма сени «Якка бўри» дейди ит! Сувни ҳам текинга бермайсан!

Олимнинг қаҳри кўзиди. Фиёсовнинг чакагига мушт солди. Бурнидан шаррос қон кетган капитан гиламга йиқилди. Олим унинг кўйлаги ёқасидан тутиб яна тиз чўктирди.

– Ёлғон гапирсанг, ўзингга қийин бўлишини унутмагин, ит! Нима, қулоғингга кўрғошин қуйиб олганмисан?!

Бу орада Чўтир дивандаги болишнинг остидан икки минг доллар ва юз минг сўм топиб олди.

— Бу нима, — деди у пул билан капитаннинг юзига уриб. Фиёсов гапиришга улгурмади. Пастки жағига тушган тепкидан юмалаб, диван тагига кираёзди. Олим баккуват панжалари билан уни худди мушук боласидек тортиб олди. Ётоқхонадан аёлининг уйқу-сираган овози келди.

— Дадаси, ҳой дадаси, тинчликми? Нега тапур-ту-пур қияпсизлар?! — оғриқ зарбидан инграётган Фиёсов аёлининг сўзини атайин жавобсиз қолдирди. Қароқчилар бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олишди. Чўтир пичоғини яланғочлаб ётоқхонага ўтди. Уйқуси кочиб безовта бўлган аёл ўрнидан туриб, тўзғиган сочларини қўли билан текислаб чиқиб келаётганди. Эшик олдида ўзини Чўтирга уриб олди. Бахайбат одамни кўриб қўрққанидан қичқириб юборди. Чўтир унинг оғзига кафтини босди.

— Дамингни чиқарма, мегажин! Каллангни сапчадек узиб ташлайман!

Аёл нафасини ичига ютиб, тўшакда ётган боласининг ёнига қайтди. Бургут мисол кучоғини очиб гўдагини ҳимоясига олди. Чақалоқ лабини қимирлатиб она кўкрагини излаб тамшаниб қўйди. Чўтир мийиғида кулди. У бола томон бостириб кела бошлади.

— Яқинлашманг! Яқинлашманг! — йиғи аралаш сўзлаётган аёлнинг тилига бошқа сўз келмади. Бўйнидаги ялтираб турган тилла занжирга, қулоғидаги балдоққа Чўтирнинг кўзи тушганди. У пичоқнинг учини чақалоқнинг қорнига тўғрилади.

— Тегманг, боламга тегманг! — ёлвориб йиғлади она.

— Бўйнингдаги билан қулоғингдигиларни еч, — буюрди қароқчи.

Аёл талабни сўзсиз бажарди. Титраётган қўллари билан тақинчоқни ечиб, Чўтирнинг оёғи остига

ташлади. Унинг кўзлари ҳамон тўшак устида чинқираб йиғлаётган боласида эди. Гўдакнинг усти очилиб қолганди. Митти қўлчалари талпиниб онасини изларди. Она боласи томон талпинди. Бироқ Чўтир унга яқинлаштирмади.

– Яна ниманг бор? – сурбетларча аёлнинг очик қолган кўкрагига тикилиб сўради босқинчи. – Эринг пуллари ни қаерга яширган?

– Буни ўзидан сўранг. Мен ҳеч нарсa билмайман!

– Тилла тақинчоқларингнинг қолгани қаерда?

Аёл бошини чайқади. Чўтир бигиллаб йиғлаётган гўдакнинг яланғоч қорнига пичоқнинг учини босди. Тиғ боланинг қорнида кип-қизил из қолдирди. Онанинг юраги ёрилиб кетай деди. Қўллари билан эмаклаб бола си томон юрди. Чўтир унинг елкасига оёғини қўйиб йўлини тўсди.

– Яқинлашма, пичоқ қорнига кириб кетса, ичак-чавоғи чиқиб кетади! – Аёл бармоқларини тишлаб, ақл-у хушдан айрилган телбадек кўзларини боласидан узмай ҳикиллаб йиғларди.

– Мен сендан тиллаларни сўрадим, айтасанми? Гапир!

– Худо хайрингизни берсин, менда ҳеч вақо қолмади!

– Алдаяпсан, мегажин! – Чўтир пичоқни пармадек боланинг қорнида айлантирди. Гўдак оёқ-қўлларини типирчилатиб баттар додлади. Юзи қизариб бўғриқиб кетди. Кесилган теридан қон чикди.

– Боламини қийнаманг, пичоғингизни олинг! Шкаф тортмасини қаранг, узукларим бор. Ҳаммаси сизга, фақат боламга тегманг!

Ғиёсовнинг тинка-мадори қуриди. Оғзи-бурнидан ва пешонасидаги ярадан қон окди. Олимжон у билан сўроқ-савол ўтказиш ортиқча эканлигини тушунди. Асосий вазифани бажариш вақти келди. Шу

максадда ҳамёнидан пружинали пичоғини чиқарди. Капитаннинг қонли бошини орқага қайирди. Гиёсов томирлари ўқловдек ирғиб чиққан бўғзига қадалган пичоқнинг совуқ тивини сезди-ю инграб юборди. Бироқ Олимнинг оғир гавдаси остида қолган танасини қимирлатишга ўзида куч тополмади. Пичоқ унинг бўғзини кесиб, суягига қадалганди. Деворга иссик қон сачради...

Капитан оёқ-қўлларини типирчилатиб, хириллаган овоз чиқариб, ўз қонига ўзи беланди Ниҳоят, у тинчиди. Қўзлари очиклигича қотиб қолди. Олим сочилиб ётган пулларни сумкага жойлади. Ўрнидан туриб қўшни хонага ўтди. Чўтир аёлнинг тепасида шкафдан олган бир жуфт тилла тақинчоқни томоша қилиб турарди.

— Кетдик! — деди Олим Чўтирга.

Чўтир бифиллаб йиғлаётган боласини бағрига босиб ўтирган аёлнинг тепасида тўхтади.

— Биз кўчага чиқиб кетгунча ўрнингдан силжий кўрма. Акс холда гўдагингни чавақлаб ташлайман!

Чўтир қон-қушга беланиб, танаси гоҳи-гоҳида қимирлаб турган мурда тепасида пайдо бўлди. Шунда Эргашнинг сўзларини эслади... Мурданинг бош томонида турган қонли пичоқда кўзи тўхтади. Эгилиб уни қўлига олди.

— Нима қилмоқчисан? — сўради остонада турган Олим.

— Хўжайиннинг оёғи остига ташламоқчиман! — жилмайди Чўтир.

— Аҳмоқ, ташла! — буюрди Олим.

Чўтир унинг сўзига аҳамият бермади. Каллани целлофан халтага жойлади-да, эшик томон юрди.

Тун ярим бўлганди. Улар келган йўлларида орқага қайтишди. Ашурматовнинг кўча эшигига етганда

Чўтир тўхтади. Дарвоза тепасидаги темир панжарага қаради. Бўйинини чўзиб қўлидаги халтани симга илди. Қўнғироқ тугмачасини босди. Шундагина Олим унинг мақсадини тушунди...

Ўз ишига талабчан бўлган Ашурматов муқаддам Эргашнинг гуруҳига қўшилиб қолган, милициянинг рўйхатида турадиган айрим кимсалар билан яна шуғуллана бошлади. Рўйхатда турган гуруҳ аъзоларини идорага чақиртирди. Суриштирув жараёнида уларнинг кўпчилиги ҳамон Эргаш билан алоқада эканлиги, мунтазам пул билан таъминлаб келинаётганлиги ойдинлашди. Бундан ташқари, гумон остига олинган айрим кимсаларнинг варақалар тарқатишга тайёргарлик кўраётгани ҳам фош бўлиб қолди. Ашурматов уларни ҳибсга олди.

Полковникнинг иши шу даражада кўпайиб кетган эдики, ҳафтада бир-икки маротаба уйига келишга зўрға вақт топарди. Ўша куни у ярим тунда уйига қайтди. Болалари ухлаб қолганди. Кўзи тўла уйқу бўлса-да, чўмилиш хонасига кириб соқолини олди, ювинди. Кийимларини алмаштирди. Диванга бориб бир зумгина ухламоқчи бўлди. Қанча фурсат ўтганини билмайди, телефон жиринглаб уйғотиб юборди.

– Ўртоқ полковник, изоляторда ётган Эргашнинг одамларидан бири қон томирини кесиб ташлабди, – деди навбатчи милиционер.

– Ўлдим?

– Ҳушсиз ҳолатда касалхонага жўнатилади.

– Ҳозир етиб бораман. Машинани жўнатишлар.

Шу пайт кўча эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Полковник машина етиб келган бўлса керак деган ҳаёлда костюмини елкасига ташлаб ташқарига чиқди. Тонг отмоқда эди. Ҳаво мусаффо, осмон шу қадар тиниқ эдики, одам нафас олиб тўймасди. Ҳовлига

чиққан полковник тўйиб-тўйиб нафас олди. Танасидаги чарчоқ ва ҳорғинлик тарқаб кетди. Кўча эшик қия очик турарди. Остонани босиб ўтиши билан бошига нимадир тегди. Шошиб тепага қаради. Тебраниб турган целлофан халтани кўрди. Атроф жим-жит эди. «Ким қўйиб кетган бўлиши мумкин?» деган савол миясига урилди. Эшик тепасидаги чироқ атрофни ёритиб турарди. Ашурматов халтани қўлига олди. Олди-ю шу заҳоти унинг бир чети йиртилиб, коптокдек нарса ерга тушди. Икки метрча нарига юмалаб борди. Муштдек тошга урилиб тўхтади. Полковник қаддини букиб ерда ётган нарсага қаради. Оғиз ва бурни қонга тўлган, фақатгина катта-катта кўзлари очик қолган бошни таниб, юрагига ханжар санчилгандек сесканиб кетди. Беҳуш ерга йиқилди.

МОСКВА

Крамаренконинг қалбига ғам ва ташвиш қуюндек ёпирилиб кирди. Бундай бўлишини кутмаганди. Ёши бир жойга борганида ҳамкасбларининг маккорлик ва найранг ишлатишларини ақлига сиғдиролмасди. Виталий Дмитриевич барча гаплардан огоҳ бўлгани, қариянинг қўйнига илондек кириб, сир-синоатини билиб, бошлиғига айтгани ҳам маълум бўлди. Ҳа, Виталий ўта усталик билан иш тутди. Ёш боладек алдади. Пётр Ивановичнинг назарида собик сафдоши унинг барча режаларидан хабардор эди. Фақат ҳурмат юзасидан «сен оғайнинг унутиб қолдирган бойликни олиб ўтмоқчисан» деб юзига айтмади, холос. Аммо айтгандан баттар қилди. Пётр Иванович контрразведка биносини қалбида алам ва нафрат билан тарқ этди. Юрагини биров қўли билан шафқатсизларча фикимлаётгандек туюлди. Ҳаво етишмаётгандек ҳансираб, ҳал-

лослаб нафас оларди. Хаёл уни турли кўчаларга олиб кирарди. Кўз ўнгидан Афғонистоннинг қинғир-қийшиқ кўчалари, бомба остида харобага айланган ва бағрида каттагина бойликни яшириб ётган банк биноси кетмади.

Крамаренко уйига келганида ҳам юрагидаги санчик босилмади. Аччиқ ва аламли ўйлардан қутула олмади. Шунча қилган саъй-ҳаракатлари охир-оқибат барбод бўлди. Қайтанга қийналгани, қувонгани-ю азоблангани қолди. Скворцов бу ҳақда нима деркин?! Афғонистонга ўтиш режаси барбод бўлганини эшитса, унинг хаста юраги бунга бардош бера олармикин?! Бир ҳисобдан унинг эшитгани, ҳақиқатни билгани маъкул.

Пётр Иванович ўрнидан турди. Гўшакни қўлига олиб рақамларни терди. Ефим Егоровичнинг уйқусираган синиқ овози эшитилди.

– Қандай хушхабар?

Дабдурустдан режаси барбод бўлганини айтишга Пётр Иванович қийналди. Аммо ўзи сезмаган ҳолда:

– Ишлар чатоқ, дўстим, – деб оғзидан гуллаб қўйди.

– Нега, нима бўлди? – шошиб сўради Ефим Егорович.

Пётр Иванович мақсадга кўчди:

– Афғонга ўтиш режаси барбод бўлди.

– Рухсат беришмадимиз ёки ўзинг айланидингми?

Пётр Иванович ўз обрўсини ва ҳурматини сақлашни яхши биларди. Бошқарма раҳбари унга ижозат бермаганини айтишни истамади.

– Соғлиғим чатоқ.

– Тушунмадим, нима бўлди?

Пётр Иванович безовта юрагининг устига қўлини қўйди:

– Юрагим чатоқ.

– Ёрдам керакми?

- Раҳмат, ўтиб кетади...
- Сенга кўп маротаба даволан, деб айтганман...
- Ташвишланма, ўтиб кетади.

Пётр Ивановичнинг кейинги гаплари тилида қолди. Ҳақиқатан ҳам юраги боягидан қаттиқроқ урар, вужуди ҳолсизланиб, оёқ-қўлларини совуқ тер босди. Нафас олиши қийинлашди. Оғзини очиб, ҳаво симирди. Қўлидаги гўшакни ушлаб туришга ҳам ҳоли қолмай тушириб юборди. Скворцов дўстининг лоқайдлигидан шикоят қилиб ҳамон койирди. Энди унинг гапларини Крамаренко эшитмасди.

Петянинг жавоб бермаётганидан Скворцов қўрқиб кетди. «Петя, Петя» дея баланд овозда қичқирди. Кейин гўшакни жойига илиб, костюмини елкасига ташлаб ташқарига отилди... «Нима бўлдийкин? Ишқилиб, уйида хотини бормикин? Ўлиб қолмаса бўлгани» дея кўнглидан ҳар турли ўйлар ўтарди. Ўчакишгандек йўловчи машиналар қариянинг ишорасига тўхтамади. Бир амаллаб «Жигули» ҳайдовчисини Будённий кўчасига ташлаб қўйишга зўрға кўндирди. Аксига олгандек машина имиллаб юради. Ефим Егоровичнинг юраги тарс ёрилаёзди. Амаллаб манзилга етиб келди. Қария кабинадан тушибоқ Крамаренконинг уйи томон югурди. У хансираб, терга ботиб тўртинчи қаватга кўтарилди. Эшик ичкари-сидан қулфланган. Қўнғироқ тугмачасини босди. Овоз келмади. Ичкарида Петянинг ўзи. Хотини йўқ, юраги ушлаб қолган бўлса беҳуш ётган. Ефим Егорович баттар ташвишга тушди. Айни чоғда нима қилишни билмай боши оғриди.

«Қайдан ҳам хазина тўғрисида унга айта қолдим» дея ўзини-ўзи лаънатлади чол. У елкаси билан эшикни итарди. Оёғи билан тепди. Кўп бор уринишдан кейин эшик очилиб кетди.

Пётр Иванович дераза олдидаги креслода бошини суянчикқа ташлаганча ётарди, телефон гўшаги пастда, оёғи остида осилиб турар, ундан ту-тулаган овоз эшитилиб турарди.

— Петя! Петя! Тирикмисан?! — қичқирди Скворцов. Бироқ генералдан жавоб бўлмади.

Ефим унинг олдида борди ва пойига тиз чўкди. Дўстининг кўлларида тутди. Танаси музлаб қотиб қолганини билди-ю, ўкириб йиғлаб юборди...

Пётр Ивановичнинг вафотидан кейин Ефим Егорович чиндан ҳам ёлғизланиб қолди. Танҳолик ич-этини каламушдек кемирар, азобларди. Ўша лаънати хазина ҳақида оғиз очганидан пушаймон бўлди, дўстининг ўлимида айбдордек ҳис этди ўзини. Энди хазина ҳақида мутлақо ўйламасликка, уни унутишга уринар, афсуски бунинг уддасидан чиқа олмасди. Ўчакишгандек кечалари тушларига кирар, хазина билан боғлиқ тушлар кўрар ва чўчиб уйғониб кетарди. Қоп-қоронғи хонада, кўзларини шифтга қадаганча хаёл суриб кетарди. «Хазинанинг тақдири нима бўлади? Бўрон қаерда? У ҳаёт бўлса, собиқ командирининг топшириғини бажариб, хазинани олиб ўтса, кимга топширади? Қоп-қоронғи хонанинг қайсидир бурчагида кўзга кўринмас одам унга шундай саволларни берарди. «Умидимни уздим, бошида насиб қилмаган нарсa охирида ҳам буюрмади» дерди бунга жавобан Скворцов.

Ефим Егорович учун дўстсиз яшаш азоб эди. Кундан-кун уйидан ташқарига чикмасди. Эрталаблари пастга тушар, дўкондан бир-икки шиша вино олиб чиқиб тўйгунча ичар, маст бўлиб қўшиқ куйлар, йиғларди. Дард-алам уни чирмовукдек ўраб, холсизланган юрагини темир бармоқлари ила эзғилаб азобларди. Охир-оқибат Ефим бетоб бўлиб, ўрнидан

туришга ҳам ярамасдан ётиб қолди. Шифокорларнинг дори-дармони ҳам унинг хаста танасига аввалги тетикликни қайтариб беролмади. Шу ётганича қайтиб турмади. Қирқ кун деганда вужудини қийнаб, азоблаган, ичини чўғдек ёндирган оғриқ ва азоблардан фориг бўлди... Ўлимидан аввал ботаётган куёшга боқишга куч топди. Узоқ термилди. Кўзининг икки четидан сизиб чиққан ёш ажин босган ёноқларини ювиб тўшакка томди. Қуруқшаган ва оқариб кетган лабларидан учиб чиққан сўз шу бўлди: «Раббим, шу куёшнинг чиқишини эртага ҳам кўришни насиб айлагин».

Куёш эртаси куни ҳам ҳар доимгидек уйғонди. Скворцовнинг учинчи қаватдаги хонасининг деразаларидан мўралади. Олтин ёғдуларини сочди. Бирок унинг шаффоф нурларини томоша қилиш қарияга насиб қилмади.

ЮРТДА

Ўз ишини бажариб бўлган Чўтир тонг ёришмай, Олмаотага жўнади. Олим юраги хувиллаб, яна шаҳарда қолди. Тўс-тўполон босилгунча уйда яшириниб ётишни маъкул топди. Номаълум шахслар Фиёсовни уйда бўғизлаб кетишгани тўғрисидаги хабар тонг ёришмай бутун вилоятга ёйилди. Шаҳарга кирадиган барча йўлларга кучайтирилган милиция постлари қўйилди. Машиналар назоратга олинди. Олимнинг хаёлига турли ўйлар келиб, баттар асабийлашди. Капитаннинг уйдан топилган кулдон мелисаларнинг эътиборини тортдимикин?! Аҳамият беришган бўлса, Ҳамидни тутиб кетишган. Ахир қамалган одамнинг бармоқ излари экспертиза бўлимида сақланади. Дарров солиштиришган. Шундай бўлгач, Ҳамид ҳибсга олинмасдан очикда қолармиди?!

Тавба, терговда нима деркин?! Қотиллик қилганини тан олдиришади. Бундай одамларни тавбасига таян-тирмай қўйишмайди. Бошига итнинг куни тушади. «Сен ўлдиргансан, мана, қўлимизда далилимиз бор» деб резина таёқ билан елкасига икки бор солишганда, бўйнига олишга мажбур бўлади. Олимнинг кўз ўнги-га эгнидаги кийимлари йиртилиб, баданлари кўкариб ерда беҳуш бўлиб ётган Ҳамид келди. Унинг аянчли аҳволини кўз ўнгига келтириб жилмайиб қўйди. «Ҳа, қалайсан энди! Кўрпангга қараб оёқ узатганингда, ким билан ўйнашаётганингни билганингда, бизнинг йўлимиздан юрганингда эди, бошингга бу савдолар тушмасди. Турмада кўрган кунларинг ҳолва бўлади. Бошлиқнинг у ерда ҳам одамлари бор. Сени бир кун-даёқ эшак минган мулладек қилиб қўйишади. Уларга ҳам кўрслик қилсанг, бўйнингни сапчадек узиб ташла-шади. Сен қачондан бери ўзингдан юқори турадиган одамларга гап қайтарадиган, уларнинг топшириғини бажаришдан бўйин товлайдиган бўлиб қолдинг? Қачондан бери ботир бўлиб қолдинг? Эргашбойга қар-ши туришга қандай ҳаддинг сиғди?! Ахир унга катта одамлар ёрдам беришмоқда. Кучли одамлардан та-ниши етарли. Сен ўзи кимсанки, мелисалар гапингга ишонса?»

Бу гапларни Олим худди рўпарасида Ҳамид тур-гандек овоз чиқариб, ғижиниб, нафрат билан айтди. Кутилмаганда хаёлига «борди-ю, кулдонни таниб, унга қарата улоқтирганини эслаб, «бу Олимнинг иши» деб бўлиб ўтган воқеани терговчига сўзлаб бер-са-чи?! Унда қилган тоат-ибодатларим чиппака чиқ-майдимиди?» деган ўй келди. Юраги увишди.

Шомга яқин одамларидан бири ҳовлиқиб кирди.

— Ҳамидни мелисалар тутиб кетишибди, — деди ҳаллослаб.

– Нимага? – ранги қув ўчган Олим буни атайлаб, гўё ҳеч нарсадан хабарсиздек сўради.

– Мелисани ўлдирганмиш!

– Қайси мелисани?

– Гиёсовни!

– Бу хабарни кимдан эшитдинг?

– Бутун шаҳарда дув-дув гап!

Олим бирдан хомуш тортди. Кўз олди қоронғилашди, кўнглининг бир четини ваҳимали ўйлар ўртади.

– Менга қара, Вали! – деди у одамига. – Мен Тошкентга кетяпман. Эртага Комил келади. Бирга бўлинглар. Аҳмаджонга айтиб қўй, оғзим бор деб ҳар жойда гуллайвермасин. Тилини суғуриб оламан. Бошқаларнинг ишига тумшуғини сукмай, ўзига топширилган вазифани уддаласин.

Олим ташқарига чиққанида қуёш тоғларни лола рангга бўяганди. Ҳали қор тушмаган тоғ чўққиларига алвон шуъла сочиб турибди. Шаҳарга ғира-шира қоронғилик чўкди. Олим одамлар назарига тушмасдан ўзининг янги манзили томон ошиқди...

Шу жойда воқеанинг давомини кейинга қолдириб, мухтарам ўқувчиларимизнинг эътиборини яқин ўтмишда бўлиб ўтган бир воқеага қаратишни лозим топдим. Зеро, халқимиз ҳеч қачон, ҳеч вақт ёмон ниятли кимсалар билан муроса қилган эмас. Ёшларимизни алдаб, бизга ёт бўлган оқимларга қўшилиб кетишида бахтимизни, иқболимизни, истикболимизни кўролмаган ичи қора, фаразгўй кимсаларнинг қўли борлигини билишларини истардим.

ЯҚИН ЎТМИШГА НАЗАР

1970 йилнинг охирларида хорижий махсус хизмат маҳкамаларидан бирининг Ўрта Осиё мамлакатлари билан ишлаш бўлими ходими Генсберг бошлиқларидан расшифровкаланган телеграмма олди. Унда шундай сўзлар битилган эди.

«Водийнинг аҳоли зич яшайдиган шаҳар ва қишлоқларида турли сабабларга кўра бедарак кетган 4-5 ёшли ўғил болаларнинг суратларини ҳамда уларнинг ота-оналари тўғрисида маълумот тўплаб зудлик билан ҳужжатларни марказга жўнатиш».

Ёш ходим топшириқни олган заҳотиёқ ишга киришди. Ўзининг одамлари билан ҳамкорликда водийнинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, бедарак кетган болалар тўғрисида маълумот йиғишга киришди. Уларнинг суратлари, таржимаи ҳоли, ота-оналарининг исм-шарифларини ўрганди. Қисқа муддатда анчагина фактлар йиғиб бошлиқларига етказди. Йиғилган маълумотлар маҳкаманинг темир сандиғида узок йиллар қолиб кетган бўлса-да, унутилмаганди. Вақти-вақти билан кўздан кечирилиб, йўқолганларнинг кейинги тақдири тўғрисида олинган янги маълумотлар билан тўлдириб борилди. Орадан йигирма йил ўтиб, яна темир сандиқ очилди ва йўқолган болаларнинг ҳужжатлари кўтарилди. Бўлим бошлиғининг Чегечи билан бўлиб ўтган қисқа, аммо муҳим учрашуви бунга сабаб бўлди. Бунга учрашув чоғида Чегечи ашаддий террорчи, ақидапараст, айни чоғда қўл остида нафас олиб турган Эргашнинг сафини тўлдирадиган йигитлар камлиги устидан шикоят қилгани сабаб бўлди.

– Вақт ўтмоқда, – узокдан гап бошлади Чегечи.
– Ўтаётган кунлар бизнинг елкамизга қўниши мум-

кин бўлган бахт қушини ҳуркитиб юбориши мумкин. Ўзингизга маълумки, собиқ Иттифоқнинг биз кўз тиккан республикалари ўзининг собит йўлини танлаб олмоқда. Ҳукумат халқнинг келажаққа бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Эргашнинг қўли билан биз узоқ йиллар мобайнида кўзлаб юрган, аммо шу пайтгача амалга оширолмаган ишларимизни бажаришимиз лозим эди. Бироқ унинг қанотига кирадиган, мадад берадиган ёшлар йўқ ҳисоби. Борлари муқаддам турли айбловлар билан қамоқхоналарда ўтириб чиққан. Ишониб бўлмайди уларга. Хоҳлаган пайтда Эргашни ташлаб кетишлари ёки ўлдириб юборишлари мумкин.

— Мақсадингиз ёшларни жалб этиш, шундайми? — Генсберг Чегечининг ниятини тушунди.

— Уларни Афғонистонда тарбияламоқчимисиз?

— Мутлақо ҳақсиз. Йўриқчиларим ишсиз қолмоқда. Ахир Эргашга лагерни бекорга очиб бермаганман. Бир ховуч одамларига ойига икки миллион доллар сарфламоқдаман. Пуллар кучини кўрсатадиган вақт келди!

— Эргашнинг юртдаги одамларидан фойдалансангиз бўлмайдими? — деди Генсберг суҳбатдошининг мақсадини тушуниб.

— Бахтга қарши, улар ортларидан ёшларни эргаштира олишмаяпти. Кўпчилиги собиқ маҳбуслар, мансабдан ҳайдалган раҳбарлар бўлгани сабаб ҳеч ким уларга ишонмаяпти. Шу мақсадда ёрдамингиз керак.

— Қўлимдан келармикин?

— Содиқ одамларингиз бор-ку!

— Сиз назарда тутган одамларимнинг ҳаммасини унутиб юборганман.

Жавоб Чегечининг дилини ранжитди.

– Нахотки ёрдам бериш қўлингиздан келмаса?

Генсберг узун бармоқлари билан иягини силади. Унинг ҳозирги ҳолати нафақат чуқур ўйга толган, балки ёрдам бериш қўлидан келмай афсус чекаётган одамнинг қиёфасига ўхшар эди.

– Бир йўли бор!

Генсбергнинг бир оғиз сўзи қаршисида ўтирган Чегечининг юзларини ёриштириб, кўзларини чақнатиб юборди.

– Қулоғим сизда, жаноб!

Махсус хизмат ходими қўйнидан бир неча дона сурат олиб, Чегечининг қўлига тутқазди.

– Танишиб чиқишингиз мумкин!

Чегечи узатилган расмларни худди бебаҳо бойликдек эҳтиёткорлик билан қўлига олди. Оддий қоғозга туширилган суратларни томоша қилар экан, ҳеч нарсага тушунолмайдик елка қисди.

– Оғзидан сути кетмаган бу гўдаклар менга ёрдам бермоқчими? – аччиқлангандай деди.

– Болаларнинг ҳаммаси ўтган асрнинг етмишинчи йилларида турли сабабларга кўра бедарак йўқолган.

– Йўқолган? Мен уларни излашим керакми?!

– Аччиқланманг, ҳозир тушунтириб бераман.

– Бу болалар шу кунгача ота-оналарининг бағрига қайтмаган. Бошқа шаҳарларда яшашмоқда. Ҳатто тувилган жойларини, ота-оналарининг кимлигини ҳам билишмайди.

– Сўзларингиз сирли, – Чегечи ниманидир тушунгандек бўлди.

– Ҳозир буларнинг ёши ўттиз беш, қирқда.

– Тўрт-бешта йигит билан одам сонини кўпайтириш мумкин деб ўйласангиз янглишасиз!

Генсбергнинг жилмайган юзида «мунча ҳам шошқалоқсиз» деган маъно зуҳур эди.

– Бу йигитларнинг ҳар бири эллик-олтмиштадан ўспиринларни Эргашнинг лагерига етказиб беради.

– Наҳотки?

– Биз ўз йигитларни тадбиркор ва ишбилармон киёфасида сиз айтган жойларга ташлаймиз.

– Агар улар Эргашнинг сафини тўлдирадиган бўлишса, мен сиздан умримнинг охиригача қарздорман!

– Унда ўзингизни каминадан қарздор деб ҳисоблайверинг!

Чегечи яхши кайфиятда уйига қайтиб келди. Ҳар куни Генсбергдан хушхабар кута бошлади. Бирок у сувга чўккан тошдай жим эди. Аслида махфий хизмат маҳкамасининг ходими ишга киришганди ва орадан ҳеч қанча фурсат ўтмасдан одамларидан айримларини топшириқни бажариш учун водийга жўнатганди...

Улардан бири қишлоққа келди ва айтилган манзил эшигини тақиллатди. Етмиш ёшлардан ўтиб қолган қария остонада турган йигитга бир муддат тикилиб турди. Келгувчининг чехраси унинг кўзларига иссиқ кўринди. Ҳаяжондан юраги типирчилади.

– Келинг, ўғлим... – зўрға тилга кирди чол.

– Шокиржон бува сизми?

– Шундай...

– Мен олисдан келдим.

– Марҳамат, ичкарига юринг.

Меҳмон тортинмади, ҳовлига киришди. Қария сўрига жой қилди, дастурхон ёзди.

– Эшитишимга қараганда, ўттиз йил аввал ўғлингиз бедарак йўқолган экан, шу гап ростми?

Чолнинг нур кетган кўзларида умид учқуни ялтиради.

– Бу хабарни кимдан эшитдингиз, бўтам?

Меҳмон саволга эътибор бермади.

– Ўғлингизнинг исми Холдоржонмиди?

– Шундай, – қариянинг юраги ниманидир сезгандай боягидан кучлироқ дукиллади.

– Раҳматликка исмни бобоси қўйганди.

– Ўғлингизнинг баданида қандай белгилар бор эди, эслайсизми?

Чолнинг кўзларида ёш ҳалқаланди. Хаёли олисларга кетди. Назарида меҳмон йигирма йил муқаддам бедарак, ном-нишонсиз кетган фарзанди тўғрисида хабар олиб келгандай эди. Хаяжондан гапиролмасди, белгисини айтса, фарзанди топиладигандай туюлаверди. Ниҳоят, тилга кирди.

– Белининг пастроқ қисмида нўхотдек холи бўларди, кейин қўлтиғининг остида чандиқ бор эди...

Чол бу гапларни кийналиб айтди ва кейин йигитдан жавоб кутиб, унга термилиб турди. Меҳмон ўрнидан кўзгалди. Қўйлагининг этагини кўтариб белидаги холни кўрсатди.

– Сиз йўқотган Холдор менман, дада!

Чолнинг кўкрагини қисиб келаётган оғриқ ҳаво тўлдирилган шардай ёрилди. Ўкириб йиғлаб юборди. Кўз ёшлари серажин, соқол босган юзига оқиб тушарди. Холдор чолни маҳкам кучоқлади.

– Болам, нахотки сени ўнгимда кўриб турган бўлсам?

Ота боласини йўқотиб қўядигандай узоқ вақт бағрига босиб йиғлади. Бу орада изламаган жойи, бормаган идораси қолмаганини айтди. Йўқолган боланинг қайтиб келгани тўғрисидаги хабар бутун кишлоққа овоза бўлди. Чолнинг яқинлари ва таниш-билишлари, қўни-қўшнилар кўргани келишди. Шокиржон бува кўрадаги қўйлардан бирини сўйиб, юртга ош берди.

– Онанг раҳматлик сенинг дардингда кўп азоб-укубатлар чекиб, юраги эзилиб, беш йил илгари қазо қилди. Хайрият, Яратган эгам бизга дийдорингни кўрсатди, – дейишди қариндош-уруғлар.

Холдор ўзини Россиянинг узоқ шаҳарларидан бирига бориб қолгани, ҳозирда тадбиркорлик билан шуғулланаётганлигини, ўнга яқин дўконлари, кичик корхоналари борлигини айтиб, кўпчиликнинг оғзини очириб қўйди. Хоҳловчи йигитлар бўлса, олиб кетиб фирмасидан иш топиб беришини ҳам маълум қилди. Тенгдошларининг айримлари унга ҳавас қилишди. Бирга кетмоқчи бўлганлар чиқди. Тез орада Холдорнинг ён дафтарчасида ўзи танлаган йигирмага яқин йигитларнинг рўйхати пайдо бўлди. Йўлга чиқиш арафасида у отасига йигитни ишга жойлаб, қайтиб келишини айтди. Шу тариқа йигирма нафар йигит кечки пайт шаҳар темир йўл бош бекатидан поездга чиқди.

ИСТАНБУЛ

Ҳасан ташқарига чиққанида дилига қоронғилик чўкди. Дўхтирбейнинг саволларини қайта-қайта эслади. Назарида унга мутлақо ўринсиз саволларни берганди. Наҳотки Чегечи шубҳаланган бўлса? Ҳасаннинг кўнглига чўккан ғашлик уйга етиб борганда ҳам тарқамади. Хавотири ошиб, юраги гурсиллаб тепарди. Бир кўнгли хизматкорга телефон қилиб, бўлиб ўтган воқеадан уни огоҳ этгиси келди. Бироқ «изимдан кузатиб келишаётгандир», деб ахдидан қайтди.

Уйда Гўзал унинг йўлига кўз тикиб, кеч қолганидан хавотирга тушиб ўтирарди.

— Хўш, отам нима дедилар? — сўради йигитни кўриши билан.

— Гаплашдим, иш эртага ҳал бўладиган бўлди.

— Жуда яхши, кўрдингми, отам илтимосимни ерда қолдирмабди. Худо хоҳласа, сени ишга жойлайдилар. Бироқ далаҳовлимизга жўнатиб юборишмасин-да.

— Дала ховлиларинг йироқми?

– Шаҳардан эллик чақирим олисда.

– Ҳа, анча узоқ экан.

– Қорнинг очгандир?

– Негадир иштаҳам йўқ.

– Тентак, оч юрсанг касал бўлиб қоласан.

Гўзал ошхонадан овқат олиб кирди. Ҳасан енгилгина тамадди қилди. Ёмон кайфият уни бари бир тарк этмади.

– Нимадандир хафасан, айт, нима бўлди?

Ҳасаннинг юзига сохта табассум ёйилди.

– Узоққа кетиб қолсам сени кўролмайман деган ташвишдаман.

Гўзал эрқаланиб йигитнинг елкасига бошини кўйди.

– Сенга хушхабарим бор...

– Эшитаман.

Қиз йигитнинг қулоғига шивирлади.

– Хомиладорман...

У қизни маҳкам кучоқлаб бағрига босди.

Эрталаб Чегечининг икки нафар соқчиси Ҳасанни олиб кетди. Гўзалнинг «мен ҳам бирга бораман» деган гапига қулоқ солишмади. Машина ярим соатлик масофани ортда қолдириб, денгиз бўйидаги ҳашаматли бино рўпарасида тўхтади. Хизматкорлардан бири дарвозани очди, машина ичкарига кирганида Ҳасаннинг кўзи мрамрдан ишланган икки қаватли бинога тушди. Шунда йигитнинг кўнглидаги хавотир бир оз таркагандек бўлди. Лекин ичкарида Чегечи кутаётганини билмасди...

– Келдингми? – Чегечининг юз-кўзлари совуқ ялтиради. – Сенинг кимлигинг менга аён бўлди. Билиб қўй, тўғри сўз, айбига иқроф бўлган одамларни ёқтираман ва уларнинг гуноҳларидан кечаман. Саволларимга тўғри жавоб бер.

Чегечининг сўзлари Хасаннинг юрагига мих қоққандек таъсир қилди. «Ким сотган бўлиши мумкин? Нахотки Гўзал сезиб, отасини хабардор қилган бўлса?» деган ўй кўнглидан кечди. Ўзининг туриши, афт-ангори, сўзлари ва кўзлари билан қаршисидаги одамнинг шубҳа-ю гумонларини парчалаб ташлаш лозимлигини ҳис қилди.

– Қулоғим сизда, бейим?

– Бу ерга кимнинг топшириғи билан келгансан?

– Ишлагани.

– Нима иш бажаришинг керак эди?

– Ҳар қандай ишни уддалайман, боғбончилик ҳам қўлимдан келади, бейим.

Чегечи олдида турган чойнакни зарб билан улоқтирди. Идиш деворга урилиб парчаланиб кетди.

– Муғомбирлик қилма, нима мақсадда келганингни мен аллақачон сезганман! Айт, ким сени жўнатди, нима мақсадда?!

Хасан Чегечининг кўп нарсалардан беҳабарлигини сезди.

– Иш излаб келдим, бейим. Очлик, қашшоқлик сизнинг юртингизга келишга мажбур қилди.

– Тўғри жавоб бермасанг, гўштингни майда-майда қилиб балиқларга ташлайман. Бу ҳақида сени огоҳлантиргандим!

Эшик олдида иккита соқчи бошлиқнинг ишорасига маҳтал туришарди.

– Нима мақсадда бундай савол бераётганингизни тушунмадим, бейим?

– Ўзингни овсарликка солма! Тушунмаган бўлсанг, ҳозир йигитларим яхшилаб тушунтириб қўйишади!

Чегечи ғазаб учқуни чакнаган кўзларини соқчиларга қадади. Улар хўжайиннинг мақсадини тушунишди. Бири газли олов пуркагични ёқди, иккинчиси

Ҳасаннинг қўйлагини йиртиб яланғочлади, қўллари-ни орқага қайирди. Соқчи учидан олов отилиб чиқа-ётган пуркагични унинг баданига яқинлаштирди. Ўт йигитнинг қорнини заҳарли илондай чақиб, чўғдай қиздириб, терисини куйдира бошлади. Иссиққа, оғриққа чидамай додлади, типирчилади. Лекин ор-тида қўлларини қайириб турган соқчининг омбурдай чангалидан қутулолмади. Инсоннинг аянчли оҳу зор-лари, нолалари қулоғига чалинаётган иккинчи соқчи эса худди кар одамдай ҳеч нарсани кўрмаётгандай, ҳис этмаётгандай, қўлидаги олов пуркагични темирга тутиб тургандай бепарво эди. Бир кўзи хўжайинда бў-либ, унинг имосини кутарди. Қўлларини кўтарса ёки бошини иргитиб қўйса бас, пуркагичнинг учини паст-га туширади. Чегечидан ҳеч қандай ишора бўлмади. У худди кино томоша қилаётган одамдай бепарволик билан Ҳасанга тикилиб турарди. Ниҳоят, ўша ишора бўлди, Чегечи пашша кўригандай қўлини ҳаракатлан-тирди. Соқчи ўзини четга олди. Чегечи тутқуннинг ёнига келди. Ҳасаннинг кўкрагидаги туклар куйиб қо-райиб, терисининг бир қавати арчилиб, гўшти чиқиб қолганди. Қон сизиб чиқарди. Чол унинг сочларидан чангаллаб, оғриқдан буришиб кетган юзини ўзига қаратди. Уй эгасининг кўкимтир кўзларидан «хўш, энди айтарсан» деган маънони ўқди.

— Сени кимлар, нима мақсадда жўнатди?! — яна са-вол ташлади Чегечи.

Ҳасан қорнини чангаллаб, тилини тишлаб ингради.

— Ишлагани келганман, бейим...

— Ё ўласан, ё ҳақиқатни гапирасан, иккисидан бирини танла! — Чегечи шундай деб яна соқчига юз-ланди. У энди қўлидаги олов пуркагични йигитнинг кўкрагига тўғрилади. Ҳасан чидаёлмади. Қаттиқрок бақириб юборди. Азобдан қутулишнинг йўли ҳақиқат-

ни тан олиш, Чегечининг оёғига йиқилишдан иборат эканлигини тушуниб етди. Бироқ қандай қилиб ўзини фош қилади? Қай тил билан Ватан топширигини бажариш мақсадида келганини айтади? Ўлим азобидан қутулиш афзалми ёки ортда қолган Ватан топширигини бажариш шарафми? Ўлимдан қўрқиб сирни очса, хоин бўлиб ватандан тонса, Чегечидек юртига кўз тиккан бузғунчи, ғаламис, юртфурушнинг оёғига тиз чўкса, она Ватан уни кечирадими? Қай юз билан ортга қайтади? Ёки бир умр ватанфуруш бўлиб, Чегечининг оёғини ялаб ўтадими? Дилидан «ўлсам ўламан-ки, сирни фош этмайман», деган фикр ўтди.

Олов ҳамон гуриллаб кўкрагига бигиздек санчилиб, куйдириб, ичини қиздириб, терисини шилиб борарди. Йигитнинг азобларга чидаб туриши Чегечини ўйлантириб қўйди. Балки хато қилгандир, ахир жосуслигини исботловчи қўлида бирорта далилий ашё йўқ-ку. Биргина рухшуноснинг хулосаси билан уни қийноққа солишим, азоблашим дуруст эмасдир? Ҳақиқатан ҳам жосус бўлганида бу қийноқларга бардош беролмаган, саволларига жавоб қайтарган бўларди.

Чегечининг хаёлига бундан ўн йил аввалги воқеа келди. Ўшанда ҳам худди шундай бўлган. Аёлнинг кўксидаги тиш изларига кўзи тушиб қолди.

— Бу қайси баттолнинг баданингда қолдирган эсдалиги?!

Аёли эрини бир кун аввал уйга маст келганида тишлаб олганини айтди.

— Сендан бошқа ҳеч ким менинг баданимда из қолдирмайди!

Чегечи унинг сўзларига ишонмади. Кўз олдига соқчиси келди. Анчадан бери ундан гумонсираб юрганди. Аёлининг нолаларига кулоқ солмади. Ярим

тунда денгиз бўйига олиб бориб, қопга солиб тирик-
лайин сувга чўктириб юборди. Эртаси куни ўзига
келиб қилган хатосини тушунди, аёлининг сийнаси-
даги кўкимтир доғ ўзининг тишларидан қолганини
эслади. Бироқ у қилган ишидан пушаймон бўлмади.
Ҳозир ҳам қаршисидаги йигитнинг айбсиз, ҳеч қан-
дай асоссиз, рухшуноснинг гапи билан жазолаёт-
ганидан пушаймон эмас. Назарида бундай қийноқ
ва азобларга жосуслар ўрганиб қолишган, уларни
шунга ўргатишган, қолаверса, улар хиёнат қилиш-
дан ўлимни шараф деб билишади.

Чегечи соқчига, сўнг олов пуркагичга қаради. На-
зарида унинг қўли қалтираётгандай, пуркагични анча
нарида тутиб тургандай, отилиб чиқаётган олов гу-
мондорнинг баданига етиб бормаётгандай туюлди.
Уни қўлига олиб, Хасаннинг дукиллаб ураётган ҳамда
хиёнатни тан олишни хоҳламаётган юрагига тирашни
истаб қолди. «Қани гапирмай кўрсинчи, топширик
берганларнинг мақсадини айтмасин-чи, тириклайин
ёндириб юбораман» деб ниятлади ва у томон юрди.
Аммо Чегечи етиб боролмади. Эшик очилди, ичкарига
Гўзал кириб келди.

– Гўзал?! – Чегечи беихтиёр тўхтади.

– Дада, бу нима қилганингиз? Ҳозироқ бас қилинг!

Қиз югуриб келди-да, соқчининг қўлидан олов пур-
кагични тортиб олиб, деразадан ташқарига улоқтирди.
Ҳасан ҳушини йўқотди. Соқчи чангалидан бўшатиши
билан ерга йиқилди. Гўзал йигитнинг бошини тизза-
сига қўйди. Унинг нафас олаётганидан тириклигини
билди. Соқчилар нима қилишни билмай бошлиқлари-
га тикилиб туришарди. Кутилмаганда қизининг уйда
пайдо бўлиши Чегечининг амалга оширмоқчи бўлган
режаларини барбод қилди.

– Нега келдинг? – ниҳоят тилга кирди у.

— Одам боласини шу қадар бемехрлик билан жазо-
лайсизми, дада? Ундан кўра отиб ташласангиз бўлар-
ди-ку!

— У хоин, изимизга тушган жосус!

— Хамма сизнинг кўзингизга айғоқчи бўлиб кўри-
нади. Уч ой бирга яшаб жосуслигини сезмадим. Бечо-
ра ҳар куни иш топсам деб шахар кезади.

Гўзалнинг сўзлари падарининг қаҳрини юмшатмади.

— У бари бир ўлимга маҳкум!

Гўзал сирини фош қилди.

— Мен ундан хомиладорман!

Чегечи бошига гурзи урилгандай қалқиб кетди.

— Сен ҳали никоҳсиз у билан бирга бўлдингми, ха-
роми?! Иккингни битта қабрга тикаман!

Чегечи яна нимадир демоқчи бўлди, аммо алами-
ни ютиб ташқарига йўл олди. Ҳасан кўзларини очди,
бир оз ўзига келганди. Гўзал унинг яраларини ювиб,
малҳам суртиб, боғлаш лозимлигини тушунди.

Чегечи ташқарига чиққанида соқчига урилиб
кетди.

— Нима қилайлик, бейим, буюринг?!

Маълум масофани босиб ўтиш давомида хаёлидан
кўп нарсалар кечди. Нима қилса ҳам Гўзалнинг то-
мирида унинг қони оқмоқда. Ҳасанга кўшиб қабрга
тиқиш жигарининг бир бўлагини ўз қўли билан кесиб
ташлаш билан баробар. Шу сабабли ўлдириш фикри-
дан қайтди. У соқчининг саволини жавобсиз қолди-
риб, яна ичкарига қайтди.

— Агар Ҳасаннинг тирик қолишини истасанг, бир
шартим бор, — деди. — Бугундан эътиборан у шу ерда
яшайди. Ташқарига чиқадиган бўлса, қочишга урин-
са, бирорта одам билан гаплашса, соқчиларим ўша
заҳотиёқ отиб ташлашади. Мен уларга шундай буй-
руқ бераман! Сен эса бу ерга қадам босмайсан!

Чегечи қизининг жавобини эшитмай орқасига қайтди. Отаси қўйган шарт ўлимдан оғир эканлигини билган Гўзал йиғлаб юборди.

ЮРТДА

Жиноят қидирув бўлими тезкор ходими Алишер Убайдуллаевнинг хонасига криминалист, экспертиза бўлимининг бошлиғи Раҳимов кирди. У қўлидаги дактилоскопик экспертиза хулосасини майорнинг столига қўйди.

— Мархумнинг уйидан топилган сигарета кулдонидан Ҳамиднинг бармоқ излари топилди.

— Қайси Ҳамиднинг?

— Ҳамид Рустамовнинг. Муқаддам ўғрилиқ билан икки бор судланиб ўтириб чиққан!..

Алишер Убайдуллаев уни яхши танирди. Юмалоқ, оқ-сарикдан келган юзини кўз олдига келтирди.

— Унинг қотиллик қилганига ишонмайман! — деди.

— Кулдон ташқарисида фақат Ҳамиднинг бармоқ излари топилди. Гиёсовнинг бармоқ излари эса кулдоннинг ичкарасида.

— Бу билан нима демоқчисиз? — ажабланди изкувар.

— Мени бир нарса ўйлантиряпти, — деди Раҳимов вазминлик билан. — Бармоқ изларининг жойлашуви-га қараганда, Рустамов кулдонни бир маротаба ушлаган. Ушлаганда ҳам чангаллаган...

— Балки Гиёсовни кулдон билан урмоқчи бўлгандир?!

— Бўлиши мумкин, аммо Рустамовнинг изи бошқа жойдан топилмади.

— Демак, қотилликни Рустамов содир этган дейиш-га асосимиз бор.

– Бу ҳали аниқ эмас, тергов жараёнида қотилликка аниқлик киритилади, – деди Раҳимов.

Убайдуллаев ички телефон гўшагини кўтарди.

...Ҳамид туни билан терговчининг қора курсисиди ўтириб чиқди. У қотиллик содир этилган тун ишхонасиди бўлганини, тунги соат ўн иккиларда чиқиб кетганини айтса-да, терговчи Қўчқоров унинг сўзларига ишонмади. Унинг шубҳаси асосли эди. Суд-тиббий экспертизаси «Ғиёсов тунги соат бирлар чамасиди ўлдирилган» деган хулоса берди. Капитаннинг хотинидан ҳам шундай кўрсатма олди. Шу сабабли терговчи айбланувчининг сўзларига шубҳа билан қаради. Ишга алоқаси бўлмаган бемаъни саволлар бериб, кейин бошқа одам қиёфасига кириб, Ҳамиднинг фикрини чалғитишга уринар, кийноққа солар, айбига икзор бўлишни маслаҳат берарди.

– Сен мени лақиллатма. Сенга ўхшаганларнинг кўпини сўроқ қилганман. Тўғриси айт. Айтмасанг, бор ҳақиқатни яширсанг, отиласан! Сен ўз шерикларинг билан Ғиёсовнинг уйига бостириб кириб, ундан пул талаб қилгансан! Капитаннинг хотини буни тасдиқлайди. Буни инкор қилолмайсан?! Қўлимизда далилий ашёлар етарли, – дея Ҳамиднинг юзига **тупуқ сачратиб ўшқирди Қўчқоров. – Яна бир бор огоҳлантираман, айбингга икзор бўл, менга ҳаммасини сўзлаб бер.** Ғиёсовни ўлдирганим тўғри, де. Унутма чин дилдан икзор бўлсанг, суд буни ҳисобга олади. Хўш, унинг уйига кимлар билан кирдинг. Шерикларинг кимлар?!

Ҳамид жазавага тушган терговчининг сўзларини эшитмаётгандек қимир этмади.

– Ҳой бола, кўзларимга қара, Ғиёсовга нисбатан юрагингда адоват бор эди, шундайми? Ўша адоват қасосга айланган, оқибатда уни қасддан ўлдирдинг, тўғрими?! Гапир!

Бундай саволлар Ҳамиднинг асабини баттар қақшатар, пешонасига шундай чаласавод, кўрс терговчи тушганидан надомат чекди. Ўзининг тўғри ва рост сўзларига ишонтира олмаслигига ақли етди. Шунинг ўйлаб жим ўтиришни лозим топди. Айбланувчининг жим ўтириши терговчининг гумон ва шубҳаларини баттар кучайтирди.

– Баракалла, ўйлаяпсанми? Ўйла, ҳаммасини эсла. Ғиёсовнинг ҳовлисига ким билан кирганинг, ойлик иш ҳақи билан тирикчилигини тебратаётган капитандан қанча пул талаб қилганингни эсла!

Тепакал, кўз томирларига қон қуйилган, хонанинг дим хавосидан юзи бўғриқиб кетган Қўчқоров юмшоқ курсига суянганича ўлжани пойлаб ётган қашқирдек Ҳамидга тикилиб ўтирарди. Қайсар ва ўжар табиатли бу одамни гапиртириш, айбига иқдор қилдириш учун қўлида етарли далил йўқлигидан хуноб эди. Қўчқоров иш фаолиятида бундай «писмиқ»ларга илк бор дуч келаётгани йўқ. Қўлига ишониб топширилган ишни аксари ҳолда ниҳоясига етказа олмай, бошқа терговчиларга ошириб юборган пайтлар ҳам бўлган. Икки йилдан бери раҳбарият мураккаб ва оғир жиноятларни тергов қилишни унга топширмай қўйди. Бўлимнинг тажрибали ходимлари таътилда, баъзилари хизмат юзасидан сафарда бўлгани боис, Ҳамидни сўроқ қилиш унинг чекига тушди.

Қўчқоров яна бошлиқларнинг ишончига кирдим деб ўйлади. Саккиз йилдан бери поғонидаги тўртта юлдуз яхлит биттага айланишига умид боғлади. Нафақага чиқишига ҳам оз қолган. Бундан ташқари, ёш, тажрибали йигитларнинг ишга келаётгани уни ташвишга. Жиноят ишини очишга тиш-тирноғи билан киришди. Ҳамидни айбига иқдор бўлишга кўп ундади. Алдади. Бироқ терговчи учун муҳим бўлган нарса

– киши руҳини тушуниш, қалб кечинмаларини илғай олиш етишмасди унга. Аксинча, шахсиятга ботадиган қўпол муомала билан қаршисидаги айбдорни ранжитаётганини ўзи тушунмасди. У биргина нарсани билади ва шунга қаттиқ амал қилади: «Сен айбдорсан, камалашинг керак!»

Қўчқоровнинг сабр косаси тўлди. Тонг ёришмоқда. Бундан ортиқ кутолмайди. Ахир ҳадемай бошлиқлар ишга келади, натижа сўрашади ундан.

– Ўйлаб бўлдингми? Ҳаммасини эсладингми? Қани, воқеани бир бошдан сўзлаб бер-чи? Фиёсовнинг ховлисига қандай кирдинг? Шерикларинг ким. эди? Фиёсовдан қанча пул талаб қилдинг?

Бу сўзлар Ҳамиднинг баттар гашини келтирди.

– Мен Фиёсовни ўлдирмадим! – бошини кўтариб жавоб қайтарди гумон қилинувчи.

– Ўлдиргансан! – Қўчқоров чўғни босиб олгандек ўрнидан сапчиб турди. Зарб билан столни муштлади. – Қўлимда сенинг қотиллигингни исботловчи далил бор!

Терговчи жаҳл аралаш тортмадан кулдонни олиб, айбланувчининг олдида қўйди.

– Бу идишда сенинг бармоқ изларинг қолган! Хўш, яна сенга қандай далил керак? Қилғиликни қилиб, яна ўлдирмадим дейсан-а, инсофсиз. Яхшиликча, мана бу қоғозга қилган ишларингни, шерикларинг номини ёз!

Ҳамид кулдонни таниди. Қиррасидаги учган жойи кўзига иссиқ кўринди. Эслади: бу билан Олимнинг башарасига солганди. Аммо идиш қандай қилиб Фиёсовнинг хонасида пайдо бўлиб қолди? Ким уни қотиллик содир этилган жойга ташлаб қўйди? Ёки атайлаб уюштирилганми?! Ҳамиднинг боши қотди. Хаёлига келган фикрдан мияси ёришди. «Аблаҳ, Олимнинг

иши бу. Қилғиликни қилиб, айбни менга тўнкаш мақсадида Ғиёсовнинг уйига ташлаб кетибди-да!»

Ҳамиднинг совуқ ифода акс этиб турган кўзини қулдондан узмай туриши терговчининг қўнғлида «қалайсан, энди қўлга тушдингми» деган фикрни уйғотди.

— Хўш, энди ҳам айбингни тан олмайсанми? — жилмайиб деди Қўчқоров. Унинг титраб турган юзи ўзига бино қўйганини фош қилиб турарди.

Ҳамид бошини кўтарди. Ўзининг совуқ сўзлари билан нафсониятига тегаётган терговчининг саволига жавоб қайтаришни истамади.

— Йўқ, — деди вазминлик билан. — Мен сизнинг саволларингизга жавоб бермайман. Бошқа терговчи сўроқ қилишини талаб қиламан!

Бу сўз Қўчқоровнинг бошига тўқмоқдек урилди. Ҳамиша ўзининг қўпол сўзлари, столга мушт уриб ўшқиришлари билан гумон қилинувчиларни қўрқитишга ўрганиб қолган терговчи кутилмаганда Ҳамиднинг айниб қолганидан таажжубда эди. Айбланувчининг қонуний талабини бажаришга рўйхушлик беришни истамади.

— Ҳозир бу ерда бекорчи ходим йўқ. Иннайкейин, бу жой сенга онангнинг қўраси эмас, истаган талабингни қўядиган, — деди пинагини бузмай.

— Унда мени Убайдуллаев билан учраштирсангиз, — синиқ оҳангда илтимос қилди Ҳамид.

— Унга айтадиган қандай гапнинг бор? Нима ҳақда суҳбатлашмоқчисан? Ёки устимдан шикоят қилишни хоҳлаб қолдингми? Агар шундай ниятинг бўлса, билиб қўй, унга подчинённый эмасман!

Қўчқоров бу гапни айтишга айтди-ю, тилини тишлади. Бошқа терговчи талаб қилиб обрўсизлантиргандан кўра, Убайдуллаев билан учраштиргани афзал. Ҳар қалай бошлиқлар унинг талабини эшитиб қолгу-

дек бўлса, обрўсига путур етади. Ишни бошқа терговчига ошириб юборишлари мумкин.

– Олдин талабингни айт, кейин у билан учраштираман! – деди атайлаб овозини кўтариб Қўчқоров.

– Боя айтдим-ку, мен сизга кўрсатма бермайман деб! – қатъийлик билан сўзида туриб олди Ҳамид.

Капитан ичидан эзилди. Унинг талабини қондиришдан ўзга чораси қолмади. «Балки Убайдуллаев билан суҳбатлашса, фикридан қайтар. Алишер тўғри йўлга солиб қўяр. Бошқа терговчини хоҳламай қолар».

Ўзининг қўпол ва дағал муомаласи билан «қовун» тушириб қўйганини англаб етган Қўчқоровнинг хаёлидан шу фикр ўтди. «Бўш келсанг, салгина жилмайиб қўйсанг, булар бошингга чиқиб олишади. Бошқа терговчини талаб қилиш у ёқда турсин, озодликка чиқариб юбор деб даъво қилишдан ҳам қайтмайди. Чучварани хом санабсан. Сен ашаддий жиноятчисан. Айбингни исботлаш учун кулдоннинг ўзи етарли. Қани, гуноҳингни бўйнингга олмай кўр-чи? Сени осонликча бошқа терговчига топшириб юборадиган аҳмоқ йўқ. Булбулдай сайратайки, айбингга иқроқ бўлганингни ўзинг билмай қоласан. Майли, ҳозирча Убайдуллаев билан учраш, зора эсинг кириб, фикрингдан қайтсанг!»

Қўчқоров ички телефон гўшагини кўтарди.

– Ўртоқ Убайдуллаев, салом. Бу мен, Қўчқоровман. Ҳа, раҳмат, сиз билан айбланувчи Рустамов гаплашмоқчи. Вақтингиз борми? Билмайман, зарур гапим бор деяпти. Ишга оид бўлса керак-да! Хўп, ку-таман!

Қўчқоров гўшакни жойига қўйди-да, кўз қирини Ҳамидга ташлаб қўйди. Ташқарида тонг ёришиб қолди. Уфқни алвон рангга бўяб қуёш кўтарил-

ган, дарахтларнинг сарғайиб олтин рангга бўялган япроқлари қизғиш тусга кирди.

Ҳамид ташқарига боққанча ўйга толди. Олимнинг ўша кунги сўзларини хотирасида тиклашга уринди. Улоқтирилган кулдон ерга тушдими-йўқми, бунга аҳамият бермаганди. Идиш унинг кўкрагига, сўнг костюмининг ичига кириб қолганидан беҳабар эди. У Олимнинг қўлидан ҳар қандай ёмонлик келиши мумкинлигини биларди. Аммо бу қадар пасткашликка боришини, ўз айбини бошқаларга ағдаришда пихини ёрган тулки эканлигини кутмаганди.

Эшик очилиб кўзлари шишинқираган, қовоқлари салқиган Убайдуллаев кирди. Майор Ҳамиднинг рўпарасига ўтирди.

– Чекишга бирор нарсангиз борми? – сўради маҳбус.

Изқувар чўнтагидан бир кути сигарета олди.

– Ҳаммасини ола қолинг! Менда бор, – деди у сигарета қутисини айбланувчининг олдига суриб.

– Сизга айтадиган муҳим гапим бор, – деди айбланувчи сигаретани ўт олдирад экан. Унинг бирдан жимиб қолганини сезган Убайдуллаев терговчига юзланди.

– Илтимос, бизни холи қолдирсангиз.

– Ўзингизни-я?! – ҳайратдан елка қисди терговчи.

– Қўлига кишан солиб қўяйми?

– Керак эмас, – рад қилди майор.

Ёлғиз қолишгач, айбланувчи Олим билан ўртала-рида бўлиб ўтган суҳбатни гапириб берди. Изқувар диққат билан тинглади. Айбни Ҳамидга ағдариш мақсадида Олим кулдонни атайин ўзи билан олиб чиқиб кетганини тушунди.

– Нега буни келган кунингиз айтмадингиз?

– Кулдонни кўрганимда ёдимга тушди.

– Олимни қаердан топишимиз мумкин?

– Назаримда у уйида яшириниб ётган бўлса керак. Изқувар ўша пайтнинг ўзида ёрдамчиларини олиб Олимнинг уйга жўнади. Бироқ уни топишолмади. Хотини эрининг икки кун илгари қаёққадир кетганини айтди. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижа бермади. Бунинг устига, Ҳамидни қамокда ушлаб туриш муддати ҳам тугаган. Қўчқоровнинг ичини ит тирнади. Кутилмаганда терговнинг тугатилиши унга ёмон таъсир қилди. Ишни ҳаракатдан тўхтатиш тўғрисида топшириқ берган бўлим бошлиғига ўз норозилигини айтди:

– Сиз янглишяпсиз, ўртоқ подполковник. Гиёсовни ўлдирган мана шу. Кўнглим сезиб турибди. У ўзини оқлаш, қолаверса, муддатни чўзиш мақсадида бизни лақиллатмокда. Эртага изоляторда сақлаб туриш муддати тугайди. Айбимни бўйнимга қўя олмадиларинг, мени чиқариб юборинглар деб дўқ-пўписа қилади.

Иномов терговчининг сўзини жимгина тинглади. Капитаннинг шошма-шошарлиги, айбдор қолиб, ноҳақ кимсанинг бўйнига қотиллик айбини қўйишга ошиқаётгани сабабини тушунолмай хайрон бўлди.

– Ҳамидни изолятордан чиқариб юборганимиз билан ҳеч нарса ютказмаймиз. Фақат бегуноҳ бир кимсани уч-тўрт кун ушлаб турганимиздан виждонимиз азобланади, холос. Кўнглим сезиб турибди, Ҳамиднинг қотилликка мутлақо алоқаси йўқ. Ҳамма ишни Олим қилган. У бежиз яшириниб юргани йўқ! – деди Иномов.

Бу орада Убайдуллаев Ҳамид билан яна бир бор учрашиб, Олимни излаб топишолмаётганини айтди. Ҳамид рақибининг шаҳардан ташқарига чиқиб кетганлигини айтди. Бироқ қаерга беркингани тўғрисида аниқ кўрсатма беролмади. Одамларидан бири Олим-

нинг қўлида ишлагани ёдига тушиб қолди. Ўша йигит унинг жонига оро кириши мумкин.

Хамид ишхонасига қўнғироқ қилди. Гўшакни йигитларидан бири олди.

– Шермат қаерда? – сўради.

– Яқинда шаҳарга тушиб кетди! – жавоб қайтарди гўшакни олган кимса.

– Зудлик билан топ! Ишхонада ўтирсин. Олдига одам боради. Айтган топшириқни бажарсин. Тушундингми?

Шермат Олимнинг шаҳар ташқарисидаги хуфиёна уйдан хабардор эди. Ҳар гал жиноят содир этгач, бир-икки ҳафта ана шу кулбасида яшириниб юрарди. Шермат кунига бир маҳал озиқ-овқат етказиб берарди. У Убайдуллаевга билганларини сўзлаб берди. Майор Шерматдан ўша бинони кўрсатиб қўйишни илтимос қилди.

– Олимнинг уйи шаҳардан олисда, – деди Шермат. – Қирнинг орқа томонига жойлашган. У ерга бориш хатарли!

– Нега?

– Унинг қуроли бор!

– Қандай қуроли бор?

– Уч-тўрт турдаги қурол бор. Автомат, тўппонча, хатто қўлбола граната ҳам.

– У ерда неча киши бор?

– Қанча одам борлигини билмайман. Шаҳарда жиноят қилган шериклари ўша ерга бориб жон сақлашади...

– Шериклари ким? Биронтасининг исми ёдингдими?

– Йўқ, мен унинг шерикларининг исмини билмайман, аммо кўрсам танийман. Биттасини Эрмат деб чақиришарди. Илгари универмагда сотувчи бўлиб ишлаган.

– Бизга харитадан кўрсатиб бера оласанми ўша жойни?

– Ҳа.

Убайдуллаев пўлат сандиқчадан харита олиб стол устига ёйди.

– Мана бу сариқ рангли жойлар адирлик. Бу чизик канал, аммо ҳозир суви қуриб қолган. Бу томон эса Қирғизистон.

– Каналдан беш юз метр нарида чуқурлик бор. Унинг ичида пахсали уйча бўларди. Уларнинг ини мана шу уй, – деди Шермат харитадаги чизик ва рангларга тушунмай.

– Бизни ўша жойга бошлаб бора оласанми?

– Албатта!

– Унда ҳозир йўлга тушамиз!

Беш нафар тезкор гуруҳ ходимлари ўтирган машина адир устида чанг тўзителиб кун ботиш томон кетиб борарди. Йўл нотекис бўлгани сабаб машина чайқалиб, кучаниб юрарди. Туянинг ўркачини эслатувчи тепаликдан пастга тушишганда Шермат Убайдуллаевга:

– **Ма**шинани тўхтатинг, бу ёнига пиёда кетамиз, – деди.

– Хали узоқ юрамизми? – сўради ходимлардан бири атрофга кўз югуртириб.

– Бир чақиримча қолди...

Машина тўхтади. Хаммалари пастга тушишди. Шермат йўл бошлади. Тақир қир бағрида қуриб қовжираб қолган ўтлардан ўзга ҳеч нарса кўринмади. Қуёш нуридан товланиб ётган олтин ранг тупроқдан иссиқ ховур кўтарилди. Улар ёмғир суви оққан ариқлардан, тупроқлари ўпирилган хандақлардан, чуқур жарликлардан ўтишди. Шермат яна изқуварларга юзланиб:

– Тепалик ортида, – деди кўли билан ясси қояни кўрсатиб. – Эҳтиёт бўлиш керак.

Изкуварлар тепаликка тирмашишди. Юқорилашган сайин эҳтиёткорлик чорасини кўришди. Майорнинг топшириғи билан ҳаммалари эмаклаб олишди. Тепага чиқишганда худди ховузга ўхшаш чуқурлик кўринди.

— Олим уй ичида бўлса, шу томонга қараб ўтиради, — деди Шермат.

— Нима сабабдан?

— Бошқа томондан одам келмаслигини билади. Бунинг устига дераза ҳам шу томонга қаратилган.

— Орқа томондан айланиб ўтадиган йўл йўқми?

— Фақат жар ичидан бориш керак.

— Жар чуқурми?

— Икки терак бўйи келади. Олим хитланиб қолса қочади, биз эса уни кўрмай қоламиз! Муҳими, у ерда чиқадиган жой йўқ!

Изкуварлар жар ичидан бориш хатарли эканини ҳисобга олиб тўғридан юришга қарор қилишди.

— Ҳеч ким бошини кўтармасин! — ходимларига топшириқ берди Убайдуллаев. — Ҳаммамиз эмаклаб борамиз!

Ҳаммалари ерга қапишиб, эчкиэмардек ўрмалаб боришарди. Ернинг нотекислиги изкуварларни кўздан яширарди. Улар уйга яқинлашиб келишди. Ичкаридан овоз эшитилмади. Ойналари синиб тушган деразага парда тортилган. Қия очик қолган эшикдан ичкари қорайиб кўринади. Бунинг устига деразага парда тўсилган. Тарашадек қотган ерда оёқ изи кўринмайди. Убайдуллаев эшикка яқин келди. Жимлик. У қўлтиғи остидан тўпшончасини олди. Шу пайт варанглаган ўқ овози эшитилди. Эшикнинг тахтасини ўпириб чиққан ўқ изкуварлардан бирининг сочини ялаб ўтди. Ҳамма ўзини ерга ташлади.

— Нега келдинг, Алиш?! — Олимнинг ғазабли овози эшитилди ичкаридан. — Сенга минг маротаба айтган-

ман, изимга тушмагин деб. Энди ўзингдан кўр! Ажалинг шу ерда битган кўринади! Яхшиликча кўппакларингни олиб, бу ердан туёфингни шиқиллатиб қол!

– Сен билан гаплашгани келдим! – изкувар бошини кўтарди ва катта-катта кўзларини дераза томон тикди. – Меҳмонни ўқ билан кутиб олишингни билмас эканман!

– Тулки, ҳалиям айёрлигинг қолмабди-да! Нимага келганингни биламан! Ҳамиднинг лайчаси сенларни бу ерга эргаштириб келган!

Олим билан тортишиб ўтиришнинг мавриди эмасди.

– Менга қара, Олим, яхшиси, қуrolингни ташла! Таслим бўл, биз кўпчиликмиз! – деди Алишер.

– Аҳмоқ! Сен билан ҳисоблашишга йўл бўлсин. Армоним битта: сендан ўч олмай ўлиб кетишдан қўрқаман! Бу гапни илгари ҳам айтганман. Эсингдами?

– Ҳа, эсимда! Сенинг юракка ботадиган гапларингни унутиб бўлармиди! Мен ўртамиздаги гиналарни унутдим. Ўтган ишга саловат дейдилар-ку. Ташқарига чик, қуrolингни ташла! Иккимиз одамларга ўхшаб гаплашайлик!

– Илондек авраяпсан-а?!

Бу орада гуруҳ аъзоларидан иккитаси деворни пана қилиб дераза олдига келди. Ойнаси синиб тушган тешикдан аччиқ тутун тарқатувчи мосламани ичкарига улоқтиришди. Бир зумда уй ичини қуюқ тутун босди. Олим ўқ узди. У бўғилиб, ўқчиб-ўқчиб йўталди. Бир неча дақиқадан кейин қўллари билан оғиз-бурнини беркитиб, ташқарига қоптоқдек отилиб чикди, ўзини ерга ташлади. Икки изкувар унга ташланди. Олим уларни ўзига яқин йўлатмади. Тўппончасидаги ўқларни отиб тугатгани боис, изкуварларни оёқлари билан тепарди... Ердан тош олиб отарди. Изкуварлардан бирининг боши ёрилди. Қолган шериклари етиб келишди ва Олимни ўраб олишди...

ИСТАНБУЛ

Гўзалнинг «ҳомиладорман» деган гапи Чегечининг юрагига тигдек ботиб, қулоғига қўрғошиндай қуюлиб қолди. Ўзини овутишга нечоғлик уринмасин, кўксидаги оғриқ ва қулоқларига қуюлиб қолган сўзлар уни таъқиб этарди. Кечириб бўлмайдиган гуноҳи учун қизини қонга солиб, денгизга чўктириб юборишга ҳам тайёр. Хатто бунга бир-икки хезланди-ю, аммо қўли бормади. Чегечи узоқ бош қотириб, «ҳомиласини олдириш керак» деган қарорга келди. Гўзал таклифни рад этди.

– Ҳомиламни олдирмайман, вақт ўтган, иккинчидан, соғлигимга, кейинги фарзанд кўришимга ёмон таъсир кўрсатади!

– Унда бошқа йигитга турмушга чиқ. Иккимизни бу шармандалик балосидан қутқарадиган ягона йўл шу! Дунёнинг истаган мамлакатада тўйингни ўтказаман, – маслаҳат берди Чегечи.

– Мени ундан айирмоқчимисиз?

– У келгинди!

– Инсон!

– Эртами-индин ўлдираман!

– Ўша куни мени денгиз тубидан топасиз!

– Бу ишни ўзим аллақачон бажарган бўлардим, аммо онанг раҳматликнинг арвоҳи чирқиллаб, ўнгу тушимда безовта қилишидан ва берган ваъдамга хиёнат қилишдан қўрқдим.

– Сиз ҳар кимдан шубҳаланадиган бўлиб қолгансиз. Бегона одам кўзингизга жосус бўлиб кўринади. Гуё кадамингизни пойлаб юргандай туюлади. Нимадан қўрқасиз, дада? Қўрқадиган ишларга қўл урманг. Тинчгина савдогарчилигингизни қилсангиз, иккимизнинг тирикчилигимиз бинойидек ўтади-ку!

– Рухшунос унинг жосуслигини исботлади!

– Қани ўша исбот? Қани далил? Қуруқ гаплардан ўзга асосингиз борми?

– У тажрибали рухшунос, одамнинг гапларидан, киёфасидан мақсадини билиб олади!

– Пулингизни олиш мақсадида шундай деган! Агар «Ҳасан ҳалол, меҳнаткаш йигит» деганда эди, сиз унга сарик чақа ҳам бермасдингиз. Аслида рухшунос сизни алдаган. Гапим тўғрими?!

– Отангга шундай гапларни айтгани уялмайсанми?

– Мен ҳақиқат қарор топсин, бечора йигит бойликка ҳирс қўйган фолбиннинг уйдирма гапларидан жувонмарг бўлмасин дейман, дада! Агар Ҳасаннинг жосуслигини исботлайдиган заррача далилингизни кўрсатганингизда эди, уни ўз қўлим билан бўғиб ўлдирадим! Сизнинг бармоғингизга кирган зирапча менинг вужудумни қакшатади!

Гўзалнинг сўзлари Чегечини жиддий ўйга толдирди. Асоссиз Ҳасанни азоблаганидан илк бор вужудида оғриқ туйди. Қария қизига бошқа гапирмади, юрагида бир парча чўғ билан хонани тарк айлади. Назарида қизи ҳақдек туюлар, Гўзалнинг сўзлари Ҳасанга ўқилган ҳукми жиддий ўйлашга мажбур қиларди. Охир-оқибат гумон қилинувчини ўлдиришни кейинга қолдиришга қарор қилди. «Жосус бўлса шериклари излаб келади ёки ўзи қочишга уринади» деб ўйлади ва шу фикрда қолди. Бироқ иккинчи муаммо-чи? Уни қандай ҳал қилмоқ лозим? Никоҳсиз дунё юзини кўрадиган набирасининг тақдирини жиддий ўйламоқ даркор. Ўғилми, қизми туғилса, вақт ўтиб, улғайиб, элга танилганда шаънига маломат тошларини ёғдирадиган кимсалар топилмайдими? Ўша тошлар ҳосил қилган оғриқлар вужудини оғритмайдими, бошини ҳам қилмайдими? Иснод ва шармандагарчиликка қандай чи-

дайди? Кимдир бундай таъна-дашномларни кўтариб юриши мумкиндир, бироқ Чегечидай таниқли, ўзини ор-номусли деб билган одам бунга тоқат қилолмайдди. Бу хабар Амирийнинг қулоғига чалиниб қолса, нима деб ўйлайди? «Фарзандини йўлига сололмаган ота гурухни бошқаришга ҳақлими» деб таъна тошини отмайдими? Бу тавқи лаънатдан химоя қиладиган йўл топиладими? Нахотки қизини қайдаги мардикор йигитга никоҳлаб берса?

Чегечининг ари уясидек ғовлаган боши карахт бўлди ва ўзига маъқул бўлган йўлларни ахтарди. Хаёли жин кўчаларга ҳам кирди. Ўйлаб-ўйлаб «шаърий никоҳ ўқитиш керак, шугина мени тавқи лаънатдан сақлайди» деган адолатли қарорга келган қария бир ҳафтадан кейин қизи билан учрашди.

– Ҳаммасини ўйлаб кўрдим, қизим.

– Қарорингиздан қайтдингизми, дада?

– Қайтдим. Ҳасан мен ўйлаган йигитга ўхшамайдди. Бироқ уни камида бир йил синаб кўришимга тўғри келади. Агар ишончимни оқласа, жосусликда қўли бўлмаса, бойликларимга, мол-дунёимга меросхўрлик қилишга ҳақли.

– Унда Ҳасанни уйимга қайтаринг.

– Шошилма, қизим, боя айтганимдек у синовда.

– Ахир...

Чегечи Ғўзалнинг чала қолган гапидан нима демоқчилигини тушунди.

– Иккингишни никоҳлатаман. Шаҳарнинг истаган ресторанларини танла, тўйингни ўша ерда ўтказаман. Бироқ Ҳасан менинг дала ҳовлимда, назоратимда яшайди. Сенга эса у ерга бориб туришингга ижозат бераман!

Ғўзал отасининг таклифини Ҳасанга ўқилган ўлим ҳукми бекор қилинди деган маънода қабул қилди ҳамда шартига қўнди.

Чегечи бошқа гапирмай қизини ёлғиз қолдириб чиқиб кетди. Эртаси куни ёрдамчилари Гўзални дала ховлига олиб кетишди. Ҳасан шу ерда эди. Имом гувоҳлар иштирокида никоҳ ўқиди.

Алам ва ҳижрон алангасида юрак-бағри ёниб адо бўлган Ҳасанни дала-ховлида қолдириб қайтганидан сўнг Гўзал отасидан эрининг олдида қолишга рухсат беришини ялиниб-ёлвориб сўраган бўлса-да, қаҳри қаттиқ Чегечи бу илтимосни кескин рад этди. Ҳафтада бир кўришишга ижозат олди. Дили қаттиқ оғриган Гўзал яширинча бўлса-да, дала ховлига боролмади. Соқчилар унинг қадами етганидан огоҳ бўлишса, Чегечининг қонли пичоғини ҳеч ким қинига қайтариб сололмаслигини яхши тушунарди. Ичи ёниб, қалби ўртаниб, йироқларда қолдирган ёрининг аҳволига ачиниб ҳамда соғиниб яшашдан ўзга чора тополмади. Соқчилар отасининг қулоғини бўҳтон ва иғво гаплар билан қиздирмаслик мақсадида ҳамёнидаги пулларни аямади. Ора-сира уларни сийлаб турди.

Вақти-соати етганда Гўзал ўғил туғди. Чегечи қизининг кўзи ёрганини учинчи куни эшитди ва туғруқхонага шошилди. Набирасини кўлига олиб эркалади. Бўлажак меросхўр унинг тош қалбидаги барча гина кудуратлар тоғини қулатиб, ўрнига шодлик чечакларини экди.

– Туғруқхонадан чиққанингдан сўнг Ҳасаннинг олдида кўчиб боришинг мумкин. Набирамни иккинги тарбиялайсизлар! – деди.

Падарининг сўзлари Гўзалнинг юрагида музлаган орзуларни эритиб, ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббат булоқлари кўзини очди. Чегечи ваъдасининг устидан чиқди. Қизи чиқадиган куни машинасини жўнатди.

Кейинги пайтларда Ҳасан билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди. Бунинг сабаби қаҳри қаттиқ ва аччиғи

бурни учида турадиган Чегечининг ўз соқчиларига бўлган беътиборлигида эмас, аксинча, юқорида ишора қилиб ўтганимиздек, Гўзал хонимнинг улардан пулларини аямаслигида эди. Хўжайиндан йил-ўн икки ой давомида гоҳ ҳақоратлар, гоҳ таъналар билан оладиган ҳақларидан қизнинг чўнтагидан тушиб қолганларини териш ҳамда арзимас топширигини адо этиш афзалроқ эди. Шу сабабли Ҳасаннинг изига тушганлар ўз хўжайинларининг қулоғини йигит ҳақда фақат ижобий гаплар билан қизитадиган бўлишди. Шубҳалари аста-секин тарқала бошлаган Чегечи ҳам ноилож қўлини силтаб, руҳшунос томонидан юрагига ташланган ва чирмовуқ мисоли танасини ўраб, қисиб бораётган гумон тўнини аста-секин еча бошлади.

Гўзални дала ҳовлига олиб келишди. Қиз қўлида гўдаги билан сувоқлари кўчиб тушган, деворларига тутун хиди ўрнашиб қолган эрининг қоронғи хонасига кириб борди.

– Бечорагинам, – қиз йиғлаб юборди. – Сени аваҳтага тикқан маҳбусдек ташландиқ хонага жойлаштиришибди-да.

Ҳасан ўрнидан туриб Гўзални қучоғига олди.

– Сени жуда соғиндим, эркам!

– Отам аҳдидан қайтди, энди биз фарзандли бўлдик.

– Буни олти ойдан бери кутаётгандим. Ўғилми, – қизми?

– Ўғил, қара, худди сенга ўхшайди.

Ҳасан чақалоқни қўлига олди.

– Исмини айт?

– Ўзинг қўясан!

Ҳасан болага исм қўйиш тўғрисида ўйламаганди.

– Мен Аллоҳнинг гувоҳлигида айтаманки, ўғлимнинг қонида сенинг покиза қонинг оқмоқда, – деди Гўзал.

– Фарзандимни кўрмай ўлиб кетишдан кўрқардим. Аллоҳга шукрларки, уни кўрдим, энди ўлим мендан чекинади.

Чегечи эр-хотиннинг ўртасидаги мулоқотни махсус аппаратлар ёрдамида қўшни хонада эшитиб ўтирарди. Улар орасидаги илиқ муносабатдан Ҳасандан ўринсиз шубҳаланганига иқрор бўлди. У билан учрашганда:

– Энди шаҳарга қайтишинг мумкин, – деди. Бу гапни чин кўнгилдан айтган бўлса-да, юзида шубҳали шарпалар зоҳир эди.

Шу куни Ҳасан шаҳарга қайтди. Бошлиғи унинг бедарак кетганидан хавотирга тушган бўлиши мумкин. У билан тезроқ боғланиб, шу ердалигини билдиришни ўйлади. Телефон рақами хотирасида муҳрланиб қолганди. Бироқ ташқарига чиқиш, телефон аппаратларига яқинлашиш масаласини ўйлаб кўриши лозим эди. Чегечи озодлик эълон қилган бўлса-да, ортидан кузатувчи қўйган бўлиши мумкин.

Орадан бир ҳафта ўтиб Ҳасан кунора бозорга қатнайдиган, озиқ-овқат харид қилиб келадиган бўлди. Биров изидан таъқиб қилмаётганига ишончи комил бўлса-да, телефон аппаратларига яқин йўламади. Зеро, уларга кўзи тушганда ичидан бир нима узилиб тушгандек бўлади. Нон дўконидан чиқаётганда йўл четида турган дево-на Ҳасанга қараб шундай сўзларни айтди:

– Яхши тушга ҳам, ёмон тушга ҳам садақа. Садақа радди бало!

Икки кундан буён Ҳасаннинг туши булғанаётганди. Чўнтагидан пул чиқариб унга узатди. Девона қўлларини дуога очди. Аммо тилидан бошқа сўзлар учиб чиқди.

– Ҳаммасидан хабардормиз. Бизга кўнғироқ қилма. Чегечи билан муносабатни яхшила. Керак пайтингда ўзимиз топамиз!

Бу сўзлардан донг қотиб қолган Ҳасан девона «кет» демагунча жойида тураверди. Кейин бир неча ойдан бери зимистон кўнгли ёришиб уйга қайтди.

ЮРТДА

Кўлига кишан солинган Олимни жиноят қидирув бўлими хонасига олиб киришди. Бўлим бошлиғи Дилшод Имодининов бир ҳафтадан буён тутқич бермай, қочиб юрган жиноятчини қорайиб, соч-соқоли ўсиб кетган чўяндек юзига нигоҳ ташлади-ю, маъноли жилмайиб кўйди.

— Учрашган жойимизни қаранг, — деди бошлик калласини чайқаб. — Сиз билан шу аҳволда кўришамиз деб сира ўйламагандим. Аҳдингиздан қайтмаган экансиз-да!

— Қисмат, начальник. Пешонага ёзилгани шу бўлса, тақдирдан қочиб қутулармидик! — пинагини бузмай жавоб қайтарди Олим.

— Ўтган икки йил ичида тажрибангиз ошибди. Криминалистикадан хабардор бўлибсиз. Жиноятни қилиб, айбни бошқаларга афдариш сиздек йигитга ярашмас керак?

— Менга қаранг, ўртоқ начальник, келинг, энди унутинг ўша ўтган ишларни, мақсадга ўта қолинг. Хўш, нега мени бу ерга олиб келдингиз?

— О, — деди Имодининов гумон қилинувчининг бошидан оёғигача кўз югуртириб. — Анча жиззаки бўлиб қолибсизми? Шошмасангиз ҳам сизга берадиган саволларимиз етарли!

Бўлим бошлиғи ходимларига ўғирилди.

— Кишанни ечинглар!

Имодининов Олим билан роппа-роса икки йил муқаддам мана шу хонада учрашганди. Ўшанда подполков-

ник уни жинойтчи сифатида эмас, балки шаҳарда эн-
дигина шаклланиб келаётган Эргашнинг янги ташкил
этилган тўдасининг аъзоси сифатида чақиртирганди.
Олим бугунгидек бетгачопар, шарттаки эмасди. Гу-
руҳнинг иши, мақсади жинойтчилик ва талончилик-
дан иборат эканлигини, бу ишнинг охири бахайр
бўлмаслигини, имкон борлигида фойдали иш билан
шуғулланиш кераклигини унга дўстона тушунтир-
ганди.

Ўшанда Олим бошлиқнинг сўзларини жимгина
тинглади. Бироқ кетиш олдидан тўнини тескари ки-
йиб олди:

– Бошга тушганини кўз кўради, ўртоқ начальник!
– деди кизариб-бўзариб кетган юзидаги терни артиб.
– Мен ўғри ҳам, босқинчи ҳам эмасман! Мен аъзо
бўлган гуруҳ одамлари бундай иш қилишмайди. Ак-
синча, уларга қарши курашади. Биз ўз гоямиз йўлида
керак бўлса жонимизни берамиз. Фоя бу – биз, биз эса
ғоя. Ортга чекиниш – ўлим! Сиз айтган жинойтларни
эса гуруҳимиз номидан иш кўраётган айрим ғаламис
кимсалар амалга оширган. Қўлингиздан келса уларни
тутинг, биз билан юзлаштиринг. Ҳеч қандай далилий
ашёингиз бўлмай туриб, бизни ўғри ва босқинчиликда
айблай олмайсиз. Сизга маслаҳатим: изимга тушиб,
қимматли вақтингизни бекорга совурманг!

Подполковник унинг сўзларини жимгина тинг-
лади. «Майли, бир сайраб ол-чи» деб қўйиб берди.
Ўшанда бўлим бошлиғининг қўлида далилий ашё
ва маълумотлар ҳам етарли эди. Фақат бу ёш йигит-
нинг йўлдан адашганини, танлаган йўлининг фожаи-
га олиб келишини тушунтириб қўймоқчи эди, холос.
Олим эса буни истамади. Кетиш олдидан Имоддинов
яна бир бор огоҳлантирди.

– Сўзларимни ўйлаб кўринг! Яна такрор айтаман, танлаган йўлингиз сизни жарга улоқтиради. Имкони-ят берилганда ўзингизни ўнглаб олинг.

– Маслахатингиз учун қуллуқ! – деди масхараомуз жилмайиб Олим. – Бундан кейин нима қилишимни, албатта, ўйлаб кўраман.

– Яхшилаб ўйланг. Ишқилиб, шу хонада яна уч-рашмасак бўлгани, – деганди ўшанда Олимнинг киноясидан жажли чиққан Имоддинов.

Ўртага чўккан сукунат чоғида Олим ҳам, Имоддинов ҳам ўша дастлабки учрашувдаги суҳбатни хотираларидан ўтказишди.

Олим кўрсатилган курсига чўкди. Уни олиб келган ходимлардан бири йўлакда қолди, иккинчиси эшик ёнидаги стулга ўтирди. Қия очик қолган дераза тирқишидан ичкарига салқин ҳаво оқиб кирарди. Тунаш учун дарахтлар шохига келиб қўнаётган қушларнинг чуғур-чуғур овози эшитилиб турарди. Имоддинов стол устидаги қоғозларни йиғиштириб жойига ўтирди.

– Фиёсовни нега ўлдирдингиз?

Дабдурустан берилган саволни Олим эшитмаганликка олди. Бироқ унинг ранги бўздай оқариб кетди.

– Фиёсовни нега ўлдирдингиз? – саволини такрорлади подполковник.

– Қайси Фиёсовни айтяпсиз? – овози титраб чиққан гумон қилинувчи ўзининг хатти-ҳаракатлари билан айбдорлигини сездириб қўймасликка уринди.

– Капитан Фиёсовни айтяпман! Ёки сиз бошқа Фиёсовни ҳам ўлдирганмисиз? – гумондорнинг юзидан кўз узмай сўради подполковник.

Олим кўзларини яширадиган жой тополмай қолди.

«Кимдан эшитган, нега айнан бундан мендан сўраяпти? Шерикларимдан битта-яримтаси кўлга тушиб

қолдими? Ичимизда сотқин йўқ эди-ку?! Шунчаки синаяпти. Қўйнимга қўл соляпти! Шундай саволлар берсам айбига иқрор бўлади, ҳаммасини сўзлаб беради деб ўйлаяпти. Йўқ, мен сен ўйлаганчалик тентак эмасман». Кўзини қисиб, қўлларини мушт қилиб туғиб ўтирган Олимнинг кўнглидан шу сўзлар кечди. Рўпарасида ўтирган бошлиқнинг кўзларига тикилиб:

– Мен Фиёсовни танитайман! – деди баланд овозда.

– Бу гапингизга ишонгим келмайди. Ахир унинг тўйида иккимиз бир курсида ўтирмаганмидик?

– Эслай олмайман, – сурбетларча бош чайқади Олим.

– Мана бу буюм сизга танишими? – Подполковник тортмадан кулдонни олиб стол устига қўйди.

Олим унга кўз қирини ташлади.

– Бу буюмни ёш бола ҳам билади, – деди кўрслик билан.

– Тўғри, ҳамма билади. Бироқ мен бошқа нарсани назарда тутаяпман. Ҳамиднинг хонасидан сиз олиб чиққан кулдонни нима мақсадда Фиёсовнинг хонасида қолдирганингизни билмаяпман!

– Буни ўзидан сўранг, начальник. Бировнинг кулдонига мен хўжайин эмасман!

– Ана шу кулдон четидан уйингизга ечиб кетган костюмингизнинг чўнтагидан олинган дастрўмолча толаси ҳам топилган. Экспертиза рўмолчанинг толаси бир хил матодан ишланганини аниқлади. Сиз қотилликни Ҳамидга тўнкаш мақсадида кулдонни атайлаб Фиёсовнинг уйида қолдиргансиз!

– Ёлғон! Буларнинг бари тухмат, уйдирма! – ҳаво етишмаётгандек бўғила бошлади Олим. – Дунёда рўмолча биттами? Ахир толаси бир хил бўлган рўмолча бозорларда тикилиб ётибди. Қанчасини топиб берай?

— Менга қаранг, Олимжон, — деди Имодиниов тал-васага тушиб қўли билан бошини чангаллаб, ўзининг ҳақлигини исботлаш учун куйиб-пишиб ўшқираётган айбланувчининг сўзини кесиб. — Қотиллигингизни исботловчи бошқа далилий ашёлар ҳам қўлимизда етарли. Гуруҳингиз одамлари нафақат Фиёсовни, балки Отабоевни, қўшни вилоятдаги колхоз раисини, икки фермернинг пул ва бойлигини тортиб олиш мақсадида ваҳшийларча ўлдириб кетишган. Содир этилган жиноятларнинг айнан ўхшашлиги, бир вақтнинг ўзида содир этилиши буни исботлайди. Сиз пахтадек оппоқ қилиб кўрсатишга уринаётган гуруҳингизнинг амалга ошираётган ишларидан, шерикларингиз исми шарифидан, ҳозир улар қаерда яшириниб юрганидан биз яхши хабардормиз. Хўш, Фиёсовни нега ўлдирдингиз?

— Мени қотилликда айблайверманг, бошлиқ. Қўлим тоза. Кейин гуруҳимиз аъзолари қотиллик қилмайди. Улар ўз ғояларини халққа етказди!

— Ўтган ойнинг йигирманчисида тўдангиз аъзоларидан тўрт нафари бир тадбиркорнинг изига тушган. У долларларини майдалатиб уйига олиб кетаётганини кўриб қолишган. Ярим кечаси юзларини ниқоблаб уйига бостириб киришган. Эр-хотинни одамзот ҳаёлига келтирмайдиган азоблар билан қийнашган ва пулларини олиб чиқиб кетишган. Бечора аёл ҳозир касалхонада, ҳали ўзига келгани йўқ!

— Бу ишнинг нима дахли бор менга?

— Алоқаси шундаки, тадбиркорнинг уйдан олиб чиқиб кетилган пуллар айнан биз сизни қўлга олган уйнинг ичидаги ҳандақдан топилди. Бундан беҳабар қолишингиз мумкин эмас.

Олим талмовсираб қолди. У ўзини оқлашга сўз тополмади. Энди бошқа нарсга ҳақида ўйларди. Айбига

икрор бўлса, гурух аъзоларининг исми шарифини ошкор этиши керак. Бу одам ҳаммасини айттирмагунча қўймайди. Айтгандан кейин бари тамом, уни турмадаёқ бошлиқнинг одамлари ўлдириб ташлашади. Имодиннов анойи эмас, ўшанда бир бор бошидан кечирган. Ниятидан қайтариш учун имконият берган. «Мен босқинчи эмасман» деб юзига сапчиганди.

Олим гурух аъзоларининг номини сотмасликка қарор қилди. Мабодо бирор кимсанинг исми оғзидан чиқиб кетса, Имодинновнинг одамлари шу заҳотиёқ тутиб келишади. Юзма-юз қилишади. Бу билан тўда-бошининг ҳозиргача бегоналарга фош бўлмаган кирдикорлари фош бўлади.

Олимнинг жонига телефоннинг жиринглаши оро кирди. Имодиннов гўшакни кўтарди. Девор томонга юз буриб ким биландир суҳбатлашди. Олим кўз қири билан эшик олдида турган лейтенантга қаради. У столга енгашиганича кроссворд ечиш билан овора. Олим ўрнидан сапчиб турди. Бир қўли билан қия очик турган деразани очди-да, ўзини ташқарига отди. Лейтенант ўрнидан туриб айбланувчининг шимидан ушлаб қолиш мақсадида унга ташланди. Бироқ столга қоқилиб боши билан деворга урилди. Имодинновнинг қўлидан гўшак тушиб кетди. У дераза ёнига келиб тўртинчи қаватдан пастга қараганда Олим бетон блок устида чўзилиб ётар, ёрилган бошидан қон сизиб асфальтда оқмокда эди.

Олимнинг вафотидан сўнг шаҳарда фаолият кўрсатаётган тўда аъзоларининг кирдикорлари сирлигича қолди. Шаҳарда босқинчилик, талончилик ҳамда қотиллик каби оғир жинойтлар вақти-вақтида содир бўлиб туради. Айниқса, кичик туманларда бундай жинойтлар тез-тез такрорланади. Сабаби, бу ҳудудда қўп миллатли халқлар яшаётганида эмас, балки

турли жинойй гурухларнинг ўз режаларини амалга ошириш мақсадидаги келишмовчиликлар натижасида юзага келарди. Улар воқеа жойида тўкилган қонларни, жони узилган шерикларини қолдириб, ўзлари зудлик билан ғойиб бўлишади. Ўша пайтларда милициянинг қўли-қўлига тегмас, ходимларнинг барчаси ишхоналарида қолиб кетишар, бир жинойтни очмай, иккинчиси билан шуғулланишга мажбур бўлишарди. Йигирма тўрт соат ички ишлар бўлими ходимларига камлик қиларди. Бари бир уларнинг қўли баланд келди. Кўплаб тўдаларни тор-мор этишди. Ғиёсовнинг ўлими Эргашни қанчалик қувонтирган бўлса, Олимнинг фожиали ўлими даҳшатга солди. Бошлиқ унинг жасорати ҳақида оғзида нам қолмагунча мақтанди. Уч кун аза тутди.

Ҳамиднинг юрагида эса алам қайнади. Йигитларидан икки-учтасини Эргашнинг хузурига жўнатишга қарор қилди.

— Қонингни ичмасам, тавбангга таянтирмасам эркак эмасман! — дея бир бурда нонни пешонасига босиб қасам ичди.

САМАНГАН

Зебо билан муносабатларимиз яхши бўлиб қолганлиги боис, лагердаги оғир шароитни ҳамда қийинчиликларни унута бошладим. У юрагимга бир парча ишқ отабини ташлаб қўйди. Илгаригидек мендан ҳуркиб, ўзини олиб қочмайди. Деярли икки кунда бир учрашиб, суҳбатлашиб турамиз. Тош йўлни дўмбирадек тарақлатиб келаётган арава филдиракларининг овозини эшитиши билан югуриб кўча эшик олдига келарди, пастга тушишимни сабрсизлик билан кутар, ичкарига кирганимда гул-гул яшнаб кетади.

Валий ўртамиздаги муносабатдан хабардор. Синглиси ўзининг хатти-ҳаракатлари билан менга бўлган муносабатини сездириб қўйган. У тоғдан териб келган ўтинни майдалаб, қишга тайёргарлик кўриш билан овора. Совуқ кунлар яқинлашган сайин қишлоқдаги шароит оғирлашганини тушунаман. Бугдойзорлар жангарилар томонидан ёқиб юборилди. Озиқ-овқат тақчил. Очарчилик бошланиш арафасида. Халқ йиғиб-терганини, асраб-авайлаб қўйганини аллақачон еб тугатган.

Лагердан олаётган хизмат ҳақимни чўнтагимнинг бир четида сақлаб юрардим. Нарх-навонинг кўтарилиб бораётганини сезиб уни Валийга топширдим.

– Борим шу, – дедим унга. – Мозори Шариф ёки Зори Бозорга бориб бугдой сотиб олинг. Бунақада қишда оч қоласизлар!

Валий қўлимни қайтармади. Очлик азобини у мендан кўра яхши ҳис этарди.

– Сизга қандай миннатдорчилик билдиришни билмайман! – деди хижолат тортиб. – Мендан қайтмаса, худодан қайтсин, охун!

Ўша кўниёқ Валий Мозори Шарифга жўнаб кетди. Уни аравамда машина қатнайдиган бекатгача элтиб қўйдим. Кейин булокқа жўнадим. Йўл-йўлакай Фатхуллохон ҳақида ўйлаб кетдим. Кетганига бир ҳафтадан ошди. Уйига соғ-саломат етиб олдимикан? Йўлда толиқиб, оғриб қолмадимикин деган ўй кўнглимга қоронғилик солганди. Унинг ватанга қайтганидан қанчалик қувонсам, бетоб бўлиб қолишидан шу қадар чўчирдим.

Кейинги пайтда ишларим кўпайиб Крамаренкони ҳам унутиб юбордим. Йўлимга кўз тикиб қачон қайтаркин деб ўтирган бўлиши аниқ. Зокир саломимни етказган бўлса, қария қандай фикрга бордийкин?!

Балки умидини узиб, қўлини силтаб, бу томонларга жўнатганидан пушаймондир? Чорасини топиб топшириғини бажаришга ҳаракат қилаётганимни билдиришим лозим.

Булоққа келиб идишни сувга тўлдирдим. Тошлар остидан телефонни олиб, батареясини алмаштириб, Зокирга қўнғироқ қилдим. Гўшакни ҳар доимгидек ўзи олди.

– Қариянинг соғлиги қандай, яхши етиб олдимиз? – сўрадим ундан.

– Соғлиги яхши эмас, йўлда қийналди. Ҳозир касалхонада, бир-икки ҳафтадан сўнг чиқади, – деди Зокир.

– Уйидагиларга хабар бердиларингми?

– Ҳозирча маълум қилганимиз йўқ!

Қариянинг ватанга етиб олганидан юрагим ёришди.

– Крамаренко билан боғланмадингизми?

– Генерал вафот этибди.

– Қачон? – биров устимдан совуқ сув қуйгандай бўлди.

– Бир ҳафтача бўлди дейишяпти.

Собиқ командиримнинг ўлими мени қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Сўнгги топшириғини бажаролмаганимдан ачиндим. Рухим тушиб кетди. Зокир буни сезди.

– Сиз учун янгилик бор, – деди ў мамнун ҳолда.

– Қандай янгилик экан?

– Ҳозир ўқиб бераман, – у шундай деди-да, бир зумлик сукунатдан сўнг гапида давом этди. «Жамият учун ўта хавфли жиноятчини қўлга олишдаги мардлик ва жасорати учун Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ходими, милиция майори Бўрон Қудратиллаевич Аҳмедов «Шухрат» ордени билан тақдирлансин».

Бу хабар мени қанчалик қувонтирганини баён этишга тилим ожиз. Кимсасиз булоқ тепасида, жангарилар орасида бу шодликни ким билан баҳам кўрардим? Ватаннинг юксак ишончи мени янада қаттиқроқ ишлашга даъват этарди.

– Менга қандай топшириқлар бор?

– Ғафурнинг нима ишлар қилаётгани тўғрисида шошилишч маълумот керак. Бундан ташқари, Эргаш яқин кунлар ичида қаерга боради, ким билан учрашади, юртдаги одамларига қандай топшириқ беради, шуларни билишимиз керак.

– Яқин кунлар ичида ушбу маълумотларни жўна таман, – дедим.

– Наркотик моддалар билан шуғулланаётган йигитлари нима қилишмоқда?

– Улар бедарак кетишди...

– Қочишдимми?

– Улар бу ердан бошқа юртга қочиб кетишолмайди. Эргашнинг чопарлари ҳозир уларни ахтаришмоқда.

– Янгилик бўлса, маълум қилинг!

Идишларни сувга тўлдириб лагерга қайтдим. Қуёш аллақачон ботиб, атрофни қоронғилик босган. Қишлоққа кириб келганимда кўчалар бўм-бўш эди. Отни Зеболарнинг кўча эшиги олдида тўхтатдим. Бундай пайтда қиз югуриб чиқарди. Негадир ундан дарак бўлмади. Эшик қия очик қолган. Юрагим нохушликни сизди. Қўлимга қамчинни олиб ҳовлига кирдим. Ичкарида ғўнғир-ғўнғир овоз қулоғимга чалинди. Валий қайтган бўлса керак деган хаёлга бордим. Остонада турган икки барзанги кўлидаги автоматни менга тўғрилади. Важоҳатлари хунук. Қарашларидан ҳеч нарсадан қайтмасликларини сездим. Булар толибонлар эканлиги кийимларидан маълум. Кейинги пайтда уларнинг одамлари бу ерларда ҳам пайдо бўлиб

қолган. Улар мени яхши танишади. Лагерга сув ташишимдан хабардор эдилар. Бошлиқларининг буйруқларига биноан бизга тегишмасди. Аксинча, ўзларининг сафдошлари сифатида «хурмат» қилишади. Ўзимни уларга таништирдим.

Зебо дилдираб бурчакда қисилиб ўтирибди. Назаримда толибонлар уни ўзлари билан олиб кетишга мажбур қилишган бўлса керак.

— Сизларга ким керак? Нега бу ерга кирдиларинг?! — ғазабдан овозим момақалдироқдек гумбураб чиқди.

— Бу ожиза сизга ким бўлади? — сўради толибонлардан бири.

— Завжам! Сизларнинг бу ишларингиз тўғрисида Эргашбой жанобларини хабардор қилишга мажбурман!

Толибонлар ҳайрон бўлишди. Менинг эркин гапиришим, ҳовлига дадил кириб келишим, қолаверса, Зебонинг ўрнидан туриб ёнимга келиши уларнинг шубҳаларини пучга чиқарди.

— Бизни кечиринг, охун!

— Бу ҳол бошқа такрорланмаслик шарти билан.

— Албатта!

Толибонлар бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб хонадан чиқиб кетишди. Қиз иккимиз танҳо қолдик. Баданидаги титроқ ҳали босилмаганди. Бошидан сирғалиб тушган рўмоли бўйнида осилиб қолган.

— Қўрқдингми? — сўрадим ундан.

Қиз рўмолини бошига ўраб, маъноли бош силкиди.

— Келганингиз яхши бўлди. Бир оз кечикканингизда мени олиб кетишарди.

— Энди улар бу ерга қайтиб келишмайди. Хавотир олма!

Лагерга тезроқ етиб боришим лозим. Кейинги пайтда кун қисқариб қолгани боис, жангарилар сув кели-

шини интиқиб кутишарди. Кечиккан пайтимда еру осмонни бошларига кўтариб тўполон кўтарадиган одат чиқаришган.

– Кетяпсизми? – ортимдан Зебонинг маъюс ва илтимосли овози эшитилди.

– Анча хаёллаб қолдим, тезроқ боришим керак.

Зебо ўйга толди. Кетишимни истамаётгани, кимсасиз уйда танҳо қолишдан кўрқаётганини тушундим.

– Унда акам келгунича қўшнимизникида яшаб тураман.

– Юр, сени кузатиб қўяман.

Зебони қўшни аёлга топшириб, эгри-бугри тош йўлда отни елдириб кетдим. Арава чайқалганида бочкадаги сув устимга сачрарди. Лагерга етгунимча кийимларим жикқа ҳўл бўлди.

Жангарилар мени ҳар галгидек бақир-чақир, тўс-тўполон билан қарши олишди. Ўзимни оқлашга, баҳона излашга ҳожат қолмади. Уларнинг оғзидан чиқаётган бепошна сўзларни эшитмагандек туравердим.

– Томоғимиз қақраб кетди!

– Сен бола сув баҳона қаерларгадир борасан?!

– Овқат пиширолмай сувга кўз тикиб турибмиз!

– Буни миробликдан ҳайдаш керак!

– Устингдан бошлиққа арз қиламиз!

Атрофимни ўраб олган жангарилар қўлларини паҳса қилиб, оғзиларидан тупук сачратиб бақириб, чақирди. Қулоғим том битди, улардан нарироқ кетдим. Ҳаммалари сув билан овуниб мени унутишди.

Пастлик томон юрдим. Ғала-ғовур ортда қолди. Аммо «Буни миробликдан бўшатиш керак!» деган сўзлари қулоғимга қуюлиб қолди. Ҳақиқатан ҳам Эргашга шикоят қилишса-чи? Ишдан олиб ўрнимга бошқа одамни қўйишса-чи деган хавотирли ўй оёғим-

нинг остигача музлатиб юборди. Улар кўпчилик. Та-
лабларини инобатга олиши мумкин. Ишдан кетсам
Зебонинг ҳоли не кечади? Учрашишга қандай баҳона
топаман? Зокир билан алоқа масаласи-чи? Ўз ўйим
билан банд бўлиб чодирдан анча узоқлашиб кетган
эканман, оёғим остига ёнғокдек тош келиб тушди.
Чирсиллаган овоздан ўзимга келдим. Ортимга қай-
рилдим. Ўн қадамча нарида одам шарпасига кўзим
тушди. У шу томон келарди. Яқинлашганда танидим
– Умар.

– Фатхуллохон соғайиб кетибдими? – мени масха-
ра қилаётгандай сўради.

– Ҳар қалай оёққа туриб юриб қолди, – дедим. Сўз-
ларимда алам яширинганини Умар сезд.

– Нега аччиғинг чиқяпти? Мен шунчаки дўстона
сўраяпман!

– Мен ҳам сенга дўстона жавоб қайтараяпман, – де-
дим бўш келмай.

– Унга жуда меҳрибонлик кўрсатдинг? Ёки илгари
танирмидинг?

– Сенга шундай туюлгандир.

Умар ҳақида Зокирдан етарли маълумот олгандим.
Бу ерга келиб жангариларга қўшилиб кетиши сабаби-
ни билардим. Ўртамизда қачондир ошкора ўйин бош-
ланишини кутардим. Назаримда ўша фурсат келди.

– Мендан ниманидир яширяпсан? Кўпдан бери
кузатаман. Ўша кунги хатти-ҳаракатларинг ҳам фик-
римни тасдиқлади. Сен ҳукумат одамисан. Бу ерга ай-
ғокчи бўлиб ўтгансан!

– Бошқалардан ҳам шубҳаланасанми?

– Фақат сендан.

– Нега айнан мендан?

– Фатхуллохонни қаерга жўнатдинг?

«Умар бу хабарни кимдан эшитди? Наҳотки у менинг ҳеч ким беҳабар деб ўйлаётган ишларимдан воқиф бўлса?»

Умар кўзларимга тикилиб саволига жавоб кутарди.

– Нима, Фатҳуллохон қочибдими? – ҳеч нарсадан беҳабар одамдек сўрадим.

– Ўзингни гўлликка солма. Уни аравангга юклаб булоққа олиб кетганингни ва у ердан қайтиб келмаганлигини биламан.

Мен жинойт устида қўлган тушган айбдордек нима дейишимни билмай туриб қолдим.

– Фатҳуллохонни Ўзбекистонга жўнатиб юборганингдан сўнг шубҳам ортди. Бу ишинг ҳақида бошлиқ эшитса борми, нақ терингни шилиб олади, – Умар жилмайди.

Оёқларим остига қарадим. Бирорта тошни олиб Умарнинг бошини ёриб ташлашга хезландим. Бу ерда менинг ишларимдан хабардор бўлган одамнинг бўлиши мумкин эмас. Икки қадам нарида турган мушдек тошни олишни мўлжалладим. Бироқ Умар ортига қайрилди. Важохатимдан мақсадимни тушунганди.

– Қўрқма, ҳеч кимга айтмайман, йигит сўзим. Ҳаммаси жойида бўлади, – деди ва йўлида давом этди.

Умар юрагимда қўрқув ҳисларини уйғотиб кетди.

ЮРТДА

Холдорнинг таклифи ва танлови билан чет элда ишлаб келишни ихтиёр этган йигирма нафар йигит кечки пайт шаҳар темир йўл бекатига тўпланди. Қоронғи тушганда поезд келди. Йигитлар бўлиниб, олдиндан маълум қилинган вагонларга чиқишди. Чипталар Тошкент шаҳригача олинган. Йўлга чиқишдан аввал Холдор йигитларга «мен айтган бекатда ту-

шасизлар» деб тайинлади. Поезд ярим тунда Тожикистон республикасининг Хўжанд вилоятига кириб келди. Холдор вагонма-вагон юриб йигитларга шу бекатда тушишларини айтиб чикди. Поезд тезлигини пасайтириб тўхтади. Ҳамма ёқ қоронғи. Ой кўкни ғира-шира ёритади. Осмонда тўда-тўда қора булутлар сузади. Бекат тепасида биттагина электр чироғи изғиринли эпкиндан чайқалиб хирагина нур сочиб туради. Поезд тўхташи билан елкаларига қоп орқалаган йигитлар вагонлардан сакраб пастга тушишди. Атрофда одамлар сийрак бўлгани учун тезда бир-бирларини излаб топишди. Юпқа кийинган йигитлар изғиринда дилдираб қолишди. Ҳамма тўплангач, Холдор уларни ортидан эргаштириб бино орқасига бошлади. Бу орада поезд гудок чалиб жойидан жилди. Тарақлаган гилдиракларнинг овози анча вақтгача қулоқларга чалиниб турди. Қаердандир хуштак овози, сўнг автоматнинг тириллагани эшитилди. Кимдир бақирди. Чўғдек учган ўқ тун пардасини ёриб ўтди. Уч-тўртта қуролли одамлар ичкаридан чиқишди ва йигитларнинг йўлини тўсишди. Ваҷоҳатлари кўрқинчли эди. Эғниларида узун тўн, бошларида қизил дуррача, қўлларида қурол, белларида граната ва ханжар.

— Кужо рафтет! — олдинда келаётган кимса автоматини йигитлардан бирининг кўкрагига тиради. Холдор уларнинг тилида нимадир деди. Кимларнингдир номини айтди.

— Хуш омадед! — дейишди қуролли кимсалар ва меҳмонларга йўл бўшатишди.

Бекатдан унча олис бўлмаган жойда эски «Пазик» турарди. Орқа ойналари тош текканми ёки отилган ўқларданми, синиб тушган. Ҳайдовчи эшикни берки-тиб, ўриндикда ғужанак бўлиб ухларди. Йўлбошчи автобуснинг эшигини муштлаб ҳайдовчини уйғотди.

У бошини кўтарди. Холдор нимадир деди. Шундан сўнг хайдовчи кўзларини ишқалаб эшикни очди. Совукдан дилдираб турган йигитлар ўзларини «Пазик» ичига уришди.

Холдор йўлбошловчини четга тортди.

– Йигитларни санаб ол, йигирмата!

– Ишондим, ваъда қилинган нарсa дипломатнинг ичида.

– Қанча?

– Йигирма минг доллар.

– Оз-ку?

– Ҳар бир йигитингга икки минг доллардан.

– Биз уч мингданга келишгандик...

– Бошлиқлар пул топиб беришолмади.

– Унда қайтиб бу ишга аралашмайман!

– Хафа бўлма, келгуси сафар одам олиб келганингда ҳаммасини ҳисоб-китоб қиламиз...

Холдор ўйланиб қолди. Кейин сўради:

– Бошқа топшириғинг йўқми?

– Келган жойингга қайтиб борасан. Яна шунча одам топиб келасан!

– Шубҳаланиб қолишлари мумкин.

– Бошлаб келган йигитларингнинг ота-онасига юз доллардан бериб чиқасан. Фарзандларингга иш бошлашдан олдин аванс беришди дейсан. Шунда одамлар сенга ишонишади. Ҳозирок орқангга қайт. Вокзалнинг орқасида машина кутяпти, тезроқ бор!

Холдор дипломатни олиб қоронғилик қаърига сингиб кетди. Айтилган машинага чиқди.

«Пазик» жўнаб қолди.

– Кимда-ким қочишга уринса, отиб ташлайман! – деди уларни қабул қилиб олган одам ўриндикларга

жойлашиб олган йигитларга қарата, кейин хайдовчига «чуди» дегандек қўли билан ишора қилди.

Автобус қўзғалди. Бадбўй мой хиди ичкарига урилди. Олис-олисларда битта-яримта чироқ кўзга ташланади. Итларнинг увиллаши, автоматлардан отилган ўқ овози сукунатни бузади. Йигитлар қалбига қўрқув ва ҳаяжон тушди. Улар қаерга келиб қолганларини, турқи совуқ бу кимсалар қаерга бошлаб кетаётганини билишмасди.

Қоронғи йўлда силтаниб, ортидан қоп-қора тутун буркситиб бораётган «Пазик» фаралари билан тошли, нотекис йўлни ёритиб олға интилади. Машина тоққа яқинлашиб борар экан, йўл бўйида гулхан ёкиб ўтирган бир тўда қуролли кимсалар кўзга ташланди. Улар узун кўйлақда, бошларига салла ўраб олишган. Машина яқинлашиши билан улардан бири йўлнинг ўртасига чиқиб, қуролини тепага кўтариб тўхташ ишорасини қилди. Хайдовчи кабинадан бошини чиқариб ўз тилида нимадир деди. Йўлтўсар қўлини пешонасига соябон қилиб ўриндиқларда жунжикиб ўтирган йигитларга қаради, хайдовчига рухсат берди. Йўлда қарама-қарши томондан келаётган юк машинасига ҳам дуч келишди. Ўттизтача қуролли одамлар овозларини кўтариб, қўшиқ айтиб, бақириб-чакириб ўтиб кетишди. Йигитлар ўзларини бегона дунёга кириб қолгандай ҳис этишди.

«Пазик» манзилга келганида тонг ёришди. Беш нафар қуролли кимсалар уларни қабул қилиб олди. Қаршиларида Панж дарёси оқарди.

– Дарёни кечиб ўтамин, ечининглар! – буюрди қуролли кимсалардан бири.

Йигитлар уларнинг топшириғини бажаришга мажбур эканликларини, гап қайтаргудек бўлишса отиб ташлашлари мумкинлигини билиб, ечиниб сувга ту-

пишди. Дарёни кечиб ўтишди. Оёқлари каттиқ ва тошли ер тегди. Бу Афғонистон эди. Орқаларига қарашди. Алданганларини, ватанларидан жудо бўлганларини сезиб, юраклари увишди. Кўзлари аччиқ ёшга тўлди.

Эргаш йигитларни яхши кутиб олди. Ҳар бирини бағрига босиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўради. Ҳеч ким тўдабошини танимади. У ҳам йигитлар ичида таниш одамни учратмади.

Эргаш Бўрибойни ҳузурига чақиртирди.

— Сенга муҳим топшириқ: янги келган йигитларни ўзинг бошқарасан. Улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб борасан. Мияларидан ота-оналарига, айниқса, юртга бўлган соғинчни юлиб ташлайсан. Юртда бизни босқинчи, жангари, террорчи деб мияларига кўрғошиндек қуйиб қўйишган. Аввало мақсадимизни тушунтир. Жангга, қурол-аслаҳадан фойдаланишга ўргат. Ўқни, меҳнатингни аяма. Бир ой ичида пишиб, ота-онасини танимайдиган ҳақиқий жангари бўлишсин.

— Тушундим, хўжайин! Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин. — Бўрибой бармоқларини тугиб, мушт қилиб деди: — Биласиз, қўлим тошдан каттиқ!

Эргаш жилмайди.

— Назаримда янги келган йигитларнинг кўпи қишлоқдан. Улар кўнгилчан ва раҳмдил бўлишади. Мен эса бундайларни ҳушламайман.

— Хотиржам бўлинг!

Бир вақтлар кўнгилчан, одамларга нисбатан раҳмдил бўлган Бўрибойнинг дунёқараши шу қадар ўзгарган эдики, буни тасвирлашга қалам ожиз. У одамларнинг баданига пичоқ тикиб, терисини шилиб олишдан чўчимасди. Отабоевни ўлдириб лагерга қайтгач, Эргашнинг ишончини тўла қозонди. Қолаверса, Аб-

дурасулни тириклай тупрок остига кўмиб юборгач, тўдабошининг меҳри янада ортди. Ўшанда Бўрибой собиқ синфдошининг илтижоларига қулоқ солмай, фарёд чекишини томоша қилиб завқланганди. Унинг бу қадар ваҳшийлашиб кетишига, синфдош дўстини тириклайин кўмишига бошқа сабаб бор эди.

Ўнинчи синфда ўқиб юрганларида Абдурасул Санобар исмли қизга кўнгил кўйди. Улар тез-тез учрашиб туришарди. Бу Бўрибойга алам қиларди. Бирга кўрганида гаши келар, «ҳап, сеними» деб пичирлаб қўярди. Аввалига Санобарни ўз домига илинтирмоқчи бўлди. Отасининг топиши ёмон эмасди. Чўнтагидан пул узилмасди. Қизни пул билан ўзига ром қилмоқчи бўлди. Совға-саломлар олди. Бундан хабар топган Абдурасул дўстига:

– Мен Санобарни яхши кўраман, унга илакишма, – деди.

– Яхши кўрган қизингни ўзи менга илакишяпти-ку! – деди бетини без қилиб Бўрибой. – Бари бир у сени севмайди. Мен уни аллақачон ўзимга оғдириб олганман.

Шу гап баҳона ўртоқлар ўртасида жанжал чиқди. Абдурасул Бўрибойнинг бўйнидан тутиб, ерга ётқизиб дўппослади. Ўртага катталар тушиб ажратиб қўйишди. Бу воқеани Абдурасул унутиб юборган бўлса-да, Бўрибойнинг қалбида тошдек қотиб қолди. Бирга юрганларида, давраларда ўтиришганда апоқ-чапоқ бўлиб кўришса-да, аслида Бўрибой ўч олиш мақсадида пайт пойлаб юрди. Қасос олиш мавриди унга ўз юртида эмас, ўзга элда насиб этди...

Бўрибой ҳар куни уйқудан туриб, чодирдан чиқиб, яйлов ўртасида коптокдек кўзга ташланиб турган Абдурасулнинг бошига қараб қўяди. Кутилмаганда у ернинг тубига сингиб кетгандек ғойиб бўлди. Қаёққа гумдон бўлди?

У тана кўмилган жойга югуриб борди. Жасад жойида йўқ эди. Бўрибой аввалига ит ёки тоғдан тушган қашқирлар олиб кетган бўлса керак деб гумон қилди. Аммо тупроқ одам қўли билан кавланган. Ким қилди буни? «Қаҳримдан қўрқмаганлар бор экан-да» деган ўй миясида тегирмон тошидек айланди. У ўрнидан туриб чанг кўнган шимини кафти билан қоқди. Қўллари мушт қилиб, ғазабдан кўкарган лабларини пичирлатиб «топмагунча қўймайман», деган аламли сўзни кўп бор тилга олиб тўдабошининг ҳузурига кирди.

– Нима бало, отаси ўлган боладек қовоқ-тумшугинг осилиб кетибди? – Бўрибойнинг вазоҳатини кўриб сўради Эргаш.

– Ундан ҳам оғир мусибат, хўжайин! – оҳ урди Бўрибой.

– Нима гап? – тўдабошининг қути ўчди.

– Абдурасулнинг жасади йўқ. Кечаси кимдир кавлаб олиб кетибди!

– А?!

– Ўз кўзим билан кўрдим.

– Буни ким қилган бўлиши мумкин?

– Биздан қўрқмаган одамнинг иши!

– Бу ерда қаҳримдан қўрқмаган одам бор эканми?!

– Афсуски, бор экан, хўжайин. Бизни ментларга Абдурасул сотгани чин бўлиб чиқди. Орамизда уларнинг одами бор. Бу ўшанинг иши.

– Қандай қилиб бўлсада, ўша ифлосни топасан! Акс ҳолда нафақат йигитларимизни, балки ўзимизнинг ҳам ҳаётимиз хавф остида қолиши мумкин.

– Хуфияларни кўпайтириш керак!

– Ҳар иккита одамнинг ортида биттадан хуфия бор! – Эргашнинг боши котди. У бир зум жим қолди. – Кимдан гумонсирашга ҳам ақлим етмай қолди. Икки куннинг бирида битта йигитимиз турли сабаб-

ларга кўра қурбон бўлмоқда. Бу кетишда ўзимиздан бошқа ҳеч ким қолмайдиганга ўхшайди.

Улар узок суҳбатлашишди, аммо бирор аниқ фикрга келишолмади.

Холдор жўнатган одамлар келди-ю, иккиси юқоридаги воқеани унутишди. Янги лавозимга кўтарилган Бўрибой ўзида йўқ шод эди. Ўша кунданок вазифасини бажаришга киришди. Йигитлар билан ади-бади айтиб пачакилашиб ўтиришни ёқтирмасди. Абдура-сулнинг калласи тургандами, мана бу қишлоқи болаларга қўлидан нималар келишини кўрсатиб бир умр хотирасидан ўчмайдиган қилиб муҳрларди. Ҳаммасига ибрат, намуна бўларди. Қочоқ ва хоинлик қилиш ниятида юрганлар ўйлаб иш тутишарди. Афсуски, буларни даҳшатга соладиган ўша калла ҳозир жойида эмас-да!

Чўнтагидаги наган – револьверни олиб, ўқ тўла барабанни айлантириб турган Бўрибойнинг хаёлидан айни дамда шу ўйлар кечарди.

– Сенларга ойига 100 доллардан ҳақ тўлайман! – деди баланд овозда янги бошлиқ. – Вазифанг менинг кўрсатма ва буйруқларимга сўзсиз итоат этиш. Қочишни хаёлингга келтирсанг, терингни шилиб оламан. Бу ердан қочганларнинг биронтаси омон қолмаган!

Бўрибой қаршисида турганларга кўз ташлади. Кўпчиликнинг қути ўчиб, ранги оқариб, тиззаси қалтираб кетди.

– Бизни қўйиб юборинглар, юртимизга, ота-онамизнинг бағрига қайтиб кетайлик! – йигитлардан бири олдинга чиқиб Бўрибойга шу сўзларни айтди. Бўрибой миясига биров мих қоққандек қалқиб кетди ва йигитнинг олдида бориб кўксига револьверни тиради. Унинг ғазабдан қизариб-бўзарган ёноқлари учарди.

– Яна бир бор шу гап оғзингдан чиқса, итдай отиб ташлайман!

Йигит бўш келмади. У йигирма икки ёшлардаги ўспирин эди.

– Отаман деб кўрқитманг! Бари бир мен сизларга қўшилолмайман! Мақсадим, ниятим ўз юртимга хизмат қилиш, унинг довуғи, шон-шухрати, номус ва ори учун курашиш. Лозим бўлса, шу йўлда жонимни тикаман. Сизларнинг мақсадларинг Ватаннинг тинчлигини, барқарорлигини бузиш, одамларни ўлдириш. Ватан хоини деган тавқи лаънатни пешонамга ёзгандан кўра, шу тоғ-у тошлар ичида ўлиб кетганим афзал!

Хамманинг кўзи Бўрибойда эди. Нима қиларкин деб кутишарди. У шу пайтгача жангарилар орасида гапини қайтарадиган довюрак йигитни учратмаганди. «Бундайлар тўдани бузади, хаммани йўлдан уради» деган фикр кўнглидан ўтди. Қолаверса, одамларининг олдида сўзи синди. Аламини, қазабини қуролидан олди. Устама-уст тепкини босди. Револьвердан чиққан учта ўқ йигитнинг кўксига санчилди. Бироқ у йиқилмади. Оёқларини судраб Бўрибой томон юрди. Йигитнинг кўзларидаги қазабни кўрган қотил беихтиёр ортга чекинди.

– Ит! Бари бир сени ўлдираман!

Кўрқиб кетган Бўрибой бирдан қўлида револьвер борлиги ёдига тушиб яна ўқ узди. Кўргошин йигитнинг пешонасига санчилди. У гандираклаб икки-уч қадам босди, кейин ерга йиқилди.

Эртаси куни Эргашни Тожикистонга чақириб қолишди. Лагердаги ишларни Бўрибойга топшириб, марказга жўнади. У тўдабошини кузатиб қайтар экан, ўз чодирига эмас, балки янги келган йигитлар жойлашган чодирга қайрилди. Ўн саккиз ёшлардаги истараси иссиқ йигитни кўз остига олиб қўйди.

– Шерикларинг ухлаганда чодиримга кирасан, – деди уни бир четга чакириб. – Сен билан гаплашадиган гапим бор!

Йигит индамади, аммо «мени ҳам отиб ташлама-сайди» деган қўрқув юрагига гулгула солди.

Бўрибой чодирга кириб чилимга чўғ ташлади. Бир чимдим нашани солиб хўриллатиб тортар экан, йигитнинг тезроқ киришини кутди. Ниҳоят, қоронғи тушди. Йигит оёғи қалтираб Бўрибойнинг чодирига кирди.

– Келдингми? – кўзлари сузилиб, қовоқлари осилиб ширакайф бўлиб ёнбошлаб ётган Бўрибой уни кўриб ёнидан жой берди. – Ўтир!

– Нима гапингиз бор? – қўрқа-писа сўради йигит.

– Чекасанми?

– Йўқ!

Йигит Бўрибойнинг рўпарасида серрайиб тураверди.

– Ўтир!

– Шерикларим кутишяпти.

– Гапимни қайтарганларни жиним суймайди!

– Мақсадингизни айтинг?

Бўрибой аччиқланди, зардаси қайнаб деди:

– Айтадиган гапим битта! Иштонни еч!

Йигит таёқдай қотиб қолди.

– Гапимни эшитдингми?

Йигит ўзига келди ва ортига бурилиб эшик томон юрди. Бўрибой унинг йўлини тўсди.

– Қаёкка?! Муродим ҳосил бўлмасдан бу ердан чиқиб кетмайсан!

Йигит унинг кўкрагидан итариб ташлади.

– Қўлимга қурол ушлаган куним сени итдай отаман!

Бўрибой унинг пешонасига мушт туширди. Йигит кучли зарбдан ҳушини йўқотиб ерга йиқилди.

ҚАСОСКОРЛАР

Бир парча нонни тишлаб «сендан қасос олмасам, эркак эмасман» деб онт ичган Ҳамид одамлари орасидан жисмоний жиҳатдан бақувват, чайир йигитлардан иккитасини танлаб олди. Улар ёшлигидан спорт билан шуғулланиб, номзодлик унвонини олишганди. Ҳамид уларни кўпчиликка танитмай четроқда олиб юарди. Шу йигитларни Эргашнинг тўдасига кириштишга ва улар орқали қасос олишга қарор қилди.

Ҳамид ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан бу соҳада маслаҳатлашмади. Бу унинг хатоси эди. Йигитларига қандай йўл билан бўлса-да, Бўрибой ва Насриддинларни ўз раҳнамоларига қўшиб тинчитиш вазифасини топширди. Улар топшириқни олиб Тожикистонга йўл олишди. Лагерга келган кунларидан бошлаб Эргаш, Бўрибой ва Насриддинларнинг изига тушишди. Тўдабоши камдан-кам ҳолда ташқарига чиқар, кун бўйи кулбасига қамалиб, яқинлари билан айш-ишрат қилиб ўтирарди. Уни бир неча қуролли соқчилар қўриқларди. Сўроқсиз ичкарига ҳеч ким киролмасди. Қасоскорлар Эргашдан ўч олишга пайт пойлашарди. Эргаш Душанбега кетгач, улар Бўрибой билан юзма-юз бўлишди. Соқчилар раҳнамонинг йўқлигидан фойдаланиб, атроф-теваракни қаровсиз қолдиришганди. Бу ҳамиднинг йигитларига қўл келди. Улардан бири муштдек нашани овқатга ташлади. Шусиз ҳам кун бўйи наша чекиб кайф-сафо қилиб, бақириб-қийқириб юрган жангарилар маст эди. Овқатланиб бўлишгач, маст туядек бўкиришиб, тез орада дуч келган жойда чўзилиб хуррак отиб ухлаб қолишди. Бўрибой янги келган йигитлардан бирига нимадир деб ичкарига кириб кетди. Қасоскорлар унинг баччавозлик билан шуғулланишидан хабардор эдилар.

Одамлар ухлаганда йигит Бўрибойнинг чодирига кириб борди. Қасоскорлар унинг изидан чодирга яқин келишди. Бўрибойнинг сўзлари қулоқларига чалиниб турарди. Йигитнинг пешонасига мушт уриб, ҳушидан кетказиб, тўшакка ётқизаётганида улар ичкарига кириб келишди. Бўрибой кўрқиб кетди. Бу одамлар унинг ҳузурига яхши ниятда келмаганини билди. Хўйла ишлатишга уста бўлгани учун ялтоқланди.

– Нима гап, тинчликми, йигитлар?

– Буни сендан сўрамоқчимиз, Бўрибой, – деди қасоскорлардан бири унинг олдига ўтиб. – Синфдош дўстингни ўлдириб тананг яйрадим?

– У сотқин-ку, бизларни ментларнинг қўлига топширмоқчи бўлди, даъюс. Ўлдирмаганимда эрта-индин ҳаммамизни қаматарди....

– Сен-чи, сен хоин эмасмисан? Ҳамиднинг бошига қандай тухмат тошларини ёғдирдинг? Қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни ўлдирдинг! Бу хоинлик эмасми? Ёшгина йигитларни ўлим билан кўрқитиб баччавозлик қилдинг! Ўзинг қилган қотилликларни ўзгаларга тўнкашинг мардликмиди?

– Сенлар ўзи кимсан? Ким томондасанлар? Нега мени сўроқ қияпсанлар?

– Биз сендек қонхўр, ватан хоинидан ўч олгани келган қасоскорлармиз!

Бўрибой юрагини чангаллади. Оғриқ тургандек букилиб инграр экан, қўлини беихтиёр ёстик остига чўзди. Қурулнинг совуқ дастасидан тутди-ю, суғуриб олишга улгурмади. Йигитлардан бири унинг кўксига ханжар санчди. Бўрибой инграб, тўлғаниб, ниҳоят тинчиди. Қасоскорлар жасадни ўзи ётган кўрпага ўраб ташқарига олиб чиқишди. Жангарилар уйғониб, кўзлари кўрсин деган мақсадда мурдани яйлов ўртасига ташлашди. Жасадни ўтказиб, «Топганим шў»

деган мақсадда қўлига бир ховуч ахлатни ушлатиб қўйишди. Бу қасоскорлар эришган дастлабки ғалаба бўлиши билан бирга йўл қўйилган хато ҳам эди...

ДУШАНБЕ

Эргашни шаҳарнинг четидаги кўримсизгина уйда эски кадрдони Саид Калоний кутиб олди. Меҳмонни бағрига босди, кучоғидан бўшатмай аҳвол сўради:

— Ғалабага ҳам саноқли кунлар қолди, иним. Худоба шукрки, омад биздан юз ўғирмади. Мамлакатни тасарруфимизга олдик. Яқин орада икки вилоят ҳам ихтиёримизга ўтади. Кўриб турибсизки, дунё харита-сида янги давлат пайдо бўлади! Хи...хи...м!

Улар мириқиб кулишди.

— Илоҳим, ниятингиз ўзингизга йўлдош бўлсин, устоз! — деди Эргаш Саид Калонийнинг руҳини кўтариш мақсадида. — Мамлакатни қўлга киритган кунингизоқ одамларингизни каминанинг ихтиёрига топширасиз деган умиддаман. Улар Ўзбекистон сари ўзларининг табаррук қадамларини ташлашади! Инчунин, Ўзбекистон заминидаги сизнинг дўсту хайрихоҳларингиз мана шу муборак юришни бир неча йилдан бери орзиқиб кутишаётир! Улар сизга раҳнамо сифатида эмас, ўзларининг халоскорлари сифатида иззат-икром кўрсатадилар.

Бу тақаллуфларга нисбатан Саид Калоний мийғида кулиб бош иргитди.

— Қуллуқ иним, қуллуқ!

— Ҳамкорлик — бу ғалаба!

— Худди шу масала юзасидан сизни бу ерга тақлиф қилдим-да. Айрим масалаларда сизга беғараз ёрдам бериш ниятида Покистондан азиз меҳмон ташриф буюрган.

– Шундайми? – деди Эргаш устозининг маккорона чакнаб турган кўзларига ўғринча нигоҳ ташлаб.

– Қани, ичкарига, иним!..

Эргаш чопонини ечиб, енгил томоқ қириб, тўзиб кетган соч-соқолини силаб зинага оёқ босди. Кенг ва ним қоронғи хонага кириб борганида нотаниш кимса ёнбошлаб ўтирарди. У келгувчини кўриб, ўрнидан кўзгалди. Эргаш ўзига нисбатан кўрсатилган такал-луфдан ҳаволанди. Кибр ила қадам ташлаб меҳмон-нинг олдига борди.

– Хуш омадэд! – деди форс тилида.

– Хушвақт бўлинг! – жавоб қайтарди меҳмон ўзбек тилида. Улар бағриларини бағриларига босиб кўришдилар. Дастурхонда барча нозу неъматлар муҳайё эди. Таралаётган хуш бўй димоғни қитиқлар, иштаҳани очарди. Эргаш очикқан бўлса-да, нафсини тийди. Саид Калоний пиёлаларга чой қуйиб узатди. Шу асно меҳмонни унга таништирди.

– Бу киши Азиз Аҳмад, разведка бошқармасининг Ўрта Осиё минтақаси бўйича масбул ходими.

Эргаш юқори мартабали меҳмоннинг ҳурмати учун ўрнидан турди, қўлини кўксига босиб таъзим қилди.

– Танишганимдан бағоят хурсандман! – деди мамнун бўлиб. Айни пайтда ўзининг бу даврага бежиз таклиф қилинмаганини тушунди. – Гарчи сиз билан муқаддам мулоқот қилмаган бўлсам-да, биродарларимизга бераётган беминнат ёрдамингиз ҳақида кўп қутлуғ сўзларни эшитганман.

Меҳмон Калонийга маъноли қараб қўйди. У Эргашнинг «беминнат» деган сўзига кўпроқ урғу берганидан шубҳалангандек эди.

– Дўст оғир кунда синалади, – деди Азиз Аҳмад ўрнидан кўзгалдиб. Бу билан Эргашни хижолатдан қутқармоқчи эди.

– Очиғи, мен ҳам сиздек содиқ дўстларнинг ёрдамига мухтожман.

Азиз Аҳмад ўзи кутган мавзуда гап очилганидан, қолаверса, бу муаммони Эргашнинг ўзи кўтарганидан мамнун эди.

– Саид Калоний жаноблари сиз ҳақингизда кўп яхши гапларни баён қилдилар. Бу ердаги урушнинг ниҳояси кўринди. Ғалабани муборақбод этадиган кун етиб келди.

– Иншоаллоҳ!

– Қўлингизда қанча одамингиз бор? – сўради Азиз Аҳмад тўдабошидан.

У жим қолди. Меҳмоннинг нигоҳи унга қадалди. Ҳозир 300 нафарга етмаган лашкари бор. Бу рақамни айтса меҳмон қониқиш ҳосил қилмаслиги, у билан бўладиган музокараларга яқун ясаши мумкиндек туюлди. Ошириб айтса, рўпарасида Саид Калоний ўтирибди. У ҳаммасидан огоҳ. Шогирдининг сукунат ботқоғига ботганлигини сезиб жавоб қилди:

– Бундан икки ой аввал биродаримизнинг қўлида 1500 нафар йигити бўлганди. Улар йўриқчиларингизнинг тарбиясини олган. Содиқ йигитлар!

Эргашга жон кирди. Елкасидан тоғ қулаб бошини кўтарди.

– Сафимиз кун сайин янги йигитлар ҳисобига кўпаймоқда, – деди овозини баландлатиб. – Куни кеча йигирма нафар қўнғиллилар келиб қўшилди. Яна юз нафарининг келиши кутилмоқда. Бундан ташқари, юртда минглаб одамларимиз бизни қўллаб турибди! Афсуски, қурол-аслаҳа, ўқ-дорилардан андак қийналмоқдамиз...

Меҳмон мақсад ва ниятлари сари яқинлашаётганидан мамнун эди.

– Жаноблари курол-аслаҳа, ўк-доридан ташвиш чекмасинлар. Бу борада сизга ёрдам берамиз.

– Куллуқ! – Эргаш қўлини кўксига босиб, миннатдорчилик изҳор қилди. – Бироқ камтарин кулингиз яхшилигингизни қай тарзда қайтаришни билмайдурман. Ахир фоний дунё ҳисоб-китобли. Дорилбақога кифтимга гуноҳ юкини ортиб кетсам виждоним қийналади!

Саид Калоний меҳмонга юзланиб, маъноли кўз қисди. Разведка бошқармаси ходими мақсадга қўчди:

– Одамларингизга қанча курол даркор?

Бу илтифотдан Эргаш талмовсираб қолди. Гўё, аниқ рақамни айтса, ҳозироқ қўлига тутқазишадиган-дек эди.

– Ҳозирча минг дона автомат, шунча тўппонча, йигирма-ўттиз қути граната етарли, – деди Саид Калоний шогирдининг ўйга ботганини кўриб. Меҳмоннинг юзида кулги ўйнади. Калоний арзимаган курол-аслаҳани тилга олганига ажабланди. Бироқ бу рақамни янада кўпроқ айтиши, бу билан у Азиз Аҳмадга ён босаётганини сездириб қўйиши мумкин эди. Эргаш бунга аҳамият бермади.

– Куролларни чегарадан олиб ўтиш муаммоси бор, – ниҳоят дилидагини тилига чиқарди Эргаш. – Одамларимнинг маълум қилишича, ҳозир чегара ҳудудларига қўшимча куч ташланган.

– Чегарадан олиб ўтиш муаммоси тўғрисида сиз қайғурманг! Бу борада биз бош қотирамиз, – Азиз Аҳмад шундай деб Саид Калонийга юзланди. – Мендаги маълумотларга қараганда, бу ердаги аҳоли чегара ҳудудини кесиб Ўзбекистонга қочиб ўтаётган экан, шу гап ростми?

Саид Калонийнинг юзи қизарди. Бироқ ҳақиқатни инкор этиш адолатсизлик эди. Шу сабаб бошини маъноли силкитиб қўйди.

— Биз қочоклардан фойдаланамиз, — гапида давом этди меҳмон. — Сизнинг одамларингиз бир гуруҳ қочокларни марзагача ўққа тутди. Отилган ўқлар одамларга эмас, осмонга отилади. Шу тарзда улар чегарани ярим тунда бузиб ўтишади. Ичкарига кириб борадилар ва ўзлари учун қулай жойда чодир тикадилар. Пайтдан фойдаланиб қочоклар орасида бўлган бизнинг одамларимиз ер остини қазиб, қуролларни яширадилар. Қочоклар қайтиб кетгач, одамларингиз қуролларни яширилган жойдан кавлаб олишади. Хўш, Эргашбой жаноблари, таклифим сизга маъқулми?!

— Ажойиб таклиф. Биз учун энг қулай ва осон йўл ҳам шу!

— Замонавий қурол-аслаҳалар жаҳон бозорида жуда қиммат туради, — гапида давом этди Азиз Аҳмад. — Шу сабабли бу борада сиз билан кичкина шартнома тузиб имзолаб олсак. Ҳисобли дўст айрилмас.

— Биз томонга қандай мажбурият юкламоқчилар? — сўради Эргаш.

— Биз одамларимизни ихтиёрингизга топширамыз. Саид Калоний жаноблари ҳам жангда тобланган икки-уч минг йигитларини ёрдамга берадилар. Қараб турибсизки, санокли кунларда юртнинг султони бўласиз. Ёрдамимиз эвазига сиз Самарқанду Бухорони бизнинг ихтиёримизга топширасиз!

Азиз Аҳмаднинг овози шу даражада паст эшитилдики, ҳатто дастурхон тепасида учиб юрган пашшанинг гўнғиллаши бемалол қулоғига чалинди.

Эргаш ўтирган ўрнида худди ер тубига сингиб кетаётгандек ҳис этди ўзини. Бир сўз айтишга тили айланмади. Олов ичида қолгандек вужуди қизиди. У меҳмоннинг бундай нозик шарт қўйишини кутмаганди. Бошини кўтаришга, кўзларини тикиб турган Азиз Аҳмадга боқишга ўзида куч тополмади. Кўнглидан

«Ватанни сотсам, ўзимга не қолур» деган ташвишли ўй кечди. Лекин овзига тикилиб турганларга нимадир айтиши лозимлигини сезиб юраги эзилди.

— Маломатлар бўлсинки, мен бу тўғрида шу кунгача ўйлаб кўрмаган эканман. Лозим топсаларинг, бу саволга узоғи билан бир ҳафтадан сўнг жавоб берсам.

Калоний билан меҳмон пинҳона кўз уриштириб олишди. Уларнинг қарашларида «тизгининг қўлимизда, қочиб қаёққа ҳам борардинг» деган маъно зухур эди.

— Албатта, фикрланг, ўйланг, сўнг жавобини айтинг! — минғирлади Калоний.

Шундан сўнг Азиз Аҳмад гап мавзусини бошқа томонга бурди. Улар алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди. Лекин учаласининг фикри ёди ўзида эмасди.

ЮРТДА

Фатхуллохон дарёдан ўтаётганида ҳушидан кетди. Катердан тушиши билан уни машинага ётқизиб ҳарбий госпиталга олиб кетишди. Шифохонага келганида бадани музлаб қолганди. Ҳеч нарсани сезмас ва идрок этмас, юзаки нафас оларди. Юрак фаолияти сустлашиб билинар-билинемас уриб турар, лаблари кўкариб кетганди. Олиб борилган барча саъй-ҳаракатлар, қилинган дори-дормонлар наф бермади. Кутилмаганда юраги тўхтаб қолди. Докторлар массаж қилиб, қийинчилик билан уни яна ҳаракатга келтиришди. Юрак ишга тушди, бироқ нафас олиш ўша-ўшалигича қолди. Юқоридан қандай қилиб бўлса ҳам Фатхуллохоннинг ҳаётини сақлаб қолиш топширилган. Марказга унинг соғлиги тўғрисида ҳар ярим соатда ахборот жўнатишяпти. Бироқ юборилган маълумотлар қониқарли эмас. Уни ҳаётга қайтариш масаласи жиддийлигича

қолар, бу ҳол марказдагиларни ташвишга соларди. Ҳарбий самолёт орқали Термизга иккита малакали шифокор жўнатилди. Сунъий аппаратлар ёрдамида беморнинг ҳаёти маълум соатларга узайтирилганди. Шифокорлар қўлларида келган ҳамма чораларни қўллашди, сўнгги умидлари Тошкентдан келаётган профессорларда эди. Улар келгунча беморнинг ҳаётини сақлаб туриш шарт эди. Шифокорлар бир ярим соатда етиб келишди. Фатҳуллохонни синчиклаб текширишди. Профессорлар ажал билан олишишга бел боғлашди, қайтадан муолажа бошланди. Беморнинг қон томирига дорилар юборилди. Бу охириги имконият эди. Орадан ўн дақиқа ўтиб, унинг нафас олиши ва юрак фаолиятида ўзгариш пайдо бўлди. Кўкариб кетган лабларига қон югурди. Ярим соат ўтиб, юрак бир меъёрга ура бошлади.

Фатҳуллохоннинг томирларида хайрул умрнинг қони аста-секинлик билан оқарди. Кўз ўнгини қоплаб олган туман ичида гоҳ ўтмиши, гоҳ ота-онаси, ўтиб кетган авлод-аждоди намоён бўлди. Бир пайт у туман ичида Чеврон хонимнинг қиёфасини кўрди. Хоним бақириб-чақириб уни қарғади. Фатҳуллохон у томонга интилди, бироқ оёқларини ердан узолмади, қўлларини мушт қилиб ўдағайлади, холос. Овозининг борица «мени шу кўйга солган сен манжалақи», деб бақирмоқчи бўлди, аммо овози чиқмади. Шунда унинг қулоқларига кимнингдир овози узук-юлук чалингандек бўлди, қақшаб кетган баданига нимадир санчилиб озор етказди. Фатҳуллохон кўзларини очмоқчи бўлди. Оғирлашиб қолган киприкларини зўрға кўтарди, аммо уларни бир-биридан ажратолмади. Шунда қулоқларига чалинаётган шовқин ичидан эркак кишининг овозини илғади. Туман ичидан оқ халатли одамлар кўринди.

Фатхуллохон хавони симириб нафас олди. Хар замонда бир бор учиб турган қўллари ҳаракатга келди. Шифокорларнинг рангига ҳам кизиллик югурди. Уч кундан сўнг бемор ўрнидан турди. Оёқлари қалтираб дераза ёнига келди. Ташқарига боқиб ўтган воқеаларни эслади, кўзларига ёш олди. Болалари, аёли, қўни-қўшнилари ва ниҳоят, Бўронни эслади.

Фатхуллохон ҳаётда ёмон яшамади. Одамлардан ҳам ёмонлик кўрмади. Сири ошкор бўлгунча маҳалланинг катта-ю кичиги ҳурмати қилди. Иссиқ-совуқ маъракаларда бош турди. Ўзига ишонган, уйининг тўридан жой берган, бир бурда нонига шерик қилган одамларга нисбатан ёмонлик қилди. Эргашнинг гапига кириб уларнинг тинчини бузишга, бир-бирига қарши қўйишга интилди. Кимларнингдир қўлига қурол тутқазди. Кимларнидир разил ишларни тарғиб қилишга ундади. Эндигина мустақилликка эришган, ўзининг ойдин келажагини қуришга интилаётган Ватан осойишталигини бузмокчи бўлди. Бироқ нимага эришди, югуриб-югуриб қаерга борди?! Хориждан паноҳ излаб Афғонистонга чопди. Ўзининг одамлари, уни йўлдан оздирган кимсалар нақ бўлмаса тириклай қабрга тикмокчи бўлди. Остонасидан ҳайдаб солган, бир парча ерини тортиб олган Бўрон бор экан, корига яради. Яна ватанига қайтарди. Дарвоқе, қандай қилиб у Афғонистонга ўтиб қолди? Ким уни Эргашнинг тузоғига илинтирди? Фатхуллохон қанчалик бош қотирмасин бу саволларга жавоб тополмади.

Фатхуллохон ёш тўла кўзларини катта-катта очиб ташқарига қарар экан, ўша аламли ва андухли кунлар энди ортда қолганига, бундан бу ёғига тавба-тазарру қилиб, шукрона айтиб, ватанига чин дилдан хизмат қилишга қасам ичди. Бошига қора кунни солган аблахларнинг кирдикорларини очиб ташлашга аҳд

қилди. Орадан бир ҳафта ўтиб соғайди. Иштаҳаси очилиб тўйиб-тўйиб овқат еди. Шундан сўнг шифокорлар кузатуви остида Тошкентга жўнатилди. Бу ерда икки ҳафта даволанди. Тергов-суриштирув ишлари бошланди. Қария терговни чалғитмасликка, берилган барча саволларга тўғри жавоб қайтаришга ҳаракат қилди. Унинг саёзлашиб қолган хотирасини тиклаш учун вақт керак эди. Мухими, асабларини тинчлантириш, зерикмаслик лозим эди. У терговчиларга мамлакат ичкарисиди яшириниб юрган Эргашнинг одамлари ҳақида билганларини сўзлаб берди. Уларнинг рўйхатини тузишда ёрдамлашди. Жангариларнинг қаерда яшашларини, кимдан топшириқ олиб туришларини айтди. Бу тергов ва қидирув ишлари учун муҳим маълумотлар эди. Шу кунга қадар Эргашнинг мамлакат ичкарисидаги гумашталари ва уларнинг олдига четдан келиб кетувчи кимсаларнинг шахси етарли даражада ўрганилмаганди. Оғир жиноятларни содир этиб мамлакатдан қочиб кетган жангариларни ҳамда уларнинг исм-шарифларини аниқлаш мавҳум бўлиб қолаётган эди. Фиёсов ва вилоят ижроия қўмитасининг раиси кимлар томонидан ўлдирилгани ҳам тергов жараёнида тасдиғини топди. Фатҳуллохонда маълумотлар анчагина эди.

Юрагида битмас-туганмас жароҳат қолдирган Червон хонимдан қасос олиш ниятида унинг барча кирдикорларини очиб ташлади. Бир вақтлар унга ошиғу шайдо бўлиб уйига келиб-кетиб юрган дамларида тасодифан қўлига дафтар тушиб қолган эди. Хоним алдов йўллари билан ўз томонига оғдириб олган ўнлаб аёлларнинг исм-шарифи, яшаш манзиллари ёзилган унга. Фатҳуллохоннинг шумлиги тутиб дафтарни ўзи билан бирга олиб кетган ҳамда уйига, кўздан яширин жойга беркитиб қўйган. Кутилмаганда шу дафтар ёди-

га тушди. Бу ҳақда терговчига айтиб берди. Ўша кун
ниёқ қидирув бўлимининг ходимлари Фатҳуллохон-
нинг уйига жўнаб кетишди ва эртаси куни дафтарни
олиб қайтишди. Фатҳуллохоннинг кўрсатмаси билан
яшириниб юрган айрим кимсаларнинг исми шарифи,
ҳозир қаердалиги аниқланди. Мамлакат ичкарасида-
ги Эргашнинг тарафдорлари пайтавасига қурт тушди.

Эргашнинг кўплаб одамлари хибсга олинди.
Фатҳуллохонга нотаниш бўлган ҳамда тергов чоғида
исмини унутиб қўйган кимсалар уясига сув қуйилган
чумолидек типирчилаб қолишди. Турли томонларга
жуфтакни ростлашди. Уларнинг ичида ўзини ҳуқуқ-
ни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари қўлига
топширишни истамайдиган қайсар кимсалар ҳам йўқ
эмасди. Улар Эргаш гуруҳи томонидан қабул қил-
ган қасамёдга содиқлигини кўрсатиш ниятида орган
ходимларининг кўзидан кочиб хавфсизроқ жойдан
бошпана ахтаришарди. Ўшандай гуруҳнинг бирига
Самарахон исмли кимса етакчилик қиларди. Ташқи
кўринишидан ўта раҳмдил, аммо тош юракли бу ким-
са ҳақида китобимизнинг кейинги бобларида тўхта-
лишни лозим топдик.

САМАНГАН

Эргаш Душанбедан дилгир кайфиятда қайтди. Қо-
ронғилик босган юрагини қуёш нурлари ҳам ёритол-
масди. У Саид Калонийдан бу қадар пасткашликни
кутмаганди. Қолаверса, махсус хизмат идоралари
унинг чорасиз қолганидан фойдаланмоқчи бўлаётган-
ларини энди ўзлари фош қилишди. Уларнинг мақса-
ди тўдабошига беғараз ёрдам бериш эмас, балки шу
кўмакнинг замирида ўзларининг пинҳона мақсад-
лари яширинганини тўдабоши шу пайтгача хаёлига

келтирмаганди. Юртга бостириб кирмасдан, ўзининг хукмронлигини ўрнатмасидан олдин Азиз Аҳмад сингари жосусларга тақсимлаб ташласа, ўзига нима қолади? Кимга бош бўлади? Юртда террорчи, босқинчи деган ном олгани етмагандай, энди «ватанфуруш» деган тамғани ҳам пешонасига ёзиб оладими? Миллий низолар, адоватлар баттар кучаймайдими? Аросатда турган халқ ватанфуруш экан деб ундан юз ўгирмайдими? Эргаш шуларни ўйлаб Азиз Аҳмаднинг саволини жавобсиз қолдирди. Айғоқчи кеч бўлса-да, хатосини пушаймонлик ила тушунди. Шундай бўлса-да, у Эргашнинг руҳини туширмаслик мақсадида гапни бошқа томонга бурди. Бир қатор мамлакатлардан кул-рол-аслаҳа келишини, уларни текинга беришини айтди. Эргаш ўзининг маконига кетаётганида бу ҳақда жиддий ўйлади. Юрагида Азиз Аҳмаднинг ваъдасига шубҳа уйғонди.

Лагерда ўзини нималар кутаётганидан беҳабар Эргаш шомга яқин кириб келди. Уни кутиб олиш учун йўлига чиққан одамларининг боши ҳам эди. Оғизларига мум солгандек бошларини эгиб туришибди. Тўдабоши бу ерда қандайдир кўнгилсизлик бўлганини қовоқ-тумшукларини осилтириб туришганиданок англади. Юз-кўзларига саволомуз тикилди. Кимдир юрак ютиб нохушлик сабабини баён қилди.

– Сиз пойтахтга жўнаб кетган кунингиз тунда Бўрибойни кимдир бўғизлаб ташлади, – деди паст овозда.

Эргашнинг рангидан қон қочди. Юзи оқариб, кўзлари чўғ мисоли ялтиради.

– Ким экан у баттол?! – деди. Фазабланганидан вужуди япроқдек титради.

– Ҳозирча аниқлай олмадик, амирим, – орқа сафда турган одамлардан бири ғамгин оҳангда жавоб қайтарди.

– Гумонларинг кимдан?!

Эргашнинг саволи жавобсиз қолди.

— Нега жимсанлар? Ёки сенлар ҳам унга шерикми-динг?! — овозини баландлатиб ўшқирди тўдабоши.

— Ўлимдан хабаримиз бор, аммо бу хунрезликни ким қилганини билмаймиз, амирим.

— Ичимизда душман бор. Мен уни топиб терисини шилиб, хуморим босилмагунча тинчимайман!

— Ҳақ гапни айтдингиз, амирим. Ҳукуматнинг ай-роқчиси ичимизда!

Эргаш ялт этиб овоз келган томонга ўгирилди. Сўзлаган одамнинг кўзларига нигоҳини ўкдек қадади.

— Билар экансан, нега аниқламайсан, ит?! Нега менга бир офиз шипшимайсан?!

— Билганимда ичак-чавоғини салла қилиб бошига ўраб қўйган бўлардим, амирим. Билолмай доғдаман! — надомат билан деди бояги йигит.

— Аниқлайсан, Содик! Сенга бир ҳафта муҳлат! Тополмасанг, ўзим ичак-чавоғингни бошингга салла қилиб ўраб қўяман, тушундингми?!

Содик қўлларини кўксига қўйиб бош эгди. Унинг юзи қизариб-бўзарганди.

Эргаш чодир томон юрди. Ортидан шатаклари эргашди. Бундай пайтларда кўпчилик унга рўпара келишдан чўчирди. Олдига юрак ютиб боролмасди. Хўжайиннинг қоронғилик чўккан, ғам-андух кемираётган юрагига фақатгина Нўъмон далда бериши мумкин. У чодирга етиб боргунча хўжайинга қандайдир хуш кайфият бахш этувчи сўзларни айтиб борди. Чодирга яқин келишганда Нўъмон хўжайиннинг олдига ўтди ва эшикни очди, қўл қовуштириб ичкарига таклиф қилди. Остонадан ўтиши билан димоғига хуш бўй урилди. Дераза ёнида орқа ўгириб ўтирган аёл ўрнидан турди. Одоб-икром билан қўлини кўксига босиб таъзим қилди. Унинг қизғиш, майин сочлари елкаси-

га ёйилиб тушган. Мовий кўзлари, турли бўёқлардан ялтираб турган юзларида табассум жилва қилади. Бироқ бу табассум кўркув ва ҳадикни яширолмади. Эргаш бир қарашдаёқ аёлнинг европалик эканлигини сезди. Унга сўзсиз тикилди. Сўнг Нўмонга қаради. Унинг чақнаб турган кўзларида «бу ким?» деган маъно яширин.

— Ўзимизникилар ташлаб кетишди. Икки-уч кун кулбангизда яшаб турарканлар! — деди айбдордек бошини эгиб.

— Ўзимизникилар деганинг ким? — Эргашнинг асаби бузилган овозидан сезилди. Нўмон тайёрлаб қўйган совғаси бошлиққа ёкмаганидан афсусланди. Аёлни кўрса юмшар деган ўйда эди. Унга хўп мулозамат кўрсатиб, ҳурматини қозонишга ҳаракат қилганди. Шунча югургани сариқ чақага арзимади. Ҳақиқатан ҳам аёлни ким ташлаб кетганини билмасди. Тун ярмида уч-тўрт нафар йигит машинада келди. Эргашни сўрашди. Душанбега кетганини айтди. Орқа ўриндиқда ўтирган аёлнинг машинадан тушишини илтимос қилишди. Аёл оппоқ оёқларини, сўнг чиройли қоматини кўз-кўзлаб пастга тушди. Нўмоннинг юраги дукиллаб урарди. Бундай гўзал ва латофатли аёлни камдан-кам учратганди. Пастга тушганида тунги эпкин унинг юпқа қўйлагини тортқилаб кўтариб юборди. Йигитлар аёлга ўз тилида нимадир дейишди. Аввалига аёл рўйхушлик бермади. Бошини эгиб қисқа, аммо кескин сўзларни сўзлади. Йигитлар ялинувчан оҳангда яна нималарнидир тушунтиришди. Ноилож қолган аёл бош ирғиди. Шундан сўнг йигитлар ортга қайтишди. Аёл қолди. Нўмон уни хўжайиннинг азиз меҳмони бўлса керак деб ўйлади. Гоҳ рус, гоҳ тожик ва ниҳоят, ўзбек тилида ичкарига — Эргашнинг ётоғига таклиф қилди. Аёл индамай ортидан эргашди. Нў-

мон жононнинг қоматига боқиб тўймасди. Унинг хусни юрагини жизиллатарди. Кечадан бери ичига чўғ ташлаган бу аёлнинг қошларига нигоҳ ташлаб:

— Шу ерлик биродарларимиз бўлса керак-да, хўжайин! — деди юрак ютиб.

Бу жавоб хўжайинни қониқтирмади.

— Сенга доим айтаман, келган одамнинг кимлигини, исм-шарифини сўрагин деб. Қулоғингга гап кирмайдиган йигит экансан! — деди.

— Азият чекманг, афандим! — ниҳоят тилга кирди аёл.

Унинг чўзинчоқ ва пардоз-андозни кўп ишлатганидан оқариб кетган юзи сохта табассумдан ёришди.

— Бен турк мамлакатиндан гелдим. Бизин арқадошдин чўх селомлари вар!

Бу сўзларни эшитган Эргаш ток урган одамдай сесканиб тушди. Қиёфаси европаликларга ўхшаб кетадиган бу аёлнинг туркчилигини хаёлига келтирмаганди. Туркия заминига бормаган бўлса-да, Ўзбекистондан кетиб қолган биродарларини танирди. Вақти-вақти билан алоқа боғлаб турарди. 80-йилларнинг охирида Ўзбекистонда эндигина шаклланаётган гуруҳ фаолиятини йўлга қўяётганида туркиялик ватандошлари билан учрашган. Керакли маслаҳат ва йўл-йўриқларни олган. Қолаверса, Афғонистонда хизмат бурчини ўтаётган кезлари мужоҳидлар қўлига асир тушганида қандайдир нотаниш, бироқ тилидан турк миллатига мансублиги сезилиб турган йигит уни сўроқ-савол қилганди. Ўша одамнинг кўрсатмаси билан кўпгина қовозларга қўл қўйган. Одамларни ўлдирмаган бўлса-да, мурдаларнинг бўғзига пичоқ, тирикларнинг пешонасига автомат тираб суратга тушган. Ўшанда бу суратлар нима учун ва кимга кераклигини хаёлига келтирмаган. Орадан кўп ўтмай афғон уруши тугаб, мамлакатда парокандалик юзага келганида ўша су-

ратлар Туркияда яшаётган ватандошларнинг кўлида пайдо бўлди. Эргаш суратларни кўриб, бадани музлаб карахт бўлганди. Бундай суратлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг кўлига тушиб қолса, тақдири нима бўлишини яхши билади. Бироқ улар Эргашни органга тутиб беришмади. Суратларни уларнинг кўлига топширишмади. Уни йўқлаб келган одамлардан бири турк эди. Анча гапга чечан, бироқ айёр эди. Хонимнинг турк тилида сўзлашини эшитиб Эргашнинг кўз ўнгида ўша танишининг қиёфаси гавдаланди. Ҳозир ҳам рўпарасида тургандек бадани сесканди. Хоним «танишларингиздан салом» деганда ўша одамни назарда тутдими? Эргаш буни билолмади. Қайси оғайниларимдан деб сўрашга истиҳола қилди. Улар салом йўллашибдими, Эргашнинг бу ерга келишидан хабардор! Уни пойлаб юришган. Нима иш қилаётганини кузатишяпти. Муҳими, унутишмаган.

Эргаш қаршисида ширин табассум ҳадя этиб турган бу аёлнинг устига қалам билан чизилган ингичка қошларига суқ билан тикилди. Юрагида ширин ҳис уйғонди.

– Ҳуш келибсиз, хоним!

Нўъмоннинг кўнгли жойига тушди. Чўзинчоқ юзи табассумдан ёришди.

– Менга ижозатми, хўжайин? – деди ютиниб.

Эргаш бош иргиди. Нўъмонни остонага етганда тўхтатди.

– Бирор егулик келтир, қорним оч.

Хоним мастона қадам ташлаб боя ўтирган жойга борди. Деразадан тушиб турган қуёшнинг шаффоф нурлари унинг кўнғир сочларини бир оз қизғиш тусга бўяди. Бўйнидаги олтин занжир учига илинган юрак шаклидаги тақинчоқни бармоғи билан эзғилаб, яна Эргашнинг юзига бокди. Бу орада тўдабоши эғнидаги

тўини ечиб, дераза ёнидаги илгакка илди. Пешона-
сини кафти билан силади.

– Бен чўх угзел юмушла гелдим, – деди хоним Эргашнинг курсига ўтиришини ҳам кутмай. Бу сўзларни сўзлаётганда юзи жиддийлашгандек бўлди.

– Қулоғим сизда, хоним... – Эргаш аллақандай нохушликни илғади.

– Балки бугун, балки ярин яниниза Афғонистандан Гулбиддин Ҳикматёр эфендимин аркадашлари гелажак...

– Қандай масала бўйича? – шошиб сўради тўдабоши. – Билсак бўладими?

Хоним кўйлагининг этагини букиб Эргашнинг рўпарасига ўтирди, оғзидан чиққан иссиқ ховур унинг юзига урилиб турарди. Аёлга жиддийроқ разм солди. Боя кўзига ёшгина кўринган бу аёлнинг юзига суртилган бўёқлар ортидан анча ёшга бориб қолганини пешона ва кўкрагидаги ажинлар ошкор қиларди.

– Бизе гелан билгилара гўре бурдаги аркадашлардан Афғона гечмишлар. Ўрада Гулбиддин Ҳикматёр жаноблари ила кўнушмушлар. Бу аркадашларин гузел шехерлериниз ўлмиш Бухара ве Самарканд ила гечирмак истерлер. Сизе ёнина чорлайиб бўйлашей, истеселер асло рози ўлмайин. Агар рози ўларсангиз, Узбекистани дурум чўх кўту ўлежек. Бўйла ўлмесини истемедийим учун янингиза гелдим, – деди аёл туркчалаб.

Эргашнинг бошида санчиқ тургандек бўлди. Саид Калонийдан ноўрин ранжиганини пайқади. Демак, бу ишнинг бошида бошқа одамлар турган экан-да. Яхшиямки уларнинг таклифини қабул қилмади, агар курул-аслаха эвазига уларнинг шартларига кўнгудек бўлса, шарманда бўлиши аниқ эди. Дарвоқе, бу хабарни улар кимдан, қачон эшитишдийкин? Нега бундан

ташвишланишяпти? Мақсадлари нима? Туркиядаги биродарлари хабар топишибдими, Эргашнинг сир сақлашига ҳожат йўқ. Бу ерда Туркия разведкасига хизмат қиладиган айфоқчилар бор!

Айфоқчи сўзи хаёлига келганда Эргашнинг вужуди қақшаб кетди.

– Мени афв этинг, хоним, сиз бу хабарни кимдан ва қачон эшитдингиз? – сўради шошиб.

– Бу хабари бен эмас, сизин аркадашлариниз демиш. Кимдан ве не заман хебер топиш ҳақида бана сўйлашмади.

Эргаш учун бир нарса ойдинлашди. Хоним айтган ўша биродарлари бундан ташвишланиб, унга хабар беришга шошилишган.

– Ҳозир пойтахтдан келяпман. Разведка бошқармаси ходими мени чакириб, олдимга икки шарт қўйди.

– Сиз не сўйладиниз? – хонимнинг саросимага тушиб қолгани унинг юз-қўзларидан маълум эди.

– Рад жавобини бердим!

– Чўх гузел, эфендим! – хоним мамнун бўлиб иссиқ кафти билан Эргашнинг қайноқ юзини силади. – Иншааллоҳ, бундан сўн сизле ҳамкарлигимиз девам этажак. Лазим ўлан хер шэйи веражайиз.

Тўдабошининг юраги таскин топди. Руҳи енгил тортди. Ундаги ўзгаришларни хоним илғади. Қалбидаги шодлик ва қувончни сўз ила эмас, балки ҳаракатлари ила ошкор қилгиси келди. У Эргашнинг қўлларидан тутди. Нозик бармоқлари ила унинг билагини силади. Эргаш қаршисидаги бу аёл юзидаги сирли ва ширин табассумнинг маъносини илғаб етди. Қандайдир ички ҳиссиёт эркаклик ғурурини қитиқлади. Хонимнинг қўлидан, сўнг юмшоқ билагидан ўпди. Шу пайт эшик очилиб қўлида лаган кўтарган Нўъмон кириб келди...

– Қовурдоқ пишириб келдим, хўжайин, – деди юзи қизариб. – Яна нима олиб кирай?

– Анави арманларнинг коньягидан келтир.

– Бош устига!

Нўъмон чиқиб кетгач, Эргаш меҳмонни ўтиришга таклиф қилди...

Туркон хоним кетиш олдидан яна бир бор Эргашнинг қайноқ бўсаларига юзини тутиб берди. Икки ошиқ бир-биридан айрилишни истамади. Айрилиш улар учун азоб эди. Вақт эса ўтиб борарди. Хонимнинг жўнаш фурсати етди. Довон ортида уни одамлари кутишарди. Ниҳоят, Туркон хоним ўрнидан турди. Тимсоҳ терисидан ишланган сумкасидан ойнагини олиб, тўзғиган сочларини тартибга солди. Юзларини силади. Кўкарган жойларига бўёқ суртди.

– Гурк гиби таним озор вермишисиз, – деди у хирс ёнган кўзларини Эргашга қадаб. – Гўзу тушганлара не дейин?

– Упадан кўпроқ суртинг, – ўзича маслаҳат берган бўлди тўдабоши. Сўнг ўрнидан турди. Боши енгил айлангандек бўлди. Вужудида танасини кўтариб турадиган қувват қолмаганди. Гандираклади, қўл-оёғи қалтираб кийинди. Ташқарига чиқишдан аввал хоним Эргашнинг қўлига пакет тутқазди.

– Аркадашлариниз верди!

Пакетнинг ичида нима борлиги уни қизиқтирмади. Фикр-хаёли пардоз-андоздан яшариб кетган Туркон хонимда эди. Эргаш кенг кучоғини ёйиб Туркон хонимни бағрига тортди. Бир нафас хушбўй хид уфуриб турган бошига юзини босди.

– Яна келасизми?

– Лазим ўлсам арайиниз, – нозланиб деди хоним.

– Топаман, албатта, тирик юрсам топаман, – онт ичгандек пичирлади.

Хонимни кузатиб қўйгач, тўдабоши вужудида лоҳаслик ҳис этди. Ҳамон боши айланар, вужудини безгак тутгандек енгил титроқ эгаллаб олганди. У Нўъмонга иссиқ чой олиб киришни буюрди-да, хонасига қайтиб кирди. Хонада хонимдан қолган ширин хид анқирди. Ҳавони симириб чуқур-чуқур нафас олди. Стол устида у ташлаб кетган пакет турарди. Кўзига ғалати кўринди. Ичида нима бор экан деган кизиқишда унга қўл чўзишга мажбур бўлди. Титроқ қўли пакетга эмас, балки хоним унутиб қолдирган олтин занжирга тегди. У анча салмоқли, юрак шаклидаги туморни эслатувчи тақинчоқ эса ундан-да вазмин эди. Буюмнинг орқа томонида кўз илғамас тугмача бор эди. Эргашнинг қўли шунга тегди. Қопқоғи очилди. Кўзи ипдан-ингичка симга тушди. Бу фақат разведкачилар иш юзасидан ишлатадиган микромагнитофон эди. Эргаш бундай буюмни аввал кўрмаганини эслади. Демак, овози шу лентага ёзилган. Кимнингдир топшириғи бажарилиши лозим бўлган.

Эргаш пакетда ўзи учунгина эмас, балки бу ердаги йигитлари учун ҳам ўта муҳим маълумот борлигини хаёлига келтирмаганди. Ичидан бир даста суратлар билан икки варақ қоғоз чикди. Суратларни томоша қилди. Расмдаги ўзи тенги йигитнинг қиёфаси эътиборини тортди. Таниш чехрали бу йигитни қаерда, қачон кўрганини эслолмади. Шундан кейин қоғоздаги ёзувларни ўқишга тутинди. У кирилл ҳарфида битилганди.

«Муҳтарам иним, Эргашбой. Ушбу суратларни жўнатишимдан мурод шулки, сиз тасвирда кўриб турган бу йигит сизнинг юртдошингиз бўлиб, 1985 йилда Қандаҳор яқинидаги тоғ йўлида бир ғуруҳ шўро аскарлари сафида мужоҳидлар томонидан асирга олинган. Тутқунларнинг кўпчилиги биз

билан ишлашдан бўйин товлагани учун қатл этилган. Сиз суратда кўриб турган бу йигит 10 йил давомида Покистоннинг турли туманларида яширин ҳолда сақланган. Сизга маълумот тариқасида шуни қўшимча қиламизки, бу йигитнинг исми Қодир Баҳодирхон ўғли бўлиб, водийнинг Олтинтопар қишлоғида истиқомат қилган. Шўро армияси раҳбарлари уни афгон уруши вақтида ҳалок бўлганлиги тўғрисида ота-онасига маълумот жўнатилган. Урушдаги жасоратлари учун ҳукуматнинг ордени билан тақдирланган. Қишлоқдаги мактаб ва кўчалардан бирига унинг номи берилган. Отаси ширкат хўжалигига раҳбарлик қилмоқда. Ўғлининг тириклиги тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Одамларингиз орқали Қодирнинг айни пайтда тириклигини айтиб, суратларини кўрсатсангиз, унга ишонмасдан ўзга чораси йўқ. Бу билан сиз унинг падарини ўз томонингизга оғдириб олиш имконига эга бўласиз»...

Нўъмон нонушта олиб кирганда хўжайин хаёлга толганча ўтирарди. Бу унинг учун кутилмаган янгилик, қолаверса, катта бойлик манбаи эди. Гарчи Қодирни танимаса-да, Афғонда ўлиб кетган йигитларнинг ота-оналари қишлоқда қандай иззат-икромга лойиқлигини Эргаш яхши билади. Давлат улар учун барча имконият ва шароитларни яратиб берган.

— Нўъмон, — деди хўжайин қўлидаги бир даста суратни хонтахта четига қўйиб. — Ишончли одам топ. Зудлик билан водийга тушиб келиш керак!

— Тинчликми, хўжайин?

— Тинчлик эмас, қулинг ўргилсин бир иш чиқиб қолди! Ёки ўзинг жўнайсанми?

— Водийда мени ҳамма танийди, хўжайин. Бошқа одам топа қолай!

– Мўлжалингда кимни жўнатсак маъкул? Билиб қўй, танлаган одаминг қилни қирқ ёрадиган устомон, айёр, муттаҳам, шаллақироқ бўлсин!

Нўъмон ўйланди. Хаёлан ўзига қарашли йигитларни эслади. Хўжайиннинг киртайган кўзларига тикилиб:

- Топдим, хўжайин, – деди хурсанд бўлиб.
- Ким? – шошиб сўради Эргаш.
- Шариф!
- Биз айтган топшириқнинг уддасидан чиқа оладими?
- Суҳбатлашиб кўрасиз-да.
- Чақир!

ЮРТДА

Шариф Олтинтопар қишлоғига шомга яқин кириб борди. Йўловчи машина уни гузарга ташлаб кетди. Атрофи тоғу тошлар билан ўралган қишлоқ кўчалари ишдан қайтаётган одамлар билан гавжум. Баданни жунжиктирувчи совуқ эпкин эсади. Шариф машинадан тушди-ю, шу ернинг одамидек пастлик томон тушиб кетди. Катталардан гап сўраш ноқулай, шубҳа уйғотиб қўйиши мумкин. Болалар тўп ўйнаётган яйловга борди. Уларнинг ўйинини томоша қилган бўлди. Ниҳоят, улардан биридан сўради:

– Баҳодирхон раиснинг уйи қайси?

Бола қўлини пастга чўзиб:

– Тунукаси ялтираб турган хув анови икки қаватли уй! – деди.

Шариф икки қаватли дарвоза олдига етганда ичкаридан чиқаётган овозни эшитиб тўхтади...

Нўъмон бошлиққа ҳақ гапни айтди. Лагерда Шарифнинг олдига тушадиган муғомбир одам топилмасди. Безорилик қилиб қамоқхонада икки бор ўти-

риб чиққан. Охирги сафар тушганида нозирни алдаб қочиб кетди. Шаҳарда уч-тўрт ой яшириниб яшади. Эргашнинг одамларига рўпара келиб қолди. Уларга эргашиб Тожикистонга қочиб ўтди. Асли хоразмлик бўлган бу йигитнинг водийга биринчи келиши эмас. Ёшлиги Қурама тоғлари қўйнида ўтган. Отаси узок йиллар хўжаликнинг қўйларини боқиб рўзғор тебратган. Бахтсиз тасодиф туфайли қоядан тушиб, умуртқаси синиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолган...

Шариф ичкарида бўлаётган хангомани тинглаб ўтирди. Кўча эшикдан ўн беш қадамча наридан, тепадан совуқ сув шовуллаб тушаётган катта ариқ тепасига темир қафас ўрнатилган бўлиб, унинг ичида бир жуфт шер сақланади. Қафас атрофини одамлар ўраб олган:

- Ҳақиқатан ҳам булар шерми?
- Ишонмаётган бўлсанг қафас ичига кир!
- Бир томоша кўрсатинг, раис бува!
- Айтишларича, шерларингиз бузоқни ҳам тирик-лай ғажиб ташлармиш-а?

Одамларнинг шовқини шерларнинг ғашига тегди шекилли, оғизларини очиб ириллади. Лаблари икки томонга тортилиб узун тишлари кўриниб кетди.

Қафас ёнида томошабинларнинг сўзларини тинглаб ўтирган яланг бош, майкачан раис тўпланганларнинг сўзини жимгина эшитиб, томоша кўрсатишга шайланиб турган цирк артистидек қўлини ҳавода силкитиб, ўткир тишларини ғичирлатиб турган шерларга: «Тихо!» дея буйруқ қилди. Шерлар оёғини тунукага тираб жим қотди.

- Холмат! – қичқирди хўжайин.

Ховли тарафдан оқ ятаклик кекса ёшдаги одам югуриб чиқди.

- Лаббай, хўжайин!

– Қўрадан такани олиб кел!

Ичкарига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай турган Шариф яна бир оз сабр қилишни лозим топди. Бахтига кўчада одамлар кўринмади. Бояги икки меҳмон бир-бирига қараб, раиснинг шаънига мақтов ёғдиришди.

– Отангизга минг раҳмат! Шундай йиртқични қўлга ўргатибсизми, демак, сизга гап йўқ, раис бува!

– Булар зотдорлари бўлса керак. Терисини қара, ялтирайди. Бундай шерлар ҳозир «Қизил китоб»га киритилган.

– Ҳафсалангизга қойил, раис бува!

– Урчитганмисиз?

– Анавинисининг қорни икки томонга чиқиб қолибди. Назаримда яқин кунлар ичида болаласа керагов.

– Биттасини берасиз, раис бува! Ҳозироқ машинамни закалатга ташлаб кетаман.

– Қайдаги гапларни гапирасан, полвон. Раис бувам сенинг шалағи чиққан эски аравангга зормидилар? Оламан десалар бугуноқ ўнтасини қаторлаштириб ташлайдилар!

Мақтовлардан ҳаволанган раис бува меҳмонларнинг сўзини бўлгиси келмасди. Бу орада Холмат қўрадан семиз такани судраб келди. Жонивор қафасга яқинлашганда димоғи шерларнинг ҳидини олиб, овозининг бориचा маъраб типирчилай бошлади. Овози атрофни бузиб юборай деди. Шерлар ўрнидан туриб пишқирди. Иккиси ҳам оч эди. Кейинги пайтда раис бува йиртқичларни тушликдан тортиб қўйди. Илгарилари вилоятдан, республикадан, ҳатто иттифокдан келган меҳмонлар шерларни кўриш иштиёқида Олтинтопар қишлоғига тез-тез ташриф буюришарди. Кейин эса шу атрофдаги қизикувчилардан ўзга келувчи қолмади.

– Холмат бир қўли билан таканинг шохидан ушлаб, иккинчиси билан қафас эшигини қия очди. Жониворни даст кўтариб шерлар ичига ташлаб юборди. Хўжайиннинг меҳмонлари уларга тикилганча қотиб қолишди. Бу пайтда Шариф меҳмонлар қаторидан жой олди.

Урғочи шер қаршисида оёғи калтираб турган такага яқинлашди. Таканинг бояғи фарёди ўчди, зўрға нафас оларди. Шер уни хидлади. Ҳаво сўргандек бурнини кўкка кўтарди. Узун, тук босган лаблари икки томонга тортилиб ўроқни эслатувчи тишлари кўринди. Така бурчакка қисилиб букланиб қолди. Нар шер ҳам ўрнидан турди. Таканинг олдига яқинлашди. Бир хамла билан эчкининг бўйнидан тишлади. Жониворнинг оёқлари ердан узилди, маърашга ҳам улгурмади. Фақат оёқларинигина типирчилатиб қўйди. Шер зарб билан уни улоқтириб ташлади. Жонивор шалоп этиб нариги бурчакка тушди. Шер вазмин қадам босиб типирчилаб турган таканинг белидан тишлади ва худди боягидек боши узра улоқтирди.

Урғочи шер унинг қорнига кенг панжарасин қўйиб, ўткир тишларини сонига ботирди. Бир зумда эчкининг ичак-чавоғини чиқариб ташлади. Ҳаво қон ҳидига тўлди.

Раис буванинг одамлари томошадан завқ олишди. Қарсак чалиб шерларними, раисними олқишлашди.

– Тасанно!

– Қойил!

– Гап йўқ!

– Циркда ҳам бунақасини кўрмаганмиз!

Бирдан раиснинг кўзи ортида турган йигитга тушди. «Бу ким, қаердан келди» деган ўй кўнглидан ўтди. Меҳмонлар тарқалди. Бироқ нотаниш йигит турган еридан жилмади. Суякларни ғажиб ётган шерлардан кўз узмай тураверди.

– Сенга ким керак? – меҳмонларни кузатиб қайтаётган раис бува Шарифнинг елкасидан туртиб сўради. Йигит унинг дағал муомаласидан аччиқланмади. «Хозир сутга тўйган бузоқдек ювош бўлиб қоласан» деган масхараомуз табассум юзидан зухур бўлди.

– Сизни соғиниб келдим, раис бува, – деди Шариф мулойимлик билан.

– Кимсан?!

– Узоқдан келдим, мусофирман!

Раис бува ўй сурди. Узоқ элда қариндоши, яқинлари йўқлигини эслади. Ҳайрати ошди.

– Мени узоқда танишим йўқ!

– Хотирангиз хира тортиб қолганга ўхшайди.

– Нима ишинг бор? Кимдан сўраб кирдинг? – раиснинг асабийлашаётгани юзидан сезилди. – Вақтим тигиз, йиғилишга бораман.

– Ўғлингиздан салом олиб келдим, раис бува!

Уй эгасининг юзи дув қизарди.

– Ўғлимдан, қайси ўғлимдан?!

– Пушти камарингиздан бино бўлган Қодирдан-да!

– Қодир урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлган!

– У тирик!

– Ёлғон! Сен фирибгар менинг уйимга бирон нарса ундириш илинжида киргансан! Қани, бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол-чи, бўлмаса мелиса чақираман!

Шариф ҳамёнига қўл солди.

– Мелиса чақирсангиз чақираверинг!

Баходирхон қичқирди:

– Холмат!

Ховлида юрган узун бўйли, қотмадан келган киши юуриб келди.

– Буюринг, хўжайин!

– Мен қочи́б кетмайман, аввал мана бу суратларни бир кўринг-да, кейин мелиса чақираверинг, кутиб тураман, – деди Шариф.

Баҳодирхон йигитнинг кўлидан суратларни юлиб олди. Уларга кўз югуртириб ранги ўчди.

– Бу менинг ўғлим эмас, – паст овозда деди. Овозидан руҳи тушганлиги сезилиб турарди. Баҳодирхон яна нимадир демоқчи бўлди, бироқ лабини тишлади.

– Наҳотки ўз фарзандингизни танимадингиз, раис бува!

– Ўғлим Қандахурда қахрамонларча ҳалок бўлган! Расминг қалбаки!

– Тепа лабидаги холига, бўйнидаги тиртиғига қаранг!

Раис кўлидаги суратларга яна кўз ташлади. Энди унинг лаблари титраб, кўзлари ёшланди.

– Наҳотки болам тирик бўлса?

– У тирик. Истасангиз кўришингиз мумкин!

– Қаерда у?!

Шариф кўз қирини Холматга ташлаб кўйди. Баҳодирхон бунини тушунди.

– Бор, ишингни қил! – деди хизматкорга.

Холмат кетгач, Шариф раиснинг саволига жавоб қилди:

– Кўшни давлатда...

– Аниғини айт!

– Афғонистонда!

– Афғонистонда?!

– Шундай!

– У ўлган, харбийлар алдашмайди, уйимда қора хат турибди.

– Бахтингиз бор экан, раис бува, Қодир жангда қаттиқ яраланган, шериклари уни ўлганлар сафига қўшиб ташлаб кетишган экан. Афғон мужоҳидлари келиб ўғлингизнинг нафас олаётганини сезиб қоли-

шибди. Дарров уни Вазиристонга олиб ўтиб етти ой даволашибди.

– Кўзинг билан кўрдингми?

– Гаплашдим ҳам...

– Алдама!

– Алдасам бу суратларни қаердан олардим!

– Афғонистонда нима қиляпти?!

– Эргашбойнинг хизматида...

– Қайси Эргашбой?!

– Уни бутун мамлакат танийди, раис бува...

– Ватанфуруш Эргашни айтяпсанми?

– Ундай деманг, раис бува, нима қилса ҳам ўғлингиз тўдабошининг энг ишончли ва содиқ йигитларидан!

Баҳодирхоннинг ранги гезарди. Қўлидан расмлар тушиб кетди. Хумдек калласини чангаллаб тошлар устига тиззалаганича ўтириб қолди. Кўксига ўқ қадалган одамдек ингради. Тўшини ғижимлади. Бу нохуш хабар ҳозиргина юзида балқиб турган кибру ҳавони юлиб ташлади. Шариф уни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Ташқаридан бирорта бегона одамнинг кириб қолишдан хавотирда эди у. Лекин ҳеч ким кирмади. Бу пайтда қуёш сўнгги нурларини йиғиштириб, қоронғилик туша бошлади.

– Мендан нима истайсан? – анчадан кейин ўзига келиб сўради Баҳодирхон.

Шариф унинг ёнига ўтирди.

– Арзимаган илтимосимиз бор, раис бува.

– Айт!...

– Бизга ўн миллион пул керак!

– Ўн миллионни мен қаердан оламан, ўйлаб гапиряпсанми?

– Сиз ундан ҳам кўпига қодирсиз, раис бува...

Баҳодирхондаги бояги кибру ҳаводан, манманликдан, димоғдорликдан асар қолмади. Худди бурнидан

ип ўтказилган кўппакдек Шариф билан мурасага келишга рози эди. Қодирнинг тириклиги, Эргашдек юртфурушнинг хизматини қилаётганини эл билса, ўзининг шарманда бўлишини тушунди. Гап-сўз кўпаядиган бўлса, йиллаб йиққан обрўси тутдек тўкилади, қаҳрамоннинг эмас, юрт хоинининг отаси эканлиги фош бўлади

Баходирхон Шарифни қафас олдида қолдириб, ташқарига чиқиб кетди. Меҳмон ёнбошлаганча пишиллаб нафас олиб ётган шерларни томоша қилди.

– Меҳмон, ичкарига кириңг! – ер остидан чиқдимми ёки осмондан тушдимми, рўпарасида пайдо бўлган Холмат йигитни ичкарига таклиф қилди.

– Раис бобо келгунларича меҳмонхонада ором олинг.

– Ўзи қаёққа кетди?

– Идорага бориб келаман деб чиқиб кетдилар...

Шариф меҳмонхонага кирди. Чол дастурхон солиб лаганда ош, нон-чой келтирди. Шарифнинг қорни очганди, иштаҳа билан овқатланди. Ростмана қоронғилик тушди. Ташқарида шер бўқирди. Шариф чарчанди. Кўзи юмилди. Қанча вақт ухлаганини билмайдди, кимнингдир оёқ шарпасини эшитиб уйғониб кетди. Хушёр тортди. Айвондаги чироқнинг шуъласи қия очик қолган эшикдан ичкарига тушиб, у ётган хонани гира-шира ёритиб турарди. Шарпа уй томон яқинлашди. Эшик овозсиз очилди. Остонада эғнига узун чопон кийган, қўлида ойболта тутган одам кўринди. У йигит томон кела бошлади. Орадаги масофа икки қадам қолганда чопон кийган одам қўлидаги ойболтани боши узра кўтарди. Оралиқ бир қадам қолганида Шариф тўппонча учини унинг пешонасига тўғрилади.

– Тинчликми, раис бува?!

Тўппончани кўриб Баҳодирхон тахтадай қотди. У на юришни, на болтани пастга туширишни билмай ҳа-ракакатсиз қолди.

– Яна бир қадам боссангиз пешонангиздан отиб ташлайман! Болтани ташланг! – буюрди Шариф.

Раис болтани оёғи остига ташлади.

– Мен сиздан пул сўраган эдим, раис бува! Сиз нега ойболта кўтариб юрибсиз? Ёки уйда бузадиган бирон-та пўлат сандиқ борми?!

Баҳодирхоннинг таслим бўлишдан ўзга иложи қолмади.

– Ортимдан юр! – амр қилди.

Шариф унга эргашиди. Ташқарига чиқишди. Тун ярмидан ўтган. Тоғнинг салқин ҳавоси баданни жунжиктирарди.

Баҳодирхон меҳмонни қафас олдига бошлаб келди. Одам ҳидини туйган шерлар пишқириб, гавдасини кўтариб, эринибгина ўринларидан кўзгалди. Қип-қизил кўзлари ой шуъласида ялтиради. Раис шерларига қарата «тихо» деган сўзни айтиб, бир қўлини қафас ичига суқди. Тахталардан бирини кўчирди. Шариф уч-тўрт қадам нарида, қўлидаги тўппончани Баҳодирхонга тўғрилаб турарди. Кўнглига «қурол излаяптими» деган ўй келди.

– Мен ҳазилни ёқтирмайман, раис бува, – деди ово-зи титраб. – Мабодо бошқа нарса излаётган бўлсангиз, бармоқларим тепкини босиб юбориши мумкин.

Баҳодирхон унга хўмрайиб қаради.

– Ўйинчоғингни пастга тушир, шайтон осилиб туради, – деди зардали овозда.

У қўл солган жойдан бир неча боғлам доллар олиб йигитнинг оёғи остига ташлади.

– Ол, нафсингга ўт тушгур! Энди тезда йўқол! Бу тева-рак-атрофда қорангни кўрмай!

Шариф оёғи остидаги пулларни санади. Саккиз боғлам.

– Қолгани-чи, хўжайин? Уларни кимга берасиз?!

– Шунисига ҳам шукр қил, бадбахт!

– Мен уйингизга садақа сўраб кирмадим, раис бува. Яхшиликча берганингизда ишим бўлмасди. Улушимни олиб куён бўлардим. Номардлик қилдингиз. Гўштимни шерларингизга едирмоқчи бўлдингиз. Қани, қафас олдидан нарироқ силжинг-чи?!

Раис бемор одамдай инграб юборди. У бойликларини асраб қолишни истарди. Ножўя ҳаракат қилса, тўппончанинг тепкиси босилишини, жасади қафасга ташланишини яхши билади.

– Нималар деяпсан? Берганимни олиб кетавермайсанми? Талончига ўхшаб мени таламоқчимисан?

– Мен сизга нари боринг дедим. Қаранг, шерларингиз оч. Улар овқат ейишни хоҳлашмоқда. Сизнинг гўштингизни ҳам тажиб ташлашга тайер.

– Инсоф қил, бола Мени қийнама. Юрагимнинг мазаси чатоқ, ўзимни ташлаб қолсам балого қоласан!

– Қочинг дедим сизга!

Раис идишдаги бойликларни ерга қўйиб ортга тисарилди. Шариф қафасга яқинлашди. Идишни очди. Қадимий тилла тангалар ялтираб кўзни қамаштирарди.

– Шунча тиллаларни қаердан топдингиз, раис бува? Хаммаси ўзингизникими? Давлат музейида ҳам бунақаси топилмайди!

Йигит пулларни халтага жойлади. Раиснинг миасида санчиқ турди. Кўз олдини қоронғилик қоплади.

– Тегма уларга! Илтимос қиламан сендан, – раис қўлларини олдинга чўзиб йиғлади.

– Оғзингизни юминг, раис бува, мен кетганимдан кейин йиғлайверасиз! Огоҳлантириб қўяй, агар яна битта сўз оғзингиздан чиқса, қафас ичига ташлаб юбораман!

Шариф кўлга киритган бойликларни олиб эшик томон юрди. Раис ерни чангаллаб боягидан қаттиқрок йиғлаб юборди.

Шариф Олтинтопар қишлоғидан чиқиб туман марказига етганда кун ёйилди. Чойхонага ўтиб овқатланди. Кейин одамнинг назари тушмайдиган жойда пулларни санади. 100000 минг доллар, 131 дона тилла танга. Бундай катта миқдордаги бойлик билан дунёнинг истаган мамлакатига равона бўлиш, шоҳона ҳаёт кечириши мумкин. «Буларни Эргашнинг қўлига топшириш керакми» деган савол миясида туриб қолди. Қайтиб борса, бир танга ҳам беришмайди. Албатта, Эргаш бу пулларни қурол-аслаҳа сотиб олишга, қон тўкишга, бузғунчилик ишларига сарфлайди. Ўзининг ҳаёти эса аввалгидек хор-зорликда кечаверади.

Шариф Эргашнинг олдига бориш фикридан қайтди. Нима қилиш, қачон бориш керак деган савол миясини ғовлади. Аниқ қарорга келолмай боши қотиб ўтирар экан, кўзи ногоҳ газетанинг биринчи саҳифасидаги «Фермер хўжаликларни ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга тушди. Ўқиб чикди. Ундаги ҳар бир сатрлар йигитнинг қалбида яшашга, келажакка умид уйғотди. У бир варақ қоғозга шундай сўзларни битди:

«ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИГА

Мен Шариф Темиров алдов йўли билан Эргаши Одиров томонидан тузилган жиноий тўдага қўшилиб, қўшни республикага ўтиб кетгандим. У ердаги жангарилар бизни ўз Ватанимизга қарши қуролли қўзғолон кўтаришига ўргатишди. Мен тўдабошининг топшириги билан Олтинтопар қишлоғига келдим. Эргашнинг айтишига қараганда, колхоз раиси Баҳодирхон Йўлдошевнинг катта миқдорда бойлиги бўлган. Унинг ўғли шўро аскарлари сафида Афғонистонда хизмат қилган. Жанглarning бирида бедарак йўқолган. Командирлари уни ўлган деб ўйлашган ва уйига қора хат жўнатишган. Бироқ Қодир ўлмаган, аксинча, жангариларга асир тушган. Ҳозирги кунда у Покистондаги террорчилар тайёрлаш лагерида жангариларга қўпоровчилик ва диверсия ишларидан сабоқ бермоқда. Мен унинг расмларини отасига кўрсатиб, бойликларини олиб, яна Эргашнинг ҳузурига қайтишим керак эди. Аммо фикримдан қайтдим. Ўз юртимда қолишга, ҳалол меҳнат қилишга қарор қилдим. Хат билан бирга Қодирнинг расмларини ҳам жўнатмоқдаман.

1 август

Шариф хатни почта қутисига ташларкан, дилидан бир гап ўтди: «Мен ўз меҳнатим билан гуноҳларимни юваман, юртим ва халқимнинг бахти, саодати, фаровонлиги учун астойдил ишлайман».

САМАНГАН

Качондир Умар иккимизнинг ўртамизда тўқнашув бўлишига ишонардим. Эргаш ҳалигача уни ўзига яқин йўлатмасди. Умар аламзада ва тушкун кайфиятда. Шерикларига қўшилмайди. Худо туртганни бандаси уради деганларидек, кўпчилик уни суймасди. Бу ерда йигитнинг кўнгли тортиб суҳбатлашадиган, дардлашадиган, қалбидаги қайғуларини, ҳасратларини тинглайдиган одам тополмасди. Назаримда у мендан ўзини олиб қочишга ҳаракат қилмасди. Унинг кўзларидан, ҳаракатларидан, ортимдан пинҳона кузатиб юришидан, ниманидир айтмоқчи бўлаётганини сезардим. Бироқ ўзи оғиз очмагунча унга сўз айтишга ботинолмадим. Бир пайтлар юрагини безовта қилган, оромини ўғирлаган Зори Бозор қишлоғидаги қабристонда қолиб кетган бойликларни ҳам энди ўйламамасди. Уни олган билан қаёққа қочади? Чор томонда Эргашнинг одамлари, толибонлар уяси бузилган арилардек изғиб юришган бўлса, хазина билан қўлга тушса, жони омон қолмайди.

Марказнинг топшириғига биноан Эргашнинг қўшни мамлакатлардаги одамларининг рўйхатини, улар билан кимлар алоқага чиқишини, мақсад ва режаларини аниқлаб, маълумот жўнатишим лозим эди. Бунинг учун тўдабошининг сир-синоатидан хабардор одам топишим зарур эди. Синалмаган кимсага оғиз очиш ўз бўйнимга арқон солиш билан баробар. Назаримда менга энг яқин одам бу Умар эди. У Эргашнинг четдаги одамларини яхши билади деб ўйлардим.

Ўша куни сувни барвақт олиб келдим. Атрофда ҳеч ким кўринмайди. Машфулотдан қайтган жангарилар ўз жойларига кириб чўзилиб ётишибди. Умар билан

гаплашиш мақсадида пастликка тушдим. У мақсадимни тушунгандек ортимдан эргашиди. Иккимиз тош устига ўтирдик. Умар индамади. Ўзим оғиз очдим.

— Азизбек, — дедим паст овозда ва унинг ҳақиқий исмини айтганимдан сўнг Умарда қандай ўзгариш рўй беришини кутдим. Умар бошига таёқ тушган одамдек қалкиб кетди. Кўзларини катта-катта очиб менга ҳам хайрат, ҳам ажабланиш билан боқди. Шунда ҳам индамади.

— Исмингни хато айтмадимми? — сўрадим кўзларидан нигоҳимни узмай.

— Менинг отимни қаердан биласан? — ажабланди у, кейин паст овозда давом этди: — Сен давлатнинг одами эканлигингни сезгандим. Ботирни қочирганингни, Фатхуллохонни даволатганингни кўриб, шубҳаларим тўғри эканлигига ишонгандим.

— Мен ҳам сенинг ёмон одам эмаслигингни билардим, — дедим унинг кўнглини кўтариш мақсадида.

— Ўшанда уларнинг ҳаммасини отиб ташлагим келди. Бироқ жонимни қаерда сақлашни билмасдим. Ахир бу ерга ўз ихтиёрим билан келмаганман-ку!

— Сен жинойтчи эмассан, фақат жинойтчилар ва мана бу одамлар сени алдашган, қўрқитишган!

— Шундай деб ўйлайсан-да. Икки йилдан бери мени орган ходимлари қидириб юрганмиш.

— Фақат қариндошларинг илтимоси билан бедарак йўқолган деб қидирув эълон қилишган.

Умар менга ялт этиб ўгирилди. Унинг ич-ичига ботган кўзларида ёш кўрдим.

— Ўз юртимга қайтсам, мени хоин деб қамаб қўйишмайдими? Одамлар мендан нафратланиб юзимга тупуришмайдими? Шаънимга тавқи лаънат ёғдиришмайдими?

– Бу томонларидан хотиржам бўл. Ватан ва халқнинг олдида сен ҳеч қандай гуноҳ иш қилмагансан. Виждонинг пок. Аксинча, икки ватанфурушни отиб ўлдирдинг. Улар қилган гуноҳлари учун муносиб жазосини олди, – йигитнинг ғам-андух яралаган кўнглини кўтаришга, таскин беришга ҳаракат қилдим.

– Унда юртимга кетишим учун ёрдам бер. Дўзахдек қақшаб ётган бу ерда, манави қонхўрлар, ватанфурушлар ичида яшаш жонимга тегди. Бир-икки бор ўз жонимга қасд қилмоқчи ҳам бўлдим. Қўлим бормадди. Мени шу кўйга солган одамлардан қасос олмасдан ўлиб кетишни истамадим!

– Сен халқнинг ишончини оқлашинг лозим. Ватанмизнинг тинчини бузган, бахтли ва фаровон кунимизга раҳна солишга интилаётган жангариларга қарши курашинг лозим.

– Қандай қилиб?

– Бу борада менга ёрдам берсанг бас!

– Халқ мени кечирса бўлди. Охирги нафасимни ватан учун беришга тайёрман!

Умарнинг кўлини қисдим.

– Сени нима қизиқтиради? Қандай ёрдамим керак? – сўради у кўзлари ёниб.

– Эргашнинг Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва бошқа кўшни республикалардаги одамларининг исм-шарифи, уларнинг қаерда яшаши, кимлар билан учрашиб туриши, тўдабошининг уларга берган топшириқлари – шуларни билишим керак!

Умар жим қолди. Қошлари остидаги юмалоқ кўзларини юмди-да, хаёлга толди.

– Илгари булардан хабардор эдим. Эргаш мени ўзидан четлатиб кўйгач, четдаги одамлари олдига кимлар бориб келишидан беҳабарман. Олмаота, Бишкек, Москва каби шаҳарлардаги одамлари савдогар,

тижоратчи, тадбиркор никоби остида иш юритишади. Бу ердан жўнатилган хабарчилар уларнинг олдига ҳам худди шу никоб остида боришади. Гўёки ўзларини иш юзасидан шартнома тузмокчи, юк олмокчи бўлган кимса қилиб кўрсатишади. Уларнинг олдига ҳаммани ҳам жўнатишавермайди. Ўта садоқатли ва оғзига маҳкам кимсаларгина боришади.

– Ўша одамларни сен танийсанми?

– Мен таниган одамларнинг кўпи бедарак йўқолиб кетди. Айримлари Эргаш томонидан жўнатилган пулларни ўзлаштириб, қочиб юрибди.

– Яна бир бор ўйлаб кўр. Уларнинг исм-шарифини, қаерда яшашини эсла. Бу жуда муҳим. Қўлингда яна қандай маълумотлар бор?

– Илгарироқ айтмабсан-да, Абдуғаффор ўлгандан сўнг Эргашнинг четдаги одамларининг рўйхати қўлимда сақланарди. Кейин уларни ёқиб юбордим. Ахир мен уни нима қиламан? Бу рўйхат сени қизиқтириши хаёлимга келибдими? Эшитишимча, Эргаш бу ерга келгач, ўз одамларининг яшаш жойларини ўзгартирган. Агар сени бундай маълумотлар қизиқтирса, тўдабошига яқинлаштирадиган баҳона ўйлаб топаман, ишончига киришга уринаман!

– У сенга ишонармикин?

– Ишонади, назаримда у кимларнингдир ёлғон гапига учиб, мени ўзидан четлатиб қўйди.

Ўйланиб қолдим. Нима қилиб бўлса Умарни бошлиққа яқинлаштириш, ишончига киритиш лозим эди. Кутилмаганда Зори Бозордаги хазина хаёлимга келди. Балки Умар бу ҳақда Эргашга айтса, гапига ишонар, ўзига яқин олиши ҳам мумкиндир.

– Эсингдами, сени бир пайтлар Зори Бозордаги хазина қизиқтирганди? – сўрадим Умардан.

– Ахир мен унинг қаерга яширилганини билмайман-ку.

– Мен биламан, бу ҳақда бошлиққа бемалол айтишинг мумкин...

– Шундай де... – Умар бошини эгиб жим қолди. – Ваъда беролмайман, аммо уриниб кўраман.

Эртаси куни булоқдан қайтганимда Умар ёнимга келди. Иккимиз бир чодирда яшасак-да, тасодифан ҳафтада бир учрашиб қолгандек кўришардик. Маълум дақиқаларда ўта муҳим гапларни гаплашиб олардик. Бу ўзгаларни биздан шубҳаланмаслиги учун қилинган ҳаракат эди.

– Суюнчи бер, – деди кулоғимга шивирлаб. – Хўжайин билан ярашиб олдим. Хазина ҳақида қизиқиб қолди.

– Яхши, лекин унга яқинлашаверма. Чақиргандагина олдига кир. Яна қандай янгилик бор?

– Эргаш бир гуруҳ одамларини Чеченистонга жўнатмоқчи.

– Нега? Ахир у ердан қочиб келганди-ку?!

– «Ўзбек fronti» деб номланувчи жангарилар тайёрлайдиган лагерь очмоқчи.

– Бу топшириқни ким берган?

– Афтидан Башир берган!

– Баширга бунинг нима аҳамияти бор?

– Менимча, Амирийнинг топшириғини айнан у тўдабошига етказган.

– «Ўзбек fronti» деб номланишининг сабаби нимада ёки ўзбеклар кўпми?

– Бу шунчаки ўйин. Аслида ўзбек миллатига мансуб йигитлар йўқ. Бу билан бизнинг шаънимизга доғ туширмоқчи, қолаверса, Эргашнинг обрўини кўтараётган бўлишлари мумкин.

- Лагерни ким бошқаради?
- Хаттоб!
- У рози бўлибдими?
- Унга катта микдорда маблағ ваъда қилинган.
- Маълумотни кимдан олдинг?
- Эргашнинг соқчисидан.
- Қайси соқчиси, исми нима?
- Ашур!

Эргашнинг ўндан ортиқ соқчилари бўлиб, уларнинг кўпини яхши танирдим. Бироқ Умар айтган Ашурни эслай олмадим.

– Ашурнинг айтишига қараганда, Баҳром Абдуллаев исмли ёрдамчиси Чеченистонга бориб келибди.

– Баҳромни кўрсам бўладими?

– У Қундуз шаҳридаги лагерда яшайди. Рация орқали тўдабоши билан алоқага чиқиб туради. Бу ерга эса йилда бир-икки келади.

– Ашур билан яқинлашишнинг иложи борми?

– Қандай мақсадда?

– Муҳим маълумотларни олиб туришимизда ёрдам бериб туриши керак.

– Бунинг учун пул тикишга тўғри келади.

Ҳамёнимдаги бор пулларни Умарнинг қўлига тутқаздим.

– Хаттобнинг ҳузурига жўнайдиган жангариларнинг исм-шарифлари, қачон йўлга чиқишлари ва қайси мамлакат орқали жўнашларини билишим керак!

Эртаси куни булоқдан сув олиб қайтганимда Умар:

– Гаплашадиган муҳим гап чиқиб қолди, – деди қулоғимга шивирлаб. – Бир соатдан кейин чодир олдида кут!

– У ер бўлмайди, учрашув жойини ўзгартирамиз. Мен от-аравани жар ёқасига олиб тушаман, ўша ерда аравани таъмирлайман. Сеңи ёрдамга чақираман!

Умар бир кўтарим ўтни кўлтиғига қистириб олдимда пайдо бўлди. Узоқ қолиб кетиш мумкин эмасди.

– Соқчи пулни олди. Айтишига қараганда, Эргашнинг пўлат сандиғида «Ўзбек фронти» лагерига жўнайдиган жангариларнинг рўйхати бор экан.

Умардан эшитган хабарни шу кунгача марказга етказдим.

ЮРТДА

Раис ўзига келганида тепасида кўлини қовуштириб, кўзларини ёшлаб турган хизматкорини кўрди.

– Сув... сув... – дея пичирлади. Холмат уйга чопди. Хўжайиннинг хушига келганидан, ўлиб қолмаганидан мамнун эди. Бир коса сув келтирди.

Раис сувни қултумлаб ичди. Кўзларини очиб атрофга аланглади. Фикри тиниқлашди. Эндигина ёришиб келаётган тонг кўзига қоронғилик ичидан чиқиб келаётган нурдек кўринди.

– Анови аблаҳ қани, қаерга кетди? – паст овозда сўради Баҳодир.

– Аллақачон кетди, хўжайин, – ҳар доимгидек тушкун оҳангда жавоб қайтарди Холмат.

– Падарига лаънат, мени адойи тамом қилиб кетди. Топганимни шилиб кетди. Худонинг ғазабига учрамаса, рози эмасман. Кўлимдан торт, меласага бораман, ҳамма гапни айтиб бераман, фирибгар мени алдаганга ўхшайди. Ўғлимнинг суратини компьютерда чиқартириб, ортига турли манзараларни қўйдириб олиб келган. Юрагим сезиб турибди. Ўғлим тирик эмас. У аллақачон ўлиб кетган! Тирик бўлганида ўзи хабар беради.

– Меласага учраб нима қиласиз, хўжайин?! Ўлган илоннинг бошини кўзгаганингиз билан у аллақачон

қишлоқдан чиқиб кетган. Тутишнинг иложи йўқ. Ях-
шиси, жонингиз соғ қолганига шукр қилинг.

— Сен палиднинг ҳам бунақада тилинг бурро бўлиб
қолади. Бошимга бало келганда, бойликларимни та-
лаётганда нега жим турдинг, қари кўппак?! Бошига
бирорта таёқ билан солмадинг-ку!

— Қўлидаги қуролни кўриб индаёлмадим, хўжа-
йин. Мен-ку қариб колган одамман, беш кунлигим
борми-йўқми, худога аён, аммо сизнинг жонингизга
ачиндим. Ўқ тегиб шаҳид бўлсангиз, жонингизга ким
ачинади? Ортингизда отамлаб йиғлайдиган болангиз
бўлмаса? Майли, худога солинг. Жонингиз омон қол-
ди-ку, яна астойдил ишласангиз йўқотган бойликла-
рингизни тиклаб оласиз.

— Тиклаб оласиз? — паст овозда ўшқирди Баходир-
хон. — Мана, тиклаб оламан, — у икки бармоғи ораси-
дан бошмалдоғини чиқарди. — Ҳамма ёқни сотиб бўл-
дим. Колхознинг пулга арзийдиган буюми қолмади.
Энди сенга ҳам рухсат, тўрт томонинг қибла, кети-
шинг мумкин.

Холмат бошини эгди. У хўжайиндан бундай
таклифни кутмаган, ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган-
ди. Бу гап унга қаттиқ таъсир қилди.

— Ўн йил эшигингизда қулдек ишладим. Нон-тузин-
гизни ичдим. Буюрган ишларингизни бажардим. Ҳо-
жатхонангизгача тозаладим. Йиртқичларингизни бо-
ламдек боқдим. Қилган меҳнатимга бир танга талаб қил-
мадим. Бола-чақа, невараларим учун битта хўрозқанд
сотиб олишга ҳам пул бермадингиз. Энди хайрлашади-
ган бўлсак ҳисоб-китобимни қилинг, хўжайин!

Баходирхон қўлига тиралиб ўрнидан турди. Унинг
қонталаш кўзлари олайиб, косасидан ирғиб чиққудек
катта-катта бўлиб кетди.

– Пул, менда қанақа ҳақинг бор, нон кўр қилгур?! Шунча йил уйимда яшадинг, тўрт маҳал овқатимни единг, яна пул сўрашга уялмайсанми, қон қусгур! Менга раҳматингми бу?

– Худодан кўрқинг, хўжайин. Аввал ахдлашганимиздек ойига минг сўмдан тўлаб туришингиз лозим эди...

– Сенга ҳеч қачон ойлик ваъда қилмаганман! Тур, тезда бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол. Исинг ҳам қолмасин!.

Холматнинг газаби кўзиди. Вужудини ёмон хаёл эгаллади. Оёқлари титради.

– Кечалари уйингизни, сизнинг тинчингизни пойлаб ухламадим. Ҳеч бўлмаса бедор ўтган тунларим учун ҳақ беринг!

– Мени кўриқладингми?! Кўриқлаган бўлсанг, нега анови қароқчидан ҳимоя қилмадинг? Нега бойликларимни асраб қололмадинг?! Балки сен ҳам ўшанинг шеригидирсан-а?! Бойликларимни қаерга яширганим ҳақида унга сигнал бергандирсан?! Ҳу, онангни... Тур йўқол, кўзимга кўринма, ит эмган, қари тулки!

– Ҳақимни бермасангиз, уйдан бир қадам ҳам чиқмайман, – қариянинг жони ҳалқумига келди.

– Сен кўппакнинг тилинг чиқиб қолибдими? Омбур билан суғуриб олайми?! Ёки мени талаб кетган мана шу каззоб деб мелисага тутиб берайми?! – Баҳодирхон қария билан ади-бади айтишиб ўтиришни лозим топмади. Энди буларнинг ҳаммаси ортиқча эди. У Холматни таёқ билан савалаб аламини олмоқчи бўлди. Хуморидан чиққунча калтаклашга, ерга ётқизиб дўппослашга аҳд қилди. Зора шу билан юрагида ёнаётган ўт босилса. Зора шу билан ўзини енгил ҳис этса. У ердан таёқни олди ва чакнаб турган кўзларини қариядан узмай ўшқирди:

— Иззатинг борида уйимдан чиқиб кет!

Унинг ўдағайлаши, қўлидаги таёқни силкитиб пўписа қилиши Холматни чўчитмади. Раиснинг кўзларига тик боқиб яна ҳақини талаб қилди.

— Пулимни беринг, раис бува, олтин берсангиз ҳам кейин уйингизга қайтиб келмайман!

Ғазаб ва нафрат раиснинг ҳиқилдоғига қадалди. Таёқни боши узра кўтариб қарияга ташланди. Таёқ чолнинг елкасига келиб тушди. Суяклари зирқираб оғриди. Кўзларидан ўт чакнади. Ҳақини талаб қилгани учун, таёқ ейиш оғир ботди.

Ҳамиша одамларнинг дилига озор беришдан қўрқадиган, ҳамиша ўзидан катта-кичикларни хурмат қиладиган, ўзгаларнинг кўзига тик боқмайдиган Холматнинг қалбида исён уйғонди. Тилига заҳарли сўзлар келди. Ҳозирги важохатини, ҳолатини кўрган одам уни илгариги Холмат эканлигига асло ишонмасди, танимасди, билмасди. Хўрлик, адолатсизлик уни ўз хўжайинининг кўзларига тик боқишга мажбур қилди. Олтмиш йиллик ҳаёти давомида ёшларни ҳам сизлаб гапирадиган Холмат ҳаётида илк бор ўз бошлиғини сенсираб гапирди.

— Худонинг қаҳридан қўрқсанг-чи! — у шу сўзи билан яна соҳибини инсофга, дин-диёнатга чақирмоқчи бўлди. Аммо Баҳодирхон унинг ёлворувчан оҳангда айтган сўзини эшитмади. Эшитган бўлса-да, аҳамият бермади. У қўлидаги таёққа эрк берди. Ёвузларча уни ишга солди. Иккинчи зарба қариянинг белига тушди. Холматнинг қадди ёйдай букилиб, кесилган дарахт мисоли ерга қулади. Боши тошга тегди. Бу орада ёмон сўзларни оғзига олиб келаётган раис қариянинг думбасига бир-икки тепди.

— Бу уйдан ўз ихтиёринг билан чиқиб кетмадингми, энди бола-чақаларинг ўлигингни ҳам кўришмайди.

Гўштингни майдалаб махлуқларга ташлайман. Улар суягингни ҳам қолдирмайди. Биров хидингни ҳам тополмайди!

Қариянинг кўзига ширин жони кўриниб кетди. Раиснинг ғазабга минганда, жаҳли чиққанда қандай ҳолга тушишини яхши биларди. «У ҳар қандай ишга қодир. Ҳатто одам ўлдиришдан ҳам қайтмайди» ўйларди ерда чўзилиб ётган қария. Ихтиёрсиз олдинга чўзган қўли дастасининг ярми қирқилган болтанинг сопидан тутди. Бу пайтда Баҳодирхон тескари ўгирилиб қафас ичида типирчилаб наъра тортаётган шерларга тикилиб турган эди. Холматнинг назарида ҳозир қафас эшигини очиб, уни шерлар ичига ташлаб юборадигандек эди. Шерлар чорасиз, нимжон чолни нимталаб ташлайди. Даҳшатли ва қўрқинчли бу манзара қариянинг кўз олдидан ўтди. У ўрнидан турди ва қўлидаги болта билан Баҳодирхоннинг елкасига солди. Тирқираб қон чиқди.

– Мени единг-ку, қари кўппак, – ерга беҳол йиқилаётган раиснинг қон томаётган лабларидан шу сўз учиб чиқди. Холмат «Одам ўлдириб қўйдим» деб қаттиқ кўрқди. Қалтироқ турган оёғини зўрға судраб ташқарига йўл олди.

Оқ яктагига қон сачраган, яланг оёқ, бошидаги дўпписини қаердадир тушириб қолдирган Холмат туман ички ишлар бўлимининг идорасига кириб келганида тонг эндигина ёришаётганди. Идора олдада ҳеч ким кўринмасди. Ходимлар ишга келишмаганди. Холмат кора ойна ўрнатилган эшикни оҳиста очди. Бошини суқиб ичкарига қаради. Навбатчи зобит ўтирган экан.

– Кирсам майлими? – сўради чол. Холматнинг овозида кўрқув ва таҳлика сезилиб турарди. Навбатчи ранг-рўйи доқадек оқариб кетган қариянинг ичкари киришига рухсат берди.

– Хўш, хизмат, кимда ишингиз бор?!

– Менга бошлиқ керак эди, ўғлим? – худди йиғлаётгандек сўзлади у.

– Бошлиқ ҳали ишга келганлари йўқ, нима ишингиз бор?

Холмат титраётган қўлларини қаерга яширишни билмай, сочлари патила-патила бўлиб кетган бошига қўйди. Шунда зобитнинг кўзи унинг яктагига сачраган қонга тушди.

– Мен одам ўлдирдим, ўғлим, – қария деди паст овозда.

Навбатчи ўрнидан турди.

– Нима? Нима дедингиз? Одам ўлдирдим?

– Ҳа...

– Кимни?

– Баҳодирхонни, – минғирлади чол ва ўкириб йиғлаб юборди.

– Қайси Баҳодирхонни? – сўроқ қилишда давом этди навбатчи.

– Раис Баҳодирхонни, – зўрға тилга кирди суяклар ирғиб чиққан, озғин елкаси силкиниб-силкиниб йиғлаётган чол. Юрагини эзаётган дарддан ниҳоят портлади.

Навбатчи шеригига юзланди.

– Рашид, ановининг қўлига кишан сол, тез бўл! – қария худди қочиб кетадигандек типирчилаб қолди. Навбатчи ёнидан куролини олиб учини Холматга тўғрилади.

– Қимирлама!

Рашид столи айланиб ташқарига чикди. У титраб турган қариянинг қўлларини орқасига қайирди ва озғин, нимжон, қорайиб кетган билакларига кишан солди. Кишанни шу даражада қаттиқ қисдики, қария

оғрикка чидаёлмай инграб юборди. Рашид қарияни девор ёнига судраб борди.

– Юзингни деворга ўгир!

Эшик очилди, бошлиқ ўринбосари Каримжон Юсупов кириб келди.

Навбатчи ўрнидан турди.

– Ким бу? – сўради ўринбосар.

– Қотил, ўртоқ бошлиқ! «Победа» колхозининг раиси Баҳодирхонни ўлдирибди!

– Ким олиб келди?

– Ўзи келди, ўртоқ бошлиқ!

– Воқеа жойига тезкор гуруҳ жўнатилдими?

– Хабарни ҳозиргина қотилнинг ўзи айтди!

– Зудлик билан гуруҳни юборинглар! Баҳодирхоннинг аҳволи ҳақида мени хабардор қилинг!

– Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ!

– Отахоннинг қўлидаги кишанни еч! – буюрди Юсупов Рашидга. – Айбига иқрор бўлиб ўз оёғи билан келган одамнинг қўлига нега кишан солдинг?!

Ўринбосар Холматни бошлаб хонасига кўтарилди. Қария ҳамон титрарди. Қилган ишидан надоматлар чекарди. Ҳар қадам ташлаганида худони тилга олиб, ундан раҳм-шафқат сўрарди, тавба-тазарру қиларди. Ичкарига киришгач, Холмат бўлиб ўтган воқеани бир бошдан ҳикоя қилиб берди.

– У мени қаттиқ ҳақоратлади, ўғлим, калтаклади. Тириклай қафасдаги шерлар ичига ташламоқчи бўлди. «Сени шу хайвонларга едираман, суягингни ҳам биров тополмайди» деб айтди. Нафсониятимга тегди. Кўркдим, болам! Қафаснинг эшигини очаётганда оёғим остида турган болтага кўзим тушиб қолди. Кўлимга олиб қандай қилиб унга отганимни ўзим билмайман. Болта раиснинг кўкрагига санчилиб қолди. Айб қилдим, ўғлим. Шайтон йўлдан оздирди. Ёшим

улгайиб, невараларимнинг тўйини кўраман деганимда бировнинг хунини тўқдим. Икки дунёда кечириб бўлмас гуноҳга қўл урдим, – қария тутилиб-тутилиб сўзлар, ора-сира юзларини ювиб тушаётган кўз ёшларини енги билан артиб қўярди.

– Баходирхоннинг бойлигини олиб кетган қароқчини танийсизми? – сўради Юсупов қарияга бир пиёла иссиқ чой узатар экан.

– Кўрсам танийман, ўғлим.

– Исмини, қаердан келганини айтмадими?

– Уларнинг суҳбатида иштирок этмадим-да... – Бошини эгиб жавоб қайтарди чол.

– Ўша йигит илгари ҳам Баходирхоннинг уйига келганмиди, эслаб кўринг-чи?

Қария ўйга толди, сўнг бошини чайқади.

– Йўқ.

Ўринбосар тортмадан бир даста расм олиб стол устига ёйди.

– Дикқат билан қаранг, шошилманг, сиз кўрган йигит мана шу суратдаги одамлар ичида бўлиши керак!

Холмат суратларни бирма-бир кўздан ўтказди. Бироқ қароқчини суратдаги одамларнинг ҳеч бирига ўхшатмади. Қария ўзини ғалати ҳис этди. Бошликка ёрдам бергиси келганди. У афсус ва надомат билан бош чайқади.

– Бу суратдаги одамларнинг бирортаси унга ўхшамайди.

– Ўша йигитнинг юз-кўзини тасвирлаб бера оласизми?

– Ҳа, худди ҳозиргидек кўз олдимда турибди.

Телефон жиринглади. Бошлиқ гўшакни кўтарди.

– Ўртоқ бошлик ҳозиргина «Тез ёрдам» билан боғланиб, раиснинг аҳволини суриштирдик.

– Хўш?

– Ҳаёти хавф остида эмас дейишди.

– Айтинг, унинг ҳаёти биз учун муҳим!

– Тушунарли!

Холмат фоторобот ёрдамида Шарифнинг юз қиёфасини тасвирлаб берди. Ҳатто сочларини қайси томонга тараганигача айтди. Сурат тайёр бўлди. Бу Шарифнинг фотосуратининг айнан ўзи эди.

САМАНГАН

Туни билан қор аралаш ёмғир ёғди. Тоғларнинг чўққиси оқариб қолди. Бундай пайтларда аравада юриш азоб. Айниқса, сув олиб келаётганимда ғилдираклар сирпаниб кетади. От оёқларини зўрға кўтариб босади. Юқорига чиқаётганда жониворнинг ҳоли қуриб ерга ётиб олай дейди. Бир амаллаб ортидан суриб тепаликка чиқиб оламан. Сув ташиш жонимга теккан бўлса-да, тишимни тишимга босиб юрибман. Лагерда бўлаётган ишларни кўриб ичим эзилади. Шунинг учун барвақт тураман-да, булоққа жўнайман, у ерда узок ўтириб ўй-хаёллар сураман. Болалигимдан шу кунгача босиб ўтган йўлларимни бирма-бир эслайман. Кейинги пайтларда қишлоғимни қаттиқ соғинадиган бўлиб қолдим. Бу ердаги ишларни бир томонга суриб уйга қайтгим келади. Афсуски, Эргаш билан ҳисоб-китобим бор.

Идишни сувга тўлдириб, орқага қайтдим. От гоҳи-гоҳида сағринига тушаётган қамчининг аччиқ зарбидан жони ачиб, пишқириб, ингичка оёқларини зўрға судраб олдинга интилади. Жонивор ёшини яшаб, хизматини ўтаб бўлганди. Икки юз литрли идишни тортишга кучи ҳам етмасди. Юқорига тирмашаётганида оёқлари лойда тойиб йиқилиб тушишига оз қолди. Уни ўз ҳолига қўйсам ерга ётиб оларди.

Араванинг ортидан итариб ёрдам бердим. Унинг қийналишини истамадим.

— Чух, жонивор, яна озгина юрсак текис йўлга чикиб оламиз. Кани, бўш келма! — деб отга далда бердим. Лекин бари бир унинг қадами унмасди. Гандираклаб борарди. Ортимда кимдир пайдо бўлганини юзимга урилган иссиқ нафасидан сездим. Шу топда унинг кимлиги мени қизиқтирмасди. Мухими, ёрдам беряпти. Ёрдამни ҳамма ҳам беравермайди. Бир амаллаб тепаликка чикиб олдик. Бу ёғи пастлик, отнинг ўзи кетаверади. Миннатдорчилик изҳор қилиб қўяй деб ёнимдаги кимсага юзландим. У мен тенги йигит эди. Елкасига дарвешларнинг хуржунини илиб олганди.

— Раҳмат, сенга биродар! — дедим. Шунда унинг юзида нигоҳим тўхтади. Нотаниш чехра, шу пайтгача бу кишлоқда кўрмаганман. Ким бўлдийкин?

— Отинг озиб кучдан қолибди, — деди у отга ишора қилиб. — Кўпроқ овқат бергин!

— Қариди жонивор, — дедим унинг сўзига жавобан. — Хизмат қилишдан бўйин товляпти.

Атрофда ҳеч ким кўринмайди. От аравани судраб анча нарида кетяпти. Йигит ёнимдан жилгиси келмай, ниманидир айтишга чоғланаётгандек туюлди.

— Менда гапинг борми? — сўрадим. — Чой-чақа сўраётган бўлсанг ҳамёнимда сарик чақа ҳам йўқ!

— Мухим топшириқ бор, — кутилмаганда йигит жиддий қиёфага кирди ва кўзларимга тикилиб деди.

— Топшириқ? Қанақа топшириқ? Кимсан ўзи? — ўзимни ҳайрон бўлган кишига солдим.

— Марказдан жўнатишди. Биздаги маълумотларга қараганда, мулла Абдулло ўз одамлари билан Қирғизистонда қолган. Ўзбекистонга ўтишга тайёргарлик кўрмоқда. Яширинган жойи ҳозирча бизга номаълум. Зудлик билан аниқлаш лозим. Эргаш одамларидан

бирини унинг олдига жўнатиши мумкин. Иккинчи топширик: Эргашнинг одамлари Қирғизистонни тарк этаётган пайтда кўплаб оғир турдаги курол-яроқларни тоғдаги ғорлардан бирига яширган. Буни ҳам аниқлашинг лозим. Ҳозир тоғларга қор тушган, баҳор келиши билан Эргаш албатта куролларни олиб ўтиш учун одамларини жўнатади. Ҳар икки топширик бўйича янглик бўлса, марказга жўнат!

Нотаниш йигит ёнидан доллар олиб қўлимга тутқазди.

– Ишончли ёрдамчилар!

У бошқа гапирмади ва ортига қайрилиб кетди...

Иккинчи китоб тугади.

МУНДАРИЖА

Юртда.....	3
Саманган	6
Тожикистон.....	8
Саманган	17
Чеченистон	24
Қасос	29
Москва.....	66
Саманган	69
Мозийга назар.....	73
Истанбул.....	77
Москва	83
Саманган	87
Юртда	90
Москва.....	110
Юртда.....	114
Яқин ўтмишга назар	117
Истанбул.....	122
Юртда	129
Истанбул.....	141
Юртда	147
Саманган	153
Юртда.....	160
Қасоскорлар	170
Душанбе.....	172
Юртда.....	177
Саманган	181
Юртда.....	192
Саманган	204
Юртда	210
Саманган	218

Адабий-бадiiй нашр
ИСОҚЖОН НИШОНОВ

**АФҒОН ШАМОЛИ
ҚОҶОН**

*Роман
Иккинчи китоб*

Мухаррир
Муҳайё РИХСИБЕКОВА

Мусаххих
Мадина МАҲМУДОВА

Бадiiй муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2016 йил 24.08да рухсат этилди.

Бичими 84х108 ^{1/32}.

Босма табоғи 7,0. Шартли босма табоғи 11,76.

Гарнитура «Peterburg». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 257.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Китоб матни «Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.

100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;

факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НАШРИЁТ-МАТБАА
МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ
ТАВСИЯ ҚИЛАДИ:**

Шарль Лоран

«НАПОЛЕОННИНГ ЖОСУСИ»

84x108 1/32, 288 бет

Юмшоқ муқова

Француз адиби Шарль Лораннинг мазкур асари ўқувчини XIX асрнинг бошлари – Наполеон Францияси даврига сайр эттириб, буюк саркарда Наполеон Бонапарт, жосус Карл Шулмейтер ва соҳибжамол Берта ҳамда улар қарамоғига олган, томирида қироллар қони оқаётган асранди бола Ганс каби қахрамонларнинг тақдири ва ички кечинмалари орқали урушнинг суронли онларига олиб киради.

Нафақат бадиий завқ, балки 1805 йилдаги Франция-Австрия ўртасидаги зиддиятларга оид тарихий маълумотлар билан етарлича танишиш имконини ҳам берувчи ушбу асар ўқувчининг суюкли китоблари қаторидан ўрин олади деб умид қиламиз.

Оноре де Бальзак

«ДАХРИЙНИНГ ИБОДАТИ»

84x108 1/32, 208 бет

Юмшоқ муқова

Оноре де Бальзак асарлари Европа адабиётининг гултожи саналади. Гобсек, Деплен, Горио Ота, Луи Ламбер – уларнинг ҳеч бири бир-бирини такрорламайди, улар қалбидаги муштарак мақсад, ички зиддиятлар, орзулар, борингки, адабиётнинг инсониятга кўрсатадиган хизмати нуқтаи назаридан бир-бирига жуда яқин. Мана шу ички кечинмаларни юракдан ҳис

этган Бальзак ўз асарларидан бирида шундай ёзади:
«Киши ҳақида ҳукм чиқаришдан олдин лоақал унинг
фикр-асрори, унинг бахтсизлиги, унинг хаяжонига
шерик бўлиш керак».

Қадрли китобхон! Агар Бальзак қаҳрамонларининг
ички кечинмаларини тушунмоқчи бўлсангиз, албатта,
ушбу асар мутолаасига шошилинг.

Жюль Верн

«РОБИНЗОНЛАР МАКТАБИ»

84x108 1/32, 304 бет

Юмшок мукова

Жаҳон мумтоз адабиётининг дарғаларидан бири,
буюк француз адиби Жюль Верн (1828 – 1905) тенги
йўқ саргузаштнавис, ўз замонасидан илгарилаб кетган
бетимсол фантаст эди. Мана, қарийб бир ярим асрдирки,
Верн асарларининг оддий ва халқчил, айна пайтда ўзида
мардлик, ирода ва садоқат каби юксак фазилатларни
муҷассам этган қаҳрамонлари жаҳон китобсеварларини
хаяжонга солиб келмоқда. Энди ўзбек китобхонлари ҳам
таниқли адиб буюк меросининг бир қисми бўлган «Музлар
исканжасида» ва «Робинзонлар мактаби» асарлари билан
танишиш имконига эга бўлдилар.

Жиддий саргузашт асар саналувчи «Музлар исканжа-
сида» қиссаси ёзувчи ижодининг илк даврида – 1855 йилда
ёзилган бўлса, комедик чизгиларга бой «Робинзонлар
мактаби» саргузашт романи 1882 йилда дунё юзини кўрди.

Турли тақдирлар, қаҳрамонлар ва фавқулодда ки-
зиқарли бурилишларга бой мазкур икки асар ўзбек сар-
гузашт ишқибозлари учун том маънода муносиб совға
бўлади деган умиддамиз.



3 330000 937110

126601

ИСОҶҶОН НИШОНОВ

АҶҶОН ШАМОЛ

ҚОҶҶОН

2



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN 978-9943-27-813-4



9 789943 278134